

ҲАМИД ЗИЁЕВНИНГ
ҲАЁТИ, ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИ
(1923-2013)



ЖИЗНЬ,
НАУЧНО-ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ
ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ
ХАМИДА ЗИЯЕВА
(1923-2013)

**ҲАМИД ЗИЁЕВНИНГ ҲАЁТИ,
ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

М. Абдурахмонов, А. Шарофиддинов, А. Умаров

**ХАМИД ЗИЁЕВНИНГ ХАЁТИ,
ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИ
(1923–2013)**

**ЖИЗНЬ, НАУЧНО-ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ
ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ХАМИДА ЗИЯЕВА
(1923–2013)**

Тошкент – 2013

УЎК 37(092) Зиёев

КБК 72.3 г

А 50

Абдурахмонов, М.

А 50 Ҳамид Зиёевнинг ҳаёти, илмий-педагогик фаолияти (1923 – 2013) = Жизнь, научно-педагогическая деятельность Хамида Зиёева (1923 – 2013) / М. Абдурахмонов, А. Шарофиддинов, А. Умаров; Ўзбекистон Республикаси фан академияси тарих институти. – Тошкент: ART FLEX, 2013. – 232 б.

ISBN 978-9943-345-67-6

Ушбу асарда 90 баҳорни қаршилаган таниқли олим Ҳамид Зиёевнинг узок ва машаққатли ҳаёти ҳақида сўз юритилади. Умрининг талай қисми совет даврида кечиб, аксарият қатори кўп азоб-уқубатларни бошдан кечирган олимнинг хотиралари қатта тарбиявий аҳамият касб этиши шубҳасиз. Унинг иккинчи жаҳон уруши, Ватан мустакиллигининг тикланиши ва буюк самараси бўйича келтирган маълумотлари диққатни тортмай қолмайди. Энг муҳими, асар олимнинг фаолияти Мустакиллик йилларидагина ниятда самарали кечаётганлигини ифодалаши билан эътиборлидир.

УЎК 37(092) Зиёев

КБК 72.3 г



ISBN 978-9943-345-67-6

© Ҳамид Зиёев, 2013

© «ART FLEX» нашрияти, 2013

КИРИШ

Таниқли олим, меҳрибон устоз ва маърифатпарвар инсон Ҳамид Зиёев қарийб олтинчи йилдирки бутун қуч-ғайрати, билими ва тажрибасини аямай, фан оламида хизмат қилиб келмоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор, Марказий Осиё тарихи бўйича йирик мутахассис Ҳамид Зиёев 1946 йилдан то шу кунгача Ўзбекистон фанлар академияси Тарих институтида уздуксиз ишлаб келаётган, ижоди серунум ва забардаст тарихчиларимиздандир.

Ҳамид Зиёев 1923 йил 15 июлда Тошкент шаҳрида туғилди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва ноғирони бўлишига қарамай, Тошкент давлат педагогика институтини битиргач, Ўзбекистон фанлар академияси Тарих институтининг аспирантурасида ўқиди. 1950-1954 йилларда ушбу институтда кичик илмий ходим бўлиб ишлади. 1953 йили Россия фанлар академияси Шарқшунослик институтида «Шарқий Туркистонда (Синцзянда) 1826 йилги халқ қўзғолони» мавзусида номзодлик, 1964 йили «XVI-XIX асрларда Ўрта Осиё ва Сибир» илмий асари бўйича докторлик диссертацияларини ёқлаб, юксак илмий даражаларга сазовар бўлди.

Унинг 1964-1996 йилларда Тарих институтининг «XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошларида Ўзбекистон тарихи» бўлимига бош бўлганлиги ва айни пайтда, 1965-1985 йиллар давомида мазкур институт директори-нинг илмий ишлар бўйича ўринбосари лавозимида хизмат қилганлигини илмий жамоатчилик яхши билади. Устоз бугун ҳам шу институтда етакчи илмий ходим сифатида самарали меҳнат қилмоқда.

Ҳамид Зиёевнинг кўп йиллик илмий фаолиятида Ўзбекистоннинг ўтмиши ва ҳозирги замон тарихи салмоқли ўринни эгаллайди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ноёб ва қилма-қил архив манбаларини қидириб топиш ва илмий муомалага киритишда олимнинг хизматлари бекиёс қатта бўлди. Бунини Ҳамид Зиёев изланишлар олиб борган қуйидаги архив масканларининг рўйхати орқали ҳам яққол кўриш мумкин:

- 1) Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архиви (Тошкент);
- 2) Россия қадимий ҳужжатлар марказий давлат архиви (Москва);
- 3) Россия тарих музейининг архиви (Москва);
- 4) Россия харбий тарих марказий давлат архиви (Москва);

- 5) Россия тапқи ишлар вазирлигининг архиви (Москва);
- 6) Россия марказий давлат тарих архиви (Санкт-Петербург);
- 7) Россия фанлар академияси архиви (Санкт-Петербург);
- 8) Россия фанлар академияси Тарих институти Санкт-Петербург филиалининг архиви (Санкт-Петербург);
- 9) Салтиков-Шедрин номли кутубхонанинг қўлёзмалар жамғармаси (Санкт-Петербург);
- 10) Қозоғистон Республикаси марказий давлат архиви (Олмаота);
- 11) Оренбург вилояти давлат архиви (Оренбург);
- 12) Татаристон Республикаси давлат архиви (Қозон);
- 13) Қозон давлат университети қўлёзмалар бўлими (Қозон);
- 14) Бошқирдистон Республикаси марказий давлат архиви (Уфа);
- 15) Екатеринбург вилояти давлат архиви (Екатеринбург);
- 16) Ирбит давлат архиви (Ирбит);
- 17) Тюмен вилояти давлат архиви (Тюмен);
- 18) Тоболск давлат архиви (Тоболск);
- 19) Тоболск ўлкашунослик музейи қўлёзмалар бўлими (Тоболск);
- 20) Омск вилояти давлат архиви (Омск);
- 21) Томск вилояти давлат архиви (Томск);
- 22) Томск давлат университети кутубхонасининг қўлёзмалар бўлими (Томск);
- 23) Перм вилояти давлат архиви (Перм);
- 24) Нижний Новгород вилояти давлат архиви (Нижний Новгород);
- 25) Астрахан вилояти давлат архиви (Астрахан).

Ҳамид Зиёев кўп йиллар мобайнида Россиянинг турли чеккаларида жойлашган 20 дан ортиқ архивда ишлаб тўплаган ҳужжатларнинг деярли ҳаммаси илмий ишларга ҳалигача жалб этилмаган ноёб тарихий маълумотлар эди. Шу асосда у ўзининг бутун фаолияти мобайнида ўзбек халқи, умуман минтақамиз тарихи бўйича йирик асарларни тайёрлаш ва нашр этириш ишига муносиб ҳисса қўшди. Ўзбекистон ва Шарқий Туркистон (Кошғар) тарихига бағишланган кўплаб ишларни чоп этишга муваффақ бўлди. Ўнлаб илмий асарларга масъул муҳаррирлик қилди ва хайъат аъзо-си сифатида ҳам муаллифларга катта ёрдам берди.

Тарих институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари лавозимида ишлаган йигирма йилдан ортиқ вақт ичида илмий-ташкилий ишларни таъминлаб турди, фан номзодлари ва докторларини тайёрлашга катта аҳамият берди. Унинг бевосита раҳбарлигида етишган фан номзодлари ва докторлари эндиликда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Қўқон, Наманган, Қарши, Термиз, Хоразм, Москва, Бишкек, Қозон, Олмаота ва

бошқа жойларда фаолият кўрсатмоқдалар. Олим моҳир педагог сифатида ҳам хурматга сазовор бўлди.

XX асрнинг 50 йилларидан бошлаб у олий ўқув юрғларида талабаларга Греция, Рим ва Қадимги Шарқ ҳамда Марказий Осиё тарихи бўйича маърузалар ўқиб келди.

Кўп йиллар давомида тарих фани бўйича номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимояси бўйича ихтисослаштирилган илмий кенгашлар аъзоси сифатида фаолият юритиб, юқори малакали илмий кадрлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшди. Республика ва халқаро миқёсдаги илмий анжуманларда қилган маърузалари илмий жамоатчиликда эътибор қозонди.

Ҳамид Зиёевнинг фаолияти бир-бирига зид бўлган икки давр — собиқ совет давлати ҳукмронлик қилган ҳамда Мустақиллик йилларида кечди. Советлар замонид яратилган асарларда ҳукмрон коммунистик мафкура тазйиқи ва таъсири яққол намоён бўлганлиги сабабли уларни танқидий қўз билан ўқиш зарурлиги табиийдир. Аммо бу мазкур даврда яратилган илмий меросда қимматли маълумотлар ва тўғри фикр-мулохазалар йўқ дегани эмас.

Кези келганда, Мустақиллик шарофати билан яратилган тамомла янги шароитда устоз ўз ишларини қайта кўриб чиқиб, тарихни ҳолис ёритишга ҳаракат қилганлигини ҳам қайд қилиш лозим. Натижада, Истиклол йилларида унинг кўплаб сермазмун китоб, рисола ва мақолалари чоп этилди. Халқимизни озодлик, эркинлик, ватанпарварлик, мардлик ва жасоратга, юртимиз раҳбарияти атрофига янада қаттиқроқ жипслашишга даъват этувчи ишлари дунё юзини кўрди. Радио ва телевидение орқали ҳам олим бу оташин ғояларни тарғибот қилди.

90 ёшга эсон-омон етиб келиш, устига-устак ҳамон ижод қаламинини қўлдан туширмай илмий, маърифий фаолиятни жўшқин давом эттириш осон эмас, албатта. Аждодлар, устозлар, турмушнинг кўплаб аччиқ-чучугини бошдан кечирган инсонларнинг умри доимо ибратли бўлиб келган. Шу боисдан ҳам биз шогирдлари Ҳамид Зиёевнинг 90 йиллигига бағишланган ушбу асарни устознинг ўз ҳаёт йўли ҳамда илмий фаолиятига оид эсдаликлари ва мулохазалари билан бошлашни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

БОЛАЛИК ВА ЁШЛИК ЙИЛЛАРИМ (1923–1941)

Отам Мулла Зиёнинг падари бузруквори Аҳмад бувам 1832 йили туғилган бўлиб, баланд бўйли, оқ-сарикдан келган ва серсоқол киши бўлган экан. У бўзчи оиласидан бўлиб, газлама тўқиш билан шуғулланган. Мустамлака даврида маҳаллий тўқимачилик касодга учраганидан кейин эса асосан боғдорчилик ва гузардаги дўконда баққолчилик қилган. Уддабурон бўлганлиги туфайли эллиқбоши лавозимида Бешоғайни маҳалласини бошқариш ва ободонлаштиришда фаол қатнашгани ҳам маълум.

Аҳмад бувамнинг рафиқаси Наъра исмли бувим унга ўхшаган баланд бўйли, кўриниши оқ-сарик ва юзидан нур ёғилиб турадган аёл эди. Уни бувамга унаштиришганда, айрим аёллар «сени хунук йиғитга беришяпти» деганлиги бонс. Бувим ишонч ҳосил қилиш учун паранжида гузарга бориб, дўконда ўтирган бувамни обдон кўриб, ундан баъза нарсаларни харид қилган. Қарасаки, жуда хушмуомила ва келишган йиғит экан. Ўша вақтларда қизларнинг куёвни тўйдан аввал кўриши ғайритабиий ва уят ҳисобланишига карамай, бувим жасоратли бўлганлиги учун ҳам шунга жазм этилган.

Ўз даври ўзбек аёлларининг тимсоли бўлган бувимнинг жасорати ва мардлиги ҳақида кўп гаплар эшитганман. Айтишларича, бир куни тунда ўз боғида болалари билан ёлғиз қолган бувим кечаси ўғрилар бостириб қирганда ўзини йўқотмай болта билан уларга ташланмоқчи бўлган. Ўғрилар бувимнинг бундай қилмишидан ҳайратланиб, кула-кула боғдан чиқиб кеттишган экан.

Наъра бувим эрининг ҳурмати ва парваришини ҳам ўрнига қўядиган ғоятда меҳрибон аёл бўлган экан. У ҳар жума куни бувамнинг соқоли ва бошига катик суриб, ювинтириб, сўнгра тоза кийимларни кийинтириб масжидга кузатар экан.

Бувим маҳаллада бетоб кишиларга кинна солиш, уқалашга усталлиги билан ном чиқарган эди. У вақтларда шаҳарда шифокорлар жуда оз бўлиб, одамлар дардга чалинса, дарҳол кинначиларга чопган. Бувим нотикликда тенги йўқ аёл ҳисобланиб, ёддан шеър, мақоллар айтарди, ўзи ҳам шеър тўқирди. Унинг муомала маданияти юксак даражада бўлганлиги сабабли аёллар у билан узок суҳбатлашиб, кеч бўлганини ҳам билмай қолардилар.

Мен эса уларга чой ташиб турардим. Аёллар бувимнинг кулгили сўзларини унинг ўлимидан кейин ҳам узоқ вақтгача эслаб юрганларига гувоҳ бўлганман.

Бувим 18 та фарзанд кўрган, улардан беш нафари яшаб қолган, қолганлари дардга чалиниб вафот этиб кетган. Унинг Рихси, Хосият, Хошия, Зиё ва Ойниса сингари фарзандлари узоқ умр кўрдилар. Отам 1885 йили туғилиб, 1963 йили дунёдан кўз юмган. У новча, қомати келишган ва пкки юзи кизил рангли эди. Ниҳоятда камгап бўлиб, хазиллашиш ва беҳуда кулишни ёқтирмасди. Мадрасани тугаллаб билимли шахс бўлгани учун Мулла Зиё деб чақирдишарди. Араб ва форс тилларидаги китобларни ўқирди. Совет даврида динга қарши аёвсиз кураш кетаётганида кўп китобларини яширишига тўғри келган, лекин буни ҳеч кимга айтмаган. Отам маълумоти бўйича дин пешвоси бўлиши керак эди. Бироқ совет давридаги шароитга кўра боғимизда дехкончилик билан шуғулланган. Аммо 1934 йили қолхозлаштириш даврида боғимизнинг тортиб олинishi оилани даромад манбайидан маҳрум қилган. Бунга чидай олмаган бувим дераза тоқчасига ўтириб йиғлар, ҳукуматни қарғаб, жаннатдек боғимизни «калхат» тортиб олди, босқинчилар дўзахда ёниб қуйсин, энди қандай қилиб тирикчилик қиламиз, мазмунида деганлари ҳамон эсимда. У қолхоз сўзини тўғри айтолмай «калхат» дерди. Қайғу-аламларга чидай олмаган бувим узоққа бормади, шундан кўп ҳам ўтмай миясига қон қуйилиб вафот этди.

Онам Зебинисо 1894 йили Лабзакдан бошланиб Себзорга уланадиган Қози кўчада дунёга келган. Унинг отаси Шорасул бувам 1840 йили туғилиб, 1950 йили 110 ёшида вафот этган. У қорачадан келган, бўйи пастрок киши эди. Бир неча маротаба уйланган. Кейинги хотинидан менинг онам ва унинг опа-сингиллари Фотимахон, Роҳатхон, укалари Қодир, Ғофур ва Собир туғилган. Бундан ташқари, онамнинг ота бошқа, она бир Раҳим акаси ва Тожи акаси ҳам бор эди. 1865 йили Россия Тошкентга харбий хужум уюштирганда шаҳар химоячилари сафида душманга қарши урушган Шорасул бувам ўз даврининг илғор кишиларидан ҳисобланиб, «Шорасул фаранги», яъни европалик Шорасул номи билан машҳур бўлган. Нега деганда, у тикув машинаси ва соат тузатиш, қилч ясаш, қалити йўқолган пўлат қути ва сандиқни очиш, дилижон (извош) қуриш, оёқ кийим тикиш, умуман, ҳар қандай ҳунарни эпловчи тенги йўқ уста сифатида обрў қозонганди. Унинг отаси Ҳидоят мадрасада дарс берган. Бувамнинг арабча, форсча ёзилган китобларни бемалол ўқиганини кўрганман.

Онам онасидан эрта етим қолиб, укаси Собир ва синглиси Роҳат жуда ёшлиги сабабли уларга ўзи қараган, шу боис балоғат ёшига етгач, турмушга чиқиши бир оз чўзилган. У 22 ёшида ҳам ҳали оила қурмаганлиги туфайли ўша давр нуктаи назаридан «қари киз» ҳисобланган. Уни отамга унаш-

тирганларида одамлар, Шорасул ака, нима учун ойдек кизингизни хотини ўлган кишига бераётирсиз, деб сўрашганида бувам, «мулло бўлди, тилло бўлди» нақлини эшитмаганмисиз. куёвим мадрасада ўқиган саводли ва обрўли одам, деб жавоб берганлиги зиёли кишилар ҳамма даврларда ҳам жуда қадрланганлигидан далолат беради.

Онам Зебинисо меҳнатқаш, тиниб-тинчимас ва меҳрибон эди. Мен ундан туғилган тўртинчи фарзанд эдим. Тўхта акам 1916 йили, Тожи акам 1921 йили таваллуд топганлар. Бу иккаловининг ўртасида туғилган ўғил вафот қилган, синглим Нафиса 1929 йили, укам Лутфулла 1932 йили дунёга келганлар.

Мен туғилиб ўсган Лабзак кўчаси ҳозирги Семашко номли сихатгоҳдан бошланиб, Абдулла Қодирий боғининг ён бағри бўйлаб Эски жувадаги катта кўчага уланарди. Кўча бўйлаб кўплаб маҳалла, масжид, сув тегирмонлари бўлар эди. Бизнинг Бешоғайни маҳалламизда Норматбойваччанинг хашаматли уйи ва боғи жойлашган эди. Коммунистлар ҳокимияти ўрнатилгач совет давлати уни тортиб олган ва Островский номли пионерлар саройига айлантирган. Ҳозирда эса унинг ўрнида замонавий академик лицей кад ростлаб турибди. Шу ердан сал пастда чоризм даврида станок билан ишлайдиган «ўрус тегирмони» жойлашган эди. Унинг ўнг биқинида жувозлар, яъни маҳаллий тегирмонлар бўлган. Кейин унинг ўрнига чойхона қурилди. 2013 йили барпо этилган Қозоғистон элчихонасининг худуди айнан шу ерга тўғри келади.

Ҳозирги Лабзак кўчасидан Себзор кўчасига олиб борадиган йўлнинг ўнг тарафида аввал Қошиқчи, сўнг Бешоғайни маҳалласи жойлашиб, кейин Чувилдоқ маҳалласи келарди. Маҳалламизнинг рўпарасида, йўлнинг чап ёқасида Ҳовузли ва Каптатай маҳаллалари бор эди. Лабзак ариғининг нариги томонида фойдаланмай ётган эски қабристон колдиги ҳам Каптатай маҳалласига тўғри келарди. Илгарилари Лабзак кўчаси мана шу қабристоннинг бош томонидаги кўприкдан бизнинг маҳалла кўчасига бурилиб, мазорнинг оёқ тарафидаги кўприк орқали тўғри йўлга уланган экан. «Ўрис тегирмони» қурилгандан кейин мазорнинг ўртасидан янги йўл очилган. Натихада Лабзакда бурилиб қўрилган тўғри кўча ҳосил бўлган. Мана шу тегирмоннинг орқа томонида жойлашган Қоҳ ота маҳалласидан «ўрис тегирмон»нинг ичи орқали тилга олинган академик лицейнинг ўнг биқини бўйлаб Лабзак ариғи ўтган эди. Ўз вақтида бу ариқ анча катта ва чуқур бўлиб, қалла ташлаб чўмилардик. Юқорида тилга олинган эски мазорда ернинг юзига кўмилган мурдалар ва усти гишт билан қопланган гўрларни кўрганман. Уларнинг тешиқларидан одам суяклари кўринарди. Мазорнинг кўприкка тақалган жойида баҳайбат сада дарахти бўлиб, унда кўкиш рангли ёввойи каптарларнинг ичи бор эди. Кўнчилар бу ерга келиб, терини ошлашда фойдаланиш учун каптарларнинг ахлатини олиб кетар эдилар.

Махалламизнинг ўрта қисмида Ёкубжонхожи томонидан қурилган масжид савлат тўкиб турарди. Унинг сал пастроғида Лабзак ариғи Ёкубжонхожи маблағи ҳисобига қурилган тўғон билан тўсилган бўлиб, шу ердан тахминан 20-25 метр узунликдаги қалин тахтадан ишланган Опар тарнов бошланарди. Ундан сув шовқин-сурон билан пастга окқан. Бу ердаги қўлтиқларда балиқ жуда сероб бўлиб, одамлар сувга тушиб, қўли билан балиқ овлаган. Опар тарновнинг паст томонидаги майдонда Ёкубжонхожигга тегишли жувоз ва тегирмон қурилганди. Бу ернинг рўпарасидаги Эролхожи ака уйининг биринчи каватида электр токи билан ишлайдиган кичкина пахта тозалаш заводи бор эди. Қўшнимиз Толиб аканинг Қўчқор исмли ўғли бу ерда ишлаётганида ток уриб ўлган. Уни кўрпачага ўраб олиб келишгани ҳамон кўз ўнгимдан кетмайди.

Бешоғайни маҳалласида бешта берк ва тор кўчанинг учинчисида яшганмиз. Қурама номли бу кўчанинг эни 2-3 метрдан ошмай, унинг икки томони бўйлаб йиғирмата хонадон жойлашган. Кўчанинг бошланишида мархум Чиннибой аканинг уйи бўлиб, бўйи тахминан ўн метр, эни эса беш метр келадиган мехмонхона, бир нечта хона ва айвонни ўз ичига олган. Хоналарнинг шиғти жуда безатилган, атрофи ганждан кубба қилиб ишланган. узум, олма, нок шакллари ўзига хос ранглар билан бўялган ҳолда ёпиштирилган эди. Кеч куз ва кишда, қолаверса бошқа вақтларда ҳам ўша хоналарда улфатлар «гап» ва «тўкма» ташкил қилганлар. «Тўкма»да кундузи гўшт ва ҳамир тўғралиб, норин тайёрланган, кечга бориб мехмондорчилик кизгин тус олган. Аскиячилар, ҳофиз ва машшоқлар ҳам катнашганлар.

Чиннибой ака кўчанинг тепасига ҳам катта мехмонхона қурдирган. У асосан Россия ва Қошғарда ишланган чинниларни сотиш билан бойиган экан, шунинг учун уни Чиннибой дейишган.

Бешоғайни маҳалласи шаҳардаги энг кўркем жой ҳисобланиб, ариқнинг икки четига тол, терак, кайрағоч ва бошқа серсоя дарахтлар экилган. Ариқ суви тўлиқ окқан. Ёзда салқин жойларда одамлар дам олишлари учун сувнинг устига тахтадан супалар ишланган. Кўчага ҳар куни сув сепиб ва супириб турилган. Бу ишни маҳалла қоровули бажарган. Шунингдек, у кечаси кўчаларни айланиб юрган.

Мен 1929 йили Лабзакнинг Раис кўчасида жойлашган тўрт йиллик мактабга ўқишга кирдим. Мактаб биноси пишиқ ғиштдан ишланиб, ҳашаматли 4-5 хона ва катта айвондан иборат эди. У аслида ўша кўчалик бой савдогар Ҳакимбоевнинг уйи бўлиб, уни ҳам совет давлати тортиб олган. Мактабнинг ёнидаги эски ховли хоналарида ҳам болалар ўқирди. Афтидан, бу жой ҳам ўша савдогарники бўлган бўлса керак. Ўша бошланғич мактабда ўқиётганимда одамларнинг юрак-бағрини тилка-пора қилган фожеали воқеанинг гувоҳи бўлганма.

Колхозлаштириш жараёнида дехкончилик харобага учраб, пахтачиликка каттиқ зарба берилиши туфайли Россия тўқимачилик саноати учун пахта хом ашёси етмай иш тўхтаб қолгани боис ўзбек хонадонларидаги кўрпа ва кўрпачаларнинг ичидаги пахтани ажратиб давлатга топшириш ҳақида кўрсатма берилган. Шундан кейин маҳалла фаоллари ва милиция ходимлари биргаликда уйма-уй юриб, кўрпа ва кўрпачалардаги пахтани зўравонлик билан тортиб олишган. Қаршилик кўрсатган кимсалар каттиқ жазоланган. Мактаб болалари ҳам ўша ишга жалб қилинган эди. Уларнинг орасида мен ҳам бор эдим. Бизга кўрпа ва кўрпачаларнинг ипини сўқиш ва пахтасини ажратишни буюришган.

Кўрпа ва кўрпачани бекитган одамларнинг уйида тинтув ўтказилганлиги ва улар билан тўқнашув бўлганлигига ўзим гувоҳ бўлганман. Кўрпасиз ва кўрпачасиз қолган оилалар совуқ тушганда азобукубатларни бошдан кечирганлар. Одамлар кўрпанинг ўрнига устиларига пўстак, эски намаг ёки шолча ёпганликлари ҳақида гаплар қулоққа чалинганди. Пўстак кўрпача ўрнида ҳам фойдаланилган.

Менинг отам кўрпа ва кўрпачани болохонадаги сомон ва ҳашакнинг тагига бекитгани учун биз совуқда қийналмадик. Қоронғу тушганда уларни болохонадан олиб тушиб, эрта тонгда яна ўша жойга бекитардик. Чунки кундузи маҳалла фаоллари ва милиция бостириб кириши турган гап эди. У вақтларда милиция шу даражада дахшатли бўлган эдики, ота-оналар болалари шўхлик қилганларида, ана, милиция келяпти, деб кўрқитардилар.

Тўртинчи синфни битирганимиздан кейин Лабзак ва Себзор кўчалари кесишган, Қоратут маҳалласидаги Улуғбек номи 16-ўрта мактабга катнай бошладик. Мактабнинг ҳовлиси ва хоналари анча кенг, ўқишга мослаштирилган бўлиб, билишимча, XIX аср охирида рус-тузем мактаби учун махсус қурилган. У вақтларда олий маълумотли ўқитувчилар жуда оз эди. Шунга қарамай, ўқитувчилар қўлдан келганча ўқитиш самарадорлигини оширишга эътибор берардилар. Болалар ямоқ қийим ва дўппида мактабга катнардилар. Менинг ўзим ва ўртоқларим сентябр, ҳатто октябр ойларида ҳам мактабга оёқяланг катнардик. Ҳозиргидек махсус папка тутиш ва ясанган ҳолда ўқишга бориш тушга ҳам қирмаган. Одатда, эски қийимларнинг қолдигидан тикилган халтага ўхшаш жилдга китоб-дафтарлар ва бир бурда нон солинарди. Ҳар бир ўқувчи снэхдон ва пероли ручкани ўзи билан олиб юрарди. Баъзида камбағал оилаларнинг болалари очликдан ҳушидан кетган вақтлари ҳам бўларди. Улардан бири мени ён қўшим ва ўртоғим Ҳожимурод эди.

Биздан 2-3 ёш катга Омонулла Файзуллаев математика, физика ва астрономия фанларидан дарс берарди. Уни ҳаммамиз катта қизиқиш билан тин-

глардик, чунки хали анча ёш бўлшига карамасдан ўз касбининг билимдонни эди. У кейинчалик катта олим, фан доктори ва профессор бўлиб етишди, узок йиллар самарали меҳнат қилиб, 80 дан ошиб вафот этди.

Совет даврида болаларни коммунистик руҳда тарбиялаш, партия ва совет давлатига сифинтириш мақсадида мактабларда комсомол ва пионер ташкилотлари тузилган, болаларни ҳукмрон мафкура ва партияга садоқатли қилиб етиштириш мактаб раҳбари ва ўқитувчиларнинг асосий вазифаси ҳисобланган. Партия ва И.В.Сталинга кўр-кўрона сажда қилиш ниҳоятда авжига чиққанди. Шунингдек, болаларни атеистик, яъни худонини инкор этиш руҳида тарбиялашга катта аҳамият берилган. Отамнинг сўзинча, 1928 йили И.В. Сталиннинг динни тақиқлашга оид қарори асосида маҳаллаларда «дўшнинг ол деса, бошни оладиган» кишилар биринчи навбатда дин пешволарининг уйларига бостириб кириб, тинтув ўтказганлар, уларнинг мол-мулкни давлат фойдасига мусодара қилганлар. Куръон ва бошқа ҳар қандай диний адабиёт, шу билан бирга араб алифбосида битилган тарихий ва бадиий китоблар ёқиб юборилган.

Ҳукумат қарорига норозилик билдирганлар қамалган, отилган ёки сургун қилинган. Масжид ва мадрасаларнинг кўпи бузиб ташланган. Хувиллаб қолган масжидлар эса омборларга, ташкилотлар иш жойларига айлантйрилди. Бизнинг Бешоғайни маҳалламиздаги масжидга Россиядан кўчириб келтирилган кишилар жойлаштирилди. У ерда хожатхона ҳам қурилди. Бундай ваҳшийлик ва келгиндиларнинг ичкиликбозликлари, шовкин-сурони аҳолини нафратлантирарди. Қаршилик кўрсатганлар эса келгиндилар томонидан қалтақланарди.

Хуллас, динсиз жамият ташкил қилиниб, минглаб одамлар унинг қурбони бўлди. Мана шундай дахшатли ҳолат ҳукм сураётган вақтда, яъни 1933 йили бутун мамлакат бўйлаб, шу жумладан Тошкентда очарчилик балоси юзага келди. Мен бу вақтда 10 ёшли бола эдим. Одамлар бир бурда нонга зор бўлиб, очликдан шишиб кетган эдилар. Кўчаларда деярли ҳар қадамда мурдалар ётарди. Уларни милиция аравага ортиб, кабристонга олиб кетганини кўрганман. Мурдалар ўз кийимларида, яъни кафансиз дафн этилганлигини эшитганман. Айниқса Қозоғистондан келган кишилар нон излаб шаҳар бозорлари ва кўчаларда ёш болалари билан садақа сўраб юрардилар. Уларнинг кийим бошлари ва юриш-туришлари шу даражада ачинарли ҳолатда эдики, кўрган одамнинг раҳми келиб, кўзи ёшга тўларди. Ўзбеклар оғир шаронгга карамай, қон-қариндош бўлмиш қозоқларни уй-жой ва озиқ-овқат билан таъминлашга ҳаракат қилдилар. Ҳатто ўзбеклар ота-онасиз, кўчаларда хор бўлиб юрган қозоқ болаларини ҳам фарзандликка қабул қилгандилар.

Ўзбекларнинг боғларидаги турли-туман ҳўл мевалар, кншда эса туршак, майиз, ёнғок, жийда, олма қоки, шафтоли қоки, нок қоки, қовун қоки, тут қоки ва қуритилган бошқа мевалар аҳолининг оммавий кирилишдан сақлаб қолди. Нон ўрнига жўхори унига қовоқ ва сут аралаштирилиб тайёрланган зоғора нон истеъмол қилинган. Бу хилдаги нон дағал, ютуми ва хазм бўлиши жуда кийин бўлса-да, лекин очарчиликда жуда ширин туюлган ва маза қилиб ейилган. У бозорда ҳам нонвойлар томонидан сотилган. Қунларнинг бирида оч йигит зоғора нонга ташланиб, оғзига солганида нонвойлар уриб йикитишган. Шундай вазиятда ҳам йигит бошини қўли билан чангаллаб оғзидагини чайнайверган. Одамлар йигитни роса дўшпослашган. Оғзидаги нонни ютиб бўлганидан кейин қочаётган йигит йиқилиб, хушидан кетган. Бунни кўрган нонвойлар жажлдан тушиб, йигитдан узр сўраб, уни уйларига олиб кетишган. Менга бу воқеани унга шахсан гувоҳ бўлган танишим гапириб берган эди.

Очарчилик йилларида турли касалликларнинг оммавий тус олиши оқибатида кўплаб одамларнинг ёстиғи қуриди. Совет давлати 1933 йилги очарчиликдан фойдаланиб қолиш мақсадида Эски жува бозоридаги қутубхонанинг ёнида ун, макарон ва бошқа озик-овқат маҳсулотлари билан савдо қиладиган ёпик дўкон очди. У ердаги маҳсулотлар фақат олтин буюм ва тақинчоқлар эвазига берилиши аҳолига маълум қилинди. Ўша вақтларда одамларда асрлар мобайнида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган узук, билакузук, тиллақош, зебиғардон, қўлтиқ тумор, соч тумор ва бошқа зеби-зийнатлар оз эмасди. Улар очликдан ўлмаслик учун олтин буюмларини мазкур дўконга топширишга мажбур бўлганлар. Бу жуда қимматли нарсалар эвазига арзимаган озик-овқат маҳсулотлари берилган. Мен онам билан иккита қалин билагузук ва бир жуфт зиракни дўконга топширганимизда икки халтада ун ва гуруч олганмиз. Онамнинг нафрати қўзиб, норозилигини билдирганида уни «қамаласиз!» деб қўрқитишди. Уйга қайтаётганимизда йўлда онам совет ҳукуматини қаргаганини ҳамон унутганим йўқ. Мен ҳам қаттиқ хафа бўлиб, ҳукуматни сўкканимда эса онам мени юпатган эди.

Қайнонам Ҳофиз Кўйкий маҳалласидаги¹ машҳур Усмонхожи бойнинг невараси бўлган ва бинобарин унга онасидан қатта ҳажмдаги олтин буюм ва бошқа қимматли нарсалар мерос сифатида теккан. Ўша

¹ Ҳофиз Кўйкий маҳалласи Тошкентнинг қадимги маҳалларидан бўлиб, XVI асрда бу ерда яшаб ўтган машҳур аллома Ҳофиз Кўҳакий номи билан боғлиқдир. Мирзо Улутбекнинг шогирди Али Қушчининг набираси бўлмиш Ҳофиз Кўҳакий замонасининг иқтидорли олпин ҳисобланиб, тарих, араб тили ва грамматикаси, мантқиқ, ҳуқуқшунослик ва диний илмлар билан шугулланган ва бу борада қатор асарлар битиб қолдирган.

қаҳагчилик вақтида қайнонамнинг қайноғаси очликдан ўлганда дафн қилишга маблағ топилмагани боис турли олтин тақинчок, дурлар билан тўлдирилган кичкина сандикча дўконга олиб борилганда эвазига олинган маҳсулот майитни дафн этишга ва бир маротаба тўйиб нон ейишга етган экан, холос.

Дўконга топирилган зираклардан айрилган аёллар қулоқларидаги тешиклар битиб қолмаслиги учун ип тақиб олишган, улар кейин ҳам зиракка ёлчимай, қайғу-аламда дунёдан кўз юмдилар.

Хуллас, 1928 йилдаги динга қарши қаратилган қарор, сўнгра юз берган қаҳагчилик мисли кўрилмаган даражада қатта маънавий ва моддий талофатларни келтирди. Минглаб оилаларнинг хонавайрон бўлиши билан бир қаторда юз минглаб одам ҳаётдан бевақт кўз юмди.

Партиянинг 1930 йилдан бошланган қолхозлаштириш сиёсати ҳам халқнинг бошига даҳшатли қулфатлар солди. Қанчадан-қанча одамларнинг ажойиб боғлари зўравонлик билан тортиб олинди. Минглаб дехконлар қулоқ қилиниб, мол-мулки таланди. Қишлоқлардаги хўжаликлар издан чиқиб, қашшоклик ва ҳақсизлик ҳукм сурди. Шаҳар аҳолисига тегишли боғлар ҳам сурбетларча тортиб олинди. Ўша кезларда ҳозирги Чилонзор, Жарарик, Шифокорлар шаҳарчаси, Талабалар шаҳарчаси, Қорақамши, Юнусобод, Шўртепа, Қўйлик ва бу ердан вокзалгача чўзилган бепоён ерларда шаҳарликларнинг ажойиб боғлари бўлган. Шаҳарликлар оила аззолари билан эрта баҳорда кўчиб кетиб, кеч кузда шаҳарга қайтардилар. Бизнинг ҳам ёзги далаҳовлимиз, яъни боғимиз бўлиб, жойлашуви ҳозирги Ботаника боғининг этак томонига тўғри келади. Унинг узунлиги тахминан 250 ва эни 200 метр бўлиб, боғда меваларнинг барча турлари, хусусан хусайни, ингичка бармоқ хусайни, чарос, даройи, буваки, қатқакўрғон, эчкимар, оқ ва қора кишмиш, оқ ва қора чиллаки узумлар, нок, олма, шафтоли, ўрик, гилос, беҳи, тут, сариғ ва қизил тоғолча, жийда, ёнғок дарахтлари яшнаб турарди. Ўша узумларнинг кўп тури совет даврида йўқолиб кетди. Боғнинг бир чеккасидаги икки қатор экилган хишча теракларнинг баргларида киншини эркаловчи майин шамолнинг овози эшитилиб турарди. Раҳматли Наъра бувим пешинда кун исиб кетганида теракнинг тагига кўрпача ташлаб, мириқиб ухларди. У, терак баргларининг ёқимли шивир-шивир овозидан ором оламан, дерди.

Қатта-кичик ҳаммамиз боғда тинимсиз ишлардик. От, сиғир, қўй ҳам боқиларди. Полиз экинлари учун ажратилган ерда қовун, тарвуз, қовоқ, бодринг, туруп, қулупнай, укроп, кашнич етиштирилган. Помидор ва кўк рангли қарам кўпроқ русларга сотиш учун экилган. Ўзбеклар помидор, қарамни ҳали истеъмол қилишга одатланмагандилар. Қулупнай, гилос, ўрик, чиллаки узум кетма-кет пишгандан кейин бозорга чиқариларди. Боғимиздан

олинган хосилни отам ва Тўхта акам гилдираги катта қўконаравага юклаб, Олой бозорида сотишарди.

Боғдаги барча ишлар қўл меҳнати билан бажарилганлиги сабабли қўлларда қадоклар пайдо бўларди. Оёқ-яланг юриш туфайли товон ва бошқа жойлар ёрилиб, котиб кетарди. Аммо баҳорда дарахтлар ялписига гуллаб, майин шамол эсиб турганда киши ўзини худди жаннатда тургандек сезарди. Мусаффо ҳаво ва ажойиб манзара кишига куч-қувват ва завқ бахш этарди. Булбул ва майна сингари қушларнинг ўта ёқимли сайрашлари одамни янада шодлантирарди. Ғуррак, сассиқ попишак, читтак, каркинок каби гўзал қушлар ҳам кишини қувонтирарди. Совет даврининг кейинги йилларига келиб, улар тамомила кўзга кўринмай қолди. Афтидан «афгон қушлари» уларнинг инидаги тухумларини чақиб, қуритдилар.


Боғда узумларга ўч чуғурчуқларнинг галаси кўп ташвишлантирарди. Биз болалар тартаракни айлантрииб ва овозини чиқартириб, уларни ҳайдардик. Боғимизнинг ўрта қисмида тўрт тарафи ўралган қўрғон қурилган бўлиб, иккинчи каватнинг уч томони очик эди. Бу ердан қўшни боғларнинг ҳам ажойиб манзараси кўзга ташланарди. Тунда у ерда тинимсиз эсаётган майин шамол мириқиб ухлаш ва тиниқиб дам олиш имконини берарди. Эрта тонгдан то кечгача боғда оғир меҳнат қилиб чарчаган деҳқонлар кеч соат 9-10 лардаёқ ухлашга ётардилар. Ҳамма ёқда қоронғилик ва жимжитлик ҳукмрон эди. Чунки у пайтларда электр чироғи бўлмаганлиги туфайли керосин лампадан тежаб фойдаланишларди. Шаҳар атрофини қуршаган боғлар шу даражада кўп ва обод эдики, урушдан олдинги йилларда етиштирилган хосилнинг маълум қисмигина сотиларди. Харидорлар асосан «янги шаҳар»даги рус ва бошқа миллат вакиллари ҳисобланган. Тўғри, узум, олма, қовун ва тарвуз поездларда Россияга олиб кетилган. Бирок бу фойдали иш етарли даражада ривожланмади. Ҳар тарафдан шаҳарга меваларнинг кўплаб келтирилиши нарх-навоининг арзонлашишига сабаб бўлган. Ҳатто бозорда сотилмай қолиши сабабли узум, олма, қовун ва бошқа нарсаларни ташлаб кетилганлигини ҳам эшитганман. Отам ва акам сотилмай қолган маҳсулотларни қайтариб келганларида узумларни майиз ва қовунларни қоқи қилганимиз ҳамон ёдимда. Боғдорлар бозорлардаги рақобатни ҳисобга олиб меваларнинг энг сифатлисини у ерга келтирганлар. Шунинг учун ҳам «боғдон узумнинг яхшисини сотади, ёмонини эса ўзи ейди» деган нақл бежиз айтилмаган.

Бир кун эрта тонгда боғда қичкина ховузнинг бўйида катта тоғорада чанг босган узумларни кўрдим. Уни бозорга олиб кетилишини биллиб, чанги тозаланса, харидорларга яхши кўринади, деган ҳаёл билан узумларни сувда чайиб тозаладим. Шу пайтда отам келиб, хайрон бўлди ва «ўғлим, нимага бундай қилдинг, харидорлар, тарозини боссин, деб узумни сувга

бўктирибди, дейишади-ку! Биз учун бундай таънани эшитиш номус!». Мен жуда хафа бўлиб, кечирим сўрадим. Узум бозорга олиб борибмай, майиз килинди. У вақтларда тарозидан уриш жуда қаттиқ гувоҳ ҳисобланиб, бозорда тортилган маҳсулотга яна қўшимча «сийлов» деб тарозига ортиқчароқ ташланарди. Яъни боғдорларнинг жуда яхши одати бўйича қўшиб берилар эди. Мевалар пишиб, ҳосил терилганда шаҳарда яшовчи ночор қўшни ва қариндошларга юбориларди. Шахсан мени ўзим обкашга илтиган иккита челақдаги узумни елкамга қўйиб, кўп маротаба шаҳарга ташиганман.

Кеч кузда ёз бўйи етиштирилган ҳосилдан олинган арзимаган маблағ, курук мева, ковок ва пиёз, ўтин, хашак ва беда араваларда шаҳардаги хувиллаб ётган ҳовлига бир неча кун мобайнида ташиларди. Уларнинг барчаси баҳоргача зўрға етган. Декабр, январ ва феврал ойларида шаҳар бозорларида курук мевалар қопларда сотилган. Уларнинг кўплигидан ва харидор камлигидан бир қисми сотилмай қоларди. Бир йили эрта баҳорда отам боғга қўчишимиз арафасида, курук мевалар солинган 6 та катта қопни бўшатинглар, ёзда қуртлайди, дедилар. Шунга кўра тўрт қопдаги курук мевани боғлари йўқ қўшниларга улашдик, қолганини Лабзак ариғига оқиздик.

1934 йили ҳукумат томонидан биз ва қўшниларимизнинг боғлари тортиб олинди. Айниқса аёллар ва уларга болалар қўшилиб додлаб йиғладилар. Эркаклар ўзаро ҳукуматни ҳақорат қилдилар. Боғу-роғлардан жудо бўлганлар орасида оғир дардга чалинган, ҳатто ўлганлар ҳам бўлди. Чунки боғлар оилани бокиб турган ягона даромад манбаи бўлиб, деҳқонларнинг бошқа касби йўқ эди. Отам ўша оғир кунларни эслаб, шундай деганди: «Ўғлим, боғимиздан айрилганда сен ёни бола эдинг. Одамлар ич-ичидан ёниб ва куйиб, ўзини-ўзи осмоқчи бўлганларни ҳам кўрдим. Ахир ота-боболардан қолган жаннатмакон боғларидан айрилишга бефарқ қараб бўлмайди-ку. Мен ўзим ҳам таърифлаб бўлмайдиган даражада қийналиб, иштаҳам бўғилди ва уйқусизлик дардига чалиндим. Қарасам ўладиганга ўхшайман. Боғга қандай қилиб борганимни билмай қолдим. Боғ ташлаб кетилган ҳолигча шундай турибди. Дарахтлар гуллаб, ўтлар тиззагача ўсиб кетибди. Ўтлар устига ағанаб ва кучоқлаб роса йиғладим. Кўмишган тоқларни очиб ишқомларга тарадим. Шу онда бир оз енгиллашгандек бўлдим. Китобларнинг бирида, бошга ташвиш тушганда сувда чўмилиш ва шўнгиш катта фойда келтиради, деган сўзларни ўқигандим. Кўзимда ёш билан дарахт ва тоқларни кучоқлаб, ўпиб хайрлашдим. Шу пайтда бирданга қаттиқ шамол дарахтларни бир-бирларига қарсиллатиб урдик, назаримда улар ҳам биздан айрилгани учун тугён кўтарётгандай туюлди. Шундан кейин боғимизнинг деворларини силаб, нарироқдаги Салор ариғига бордим. Унинг лабида бир оз ўтириб тиловат қилдим, сўнг бир неча маротаба сувга шўнгиб, баданимдаги зардобларни чиқаргандек бўлиб анча енгиллаш-



дим. Чўмилишнинг фойдалигини ўшанда билдим. Одамнинг бошига қачон ва қандай иш тушишини билиб бўлмайди. Борди-ю ташвишда қолсанг, дарҳол ёзда совук, кишда иссиқ сувда чўмилсанг, дард енгиллашади».

1934 йили ҳақиқатан ҳам бошимизга улкан қулфат тушган эди. Эндиликда шаҳардаги тор ҳовлида яшашга тўғри келиб, илгарилари боғда яйраган сирғир ва бузоқлар қичкина молхонага қамаб қўйилди. Уларга ҳа-шак, сомон ва бошқа нарсаларни сотиб олишга тўғри келар, шунингдек, кўп ишлатиладиган ўтинни ҳам сотиб олишдан бошқа илож қолмаганди.

Ёзнинг иссиқ жазирамасида кечаси молхонадан ҳовлига учиб чиққан чивинлар тўдаси роса таларди. Чакмасин деб кўрпа билан бош, оёқлар беки-тилса, нафас олиб бўлмасди. Бекитмасангиз, чивин шундай чақардики, чи-даб бўлмасди. Ўша кезларда кишини боғда эркалайдиган шамоллар қани, соф ҳаво ва зилол сувлар, турли-туман ҳўл ва куруқ мевалар, умуман, ажой-иб ва ғаройиб боғлар, сайроқи қушлар қани, улар энди йўқ, ҳаммаси бар-бод бўлди, деб хаёлимдан ўтказардим. Мажбурликдан Лабзак ариғининг лабида кечкурундан ярим кечгача ўтириб, сўнг ухлашга уйга кирардим. Ҳеч қанақасига қутилмаган, етти аждодимизнинг тушига ҳам кирма-ган бундай кескин ва фожиали ўзгаришдан айниқса Наъра бувимнинг юраги тилка-пора бўлиб, юқорида эслаганимдек, ажалидан беш кун олдин бу дунёдан ўтиб кетди.

У вақтларда болаларнинг боши меҳнатдан чиқмас эди. Менга айниқса қаттиқ тахта қунжарани теша билан майдалаш ёкмасди. Шунда отам, ўғлим, сирғир бамисоли уй табиби, сут, қатик ва қаймоқ бор жойда касал бўлмайди, дерди. Яни бир машаққатли иш таппи ясаш бўлиб, аввалига тўпланган мол ахлатига сув қуйиб ва тепкилаб пишитиларди. Сўнг челаққа солиб томга ташиларди. Бу ерда қўл билан думалок шаклга киритилиб ва қаторма-қатор ёпилиб, қуригандан кейин олинарди. Таппи ўтин ўрнини босарди. Таппи қилингандан кейин унинг сассик ҳиди 5-6 кунгача анқиб турарди.

У вақтлардаги уйларнинг деярли барчасининг томи сомонли лой би-лан сувалиб, кўп тупроқ ишлатиларди. Тупроқ асосан уйнинг ҳовлисида қазилган ўрадан олинган. Оёқяланг лой пишитилганидан кейин юзлаб челақ лой томга тортилиб сувалган. Бу оғир ишда болалар фаол қатнашардилар.

Томни тунука билан ёпишга айрим кишилар қодир бўлса-да, ле-кин дин пешволари, ким шундай қилса, кофир бўлади, деб рух-сат бермас экан. Бу ҳусусда маҳалламиздаги Абдусамад бойвачча-нинг сўзи диққатга сазовордир. Унинг айтишича, чор ҳукумати дав-рида отаси бой савдогар бўлиб, уйининг томига тунука ётқизган. Жума кuni масжидга кирганида имом унинг қилган ишини қоралаб, гайридиларнинг моли – тунукани томдан олиб ташлашни, акс қолда уни масжидга киритмасликни айтган. Йиғилган жамоа орасида унинг

гапини қувватловчи кимсалар ҳам топилган. Шу онда Абдусаммад бойвачанинг отаси шундай деган: «Имом хазратлари, кийиб турган чакмонингизнинг мовут матоси, оёғингиздаги маҳсининг чарми, кўйлагингизнинг газламаси Россиядан, бошингиздаги салланинг оқ докаси ва ичаётган чойингиз Ҳиндистон ва Хитойдан келтирилган. Хотинингизнинг кийимлари ҳам ғайридинларнинг газламаларидан тикилган. Тўғрими? Тўғри, дейишдан бошқа иложингиз йўқ, албатта. Уларнинг ҳаммаси ғайридинларнинг моллари бўлганлиги учун ҳозир ечасиз. Сўнг мен дарҳол тунука томни бузаман». Имом эса нима дейишини билмай қизариб-бўзариб гапиришга ҳам холи қолмаган экан. Абдусаммад бойвачанинг отаси эса янада қаттиқ киришиб, ўз қўли билан имомнинг тўни ва маҳсисини еча бошлаганда, одамлар ўртага тушиб ажратиб олишибди. Шу равишда имом шарманда бўлиб, ўзи масжидга чиқмайдиган бўлган экан.

Том икки йилда бир марта сомон аралаштирилган лой билан сувук қилинган. Акс ҳолда уйга чакки ўтаверган. Ҳашарчилар ёрдами билан юзлаб челақ лой томга олиб чиқилган. Баҳор пайтида томларда ёппасига қизғалдоқлар очилиб, ажойиб манзара ҳосил бўларди.

Қишда хоналар совук бўлиб, ухлашга кўпинча ечинмасдан ётилган. 4-5 киши ўтирадиган танчага аввал саксовулдан қилинган писта кўмир солиб иситиларди. Уни қозоқлар шаҳар бозорида сотардилар. Уруш вақтида танчага тошқўмир чўғи солинадиган бўлди. Унинг захарли исидан ўлган ёки дардга чалинган кишилар ҳам бўлган. Дазмол ҳам кўмир чўғи солиниб қиздирилган, лекин у кўпчилик хонадонларда йўқ эди.

Боғдан айрилган отам ҳозирги Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрининг ўрнида жойлашган Пиён бозорда¹ газета-журнал сотадиган дўконда ишлай бошлади. Қўштут маҳалласида жойлашган ўшанга ўхшаган дўконда Тўхта акам хизмат қиларди. Бирок маош камлик қилган бўлса керак, улар узок вақт ишламадилар.

1934–1935 йиллардан бошлаб дўконларда нон пайдо бўла бошлади. Юзлаб катта-кичик эркак ва аёл то нон келгунча навбатда туриб, тинкаси қуриб аҳволи оғирлашарди. Нон олиб келинганда эса улар навбат талашиб ва йигитлар ўзларини эшикка уриб шовқин-сурон кўтарардилар. Эркак билан аёл аралашиб, тўс-тўполон бошланарди.

Бир куни кўшнимиз, Ҳамид, сотувчи адангнинг таниши, сени одамларнинг елкасига чиқараман, сўнг уларнинг бошидан ошиб, ўзингни дўконнинг ичига отасан, менга ҳам нон оласан, деб қолди. Розилик билдирганимдан сўнг кўшним шерини билан мени кўтариб, тўпланиб турган одамларнинг

¹ Бу ерда спиртли ичимликлар сотилгани боис маст кишилар кўп бўлган. Шунинг учун уни ўзбеклар пиёнисталар жойи деб юргизган.

устига чиқарди. Уларнинг елкаси ва боши бўйлаб эмаклаган ҳолда ўзимни дўконнинг ичига олдим. Сотувчилар бу ҳаракатимни кўриб қулишди ва тўртта гижда нонни кўлимга тутқазишди. Унинг иккитасини қўшнимизга бериб, қолганини хурсанд бўлиб уйга олиб келдим. Отамга нонни қандай олганимни тушунтирганимда, ўғлим, тўғри қилмабсан, яхшиямки одамлар сени иргитиб юбормабдилар, майиб бўлишнинг аниқ эди, деб менга танбех берганлари хануз эсимда туради.

Азоб-уқубатга тўлиб-тошган нонга навбатлар уч-тўрт йил давом этди. Уни қўлга киритиш қанчалик машаққатли бўлган бўлса, керосин олиш ҳам шунчалик қийин эди. Маҳаллаларга электр тортилмаган, одамлар керосин солиб ёқиладиган лампадан фойдаланардилар. Уни олиш учун навбат кечкурундан бошланиб, ҳар бир кишининг кафтига гунафшаранг қалам билан навбатнинг саноғи ёзиларди. Шундан кейин то эртлабгача ҳар икки-уч соатда маҳалла фаолларидан бири текширув ўтказиб, кетиб қолганларни навбатдан ўчирарди. Айрим кишилар ярим кечага бориб, кўчада туришга чидай олмай, уйку босиб уйига кириб кетардилар. Мана шундай кишиларнинг навбати бекор қилинарди. Аммо кўпчилик ерда ўтириб ва мудраб, тунни азоб-уқубат билан ўтказарди. Эрталаб соат 10 да керосин тўлдирилган ва унча катта бўлмаган цистерна аравада келтирилиб, ҳар бир кишига 2 литрдан керосин сотиларди. Бундан 200-300 грами сотувчи томонидан уриб қолларди.

Керосиннинг ўта танқислиги уни ниҳоятда тежаб ишлатишни таказо этган. Масалан, бизнинг хонадонимизда битта лампа хира ёкилиб, даставвал ошхонада, овқат сузилгандан кейин хонага олиб келинарди. Овқат ейилгандан сўнг лампа идиш-товокларни ювиш учун яна ошхонага олиб бориладди. Бу ерда иш битгандан кейин сизирга қараш учун молхонга олиб келинган. Биз эса хонада қоронғида лампани орзикиб пойлаб ўтирардик. Ниҳоят кечки соат 10 ё ундан кечроқ лампа бўшаб, хонага келтирилганда ака-укалар дарс тайёрлашга, онамиз эса кийимларни ямашга ўтирардик. Кўрпа, ёстиқ ҳам етишмасди. Шу бонс биз уч ўғил битта ямалган кўрпани ёпиб, юнг солинган узун ва дағал ёстикда ётиб ухлардик.

Овқат жуда режалли тайёрланиб, ҳеч қачон ортиб қолмасди. Аввал ота, сўнгра она овқатга қўл узатгандан кейин фарзандлар бирин-кетин еб бошлаганлар. Овқатни еб бўлгандан сўнг коса ёки товоқ, лаганны ялаб тоза қилиб кўярдик. Айниқса нон жуда азиз эди. Агар мабодо унинг ушоғи ерга тўкилиб қолса, дарҳол олиб оғизга солинарди. Раҳматли Наъра бувим нонни ўтирганларнинг ёшига қараб ушатарди. Масалан, отам ва онамга каттароқ ушатилиб, тўнғич акамдан то кенжагача етиб боргунча ушатилаган ноннинг ўлчами кичрайиб борарди. Етти кишига битта ўртача лаганда ош сузиларди. Гўшти тузланган ва қотган бўлиб, мазали бўлмаган. Аммо

оч коринга ширин туюларди. Мош ва гуруч жуда баракали дон бўлганлиги учун хафтасига уч-тўрт маротаба мошхўрда ёки мошкичирни пишириларди. Ёғ ва гўштсиз пиширилса ҳам унчалик билинмас эди. Уларга ковок, шолғом ва канд лавлаги аралаштирилиб туриларди. Хуллас, ўша овқатлар одамларнинг асосий емиши хисобланиб, коринни тўйгазишда муҳим ўринни эгаллаган. Айниқса очарчилик ва уруш вақтларида унинг аҳамияти катта бўлганди.

1930 йилларнинг охирларида Норматбойваччанинг катта уйи ва боғида, юкорида таъкидланганидек, Островский номли пионерлар саройи очилди. Хоналарда турли тўғарақлар, шу жумладан, шахмат ва футбол бўйича машқ ўтказиш йўлга қўйилган эди. Ўша вақтдаги Ўзбекистон шахмат чемпиони Азмиддин Хўжаев тўғарақка бошчилик қиларди. Мен уларнинг иккаласида катнашганман. Айниқса шахмат билан жилдий шуғулланиб ва шахар мусобақларида катнашиб иккинчи даражали шахматчи мақомини қўлга киритганман. Шахмат ўйнаш ярадор бўлиб госпиталда ётганимда ҳам жонимга оро берган.

Пионерлар саройининг боғида эскидан қолган ўрик, олма, гилос, узум сингари мевали дарахтлар бўлиб, улар хосилга кирганда еб тугатиб бўтмасди.

Шахарда ҳаёт бир оз бўлса-да яхшиланиб бораётган пайтда собиқ совет давлати Финландия билан уруш бошлаши туфайли халкнинг аҳволи яна оғирлашди. Ота-оналар фарзандларини ҳарбий хизматга олинишидан ва яна очарчилик азоб-уқубатларини кўришдан қаттиқ хавотирландилар. Айрим имкони борлар озиқ-овқатни гамлашга тушдилар, маҳаллаларда турли миш-мишлар тарқалди.

1937 йилларда бошланган катағон ниҳоятда даҳшатли ва фожиали оқибатларга олиб келди. Тарихда бунақанги киргин-барот ва адолатсизлик содир бўлмаган эди. Минглаб гуноҳсиз одамларнинг қамоққа ташланиши ва отилиши туфайли халқ ваҳима ва хавотирга тушди.

Мактабларда у ёки бу шаҳарда «халқ душман»ларини фош этилишига бағишланган мажлислар ўтказиларди. Масалан, ана шундай кунларнинг бирида мен ўқиётган мактабнинг катта ховлисида ўқувчиларни тўшлаб, «халқ душман»ларига қарши тарғибот юргизилди. Мактаб директори сўзни бошлаб, халқ душманларига ўлим, уларни илдизигача қуришти керак, деган сўзларни бақриб айтганида болалар ҳам уни қувватлаб, биз комсомол ва пионерлар қурашга тайёرمىз, дея хитоб қилардилар. Айниқса пионер ва комсомол қўмиталарининг бошликлари жонбозлик кўрсатардилар. Қўп ўтмай «мактаб директори ҳам камалибди» деган овоза тарқалди. Шундан кейин ўқитувчилар ҳам ваҳимга тушиб қолдилар.

1940 йили мактабда ўнинчи синфнинг ёпилиши муносабати билан биз

тўққизинчи синф болаларини Тешиккопкок маҳалласидаги Папанин номли ўрта мактабга жўнатишди. Бу ерда ўнинчи синфга кўшилдик.

Уруш келтирган фожеали оқибатларнинг жонли гувоҳиман. Авваламбор, одамларни фронтга сафарбар этилиши орқасида хонадон ва маҳаллалар хувиллаб қолди. Боқувчисиз қолган кексалар, она ва болаларнинг сони тобора кўпайиб борарди. Айниқса нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг етишмаслиги жуда аянчли ҳолатни туғдирганди. Шаҳарларда «забор карточкаси» жорий қилиниб, у кўрсатилганидан кейин дўконда ёшига қараб 200-400 грамгача нон бериларди. Аммо бу нонга кунжара аралаштирилган, ранги тимқора ва ёпишқок бўлиб, чайналганда тишдан ажратиш ва ютиш жуда қийин эди. Овқатлар ёгсиз ва гўштсиз пиширилар, лекин уларни ҳам тайёрлашга қодир кишилар кўп эмасди. Яхшиямки жўхори бор экан, унинг ундан ковок ва сут қўшиб зогора нон ёпиларди. Уни чайнаш, ютиш ва хазм қилиш қийин бўлса-да, ҳукумат чиқараётган нонга нисбатан яхши томонлари бор эди. Буғдой ва арпанинг ўзи ёки уннинг фронт эҳтиёжи учун узлуксиз олиб кетилиши нон тансиқлигига сабаб бўлганди. Улардан ташқари Россияга гуруч ҳам жўнатиб турилган. Шунингдек, Тошкентдаги харбий қисм ва госпиталлар, етишхоналарни озиқ-овқат билан таъминлаш халқнинг зиммасига тушган. Шундай воқеалар бўлганки, «забор карточкаси»ни йўқотиб қўйган айрим кишилар бир ой нонсиз яшашга мажбур бўлганлар. Чунки карточка тикланмаган. Аммо айрим удабурон ва маҳаллий ҳокимият вакиллари қўлга олган кишилар кичкина тегирмон очиб, ун савдоси билан шуғулланганлар. Тегирмондаги ундан яширинча прокурорлар, милиция, туман ва шаҳар раҳбарлари фойдаланиб турганлари боис тегирмон ишлаб турган. Тегирмонлардан бири Сидик ака томонидан қурилиб, маҳалламизда нонвойчилик билан шуғулланаётганларни арча аралашган ўртача сифатли ун билан таъминлар эди. У ўта инсофли ва саҳий киши ҳисобланиб, ҳар куни бир гуруҳ ночор кексаларни сувда қайнатилган шилпилдоқ, гоҳида гўшти чучвара билан мяхмон қилиб турган.

Менинг отам Мулла Зиё ва онам Зебинисо нонвойчилик билан шуғулланиб, унни кўпинча насияга Сидик акадан олиб туришган. Бу саҳоватли киши отамни мулла бўлганлиги ва яхши хулқи учун жуда ҳурмат қилиб, ёрдамини аямаган. Сидик ака ун олиб, нонвойчиликни уддалай олмаган кишилардан қарзини ҳам ундирмай, кечиб юборган ҳолларни ҳам эшитганман.

Урушдан кейинги йилларда Сидик ака билан суҳбатда эшитганларимдан бири ҳеч эсимдан чиқмайди: «Домла, ҳўп даҳшатли кунларни кўрдим. Тегирмоним атрофида очликдан сулайиб ётган кишилар ва болаларни кўриб ич-ичимдан эзилиб кетардим. Бир куни тегирмон эшиги атрофида бир аёл ва 8-10 ёшлардаги икки боланинг ёт-

ган холатда ерга сочилган урни ялаётганларини кўриб жуда ачиндим. Дархол уларни ўрнидан тургазиб, кексаларга бериладиган шилпилдок билан меҳмон қилдим. Онаси, карточкани йўқотганлигимиз орқасида 4 кундан бери ҳеч нарса емадик, деди. Болалар оч қоринга кўп еса бўкади, деб уларга шилпилдокдан озгина бериб, қолганини рўмолга ўраб бериб юбордим. Яна бир кун эса тегирмонга нон излаб келган, лекин тиламчилик қилишга улгура олмай жон берган беш кишининг ўлигини кафансиз ўз кийимида дафн этишимга тўғри келган».

У вақтларда шаҳарда касалхоналар жуда оз ва ёмон жиҳозланган бўлиб, тиббий ёрдам жуда паст даражада эди. Турли касалликлар кенг тарқалиб, одамлар уй ёки кўчаларда ўлиб қолаверганлар. Шундайлардан бири – она ўз боласини бағрида кучоқлаб, жони узилиб ётганини эшитган эдим.

Ўша кезлари уйларнинг таъмирланмаслиги туфайли ўпирилган ёки кийшайган томларни сувалмаслиги натижасида чакки ўтиб сувга ботиб ётган турар жойларни кўриш мумкин эди. Маҳалламизда сувашга қурбни етмаганларнинг томини қўшиллар чиқиб, оёғи билан тегиб ва шиббалаб чакки ўтишини камайтирадидилар. Аммо ёмғир каттик ва кўп ётганда бу хайрли ишнинг фойдаси бўлмаган. Очлик оқибатида ховлисини сотувчилар кўп эди, лекин харидор топиш амри маҳол эди. Халқнинг қашшоқланиши одамларнинг кийиниши ва юриш-туришида ҳам ифодасини топди. Ямоқсиз кийимларда юрган одам жуда кам эди. Ўрта ҳисобда ўн кишидан етти-саккизтаси ямоқларга тўлиб-тошган кийимларда юрарди. Ҳатто дўппи, кўрна, кўрпача, ёстик, дастурхон ва оёқ кийимларига ямаларди. Бозорларда фабрикалардан чиқадиган, одатда ахлатга ташланадиган турли рангдаги газламаларнинг майда парчалари – лахтакларга харидор кўп бўларди. Улардан кўрна, кўрпача тикилган, кийимларга ямоқ солинган. Кўпчилик аёллар анча арзон оддий докдан кўйлак кийиб, кир бўлганда кечқурун ювиб, эрталаб кийишарди. Чунки алмаштириб кийишга қўшимча кўйлак бўлмаган. Оддий ипдан тўкилган узун пайпоқнинг учи йиртилганида ўша жойидан қирқилиб кийилган. Бу жой йиртилса яна қирқилиб охиригача шу равишда фойдаланилган.

Ипак ва юнгли газламалардан тикилган кийим-кечаклардан жуда кам фойдаланилган. Палто ва костюмни айрим пулдорларгина киярдилар. Ўрта ва катта ёшдагилар эса асосан чопон, бўз ва сурпдан тикилган кўйлак ва лозим кийишган. Болалар қора рангли тринка ип газламасининг ичига пахта солинган камзул кийишган. Уни ҳам даставвал ака, унга кичик келгандан кейин укалар кийишган. Қизларнинг кийиниши ҳам шу тарзда кечган. Оёқ кийими ҳам акалардан укаларга ва опалардан сингилларга ўтарди.

Ботинка ва туфли деярли бўлмаган. Маҳси, калиш, этик ва ковуш

то йиртилиб, кийишга ярамагунча ташланмаган. Янгиси хар замонда тўй-ҳашамларда кийилган, холос. Бирок бундай шароит кўпчиликда бўлмаган. Эрта баҳордан бошлаб одамлар кўчада ҳам, бозорда ҳам ёппасига оёқяланг юришган. Шу боис кўпчиликнинг товонини кир бошиб ёрниб ётарди. Болалар, шу жумладан қизлар ҳам оёқяланг юришган. Ёмғир ва қор ёганидагина эски ва ямалган пойафзал кийилган. Оёк кийими йўқлар уйда ўтирганлар.

Калиш ва ковуш пайпоқсиз, махси ва этик эса пайтава билан кийиларди. Пайтава эскириб, йиртилгандан кейин ҳам ташланмай ямалган. Ўша пайтларда қимки қашшоқликни таърифламокчи бўлса, «пайтавасигача ямок тушибди» нақлини ишлатарди. Шундай оилалар бўлганки, оила аъзолари учун битта оёк кийими бўлиб, қишда бир одам кийиб кўчага чиқиб кетганда бошқалари навбат кутиб ўтирган.

Оёк кийим ва кийим-бошлар чириб ва ямашга тамомила ярамагандан кейингина ташланиб, уларнинг парчалари ямокка ишлатилган. Маҳалла, гузар ва бозорларда ямокчи қосиблар кўп эди. Уларнинг иши шу даражада тўғиз бўлганки, оёк кийимини ямаш учун топширсангиз, кўп ҳолларда бир ҳафтадан кейин олиш мумкин бўлар эди. Ямокчи ва сартарошлар асосан яхудийлардан эди.

Бундай шароитда барча кийинчилик аёлларнинг бошига тушарди. Улар ўтин ёриш, олов ёқиш, овқат пишириш, нон ёпиш, жомашовда кир ювиш, сизирга караш ва сут соғиш, кийим тикиш, ямок солиш, уй-жойни йиғиштириш, кўрпа ва кўрпача қавиш, қўйинки, барча рўзғор юмушларини бажарардилар. Менинг онам бир кеча-кундузда кўпи билан тўрт-беш соатдан ортиқ ухламасди. Қолган вақтда узлуксиз меҳнат билан шуғулланиб, шу орада «Зингер» қўл машинасида қўшни аёлларга оддий кўйлак тикарди. Аёллар, шунингдек, боғларда ва хунармандчилик соҳаларида эрлари ва ўғиллари билан биргаликда ишлардилар. Эркакларнинг меҳнати ҳам жуда оғир ва машақатли бўлиб, тирикчиликнинг дардида ўзларини «сувга ҳам, ўтга ҳам» урганлар.

Совет давлати хонадонларда кўнчилик, маҳсидўзлик, тикувчилик ва умуман барча хунарлар билан шуғулланишни тақиқлаб қўйган эди. Бундан мақсад одамларнинг шахсий ва эркин даромад олишларига йўл қўймай, ярим оч ҳолда давлат панжасида ушлаб туришдан иборат бўлган. Одамлар ўз касблари бўйича уйда яширин ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариб, уни бекитиқча сотиб қозонларини қайнатардилар. Бундан хабар толган милиция уларнинг уйида тинтув ўтказиб, молини мусодара қилар, ўзларини хиёсга оларди. Суд эса уларни бир неча йил қамокка ҳукм ётарди. Қамалганларнинг оила аъзолари боқувчиларидан айрилиб ва қашшоқлашиб, хонавайрон бўлганлар. Хонадонларда ҳатто қорамол ва қўй сўйиб қассобчилик билан шуғулланиш ҳам ман этилган эди. Бунга риоя қилмаган қассоблар қамаларди. Аммо

хунармандлар бошка иложи йўқлигидан ўз касблари бўйича то ушлангунча ишни давом эттираверганлар. Шу боис уларнинг орасида икки-уч маротаба камалиб чиққанлари бор эди. Масалан, бизнинг кариндошимизнинг отаси кўнчилик билан шуғулланганлиги учун икки маротаба камокка тушган, иш қуроллари ва чармлари эса тортиб олинган. Милиция билан умумий тил топиб, уни қўлга олган айрим хунармандларгина ҳеч кимга билдирмай, ишни давом эттирардилар.

Уруш йилларида «утилчи»лар анча ўзига тўқ ва бойроқ кишилар ҳисобланган. Улар ҳарбий кўшинда, завод ва фабрикаларда яроқсиз чиқинди сифатида ҳисобдан ўчирилган кийимбошлар, лахтактар ва бошка молларни жуда арзон баҳоларда сотиб олиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган артелларга, шунингдек, бозорга сотишган. Улар харид қилинган лахтактардан майка, калтаиштон ва бошка нарсалар тикканлар. Бизга кўшни Қошиқчи маҳалласида яшовчи ва асли чимкентлик Ҳусниддин ака анча бўйинган «утилчи» сифатида ном чиқариб, пулни қоплаб топади, деган овозлар тарқалганди. У киши ҳарбий кўшин, завод ва фабрикалардаги хўжалик раҳбарлари билан келишиб, яроқсиз ва чиқиндилар билан бирга тоза молларни ҳам олиб иш юритар экан. Сир очилиб камалиб, озодликка чиққанда менга шундай деганди: «Уруш йилларида прокурор, милиция ва суд ходимларининг маоши жуда оз бўлиб, турмуши оғир эди. Мен уларни кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб турганман. Шунинг учун мени ҳеч ким безовта қилмай, ишни бемалол қилардим. Пировардида барибир камалдим ва уйим мусодара қилиниб, боғчага айлантирилди. Бундан минг маротаба розиман. Чунки болалар яйраса савоби тегади».

Шунга ўхшаш Оқилон маҳаллалик, маҳаллий мансабдорлар билан умумий тил топиб кўнчиликни ривожлантирган Сулаймон бойвачча ҳақида даставвал газетада фелетон босилди. Шундан кейин ҳибсга олиниб, суд қилиниб узок муддатга камалди. Бу каби жазоланган оддий хунармандларнинг саноғи йўқ эди. Тарихда ҳеч қачон хунармандчиликка нисбатан бундай адолатсизлик ва зўравонлик бўлмаган эди. Савдо билан шуғулланадиганларга ҳам муносабат шундай эди. Қўлга тушган савдогарларнинг уйларида тинтув ўтказилган, мол-мулклари эса мусодара қилинган. Камокка олиниб, узок муддатларга қамаб юборилаверарди.

Бизнинг маҳалламиздаги бир ногирон киши нон пули топиш мақсадида ёзда ғамланган 40-50 жуфт қалишни қишда қимматроқ сотиш билан шуғулланарди. Қунларнинг бирида у қўлга тушиб, уйда тинтув ўтказилиб, топилган қалишларнинг ҳаммасини милиция ходимлари ўзаро бўлишиб олишган. «Бунга кўнмасанг, қамаймиз» дағдағасидан сўнг у бечора мингдан минг рози бўлиб қутилиб қолганди.

И.В. Сталинининг уруш вақтида мевали дарахт ва токнинг ҳар бир

тупидан солиқ олиш ҳақидаги фармони жуда катта зиён келтирди. Унга биноан дарахт ёки ток хосил бериш ва бермаслигидан қатъи назар, барибир, солиқ пулини тўлаш мажбурий эди. Одамлар солиқ тўлай олмай, шаҳар ва кишлоқлардаги дарахт ва тоқларни илдири билан кўпордилар. Қанчадан-қанча боғлар харобага айланди.

Шундай қилиб, халқ ҳар томонлама сиқилган, эзилган ва кашшоқлашган ҳолда яшаб, роҳат ва тинчлик нималигини билмади.

Мен 1941-1942 йилларда бир неча ой мобайнида Тошкент тиббиёт институтининг ёнидаги заводда фронт учун минометлар ўқини тайёрлайдиган цехда, сўнгра Авиация заводида ишладим. Бу ерда Тожи акам билан биргаликда самолётнинг корпуси ва қанотини ясайдиган цехда меҳнат қилардик. Акам олдин безгак, сўнг плеврит касалига чалиниб, Бошқирдистондаги кимиз билан даволайдиган сихатгоҳда даволанган эди. Заводда ишлаётганида соғлиғи оғирлашди. Ўша пайтларда олий маълумотли ва салоҳиятли шифокорлар жуда кам бўлиб, борлари ҳам фронт ва госпиталларга жалб қилинган эди. Эски шаҳарда Максудов исмли шифокор шухрат қозониб, ким дардга чалинса, янги ихтиро қилинган дори – пенициллин берарди. У уйимизга келиб Тожи акамнинг оркасидан шприц билан суюқлик олгандан кейин акам тамомила ҳолдан тойди. У жуда одоб-ахлоқли ва истеъдодли бўлиб, табиатан ширин сўз ва меҳнатқаш эди. У мактабни аъло баҳолар билан тугатган эди. Уни ҳаммамиз, кўни-кўшилар ва синфдошлари жуда яхши кўрардик. Оиламиз оғир аҳволни бошидан кечираётганда 1942 йил июн ойининг бошларида мени ҳарбий хизматга оладиган бўлишди. Бусиз ҳам жуда оғир аҳволда бўлган ота-онамнинг ҳолатини сўз билан ифодалаш амри маҳол. Ахир бир ўғил тузалмайдиган дардга чалинган, иккинчиси эса фронтга жўнатиляпти. Бирданига икки ўғилдан айрилиш жуда оғир эди. Онам менга икки-уч кунга етадиган қотган нон, майиз, туршак ва ёнғок солинган халтани бериб, кўп насихатлар қилди.

АРМИЯ ВА ФРОНТДАГИ ФОЖИАЛАР

(1942–1943)

Ота-онам, акам, укам, синглим ва кўни-кўшнилар билан хайрлашиб Ишчилар шаҳарчасига келдим. Бу ерга бутун туман бўйича менга ўхшаш чакирилганларни тўплашган экан. Шаҳарнинг бошқа туманларида ҳам сафарбарлик уюштирилган эди. Бизни бўш трамвайга ўтказишди. Шундан кейин Телман номли боғга¹ келганимизда бутун республика бўйича ёшларнинг йиғилганини кўрдик. Улар 19-20 ёшлагн ўспирин йиғитлар эди. Боғдан пиёда юриб, воказга келганимизда бир неча катор турган ва ичига бир қарич қалинликда похол солинган кизил рангли юк вагонларини кўрсатиб, уларга чиқишимизни буюришди. Мен, маҳалладошим ва бўлажак таниқли шоир Зоҳиджон Обидов ва бошқалар бир вагонга тикилиб ўрнашдик. Кўрпа-ёстик, сув ва хожатхона йўқлиги туфайли кўп азоб-укубатларни бошдан кечирдик. Похолни тўплаб, ёстик қилиб ухлардик. Вагоннинг ойнаси йўқлигидан ёруғлик ва ҳаво етишмасди, кўланса ҳид кишини холдан тойдирарди. Тўрт кишига битта буханка нон бериларди. Уни таксимлаганда ҳар бир кишига 200 грамга етар-етмас тўғри келарди.

Поезд Россия ерларига киргандан кейин қаровсиз ётган уй ва кўчаларни кўриб, бу мамлакат ҳақидаги фикримиз бутунлай ўзгарди. Мактабда бизга Россиянинг ривожланган ва илғор юрт эканлиги ҳақида айтилган ташвиқотлар пуч бўлиб чиқди. Шу тариқа кўзимиз очилиб борди. Ҳатто айрим ёшлар оғир шароитни кўтара олмай, хизматдан қочганлиги ҳақидаги гаплар кулоққа чалинди. Бекаларда паравозларнинг етишмаслиги туфайли 2-3 соат, ҳатто ундан ортиқ ҳам туриб колардик. Бекаларнинг бирида қабоб пиширилаётганини кўриб ҳайрон қолдик. Маълум бўлишича, вагонларнинг биридаги бир гуруҳ йиғитлар очлик ўта қийнаб юборган чоғи бека атрофида ўтлаб юрган эчкини ушлаб-сўйиб, гўштидан қабоб қилишаёган экан.

Айрим темир йўл бекаларида вагонларнинг баъзилари одамлари билан ажратиб олинди, турли ҳарбий қисмларга жўнатиладди. Биз 17 кун деганда Удмурдиянинг Ижевск шаҳри атрофига етиб келдик. Бу ердан унча узок бўлмаган посёлка аҳолиси атрофимизни ўраб, қизикниш билан томо-

¹ Ҳозирги Боғи эрам.

ша қилишди. Бир оз пиёда юриб ўрмон ёнидаги казармага келиб жойлашдик. Бу ерда ярми ернинг ичига қирган ва тахтадан ясалган икки каватли қурилган турар жойни кўриб хайрон қолдик. Кўрпа-тўшак йўқлигидан ўзимизнинг яғир босган енгил кийимимизда бошимизни тахтага қўйган холда ухлардик. Овқат гўштсиз, картошкали шўрва, гречка ва 200 грам нондан иборат эди. Бунинг устига тахта канаси жуда азоб берарди. Харбий хизматда бўлсак ҳам ўз кийимимизда ёғочдан ясалган милтик билан машқ қилардик. Машқ ўтказиладиган майдонга саф тортиб бораётганларнинг аҳволини кўриб турган маҳаллий аҳолининг бизга ачиниб хайратланганлиги ёдимда. Чунки кийим-кечакларимиз йиртилиб, илма-тешик бўлиб кетган эди. Орамизда оёқяланглар ҳам бор эди. Ёмғир тез ёғиб туриши ва нам хаво одамлар аҳволини янада оғирлаштирарди.

Ниҳоят икки ойдан кўпроқ вақт ўтганидан сўнг йўлга овланиш ҳақида буйруқ берилди. Юк ташийдиган вагонда Ярославл шаҳри вокзалига келганимизда бизга шинел, гимнастёрка, кўпол ботинка, тўпикдан тиззагача ўрайдиган яшил рангли калин мато беришди. Шундан кейингина баданимизни бир оз исигандек хис этдик. Поездда йўлни давом эттириб Вологда шаҳри орқали шимолга – Архангелскака юриб, кун қорайганда етиб бордик. Бу ердаги портга тушган вақтимизда фашистлар бомба ташлаётган экан. Зоҳиджон Обидов билан иккаламиз бунақанги даҳшатни биринчи бор кўриб нима қилишни билмай қолдик. Бомба портлаганида катта хажмдаги сув шовкин-сурон билан осмонга кўтарилиб атрофга сочилар эди. Фашистлар бомба ташлашни тўхтатгандан кейин кемада денгизнинг нариги қирғоғига ўтиб, Маймаксанский туманига ўрнашдик, кўчаларга асфалт ёки тош ўрнига калин ва узун тахталар полга ўхшатиб ёткизилган экан. Бу йўлдан оғир юк ортилган машиналар бемалол юрарди. 20 сентябрда биринчи қор ёғиб совук бошланди. Фашистлар шаҳарни ҳар икки-уч кунда бомбардимон қиларди. Биз аскарлар бу пайтларда кўчаларда сокчилик билан шуғулланардик. Архангелск шаҳридаги уйларнинг орасида ёғочдан қурилгани кўп бўлиб бежирим кўринарди. Ёғоч ва тахта ишлаб чиқарадиган заводларда маҳсулот очик хавода калашиб ётарди. Уруш тўфайли уларни четга чиқариш жуда қисқарганга ўхшади. Шаҳарда эркакларнинг сони унчалик кўп бўлмай аҳоли асосий қисмини аёллар ва болалар ташкил этиб, озик-овқат дўконлари бўм-бўш эди.

Архангелскда шароитимиз бирмунча яхшироқ бўлиб, унчалик оғир бўлмади. Тахминан октябр ёки ноябр ойларида Архангелск шаҳридан кемада денгиздан ўтиб, Онега дарёсининг бўйидаги посёлканинг ёнидаги тўрт томони девор ва тиконли сим билан ўралган баракка ўрнашдик. Бу ерда маҳбуслар истиқомат қилган экан. Тахтадан ишланган наралли кичик

ва шифти паст хоналарда яшашга тўғри келди. Совук тушганлиги учун кечаси печкага ўтин ёкилганда тахта каналари шифтдан бамисоли ёмғир сингарни устимизга ёғиб шундай талардики, чидаб бўлмасди. Мен ташқарига чиқиб скамейкада ўтирган ҳолда ухлардим. Шерикларим ҳам кўп азоб чекдилар. Уйку ва овкатга тўймай мадоримиз куриди.

Бир кунни ҳаммамизни сафга тизиб бир офицер, сержантликка ўқишни хоҳловчилар бир калам олдинга чиқсин, деди. Шу пайтда Зоҳиджон Обидов чиқди. яна бир нечта аскарлар ҳам шу тарзда истак билдирдилар. Улар Архангелск шахрига юборилиши маълум қилинди. Ҳамма вақт ёнма-ён юриб, дўстлигимиз мустаҳкамланганда бир-биримиздан айрилиш жуда оғир бўлди. Бағрим бамисоли ўширилгандек туюлди. Зоҳиджон мени кучоклаб, Ҳамид, мени кечир, нима иш қилганлигимни билмай қолдим, кечаси тушимда шу ерда ўлган эмишман, ўнгимдан келмасин, деб ўқишга боришни лозим топдим, қабилидаги сўзларни айтди. Унинг бу гапида жон бор эди. Зеро, шаронт жуда оғир бўлиб, тирик қолишга умид оз эди. Зоҳиджон билан йиғлаб хайрлашдик.

Яхшиямки баракда узок турмадик. Тахминан бир ойдан кейин бизни вокзалга олиб бориб бўш юк вагонларига чиқаришди. Поезд гоҳ ўрмондан, гоҳ унинг атрофидан кетаётганлиги учун мусаффо ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олдик. Натижада ҳаммамиз бирмунча тетиклашдик ва ўзимизни анча енгил хис қилдик. Поезд ўрмонда тўхтаб, тушишга буйруқ берилганда ёмғир ёғаётганди. Ёмғирда бўкиб, Шаря посёлқаси атрофидаги кенг майдонга етиб келдик. Бу посёлқа Яраславл ёки Ленинград вилоятига тегишли деган сўзларни эшитдим. Бу ерда дарахтлару калин қордан бошқа ҳеч нарса йўқ экан. Ерни калин қордан тозалаб, устига арчанинг кўм-кўк бутокларини ташлаб чайла курдик. Унинг ён атрофлари ва усти арча бутоклари билан ёпилиб, тепасидан тутун чиқиши учун туйнук очилди. Бир чайлада 3-4 киши жойлашиб ва ўртада хўллигида ҳам ёнадиган ок қайиннинг бўлақларини ёкиб исинардик. Кўрпа-ёстик йўқлигидан шинелни ечмасдан арча баргларида ёстик қилиб ухлардик. Кундуз кунлари хакикий милтиқ ва миномёт билан машқ ўтказардик.

Менга минометчи касбини беришганди. Бу қурол унча катта бўлмай, «рота миномёти» дейиларди. Кечқурунлари машқдан қайтгандан сўнг жикка хўл шинел ва ботинкани гулхан ёкиб куритардик. Овқатимиз ҳамон гўштсиз ва ёғсиз эди. Бир буханка нонни бўлақларга кесилгандан кейин ҳар бирига 1, 2, 3, 4 ракамларини кўярдик. Шундан кейин нонни кирқувчи кимса тесқари ҳолда турган аскарларнинг ҳар биридан, сен қайси ракамли нон бўлагини оласан, деб сўрарди. Қайси ракам айтқилса, унга ўша ракамли нон бўлаги бериларди. Нон шу йўсинда тақсимланарди. Негаки, нонни қўл билан баб-баровар кесишнинг иложи бўлмай, бўлақлар бир-биридан, жуда оз бўлса-да, барибир катта-кичикликда фарқ қиларди. Агарда юқоридаги тар-

тиб қўлланилмаганида ҳар бир киши нон бўлагининг каттароғини олишга ҳаракат қилиб, талашиш ва ҳатто муштлашишгача бориш мумкин эди. Шу муносабат билан бир воқеани айтиб бермоқчиман.

Нон қирқишга ёши каттарок аскар тайинлаган эди. Унга нон бўлагини рақамсиз олиш ва қирқилганида ҳосил бўлган ушоқлардан фойдаланиш ваколати берилганди. Қунларнинг бирида аскарлардан бири «исён» кўтариб нон қирқувчини муттахамликда айблаб, нима учун ҳадеб бир киши нон ушоқлари ва бўлақларидан бемалол фойдаланаверади, навбати билан иш юритайлик, акс ҳолда, нонни тақсимлаётганининг устидан шикоят ёзаман, деб қолди. Нон кесувчи, ҳали сен менинг қариндошим бўла туриб душманлик қилаяпсанми, деб бир мушт туширди. Иккалови бир-бирини ағдариб росмана муштлашишди. Аранг ажратдик. Улар бир-бирлари билан аразлашиб, гаплашмасдан юришди.

Ўша вақтларда нон шунчалик танқис ва азиз эдики, унинг ҳар бир грами ҳисобда турган. Тухумнинг сариғига ўхшаган ва мазали рус картошқаси ноннинг ўрнини босган вақтлари кўп бўлган. Аммо бу тўйимли ва фойдали озука ҳам етарли эмас эди. Каттик киш тушиши муносабати билан ҳар замонда 100 грам атрофида тузланган ва музлатилган чўчка ёғини беришарди. Шунингдек, газета парчасига ўраб чекадиган сочма тамаки ҳам олардик. Ўзбек аскарларининг орасида чекувчилар оз бўлиб, улар тамакини чекувчиларнинг чўчка ёғига алмашардилар. Баъзилари эса чўчка ёғини ҳаром деб емай шерикларига берардилар.

Қунларнинг бирида ярославлик политирук капитан Ивановнинг ташаббуси билан мени Шаря посёлкасидаги уч-тўрт хоналик дам олиш уйига юборишди. Бу ерда разведкачиларнинг вакиллари дам олаётган эканлар. Иссиқ хонада тўйимли овқатларни еб, яхши дам олдим. Разведкачилар мени ўртага олиб бошларидан кечирган воқеалар ва разведка усуллари ҳақида сўз юритдилар. Бир кунни шифокорлик пунктининг олдида қирғиз аёлини кўриб қолдим. У Москвада тиббиёт институтида ўқиётганида фронтга сарфарбар этилган экан. У менга соғ-саломат Тошкентга қайтишликни тилади. Мен ҳам унга яхши ниятлар билдирдим. Бир ҳафта дам олаётганимда разведкачилар ярим кечада бирдан ўринларидан туриб, шошилиб жўнаб қолишди. Мен ротамга қайтганимда, капитан Иванов тез қайтганимга хайрон бўлиб, сени бирга олиб кетишмадим, деди. Шундан билдимки, мени разведкага олиш учун ўша жойга юборишган экан. Мазмунан разведкачилар мен билан машқ ўтказишни тутата олмай, ўз вазифаларини адо этиш ҳақидаги буйруқни олишлари биланок кетганлар. Капитан Иванов, қайтганинг яхши бўлибди, энди ота-онангни хузурга қайтишингга ишонса бўлади, деди. Бу бежизга айтилмаганди, албатта. Чунки разведкачилар доимо ўлим ёқасида юрардилар. Мен эса бундай қалтис ва хавфли вазифани бажаришга ҳали мутлақо тайёр эмасдим.

Ротага қайтганимда харбий машкнинг жуда кучайганлиги ва фронтга жўнашга тайёргарлик кўрилаётганини кўрдим. Ниҳоят, полкимиз билан йўлга чиқдик. Ўша қирғиз аёлининг от миниб кетаётганини кўрдим. Узокдан саломлашдик. Бир катта ўрмон бўйлаб салкам икки кун юрдик. Тунда қорнинг устига арча шохларини ташлаб икки-уч соат ухладик, халос. Саф тортиб кетаётганимизда аскарлар бир-бирларининг қўлтигидан тутиб ва кўзларини юмиб юрардилар. Мен ҳам кўзим юмилган ҳолда қадам ташлардим. Уйку шундай зўр нарса эканки, ҳар қандай шароитда кишини босаркан. 1943 йил феврал ойида фронт худудига, хусусан Любан атрофига кирдик ва дарахтларни ағдарилиб ётган қалин ўрмонга жойлашдик. Доимо қор остида юриш ва ечинмай ётиб ухлашга тўғри келганлиги учун шинелларимиз таёкка ўхшаб қотиб қолганди. Жангга қатнашиб ярадор ва ҳалок бўлганларни кўрдик. Жанг пайтида кўпроқ миномёт ва тўшлардан ўк отиларди. Чунки ўрмонда дарахтлар зичлигидан милтик ва автомат ўқларининг самараси камроқ бўларди. Гох олдинга ташланиб, гох тўхтаб жанг қилдик, лекин душман ичига бостириб киришга имкон йўқ эди. Жанг майдонида офицер ва аскарларнинг етарли даражада харбий машғулотни ўзлаштирмаганлиги яққол кўриниб турарди.

Рота командири кўзга кўринмай қаёққадир ғойиб бўлди. Эҳтимол у ҳалок бўлган ёки жароҳатлангандир. Взводлар бир-бирлари билан алоқа боғламай, ҳар ким ўзича ўк ота бошлади. Умум раҳбарлик ва режа остида жанг қилиш йўқолганди. Айрим аскарлар душманга қарши ўк отиш ўрнига кўпроқ ўзларининг жонини сақлашга ҳаракат қилдилар. Пировардида ротада анча одам ҳалок бўлди, яраланди. Устига-устак жангчиларни овқат билан таъминлашдек муҳим масалага тамомил аэтибор берилмади. Баъзи аскарларнинг очликдан сулайиб қолганини кўрганман. Шунинг учун аскарлар ҳалок бўлганларнинг халтасини тигиб овқат топишдан ҳам тоймасдилар. Мен жанг майдонида ярадорларни излаб юрган бирорта ҳам санитарни учратмадим. Офицерлар келиб биздан хабар олмай қўйди. ўк отиш тўхтаганда ярадорларнинг ёрдам сўраб инграган овозлари эшитилиб турарди. Аммо қонга беланиб ётганларга ёрдам берадиган кимса йўқ эди.

1943 йил 14 февралда фашистлар кун қорайиши билан тўп ва миномётлардан бизни шу даражада ўкка тутдики, бош кўтаришга илож бўлмади. Ҳаммамиз бир-бирининг устига ағдарилган дарахтларнинг тагига яшириниб ётдик. Душман артиллерияси камида уч соат тинмади. Шундан кейин уйку зўрлик қилиб қорнинг устида ухлаб қолибмиз. Эрта тонгда қарасам снаряд парчаси ёнимда ётган аскар бошининг ярмисини учириб юборибди. Ёнимда бир неча кишининг ўлиги ётарди. Снаряд тўшпа-тўғри аскарнинг устига тушиб портлаши натижасида азойи бадани парчаланиб, атрофга сочилиб қўли ва оёғи дарахтларнинг шохига илиниб қолганини кўрдим. 1943

йил 15 февралда эрталабдан душманни ўққа тутиб жуда секинлик билан олдинга сурилдик. Душман миномётлардан устимизга ўқ ёғдириб турарди. Кундузи тахминан соат ўн иккиларда сал чуқурликда милтиқдан тинимсиз ўқ узаётганимда ёнимизда миномёт снарядлари кетма-кет портладди. Икки киши ўлди. Мен эса оёғимдан яраландим. Қон оқиши туфайли юрагим куйиб сув ичгим келаверди. Қорни чангаллаб оғзимга солардим. Жанг олдиндан ҳамроҳларим (улардан бири козоғистонлик йигит эди) билан ким жароҳатланса, ўшани олиб чиқиб кетиш ҳақида келишиб олгандик. Шунга биноан мени тўрт киши кўтариб, қалин қорга ботиб, ағдарилган дарахларнинг орасидан зўрға ўтиб, бир кичкина майдонга чиқишди. Совук ўн беш-йигирма даража атрофида эди. Шу пайтда нотаниш бир офицер келиб, бир кишини тўрт одам кўтарадими, сенлар ярадор баҳонасида жангдан қочгансанлар, деб тўшпончасини ўқтади. Улар кечирим сўраб зудлик билан орқага қайтишди. Бир вақт орқамга қарасам тепаликсимон жойдан қор орасидан кўллар, оёк ва бошларнинг чиқиб турганлигини кўрдим. Олдинги кунлардаги қаттиқ жангларда ҳалок бўлганлар устма-уст ётқизиلىб қўйилган экан. Ярадорларни ташиш учун бу ерга отга қўшилган ченалар келиб турар экан. Бахтимга ўша ченалар келиб қолди. Ҳайдовчи мени ва бошқаларни чалқанча ётқизиб, тахминан ярим соатлардан кейин тиббиёт пунктининг ёнига келтирди. Зўрға оқсоқланиб юраётган аскар мени опичиб брезент билан ёпилган қатта хонага олиб кирдию столнинг ёнига келганда толиқиб ташлаб юборди. Бошим столга тегиб хушимдан кетдим. Бир вақт кўзимни очсам тепамда ўша кирғиз аёли ғира-шира кўрингандек бўлди. У пешонамни силаб ва жилмайиб, ота-онангининг бағрига борадиган бўлибсан, деди. У оёғимни спирт билан тозалаб ва боғлаб, яхшики қаттиқ совук туфайли қон секин оқибди, акс ҳолда ҳалок бўлишинг аниқ эди, снаряд парчаси оёқнинг илпик суягини парчалаб, қон томирларига қаттиқ зарба берибди, деди.

Мени яна ченада узоқроқда турган юк машиналар турган жойга олиб боришди. Улардан бирига ётқизишганда машинага қавилган кенг кўрпаларни ёзилганини кўриб бирданига онамнинг кўрпа қавиб ўтиргани эсимга тушди. Ўзимни тутолмай йиғлаб юбордим. Эҳтимол кўрпалар фронтга Ўзбекистондан юборилгандир. Осмонда душман самолётлари учаётганлиги учун юк машинаси тез юрарди ва бундан аскарларнинг жароҳатланган жойлари зирқиллаб, оғриқ кучайиб додлаган овозлар эшитилиб турарди. Мен ҳам азобдан ингрардим. Айниқса қорни, бели ёки кўкрагидан жароҳатланганлар қаттиқ азоб чекардилар. Тағимиздаги кўрпалар яралардан қон оқиши натижасида қонга беланди. Ёстиқ йўқлигидан бош ҳам қаттиқ оғрирди. кимирлашга ҳолим қолмаганди. Ярадорлар фақат жароҳатдан эмас, баткин очлик ва чанкашдан ҳам кийналардилар. Ярадорлардан бири,

сув беринглар ичим ёнапти, деб кичкирса, ёрдам берадиган одамнинг ўзи йўғ эди. Бир вақт машина харобага айланган посёлка олдиди тўхтади. Уни кўриб, хайратландим, нахотки бизни шу ерга жойлаштиришса, деб ўйладим. Кейин маълум бўлдики, бузилган ва вайрон бўлган иморатларнинг тагида, ертўладаги хонада ярадорлар кўрикдан ўтказилар экан. Мени замбилда у ерга олиб киришди. Шифокорлар оёғимни спирт билан тозалаб тахтача билан боғлаб қўйишди. Юз грам спиртга озгина сув қўшиб ичиришганда бир оз кизиб роҳатландим, яна ичгим келди. Буни сезган шифокор, аслида ичиш яхши эмас, совуқ қотиб калтираётганлигини кўриб спирт бердик, деди кулимсираб. Зўрға гашириб миннадорчилик билдирдим. Шифокор оғир аҳволимни кўриб раҳми келди шекилли, иссиқ чой, қотирилган нон ва оқ қанд берди. Чунки очликдан ҳолдан тойганидим. Унинг меҳрибонлиги кайфиятимни бир мунча кўтарди. Оёғимнинг илик суяги парчаланганлиги учун тўпнгимнинг тепасидан оёғим тирсақка ўхшаб букилиб ва осилиб оғриги чидаб бўлмайдиган даражада эди. Тахтача боғлаб тўттирилгандан кейин оғрик жуда оз бўлса-да пасайди. Бизни яна юк машинасига ётқизиб, поездга олиб боришди. Йўлни давом этдириб Святстрой деган жойда тўхтадик. Кейин Рибинск деган шаҳарга олиб келиб, госпиталга ётқизишди. Бу ерда 8 ой мобайнида биринчи маротаба, унча яхши бўлмаса-да, кўрпа-ёстикда ётиш бахтига муяссар бўлдим. Аммо иситмам баланд ва иштаҳам деярли йўқ эди.

Бу ерда турганимизда фашистларнинг самолётлари бомба ташлаб турдилар. Портлашларнинг зарбидан деразаларнинг ойнаси синиб тананинг жароҳатланган жойи зириллаб, оғрик кучайиб, инграган овозлар эшитиларди. Госпитал мактаб ёки бошка бир ташкилотнинг биносиди жойлашганди. Шу боис тиббиёт нуқтан назаридан ноқулай томонлари кўп бўлиб, уруш туфайли дори-дармон, операция жихозлари ва хонаси талабга жавоб беролмасди. Аммо шифокор ва ҳамширалар жон-жаҳди билан хизмат ва меҳрибончилик қилаётганларини кўриб турдим. Уларнинг ранги ўчган ва вужуди озиб кетган бўлса-да, сир бой бермай ярадорларнинг кўнглини олишга қаттиқ ҳаракат қилардилар. Ҳамширалардан бири ёнимда ўлим тўшагида ётган аскарнинг тепасида кечаси билан ўтирди. Шундан кейин ҳам уйига кетмай хизматни давом эттирди. Иштаҳам йўқлигидан менга берилган нон ва боршни ўша ҳамширага берганимда кўз ёшлари билан олиб, оч ётган қарн онам ва боламга олиб бораман, деб раҳматлар айтди. Елкамни кўтариб аста-секин ўтқазиб бошим ва оркамни вазилан суриб силади. Шу кечаси озрок ухлаб бирмунча енгилашдим. Ярадор бўлганимдан кейин биринчи маротаба ўтирган ва озгина ухлаганим ҳамон ёдимда. Бунгача доимо чалқанча ётгандим. Унга ҳар кунни овқатимнинг бир қисмини бериб турдим. Бунга жавобан эса у ҳолимдан хабар олиб турарди.

Госпиталдан кетадиган куни ҳамшира бир стаканда чой бериб самимий хайрлашди. Ёнимда ётган оғир, лекин бирмунча ўзига келган рус аскарари менга, оқ йўл, деб шивирлади. Ҳамшира бўшаган стаканни олмай, йўлда керак бўлиши мумкин, деб совға қилди. Рибинскдан поездга чиқаришганда юмшоқ кўрпа-ёстик, тартиб ва озодагарчиликни кўриб кайфиятим бирмунча кўтарилди. У йўловчиларга мўлжалланган бўлиб, тезлиги ҳам анча баланд эди. Бир неча кунлик йўл давомида Россия ерларини деразадан томоша қилардик. Вагонда чой бор экан, лекин стакан етишмаслиги оркасида ҳамманинг талабини кондиришнинг имкони бўлмасди. Ҳатто ярадорлар чанковга чидай олмай хизмат қилаётганларни ҳақорат қилардилар. Мана шундай пайтда ҳамширанинг менга берган стакани жуда кўл келди. Мен чанкаш нималигини билмадим. Ундан ён қўшним ҳам фойдаланиб турди.

Ярадорлар билан тўлган бир нечта вагонда турли миллат вакилларини учратиш мумкин эди. Барчасининг жароҳати оғир бўлганлиги учун мамлакатнинг ичкари томонларига юборилаётгандилар. Биз Перм шаҳрига келганда шаҳардаги катта жарлик устига қурилган узун кўприк орқали ўтиб икки каватли госпиталга жойлаштиришди. У техникумнинг биноси, деган сўзлар қулоққа чалинди. Унинг хоналари кенг бўлиб, атрофи хонадонлар билан ўралганди. Шундан кейин бомба ва хавф-хатарли кунлардан, йўл азобларидан қутилиб ва хотиржам бўлиб, Тошкентга боришга тўла ишонч ҳосил қилдим. Аммо иситма тушмай, иштаҳа бўлмай шу даражада озиб кетгандимки, ҳамширалар қўлида кўтариб жарроҳлик хонасига олиб борардилар. Иштаҳам пастлигидан ортган нон ва овқатларни уларга бериб дўстлашиб олганим боис улар менга алоҳида эътибор билан қараб, меҳрибонлик қилардилар. Госпиталга артистлар, мактаб ўқувчилари ва оталиққа олган бошқа ташкилот вакиллари келиб ярадорларнинг қўнглини кўтариб турардилар.

Бизнинг хонадан хабар олиб турадиган, тахминан 25-30 ёшлардаги истараси иссиқ шифокор аёл келган вақтида ҳамшира мени жарроҳлик хонасига олиб кетмоқчи бўлиб турганди. У мени ҳамширанинг қўлидан олиб ва кўтариб дахлизга чиққанида юрадиган ярадорлар, шифокор ва ҳамширалар қарсақ чалиниб, қулишиб қузатиб қолгандилар. Шифокорлар муолажасидан сўнг у аёл мени хонамга кўтариб келиб жойимга ётқизиб хайрлашди. Ўта озиб ва енгил бўлиб кетганимдан замбилга солишга зарурат йўқ эди.

Кўп вақт ўтса ҳам аҳволим яхшиланмади. Шунинг учун даволовчи шифокор қорасон касали ва ўлим хавфи борлигини рўқач қилиб оёғимни тиззамни пастидан кесишга розилик билдиришимни кўп сўради. Мен эса бу таклифни рад этдим. Бу хусусда шифокорга тилхат ҳам ёзиб берганимдан кейин у, энди мен жавобгарликни бўйнимдан соқит қилдим, деб афтидан хотиржам бўлди.

Бир кунни госпиталга маслаҳат учун таникли ва тажрибали жаррох келганида мени унинг хузурига олиб киришди. Даволовчи шифокор соғлиғим ёмонлигидан иштаҳам йўқлигини, иситмам тушмай ётганлигини гапириб оёғимни кесиш ҳақидаги фикрини айтди. У мени синчковлик билан кўриб ва курук суяк бўлиб қолганлигимга жуда ачиниб ва раҳми келиб, «гипсени» ечинлар, кўрайликчи, деди. Гипс олингандан кейин шифокорга, ақлинг борми, суяги бита бошлаб тузалаётган оёқни кесиб бўладими, деб қайта гипслашни буюрди. Шу онда курсандчилигимнинг чеки йўқ эди. Чунки илгари тўпигимнинг тепасидан букилиб ва осилиб турган оёқ анча қотиб тўппа-тўғри чўзилиб турганди. Шундан кейин тузалиб кетишимга ишончим қомил бўлиб руҳим кўтарилди. Хонадаги шерикларим мени табриклашди ҳамда тезроқ тузалиб ота-она бағрига боришимни тиладилар. Даволовчи шифокор ҳам курсанд бўлганлигини изҳор қилиб оёқни кесишга рози бўлмаганлигимни маъқуллаб, карасам энди 20 ёшга кирган йиғитсан, иситманг тушмай ва иштаҳанг очилмай касалниг оғирлашиб бораётганлигини кўриб, ўлиб қолишингдан кўрққандим. Чунки сенга ўхшаган ярадорлардан икки кишининг оёқлари қорайиб кўз ўнгимда жон бердилар, деб айтганлари ҳамон эсимда.

Ўша қаҳатчилик ва йўқчилик ҳукм сураётган вақтларда ўн минглаб ярадорларни ўз ичига олган госпиталларнинг қўшлиги туфайли етарли даражада дори-дармон ва малакали шифокорлар билан таъминлашнинг ҳеч иложи бўлмаганлигини таъкидлаган бўлардим. Шу боис госпиталлардаги кишиларнинг асосий қисми фронтда жароҳатланган кишилардан иборат бўлганликлари учун кўз, тиш, терапевт ва бошқа йўналиш сохибларининг барчаси жаррохлик билан шуғулланишга мажбур бўлган. Чунки чинакам жаррохларнинг сони жуда оз бўлган экан. Мени даволловчи шифокор эса терапевт соҳаси бўйинча мутахассис эди. Ҳақиқий битта жаррох белгиланган вақтда у ёки бу госпиталга бориб ва ярадорларни кўриб даволловчи шифокорларга маслаҳат бериб турган. Оёғимнинг тузалиб бораётганлигидан келажакка умидим кўтарилиб, ота-онам, ака-ука ва синглим, қариндошларим ва қўни-қўшниларикининг киефаси кўз ўнгимдан ўтиб турди. Улар кечаси тушимга кириб суҳбатлашардим. Айниқса Тожи акамнинг ҳоли қандайлиги хаёлимдан ўчмасди. Бир неча маротаба хат ёздим. лекин жавоб йўқлигидан хавотирланиш бошланди. Хонамдаги шерикларимнинг хатларига ҳам жавоб олинмади. Шунинг учун уруш туфайли почта алоқаси яхши ишламаяпти шеклиди, деган фикр ҳосил бўлганди.

Ўша вақтларда фронтлардан келаётган ярадорларга госпиталлар етишмасди. Шу боис фронтга яроқсиз бўлиб қолган ярадорлар имкони борича мамлакатнинг ичкари томонларига жойлаштирилди. Шу нуқтаи назардан бизни Перм шаҳридан Кемеров вилоятининг Ленинск-Кузнецк деган шаҳридаги госпиталга жўнатишди. Оёғимнинг гипсдан тешиб кўйилган

жойдан яра кўриниб турарди. Бу ердан майда суяклар навбати билан мўралаб туришар, уларни шифокор тортиб олиб яна бинт билан ўрарди. Бу ҳолат бир неча ой мобайнида давом этиб, яра битмай йиринг оқаверди. Зеро тана майдаланган суякларни биттадан сиқиб чиқарарди. Бундай суяк парчалари бир ойда уч-тўрт маротаба кўзга кўринарди. Шунга қарамасдан бир мунча иштахам очилиб ва бир оз семириб, ўзимга кела бошладим. Бу вақтда хонамизда ойлаб кимирламай азоб-укубатда ётган одамлар ҳам бор эди. Уларнинг орасида белидан, корнидан ёки бошидан жароҳатланганлар ҳам оз эмасди. Ҳатто кўзига ўк текканларни кўрдим. Қўли ёки оёғи кесилганларни ҳам кўриш мумкин эди.

Госпиталда, оз бўлса-да, даволанаётган ўзбеклар билан суҳбатлашиб турардим. Ватандошлар билан учрашувлар катта хузур-халоват бахш этарди. Бу госпиталда ҳам ҳамширалар билан алоқани мустаҳкамлашга ҳаракат қилиб, уларга нисбатан сахийлик ва ҳурматни ўрнига қўйишга ҳаракат қилдим. Улар эса мендан ёрдамни аямай, қирланган чойшаб ва кийимларни вақтида алмаштириб ва овқатни иссиқлигида олиб келардилар. Ваҳоланки, бу ишлар бошқа касалларга нисбатан ҳамма вақт бирдек қилнавермасди. Ҳамшираларга қовун, узум, шафтоли, ўрик ва майиз ҳақида марок билан гапириб ҳавасларини уйғотардим. Тузалсам сизларни ҳам Тошкентга олиб кетаман, деганимда жуда хурсанд бўлиб ва миннадорчилик билдириб қулишарди.

Бизнинг хонамизга даволоччи шифокор этиб тайинланган Подковский деган ёши катта киши билан ҳам дўстлашиб олгандим. У аслида тиш шифокори бўлиб, шароитга мослашиб жаррох сифатида иш юритарди, жароҳатланган жойларни кўриб назорат қилиб турарди. У энгил операцияларни ҳам қилаётганлигини эшитганман. Бир куни Подковский шахмат кўтариб келиб, ким ўйнашни билди, деб қолди. Хурсандлигимдан кўзим чакнаб кетиб, мен, деганимдан кейин ҳар куни кечкурун шахмат ўйнайдиган бўлдим. Билсам, у ашаддий хаваскор шахматчи экан. Ўз ўрнида баён қилганимдек, болалигимда тўтарак ва мусобакаларда қатнашиб иккинчи даражали шахматчи бўлганман. Шифокор билан шахматга жуда берилишимиз боис анча чалғидим ва у билан дўстлашдим. Ҳатто ярим кечагача шахмат ўйнаган вақтлар кўп бўлган. Кўпинча мен ютардим, лекин у «йиқилган курашга тўймас» деганларидек ўйнашни давом эттиргисин келаверарди. Ютганда ўзида йўқ хурсанд бўлиб, агрофлагга касалларга қараб мақтанарди. Госпиталда шахмат ўйнайдиган бошқа кишилар ҳам топилиб кўпчилик бўлиб беллашарди. Томошабинлар ҳам пайдо бўлди. Шахмат ўйини туфайли мени танийдиган ва салом-алӣ қиладиган кишилар кўпайди.

Шундай қилиб, мен госпиталда дўстлар даврасида даволандим. Бу эса соғлигимнинг тикланишида муҳим ўрин эгаллади. Чунки бир ўзим

эртаю-кеч жароҳатимни ўйлаб ва инграб ётишдан қутилиб, одамлар билан самимий суҳбатлашиб ва шахмат ўйнаб овундим. Ўз қозонимда ўзим қовурилиб ётмадим. Одамлар мендан хабар олиб мулоқотда бўлиб турдилар. Умуман айтганда, госпиталларда шифокор ва ҳамширалар имкони борича жароҳатланганларга эътибор бериб, яхши даволашга қаттиқ ҳаракат қилардилар. Ўз вазифасига совуққонлик билан қараган ходимларни учратмадим. Улар ярим оч қолди ишлардилар. Мени даволаётган Подковский бир кунни менга очлиги тўғрисида гапириб волиганди. Унинг бундай ҳолати шахмат ўйнаётганимизда ҳам сезилиб турарди. У менга эътибор билан қараб даволашга алоҳида аҳамият берди. 1943 йилнинг сентябр ойида қўлтиқ таёқ билан зўрға юра бошладим. Хоналарга кириб ватандошларимдан хабар олиб маза қилиб суҳбатлашардим. Тахминан октябр ойларининг бошида қор ётган кунларда Подковский, Ҳамид, бизнинг шаҳардаги қон ва заводларда ишлайдиган ўзбеклар бор, уларнинг ахволи жуда оғир, дардга чалинганлари ва ўлганлари йўқ эмас, айримлари госпиталга келиб тилмачилик қиладилар, биринчи қаватга тушсанг уларни кўрасан, деб қолди.

Эртасига кечки пайт қўлтиқ таёқда юриб тушдим. Ҳақиқатдан ҳам деразининг орқасида турган тўрт кишини кўриб хайратда қолиб, жуда ачиндим. Уларнинг соя-соқоли ўсиб, фақат кўзлари билан бурунлари кўринарди. Кир босган кийимларининг йиртиқ жойларига эски латталарни тикнишган. Кун совуқлигидан бошлари ва оёқларини яғир латта билан ўраб олганлар. Саломлашгандан сўнг озгина нон, қанд ва сариёғ бердим. Кўп гаплаша олмадим, чунки милиция уларни олдига солиб кетди. Кейинги кунларда улар кўринмай қолдилар. Улар «ишчи баталёни»га олиниб, Россияга мажбуран жўнатилган қатта ёшдаги кишилар эди. Ўша Подковскийнинг сўзларига қараганда ўзбеклар ва бошқа ўртаосиёликлар кўмир ва бошқа фойдали қазилма қонларида ўзларининг эскирган ва йиртилган кийимларида жуда оғир ишларда қул каби ишлатилган. Овқатнинг сифати жуда паст бўлиб, гўшт ва ёғ нималигини ҳеч кўрмаганлар.

Тарихий маълумотларга кўра «ишчи баталёни»дагилар фақат Сибирда эмас, балки Россиянинг жуда кўп жойларида ишлаганлар. Чунинчи, 1943 йил 15 апрелда Ўзбекистондан Кўмир ишлаб чиқариш вазирлигига¹ 10 162, Темир йўл вазирлигига 13 641, Қурилиш вазирлигига 10 410, Қора металл вазирлигига 10 064, Рангли металл вазирлигига 2 915, Кимё саноати вазирлигига 7 724, Қурол-аслаҳа вазирлигига 17 181, Резина саноати вазирлигига 1 718, Электр станциялари вазирлигига 17 313, умумлаштирилганда 100 000 га яқин киши жўнатилган. 1943 йилнинг охирига тегишли маълумот бўйича эса Ўлкамиздан 155 000 киши Россияга юборилган.

¹ Ўша йилларда вазирлик комиссарлик деб аталган.

Шундай қилиб, ўзбеклар саноатнинг барча тармоқлари, шу жумладан, шаронти ниҳоятда оғир қонларда ишлаганлар. Улар Россиянинг бепоён ерларига таркатиб юборилгандилар. Иссиқ иқлимга ўрганган юртдошларимиз учун у ерларда яшаш ва ишлаш жуда аянчли кечганди. Ўзбеклар Ўрол, Куйбишев, Саратов, Горкий, Москва, Новосибирск, Тула, Ярославл, Омск, Красноярск, Кемерова, Хабаровск, Челябинск, Свердловск, Перм, Иркутск, Архангелск, Қарағанда, Бошқирдистон, Татаристон, Удмурдия ва бошқа жойлардаги саноат қорхоналари ва қонларда ярим оч қолда ишлаганлар. Улар орасида она юртдан узок жойларда қолганлар ҳам бор.

Шифокор ва ҳамшираларнинг иқтисодий аҳволи оғир бўлиб, улар сабрқаноат билан ҳаёт кечирардилар. Айниқса Сибирнинг ўта совуқ иқлими уларнинг турмушини янада оғирлаштирарди. Госпитал деразасидан қўчага қараганда қундузи ҳам онда-сондагина одамлар ўтаётгани кўринарди. Бу табиий ҳол бўлиб, қўпчилик фронтга кетиб, қолганлари эрта тонгдан то тунгача қон ва заводларда иш билан банд бўлганлар. Айниқса қор ёққан кезларда ҳеч ким кўринмасди. Шу пайтларда Ўзбекистоннинг серқуёшлиги, олтин қузи, деҳқончилик ва полизчилик маҳсулотлари – узум, шафтоли, олма, нок, анжир, қовун, тарвуз ва бошқа нарсалар кўз ўнгимда гавдаланиб, қачон она юртга қайтарқинман, деган фикр бошимни чулғаб оларди. Ота-онам, ака-укаларим ва синглим, қўшни ва қариндошлар мени кўзёш ва хурсандчилик билан кутиб олаётгандек туюларди. Қалбимни юртни соғиниш хис-туйғулари ўртар эди. Қўп ойлар дардга чалиниб ётишим орқасида ниҳоятда зерикқанлигимни сезиб турардим. Бундай ҳолат айниқса тун пайтида авжига минарди. Чунки уйқусизлик касалига учраб соат 3-4 гача ухламас эдим. Шунинг учун шифокоримиз Подковский ухлатадиган дори бериб турарди.

Бир куни хонамдаги касаллардан бири, Ҳамид, ҳозир 20 ёшдасан, биласанми, буни нишонлашимиз керак, деб қолди. Мен дарҳол розилик билдириб, тушлик овқат пайтида нишонлайдиган бўлдим. Хонамиздаги анча қаттиқ жароҳатланган офицер ҳамширага пул бериб қўлбола ароқ – самагон келтирди. Овқат тортилгандан кейин самогонни ҳар ким ўзига лойиғини ичиб ва фронт ашуласини айтишиб шундай шоду-хуррамлик қилиндики, барчамиз дардимизни тамомла унутгандек бўлдим. Бундай тадбир хонамизда уч мартаба ўтказилганди.

1943 йил октябр ойларида қўлтиқ таёқда бемалол юрадиган, ҳиситмам тушиб ўзимни яхши сезадиган бўлдим.

ОНА ЮРТ БАҒРИДА

Нихоят, 1943 йил ноябрь ойининг бошларида менга кетишга рухсат берилганда хурсандлигимдан бошим осмонга етди. Хонадаги ва бошка таниш ярадорлар билан йиғлашиб хайрлашдим. Уларга Тошкентга боринглар, деб уй манзилимни бердим. Ўз навбатида улар ҳам мени таклиф қилишди. Шифокор Подковский билан хайрлашар эканман ундан ухлатадиган доридан беришни илтимос қилганимда у, Ҳамид, тўғри олдиниға сенга чинакам ухлатадиган дорини берардим, ўрганиб колсанг, зарари тегади, деб кейинчалик оддий хаш дори берадиган бўлдим, сен бўлсанг бу сирни билмай, ишониб ухлардинг, энди ухлатадиган дорининг сенга зарурияти йўқ, ота-онангни бағрига борсанг, дардлардан холи бўлишинг турган гап, деб мени қувонтирди.

Госпиталдан унчалик узоқ бўлмаган темир йўл бекатиға келиб, поездга чикиб, Новосибирск вокзалиға келиб тушдим. Бу вокзал ўзининг катталиги ва хашамати билан диққатимни жалб этди. Йўловчиларнинг кўпчилиги ҳарбий кишилар ва менга ўхшаган ярадорлар эди. Уларнинг кўриниши озгин ва кайфиятлари паст кўринди. Новосибирск-Тошкент поездига чипта олаётганимда она юртга қайтаётган ўзбекларни кўриб, дарҳол танишиб хол-ахвол сўрашдик. Улар қайтаётганларидан жуда мамнун бўлиб, поездга чиқишга ошиқардилар. Мен ҳам шошилиб поездга ўтириб купенинг биринчи каватиға жойлашдим. Аммо кўрпа-ёстик деган нарса бўлмай, курук тахтанинг устида ўтириб ухладик.

Поезд бекатларда тўхтаганда қўлтиқ таёқда бўлганлигим учун тушмадим. У вақтларда поездда чой берилмасди. Ҳар бир йирик бекатда қайнаган сув бўлиб, йўловчилар уни ўз идишларига солардилар. Мен учун бу ишни ёнимда келаётган аскар бажарарди. Мен эса унга чекмаслигим туфайли халтамда йиғилиб қолган тамақдан бериб турардим. У ҳам, сен бўлмаганимда, чекишнинг хумори тутиб, гангиб нима қилишимни билмай қолардим, дея ўз миннатдорлигини билдириб қўярди. У вақтларда тамаки пулга ҳам тошлмайдиган матоҳ эди.

Шу тарика қўлтиқ таёқда бўлишим ва ҳали соғлиғим яхши эмаслиғига карамай қийналмадим. У мени поезддан тушишимга ҳам ёрдам бериб, хайрлашди. Ўша вақтда хурсандчилигимнинг чеки йўқ эди. Ахир саккиз ойдан ортиқ госпиталда гипсда ётиб, эсон-омон қутулиб, ота-она-

нинг бағрига келишдан ортик бахт борми? Йўқ, албатта. Ўзимни шундай бакуват ва тетик тутдимки, бу ҳолатимни тушунтириш қийин. Ваҳоланки, хали яра тузалмаганлиги учун оёғим гипсланган ва оғриқ ҳамон давом этмокда эди. Шодлигимдан азобни унчалик сезмадим. Шодлигимдан кўзимдан ёш оқарди. Кишининг саломатлиги зайифлашгандан кейин йиғлагиси келаверар экан. Вокзалда бир оз ўтириб ўзимга келганимдан кейин қайтаётганлигим ҳақида уйдагиларга хабар бермаганим учун, улар мени тўсатдан кўриб қандай аҳволга тушишаркин, деб ўзимча ўйлаб ҳам қолдим. Кўчага чиққанимда қарасам ҳаммаёқ қоп-қоронғи ва ҳеч ким кўринмасди. Ваҳоланки, соат 9-10 атрофида эди. 10-трамвайга чиққанимда вагон ҳам бўм-бўш эди. Қошиқчи бекатидан тушаётганимда трамвай ҳайдовчиси рус аёли кўлимдан ушлаб ёрдамини аямади. Бу аёл вокзалда трамвайга чиқаётганимда ҳам ёрдам қилганди. Унга миннатдорчилик билдириб, трамвайдан тушиб Лабзак кўчасида кетаётганимда қоронғиликда бир-икки маротаба қоқилдим. Йўлда бирон кишини учратмай, ўзимизнинг кўчамизга кириб, эшигимиз олдида бироз тўхтаб, ичкарига қулоқ солдим. Жим-житлик, ҳеч нарса сезилмагандан сўнг эшикни тақиллатдим. Онам кўлида лампа ушлаган ҳолда эшикни очиб, мени кўрдию «Вой, ўғлим» дея бир кўлида лампа ушлаб, иккинчиси билан мени маҳкам қучоқлаб йиғлаб юборди. Мен ҳам йиғлашдан ўзимни тута олмадим. Шу онда рўпарадаги кўшиқларимиз Муборак ва Тожи опалар чиқишиб, онамнинг кўлидаги лампани олишди. Уларнинг иккаласи ҳам мени қучоқлаб роса йиғлашди. Уйга кирганимда танчани кўрдиму, шу заҳоти ўзимни унга отгим келди. Акам ишда, укам ва сингим бошқа хонада ухлаб ётган эканлар. Улар билан қучоқлашиб кўришдим. Новвойчилик билан шугулланаётган отам гузардаги тегирмонга ун олиш учун кетган экан, кўп ўтмай харсиллаб чопиб келиб йиғлаган ҳолда мени бағрига босди. Онам мени иссиқ сувда ювинтирди ва палов дамлади. Ўша кезде соғинганим палов шундай ширин туюлдики тасвирлашга ожизлик қиламан.

Ўн кун мобайнида кўшиқлар, узоқ-яқин қариндошлар, ошна-оғайинлар кўргани келиб қутладилар. Мендан сал олдинроқ Зоҳиджон Обидов бир оёғидан айрилиб қайтиб келган экан, у билан суҳбатлашиб, бошимиздан кечганларни эслашиб, қайтганимизга шукрлар қилардик. Бироқ Тожи акамнинг 1942 йили вафот этганини эшитиш мен учун ниҳоятда қайғули кечди.

Турмуш шундай зиддиятли жараён эканки, унинг аччиқ кунларида баъзан чучук томонлари ҳам кўриниб турар экан. Шу муносабат билан ўша кезларда юз берган бир қизиқ воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Мендан кейин фронтдан қайтган бир маҳалладошимиз ўзини ўта жиддий тутиб, ҳарбийча қадам ташлаб одамларни таажублантира бошлаган. Айниқса унинг она тилини унутиб нукул русча гапириши қизиқ туюларди. У вақтларда рус ти-

лини тушунадиган кишилар ниҳоятда оз бўлиб, биладиган ёшлар фронтга жўнатилган эди. Унинг қайтишидан хурсанд бўлган қариндошлари ва қўшнилари кўришга қирганларида ўзбекчани тушунмаслигини англаган. Шундан кейин рус тилини ўртача биладиган ёши улуг бир киши унга таржимонлик қила бошлаган. Ўз тилини «унутган» маҳалладошимиз «здравствуйте, бабушка», «здравствуйте, дедушка», «как поживаете» ва бошқа шунга ўхшаш русча сўзларни айтганида одамлар хайрон қолиб, ёкаларини ушлаган ҳода «ё тавба» деганларининг гувоҳиман. Улар ўғилларимиз ўз тилини унутиб қайтишса, нима қиламиз, деб ташвишланардилар.

Қуларнинг бирида таржимонликни бўйнига олган қария менга, сен ва Зоҳиджон Обидов она тилини унутмадинглар, деган авайи нимага тилини йўқотди, деб кўп ўйладим, гоҳо нчимда ишовмай юргандим тўғри чикди, деб қолдилар. Воқеа эса бундай бўлган. Саводли бўлмиш таржимон отахон унга, ўғлим, сенга ўхшаб ёшлар ўзбек тилини эсдан чиқарсалар, халқимизнинг тақдири нима бўлади, ахир бу шармандалиқ-ку, рус тилини жуда чала билишингни сезиб турибман, деб танбех берганларида, у бирдан тутоқиб ва жаҳли чиқиб, хой қария, қирган бошингиз билан менга ақл ўргатманг, бординг сиз билан гаплашишни хохламайман, деб ўзбекча гапириб юборганини билмай қолган. Кекса отахон, 15 кун сенга таржимонлик қилиб роса алданибман-да, деб роса сўкканида, у жилмайиб, кўп хафа бўлманг, ҳазилни билмайсизларми, деб қутулиб қўя қолган экан. Мазкур ҳодиса кўп йиллар мобайнида оғиздан-оғизга ўтиб юрди.

Ота-онам ҳамон новвойчилик билан шуғулланаётган эканлар. Бундан келган фойда ҳар биримизга ҳар куни биттадан тандир нон қолиб, бир маҳал қора қозонни гўштсиз зўрға қайнатиш имконини берган. Ўша вақтларда нон шу даражада азиз эдики, уни топиш ва тўйиб бир маза қилишнинг ҳеч иложи бўлмаган. Ўз ўрнида айтганимдек, «забор карточка»си бўйича ҳар бир жонга ёшига қараб 200-400 грамм нон берилган. Бу нон номшагина ҳисобланиб, жуда қора ва ёпишқоқ бўлиб, чайнаганда тишга елимга ўхшаб қаттиқ ёпишарди. Айниқса кўп болали оилаларга нон етишмаган.

Мени кўргани келган одамлар олдида дастурхон ёзилиб, қурук мевалар қўйилиб тандир нони ушатиладди. Бир сафар уйга ташриф буюрган икки аёл охириги бир бурда нонга беҳосдан қўлини баробар узатиб, уни қўйиб юбормай тортишди. Нон икки қўлда бўлинганда оғзиларига солиб, бир икки чайнаб ютдилар. Онам яна иккита нонни бурдалаганда меҳмонлардан бири, кампир онасига бир бурда нонни олиб кетишга, рухсат сўради. Унга онам кампир учун битта нон берди.

Яна бир сафар онам бир гуруҳ аёллар келишганда дастурхонга 4-5 та нон қўйди. Улардан бири шошиб-пишиб ушатаётганида бир бурдасини оғзига солганида ўтирганлардан бири унинг қўлини ушлаб,

нонни ушатиб бўлганингиздан кейин ерсиз, деди. У бечора бўлса, кечирасизлар, беодоблик қилибман, очлик курсин, икки кундан буён ошқозонга ҳеч нарса тушгани йўқ, деди йиғламсираб. Улар кетганларидан сўнг бир аёл онамга, худоё барака топинг, очлигидан келинимнинг сути қочиб чақалок чиркираяпти. Ўғлим уйланганидан 10 кундан кейин фронтга кетган эди. Чақалок яқинда туғилди, деганида онам йиглаб юборгандилар. Унга учта нон бердик. Мен келгандан кейин ўн кун мобайнида нон сотмай, кўргани келаётганлар учун ёзилган дастурхонга қўйилди. Ундан мухтожларга ҳам берилди. Натижада ўша кунларда новвойчиликдан олинадиган даромад бўлмай тегирмон эгасидан қарздор бўлиб қолдик.

Шаҳар ва қишлоқларда оч одамларнинг сон-саногини йўқ эди. Улар оқ давлагини, картошкани, шолғом ва сабзини қайнатиб истеъмол қилардилар. Аммо нон, гўшт, гуруч, ун ва ёғ етишмаслигини халқнинг тинкасини қуритди. Ҳатто оқ давлагини ё шолғомдан овқат тайёрлаш имконига эга бўлмаган қишлоқлар ҳам оз эмасди. Кўмир ва ўтин топиши ҳам жуда қийин бўлиб, улар йўқлигидан қозон қайната олмаганлар ҳам бор эди. Хонадонларда танчалар борлигининг аҳамияти катта бўлган. Уларга таппи ёки ўтиннинг чўғи солинган. Бироқ ҳамма хонадонда ҳам шундай эмасди. Кўчалар ва бозорларда гадоиларнинг сон-саногини йўқ эди, лекин эҳсон қилувчилар онда-сондагина кўзга ташланарди. Уруш ногиронларининг кесилган оёғи ёки қўлини очган ҳолда тиланчилик қилиб ўтирганларини учратиш мумкин эди.

Мана шундай ниҳоятда оғир аҳволга қарамай солиқ ундирувчи ходимлар сурбетларча зўравонлик қилиб, дарҳол тўлашни талаб қилар, натижада улар билан тез-тез жанжал ва тўқнашувлар бўлиб турарди. Ваҳоланки, солиқ тўлаш учун ҳеч қандай имкон йўқ эди. Солиқчилар эса мол-мулкни мусодара қилиш билан кўрkitардилар. Уруш йилларида фронтга жўнатилганларнинг ота-оналари руҳан ниҳоятда эзилган эдилар. Эрсиз қолган аёллар, отасиз болаларнинг сон-саногини йўқ бўлиб, қорахат олган аёлларнинг бағри ўтдек ёнарди. Айни пайтда ўғиллари хақида ҳеч қандай дарак йўқлигини ота-оналарни қаттиқ қийнардди.

Россия, Украина ва бошқа жойлардан ўнг минглаб одамнинг қочиб келиши озик-овқат ва турар жойларнинг етишмовчилигини янада кучайтириб юборди. Уларни ҳар жиҳатдан таъминлаш ўзбекларнинг зиммасига юклатилган эди. Кўчаларда туну кун ҳарбий гуруҳлар кезиб, дуч келган одамни текшириш ва тинтиш билан шуғулланардилар. Улар эркак зотини кўрса бас, дарҳол ушлаб, ҳарбий қўмига таъинлардилар.

Ҳамма одамлар қатори бизнинг оиламиз ҳам совет тузумининг зўравонлик сиёсати ва урушнинг даҳшатли оқибатларини бошидан кечирган. Новвойчилик билан шуғулланиш бизни бир оз бўлса-да очликдан

саклаб турди. Ўша пайтларда новвойчилик қилиш осон кечмаган. Айниқса оч одамлар қуршовида нон ёпиш маънавий жиҳатдан ҳам мушқул эди. Зеро, одамлар суқланиб қарар, лекин сотиб олишга маблағи йўқ. «кўрмоқ бору, емоқ йўқ» деганларидек, сўлаги оқиб тураверарди. Бундай ҳолат новвойларнинг юрагини эзарди. Бирок ёрдам қўлини тўзишнинг ҳамма вақт ҳам иложи йўқ эди.

От аравани юки билан тортгандек уйимиздаги барча ишлар онам бўйнида эди. У 10 йил мобайнида бағрини оловга тутиб новвойчилик билан шуғулланди. Очиғини айтганда, унинг бутун умри меҳнатда ўтиб, дам олиш ва роҳатланиш нималигини билмади, ўзини онласи, фарзандларига бахшида этди. Охир-оқибат оғир дардга чалиниб, ўғил-қизларининг роҳатини кўриш пайтлари келганида 1957 йили 63 ёшида вафот этди.

Оёғимдаги яра битмай йиринг оқиши тўхтамагани боис 1944 йили госпиталга ётишга тўғри келди. Бу ерда қорачадан келган бош шифокор Умарова ва жароҳларнинг устози Орлов оёғимни операция қилиш лозимлигини айтишди. Ёши каттароқ жарроҳ – рус аёли операция қилиб, яранинг тамомила битишини таъминлади. Лекин қўлтиқ таёқни асло ташламаслигимни уқдирди. Бўйи баланд, гавдали, бошини доимо сарак-сарак қилиб турадиган Орлов ҳам менга омад ва саломатлик тилади.

Қўлтиқ таёқда юраётган бўлсам-да, ишлаб ота-онамга ёрдам беришга қарор қилдим. Аммо онам институтга ўқишга кириш зарурлигини талаб қилди. Ўзимнинг ҳам ўқишга иштиёқим бўлганлиги учун Тошкент давлат педагогика институтининг тарих факултетининг сиртки бўлимига ҳужжат тоштириб, ўқишни тугатдим.

Шундай қилиб, 1941-1945 йиллардаги ҳаёт йўлим иккинчи жаҳон уруши ва унинг дахшатли оқибатларига боғлиқ равишда кечди. 1943-1948 йилларда, яъни 5 йил мобайнида доимо қўлтиқ таёқда юришга тўғри келди. Унинг таянадиган қисми юрганнимда қўлтиқ остига ишқалангани орқасида қўйлак ёки костюмнинг ўша жойи ситилиб кетиши боис кийимнинг шу бўлақларига юқа чарм тикиларди. Буни масҳара қилувчилар ҳам учраб турарди. Аммо уруш йилларида мисли кўрилмаган даражадаги кашшоқлик, азоб-укубатлар, адолатсизлик, назорат ва таъқибларни бошидан кечирган халқ билан ҳамдард бўлганимдан ҳеч нолимайман. Ўзбек эли тортган машаққатлар беҳуда кетмади. Негаки, фашизм устидан эришилган оламшумул ғалабада унинг хиссаси бекиёс ва каттадир.

ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИМ

(1946–2013)

1943 йилнинг охирида Ўзбекистон фанлар академияси ташкил топганлиги ҳақида матбуот саҳифаларида берилган ахборотни ўқиганимда менда ҳам илмга қизикishi пайдо бўлиб, олимликни дилимга туғиб қўйгандим. Бу орзуйим 1946 йилга келиб рўёбга чиқадиган бўлди. Ўша йили Ўзбекистон фанлар академияси Тарих ва археология институтига аспирантурага киришга ариза бердим. Ушбу даргоҳга ҳарбий кийим ва қўлтиқ таёқда келганимда археология фани бўйича ўзбеклардан биринчи бўлиб тарих фанлари номзоди илмий даражасига эришган Яҳё Ғуломов билан танишдим. Бағри кенг олим мен билан самимий суҳбатлашиб аспирантурага кириш маслаҳатини берди. Унинг бундай муносабати умид ва ишончимни мустаҳкамлаб, руҳимни кўтарди. Ўша вақтда институт директори З. Ражабов докторантурага кетганлиги учун ўрнида археолог В.А.Шишкин вақтинчалик ишлаётган экан.

Аспирантурага кириш имтиҳони танлов асосида олиб борилиб, Яҳё Ғуломов, В. А. Шишкин, А. Аминов, З. Ражабов комиссия аъзолари эдилар. 2 ўринга 14 киши ариза берганлиги учун рақобат кучли бўлди ва мен голиб чиқдим. Шу тариқа 1946 йил сентябридан бошлаб аспирантурада ўқишни бошладим. Бу вақтда академия хайъати ҳозирги Мустақиллик майдонининг Ўзбекистон кўчасига туташган жойнинг ўн томонидаги бурчакда ўрнашган икки қаватли бинода жойлашган бўлиб, Тарих ва археология, Тил ва адабиёт, Иқтисод ва геология институтилари ҳамда кутубхона ҳам шу ерда фаолият олиб борган.

Ўзбекистон фанлар академиясининг президенти Т.Саримсоқов эди. Ўша вақтларда фан номзодлари ва докторлари, илмий ходимларнинг сони жуда оз бўлган. Масалан, Тарих ва археология институтида ўзбеклардан икки киши (Я. Ғуломов ва Р. Набиев) фан номзоди илмий даражасига эга эдилар, холос. Фан докторлари эса умуман йўқ эди.

Уруш йиллари ва ундан кейинги дастлабки пайтларда институтда С. П. Толстов, С. В. Бахрушин, А. К. Боровков, Ю. В. Готе, В. А. Пичета, К. А. Антонова, Е. В. Бунаков ва россиялик бошқа олимлар ҳам ишлаганлар. Улар «Ўзбекистон тарихи» китобини ёзиш билан шуғуullanардилар.

Мазкур изланишларда тошкентлик олимлардан Я. Гуломов, Ш. Ражабов, А. Семенов, В. А. Шишкин ва О. А. Сухаревалар ҳам катнашганлар.

Менга номзодлик диссертациясининг мавзуси сифатида «Шарқий Туркистонда (Синцзянда) 1826 йилги халқ кўзғолони» муаммосини ўрганиш топширилди. Диссертациянинг хомакиси тайёр бўлгандан кейин Тарих ва археология институти илмий кенгашининг хорижий мамлакат тарихи бўйича тайёрланган диссертацияни химояга қабул қилиб олиш учун ваколати йўқлиги маълум бўлиб қолди. Шу бахона илмий раҳбарим шунга била туриб, мавзунини жўртга берганлиги ҳам аёнлашди. У табиятан шахсиятпараст, онги ва бағри тор, мурувватсиз одам экан. Ҳатто диссертацияни ўқиб, фикрини ҳам айтмади, уни қайтариб ҳам бермади. Қарасам, диссертацияни ёклашга умид йўқ. Опламиз ахволи оғир бўлишига қарамай, Ленинградга¹ кетишга қарор қилдим. У ерда Россия фанлар академияси Шарқшунослик институтида фаолият кўрсата бошладим. Шарқшунослик институти Москвада тузилиб, Ленинграддаги институт унинг филиалига айлантирилиши муносабати билан Москвага келиб ишимни давом эттирдим. Ленинград ва Москвада етук олимлар билан танишиш ва суҳбатлашиш, янги маълумотларни қўлга киритиш илмий савиям ва тажрибамнинг юксалишида муҳим аҳамият касб этганди. Натيجида диссертацияни янгидан ёзишга тўғри келиб, уни химоя қилиш ҳам чўзилди. Ниҳоят, 1953 йили Шарқшунослик институтида «Шарқий Туркистонда (Синцзянда) 1826 йилги халқ кўзғолони» мавзуси бўйича диссертацияни химоя қилиб, тарих фанлари номзоди унвонига сазовор бўлдим.

Шундан кейин Тошкентга қайтиб Тарих ва археология институтининг «XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Ўзбекистон тарихи» бўлимида кичик, сўнг катта илмий ходим сифатида ишладим. Бўлимдаги ходимлар орасида мендан бошқа фан номзоди йўқ эди. Институт бўйича ҳам фан номзодлари ҳалигача жуда оз эди.

1964 йили Тарих ва археология институтининг «XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Ўзбекистон тарихи» бўлимига раҳбар этиб тайинландим. Ўша йили «XVI-XIX асрларда Ўрта Осиё ва Сибир» илмий асарим асосида докторлик диссертациясини химоя қилдим.

1965 йили мени Ўзбекистон фанлар академиясининг вице-президенти Иброҳим Мўминов хузурига чақириб, Ҳамидулла, кўп йиллар мобайнида академия сизга хизмат қилганлиги туфайли фан номзоди ва доктори бўлдингиз, энди академияга хизмат қилиш навбати сизга келди, институт директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари сифатида ишлайсиз, деди. Мен миннатдорчилик изҳор қилиб розилик билдирдим. Шу тариқа

¹ Ҳозирги Санкт-Петербург.

1965–1985 йилларда директор Мели Онунова билан биргаликда ишладик. Кўпдан-кўп фан номзодлари ва докторлари тайёрланди. Кўп асар, рисола ва маколалар нашр килинди. Кўшни республикларга ҳам юқори малакали илмий ходимлар тайёрланди. Шахсан ўзимнинг қўлимдан 300 дан ортик диссертация ўтган эди.

XX асрнинг 80 йиллари ўрталарида республика партия раҳбариятининг улуғ миллатчилик сиёсати авж олиб халқнинг бошига кўп кулфатлар ёғилди. Ўша вақтларда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи котиби, ашаддий шовинист Сатин партия йиғилишлари ва матбуотда Ўзбекистон фанлар академияси институтларининг раҳбарлигига ўзбеклардан қўйилганлигини қоралаб, бундай ҳолатга барҳам берилишини талаб қила бошлади. Ушбу топшириқни амалга ошириш учун махсус комиссия ҳам тузилиб, бизнинг институт фаолиятини ишдан игнасиғача текшира бошладилар. Комиссия раиси академия хайъатининг кенгайтирилган мажлисида, амалда институтни Ҳамид Зиёев бошқарган, шунинг учун барча камчиликларга у жавобгар, деб шовкин кўтарди. Бу бежиз эмасди. Зеро, 1898 йилги Андижон кўзғолони ва жадидлар ҳаракатини оқлашга бағишланган анжуман мен бошқараётган бўлим орқали ўтказилганди. Амир Темурга бағишланган тадбирни уюштириш ҳам ўз вақтида менга топширилганди. Шу бонс мен кескин танқид остига олиндим.

Маълум вақт ўтгач хайъатдан мен эгаллаган лавозимни қисқартириш бўйича кўрсатма олинди ва мен бўлим бошлиғи сифатида ишлашни давом эттирдим. Уруш қатнашчиси бўлганим учун институтдан хайдашнинг иложи бўлмади, шекилли. Институтда ишлаётган Жаннат ва Доно исмли қизларим ҳам бўшатилды. Бирок кўп ўтмай институт директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосарлик лавозими тикланиб, унга рус миллатига мансуб Пономарев деган шахсни ўтказишди. Унинг вафотидан кейин ўрнига Л. Трайнис тайинланди. Бу билан биринчи котиб Сатиннинг талабига монанд иш килинди. Мендан кейин 1986 йили Мели Охунова ҳам ишдан бўшатилды. Шундай қилиб, мен ва Мели Охунова партия, аниқроғи Москванинг «улуғ миллатчилик» сиёсатининг қурбонларидан бири бўлдик.

Узоқ йиллар мобайнида Тарих институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари ва бўлими бошлиғи сингари маъмурий вазифаларни бажариш анча вақт ва куч талаб қилган бўлса-да, бирор дам ҳам ижодий фаолиятимни тўхтатмай, қатор илмий асарлар яратишга муваффақ бўлдим. Тарих фанини ривожлантиришда юқори малакали илмий ходимларни тайёрлаш қатта аҳамият касб этиши бонс мен бу масалага жиддий эътибор берилшга ҳаракат қилиб, шогирдларимдан 40 дан ортик киши фан номзоди ва доктори илмий даражасига сазовор бўлишди.

Хуллас, узоқ ва мураккаб йўлни босиб ўтдим. Айрим кишилар тўскинлик қилиш учун ҳаракат қилдилар. Аммо ҳаёт курашдан иборатлигини яхши англаб, ишончсизлик ва умидсизликка берилмадим. Аксинча, ўз олдимга қўйган мақсадни амалга ошириш учун каттик курашдим. Яхшилардан ибрат олиб, ёмонлардан ҳазар қилишга ҳаракат қилдим. Кўпроқ камчилик ва ҳағоларни ўзимдан қидириб, уларни бартараф қилишга бор кучимни сарфладим. Кўп касбдошларим фан доктори унвонига эга бўлганларидан кейин калам тебратишни сусайтириб, илмдан анча узоқлашиб кетишди. Мен эса докторлик унвонини оқлаш лозим, деб илмий ижодимни ривожлантириш йўллариини изладим. Узлуксиз изланиб асарлар ва мақолалар нашр эттиришга эришдим. Улар менга катта куч-қувват бағишлаб, янги-янги ижодий ишларга отлантириб турди. Айниқса Мустақиллик йилларидаги ижодим барақали бўлди. Бироқ илм шундай бепоён ва чуқурки, мен қилган ишлар «денгиз сувидан бир томчи», холос.

Аён бўлиб турганидек, менинг фаолиятим икки қисмдан иборат бўлиб, бири совет даврида кечди. Ушбу мустамлакачилик йилларида барча олимлар қатори мен ҳам айрим ҳолатларда тарихни ҳуқумрон мафкура нуқтаи назаридан ўрганишимга тўғри келди. Ижодимнинг иккинчи даври Мустақиллик йилларида кечаётганидан бахтиёрман. Эркин ва озод шахс сифатида тарихни ҳолис ёритиш ва тарғибот қилишга билимим ва кучимни аямай сарфламоқдаман. Китоблар ва мақолалар чиқардим, фан номзодлари ва докторларини етиштирдим. Бироқ бу қилинган ишлар оз бўлиб, кўпроқ илмий махсулот бериш ҳам фарз, ҳам қарзидир.

* * *

Шоҳиди бўлганимиздек, Ҳамид Зноевнинг ҳаёти турли машаққатларга бой, зиддиятли даврга тўғри келган, илмий фаолияти ҳам осон кечмаган. Шу билан бирга у ўзини бахтли инсон деб билади. Зеро, ўзи ва ижодини эл-юртга бағишлаган ижодкор учун киндик қони тўқилган Ватанининг озодликка эришиш давларини шахсан кўриш, мустақил давлат фуқароси бўлиш, хур мамлакатнинг эркин олими сифатида калам тебратиш, фарзандлари, кўндан кўп авлодларининг бугуни ва эртасидан кўнгли тўқ бўлиш энг олий мукофотдир.

ҚАДИМГИ ВА ЎРТА АСРЛАР ТАРИХИ

Ҳамид Зиёевнинг 2001 йили нашр қилинган «Ўзбекистон мустақиллиги учун курашлар тарихи» номли асарига милоддан олдинги асрлардан то 1991 йил 31 августгача ўтган даврда олиб борилган озодлик курашлари бирма-бир ёритилган. Унда жумладан Амир Темур фаолияти шундай баҳоланган: «**Биринчидан**, соҳибқирон босқинчиларнинг аёвсиз зулми остида ҳаёт кечираётган халқнинг эзгу-ниятларини рўёбга чиқариб, озодлик учун олиб борилаётган курашни ниҳоясига етказди. Бу билан мўғулларнинг юз эллик йиллик ҳукмронлиги илдири билан қўпориб ташланди. Шунингдек, халқнинг моддий ва маънавий ҳаётига катта зиён келтираётган ўзаро қонли уруш ва тарқоқликни тугатиб, марказлашган давлат барпо этди. Мамлакатда мустақил миллий давлат ва миллий қўшин ташкил топди. Она юртга содиқ ва жанговар қўшин етиштирилиб, у бирор маротаба мағлубиятга учрамади. Бошқарув тизимидаги қаттиқ интизом биринчи галда умумхалқ ва давлат манфаатларини таъминлади.

Иккинчидан, Амир Темур бутун мамлакатда мўл-қўлчилик ва фаровон ҳаётни таъминлашга алоҳида аҳамият берди. Дехқончилик ва ҳунармандчиликнинг барча соҳаларида улкан ютуқларга эришилди. Шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштиришга аҳамият берилди. Янги сунъий суғориш тармоқлари қурилиб, янги ерлар ўзлаштирилди. Ички ва ташқи савдо алоқалари ҳам кенг қўламда ривожланди. Фан ва маданият соҳаларида ҳам тараққиёт кўзга ташланиб, ҳашаматли мадраса, масжид, қарвонсарой, бозорлар қурилди. Қарвон йўллари ободонлаштирилди ва ҳавфсизлиги тўла таъминланди. Туркистоннинг Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Хитой, Арабистон ва бошқа мамлакатлар билан муносабатлар, юқори босқичга қўтарилди. Соҳибқироннинг катта хизматларидан бири шундан иборатки, илк бор Византия, Венгрия, Генуя, Испания, Франция ва Англия каби давлатлар билан бевосита алоқа ўрнатилди.

Учинчидан, соҳибқирон ўзининг инсоний юксак фазилатлари билан тарихда ўчмас из қолдирди. У табиатан ўта ақл-идроқли, билимдон, ҳалол, адолатпарвар, жасоратли, ватанпарварлиги билан донг чиқариб, халқнинг обрў-эътиборига сазовор бўлди. Ҳамisha Ватан ишқи ва халқ дардида яшайди. Маълумки, Амир Темурга тахт мерос тарзида эмас, балки қатта истеъ-

доди ва юксак ҳарбий маҳорати туфайли теккан эди. У халқ халоскори, машҳур давлат арбоби ва лашкарбоши ҳисобланиб, буюк тарихий шахс сифатида номи олам узра таралди.

Тўртинчидан, Амир Темур фан ва маданият ҳомийси сифатида ҳам шухрат қозониб, унинг тараққиётини таъминловчи барча шарт-шароитни яратди. Натижада, Туркистон замини, хусусан, салтанатнинг пойтахти Самарканд юксак фан ва маданият марказига айланди. Бу ерда турли фан соҳиблари самарали иш олиб бордилар. Қурилиш ва меъморчилик соҳаларида улкан ютуқларга эришилди. Мўғуллар даврида сиқиб қўйилган ислом дини кенг кўламда ривожланди. Ҳашаматли масжид, мадраса ва бошқа бинолар қурилиб меъморчилик юксак даражага кўтарилди. Ташки дунё билан илмий ва маданий алоқалар кенг қулоч ёйди. Самаркандда шарк, грек, арман, грузин ва бошқа тиллардаги асарларни ўз ичига олган кутубхона ташкил этилди».

Ҳамид Зиёев Амир Темур номини абадийлаштириши ҳақидаги таклифларини «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» (1992 йил 6 март) ва «Ўзбекистон овози» (1992 йил 4 август) газеталарида баён этган олим кейинги йилларда ҳам соҳибкиронга бағишланган қатор мақолаларни («Амир Темур давлатининг мафқураси» («Мулоқот» журнали. 1995 йил, 9-10-сон), «Миллатимиз ифтихори» («Ўзбекистон матбуоти» журнали. 1996 йил, 3-сон), «Сын своей эпохи» («Правда Востока» газетаси. 1996 йил 27 сентябр), «Амир Темур давлати» («Қирғиз тауси» газетаси. Бишкек, 1996 йил 29 сентябр), «Турон бобоси қирғиз элида» («Миллий тикланиш» газетаси. 1996 йил 8 октябрь), «Амир Темур Украинада» («Ўзбекистон овози» газетаси. 1996 йил 24 сентябр, «Салтанат таянчи ва давлат мададкори» («Ўзбекистон овози» газетаси, 1998 йил 20 январ ва бошқалар) кенг ўқувчилар оммасига ҳавола этди. Улардан бирида («Туркистон» газетаси. 1996 йил 19 октябрь) соҳибкироннинг шахсий фазилатлари шундай таърифланади: «Маълумки, бизда ҳамма нарсани халқ ҳал қилади, деган нақл юради. Буни инкор этиш нотўғридир, албатта. Аммо халқнинг хоҳиш-иродаси ва қураши ақл-идрокли, билимдон, жасоратли ва тadbиркор шахс томонидан бошқарилгандагина қутилган натижага эришиш мумкин. Бунга тарихимизда мисоллар кўп. Шу боис жамият ҳаётида бош раҳбарни ҳал қилувчи қуч сифатида баҳолайман. Жуда узоқлашмай, Амир Темур фаолиятига назар ташлайлик. У то дунёга келиб вояга етгунча, яъни юз эллик йил мобайнида мамлакатда том маънодаги сардор бўлмаганлиги туфайли мустақиллик тикланмади. Амир Темур буни амалга оширди. Унинг ўлиmidан кейин эса салкам тўрт юз йил вақт ичида хонликларни бирлаштириб, марказлашган давлат тузишга қодир ҳукмдор топилмади.

Хуллас, Амир Темур тарихда камдан-кам учрайдиган, яъни бир неча юз йилларда бир келадиган ноёб истеъдод соҳибидир».

Ҳамид Зиёев ўз асарларида Амир Темурнинг шахсий ва ҳукмдорлик фазилятларига онд маълумотларга ҳам қатта эътибор қаратади. Унинг манбалар асосида аниқлаган маълумотларига кўра, Амир Темур ёшлигидан ўзининг ақли ва билимдонлиги билан вазирлар, амирлар ва бошқа нуфузли кишиларнинг ўғиллари билан муомалада бўлган. У мактаб ва мадрасада таълим олиб, Куръонни бошидан охиригача ёддан билган. Амир Темур ёшлик чоғидаёқ тенгқурлари орасида одамларни бир-бирларига қовуштириш, таъсир ўтказиш ва ташкилотчилик қобилияти билан обрў-эътиборга сазовор бўлган. У хушмуомала бўлиб, одамларга меҳрибонлик ва ғамхўрлик кўрсатган. Айни пайтда у лафзида қаттиқ турадиган, ўзгаларнинг дардига малҳам ва камбағалпарвар бўлган. Мустаҳкам ирода унинг қон-қонига сингиб кетган, айниқса сергап, тайини йўқ ва хиёнатчи кишиларга нафрат кўзи билан қараб, уларни ўзига яқинлаштирмаган. Тахтга ўтирганидан кейин унинг инсоний фазилятлари бутун фаолиятида намоён бўлиб, куч-қудрати ва самарасини кўрсатди. Амир Темур кучли, продалли шахс бўлганлиги учун мустақил фикр юритадиган, жасоратли ва билимдон кишиларни ўз атрофига жипслаштирди. Қул табнатли ва иккиозламачи кишиларни ҳокимиятга яқинлаштирмади.

Устознинг таъкидлашича, Амир Темур юксак одоб-ахлокли ва билимдон киши бўлганлиги туфайли зиёлиларни кўкларга кўтариб, уларнинг маслаҳатларига қулоқ солди. «Темур, — дейилган манбада, — олимларга меҳрибон бўлиб, саййиду шарифларни ўзига яқин тутарди. Уламо ва фозилларга тўла-тўқис иззат кўрсатиб, уларни ҳар қандай кимсадан батамом муқаддам тутарди, уларнинг ҳар бирини ўзининг мартабасига қўйиб, ўз икрому ҳурматини унга изҳор этарди. Улар билан мазмунли баҳс ҳам юритади. Ўз фикрини пешлаш мақсадида муттасил шатранж ўйнарди. Темур тарих китобларини, ҳикоя ва қиссаларни зўр иштиёқ билан ўқиган. У шу даражада уларни ўзлаштирган эдики, агар ўқиётган киши бирор хатога йўл қўйса, Темур унинг хатосини тузатиб, саволга солар эди».

Амир Темур қудратли ҳукмдор бўлишига қарамай, ўзини ҳаминша камтарин тутиб, дилозорлик ва манманликдан жуда узоқда бўлган. У ҳаминша адолатли, андиша ва уятни қаттиқ ушлаган. Бу хусусда манбада шундай ёзилган: «Темур тамғасининг нақши «рости расти» бўлиб, бу ҳақгўй бўлсанг нажот топасан, демакдур...».

Кўпинча унинг мажлисида уятсиз сўзлар, қон тўкиш, асир олиш, наҳбурат қилиш ва ҳарам (ҳаки)га ҳақорат сўзлар бўлмасди. Темур кўркмас, шижоатли, ботир, жасоратли кишиларни, довурак ва мардларни ёқтирар эди».

Амир Темурнинг олий фазилатларидан бири шундан иборатки, у аёлларга нисбатан иззат-икром кўрсатиб, кадри-қимматини ўрнига кўярди. Кенгашларда ва элчиларни қабул қилиш маросимларида аёллар соҳибқирон тахтининг бир томонида ўрин олган. Ҳатто Бибихонимнинг элчиларга зиёфат уюштиргани ва суҳбатлашгани ҳақида маълумотлар учрайди. Нуфузли аёллар номида ҳашаматли бинолар қурдирди.

Ҳамид Зиёевнинг «Амир Темур – олий фазилатлар соҳибин», «Амир Темур ҳарбий юришларининг сабаблари ва оқибатлари», «Темурийлар давлатининг шайбонийлар томонидан босиб олинниши» каби мақолалари ҳам диққатга сазовордир.

Устоз Амир Темур фаолиятини нафақат газета ва журналларда, балки ўқув юрғларида ҳам тарғиб ва ташвиқ қилди.

Умумлаштириганда, Ҳамид Зиёев Амир Темурга бағишланган 20 мақола ва китоб нашр эттирди. Олимнинг таъкидлашича, Соҳибқироннинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ҳақидаги ҳақиқатни тиклаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари каттик қаршилик, тазйик ва таъкибларга учраган эди. Амир Темурни «оклаш», хурмат ва хотирасини ўрнига қуйиш Мустақиллик йиллардагина амалга оширилди. Шахсан Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси ва бевосита иштирокида хайкаллар ўрнатилди, музей очилди кўпдан-кўп асар ва мақолалар нашр этилди. Халқаро миқёсда анжуманлар ўтказилди. Кўча ва бошқа жойларга номи қўйилди. Ҳар йили тутилган куни нишонланмоқда. Амир Темур халқаро жамғараси ташкил этилди. Умуман айтганда, кўз ўнгимизда Амир Темурнинг шон-шухратини тиклаш бўйича нима қилинган бўлса, барчаси юртбошимиз Ислом Каримовнинг номи билан чамбарчас боғлиқдир.

Устоз хонлиқлар даврида мамлакатда юз берган қолоқликларнинг сабаблари, Хива хонлигининг ижтимоий-сиёсий аҳволи, Тошкентнинг ўтмиши ва бугуни, Ўрта асрлардаги диний муносабатлар ҳамда ўзбек олгинининг тарихига оид масалаларни ҳам алоҳида тадқиқотлар доирасида ёритиб берганини таъкидлаш жоиздир.

Унинг халифа Усмон вақтида битилган Қуръоннинг олти нусхасидан бири қай тарзда Самарқандга келтирилиб, мустамлака даврида қандай қилиб Петербургда бориб қолганига оид тадқиқоти ҳам («Шарк юлдузи» журнали, 1991 йил, 1-сон) диққатга сазовордир. Маълум бўлишича, рус генерали Абрамов Қуръонни Самарқанддаги Хўжа Аҳрор масжиди имомидан 125 сўмга сотиб олиб, аввал Тошкентга келтириб, кейин Россия империяси пойтахтига жўнатган экан. Қуръон Россияда бир неча маротаба рус тилига таржима қилинган. У буюк рус шоири А.С.Пушкин эътиборини ҳам ўзига тортган. Шоир ўзининг «Қуръондан иктибос» шеърий асарида сура ва оятларнинг мазмунини шеърий йўлда ифода этишни ўзига асосий мақсад қилиб қўйган.

Қуръон тарихини ўрганишни давом эттирган олим унинг Олтин Ўрдадан Амир Темур томонидан келтирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни топишга муваффақ бўлди. Шу муносабат билан яратилган мақоласи («Ўзбекистон овози» газетаси, 1997 йил 6 март) Қуръон тарихини ўрганишга қўшилган ўзига хос янгилик ҳисобланади. У 2009 йили Қуръон ва мадрасалар тарихига бағишланган алоҳида китобни нашр эттирди.

Ҳамид Зиёев ислом дини тарихи ва таълимотини илмий асосда ўрганишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган мутахассислардандир. Унинг туркистонлик дин пешволарининг Волга бўйларида ислом динини тарқатиши. Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг Сибирда ёйилишига бағишланган мақоласи («Миллий тикланиш» газетаси, 1997 йил 2 май) дин тарихини ўрганишда янги саҳифа очди, десак хато бўлмайди.

РОССИЯДАГИ ЎЗБЕКЛАРНИНГ ҲАЁТИ ВА ТАҚДИРИ

Ҳамид Зиёев Россиянинг Сибир ва бошқа чекка ўлкаларида яшаб меҳнат қилган ўзбеклар тарихини ўрганиб кенг жамотчиликка тақдим этган илк ва ҳозирда ҳам ягона олим ҳисобланади. Шу маънода устознинг мазкур камёб мавзуга қўл уришга ундаган сабабни ойдинлаштурвчи хотираларини келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Москвада Ленин номли давлат кутубхонасида ишлаётганимда тасодифан Сибир ва Россиянинг бошқа ерларида ўзбекларнинг ўрнашганлиги ва ҳаёти ҳақидаги маълумотларга дуч келдим. Очигини айтсам, аввал ишонамадим. Нахотки, ўзбеклар жаннатмакон Ўзбекистондан кетиб совуқ Сибир ва бошқа жойларга ўрнашганлар, саволини ҳаёлимдан ўтказдим ва тарихий маълумотларни ўргана бошладим. 1954 йили «Қизил Ўзбекистон» газетасида Сибирдаги ўзбеклар ҳақидаги мақолани чиқардим. Бунни карангки, мақола кенг ўқувчилар томонидан зўр қизиқиш билан қарши олиниб, мени саволларга кўмиб ташладилар. Мавзуга бағишлаб рисола ҳам чиқардим. Орадан ўн йиллар ўтиб Ўзбекистон қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов ўша кезларни эслаб шундай деганди: «биз талабалар газетادا Сибирдаги ўзбеклар ҳақидаги мақолангиз ва рисолангизни зўр қизиқиш ва мамнуният билан ўқиб, ота-боболаримизнинг жасорати ва фаолиятига қойил қолган эдик». Шунга ўхшаш фикрларни кўп кишилардан эшитдим.

Ўша вақтдаги Фанлар академияси раҳбарлари Ҳ. Абдуллаев ва И. Мўминов ҳам мамнун бўлиб, мавзунини давом эттиришга чакирдилар. Бу ишда айниқса устозимиз Яҳё Ғуломов жонбозлик кўрсатди. Аммо мавзунини ўрганиш осон бўлмай, Москва, Ленинград, Сибир, Волга ва Ўрол бўйларидаги кўп шаҳарларга бориш ва катта харажатни талаб қиларди. Академия ҳайъати уларни қоплашни бўйинга олди. Шундан кейин кўп йиллар мобайнида Москва, Ленинград, Астрахан, Уфа, Қозон, Нижний Новгород, Оренбург, Свердловск, Ирбит, Тюмен, Тоболск, Омск, Томск, Перм, Олмаота шаҳарларидаги жами 25 та архив ва музейлардаги тарихий ҳужжатлар билан танишдим. Бундан 100-300 йиллар илгари битилган, хира ва чанг босган ҳамда ўқиш ниҳоятда қийин бўлган ёзувлар мағзини чақиниш толиқтириш билан бирга кўп қуч ва вақт талаб қилди. Шу ҳилдаги ҳужжатлардан нодир маълумотларни қўлга киритдим.

Мен Тюмен ва Тоболск атрофларидаги ўзбеклар яшайдиган бир биридан узок жойларга бориб, хонадонларда меҳмон бўлдим. Мени айниқса катта ёшли кишилар зўр кизикиш ва хурмат билан қарши олдилар. Улар кўзда ёш билан «бу ерга ота-боболаримизнинг асил ватани Ўзбекистондан келганингиз учун катта раҳмат, ҳаммамиз ўзбеклигимизни яхши биламиз, ёш авлод татарлашиб ва руслашиб кетмоқда, бу кетишда улар ўзбекларнинг авлодлари эканликларини унутиб юборишлари аниқ» кабилидаги сўзларни айтиб ўз хурсандчиликларини билдирдилар. Уларнинг озик-овқатлари, кийим бошларида ўзбеклик кўзга ташланиб турарди. Аммо тилларида татар тилининг таъсири кўриниб турарди.

Тоболск ва Тюменда каттик совук тушиб ва қалин қор ётганда кўчада машиналар юриши тақиқлангани боис Тоболск маҳаллий ҳокимияти ёрдамида от қўшилган чанада пўстинга ўралган ҳолда у кишлоқдан бу кишлоқка катнадим. Ўзбеклар яшайдиган юртларда бўлиб суҳбатлашдим, хотираларини ёзиб олдим. Улар мени кўз ёши ва хурсандчилик билан қарши олиб хурмат ва иззатни ўрнига қўйдилар. Хонадонларда палов, чучвара ва бошқа ўзбек овқатларини истеъмол қилдим. Турмуш тарзи, урф-одат ва динда ўзбеклик аломатлари кўзга ташланиб турарди. Шунини айтиш лозимки, кўпроқ катта ёшдаги кишилар ўзларининг ўзбекларнинг авлоди эканликларини яхши билиб, фахрланиб гапирардилар. Бироқ ёш авлод татарлашиб ва руслашиб кетганлиги сезилиб турарди.

Улар ўтмиш замонларда, ҳатто кейин ҳам бухоролик, тошкентлик ёки наманганлик, яъни ота-боболари келган жойлари бўйича юритилган. Расмий ҳужжатларда бухоролик ва тошкентлик деб ёзилган. Сибирга биринчи навбатда савдогар, хунарманд, дин пешволари ва бошқалар ўрнашганлар. Улар дехқончилик билан ҳам шуғулланиб, Сибирда ғалла етиштиришни жорий этганлар. Бунгача у экилмаган эди. Шунга ўхшаш кўнчиликка ҳам асос солганлар.

Ўзбек савдо аҳли Россиянинг Ўрта Осиё ва Қозоғистон, Қошғар ва Хитой билан савдо алоқаларини ўрнатишда воситачилик қилганлар. Рус императорлари, жумладан, Пётр I ва Екатерина ўзбекларга бир қатор имтиёзлар берганликлари боис уларни «Фахрли бухоролик»лар («Почетные бухарцы») деб юритиш одат тусига айланган. Ҳатто XVIII асрнинг иккинчи ярмида Екатерина маҳаллий бошқарув тузиш – Бухоро волостларини ташкил қилиш ҳақида фармон чиқарди. Шундан кейин Тоболск, Тюмен ва Тарада Бухоро волостлари иш юритди. 1917 йилги революциядан кейин улар Бухоро ижроня кўмиталарига айлантирилди.

Сибирлик ўзбеклар одобли, софдил, меҳнатсевар ва маданиятли кишилар сифатида обрў қозондилар. Россия пойтахтининг «Санкт-Петербург» журналида (1806 йил) улар шундай таърифланган: «уларнинг аксарияти баланд бўйли ва хушбичим, ақллари расодир; улар виждонли, тиришқок, чиндамли ва хушмуомала одамлардир».

Рус олими С.Бахрушиннинг таърифлашича «Сибирдаги татарларга нисбатан бухороликлар ўзларининг юксак маълумоти билан ажралиб турган». Тил бўйича биринчи ўзбек дарслиги ва журналда биринчи мақолани чоп эттирган ҳам сибирлик ўзбеклар бўлгандилар.

XVII асрнинг 60 йилларида Сибирда бўлган бир европалик сайёҳатчининг ёзишича, ўзбек аёллари «уйдан чиройли шойи кийимларга ўраниб чиқадилар. Бошқа бировларни кўрмайдилар ва бошқалар ҳам уларни кўра олмайди. Агар улар бирон жойга бормокчи бўлсалар, чаналарнинг усти ҳам чиройли газламалар билан ёпилади».

Яна бошқа сайёҳатчининг таърифлашича, «аёлларнинг қадди қомаги келишган, гўзал чехрали, улар узун энгли кенг кийим ва сурп дозим кийишади. Уларнинг кўйлаклари ип газламадан тикилади, бошларига чиройли гул солинган, кумуш зар билан тикилган, жуда кўп қатта ва кичик кумуш тангалар билан безатилган, учинчи чўкки қалпоқ кийишади.»

XIX асрнинг охириларида, жонли гувоҳ С. Патконовнинг сўзича, сибирлик ўзбеклар асл ватандошларига ўхшаб қора сочлари ва чиройли кўри-нишларини яхши сақлаганлар. Бироқ камбағалларнинг татарларга уйланганлари орасида уларнинг татарларга аралашини жараёни содир бўлган.

Бу жараён ўтган асрнинг 30 йилларидан бошлаб кучайиб ўзбеклар расмий ҳужжатларда татарлар деб юритила бошланди. Бунга совет ҳукумати томонидан Бухоро волостларининг тугатилиши, киргин-баротлар ва умуман улугмиллатчилик сиёсати сабаб бўлган эди. Ҳатто ёғоч ва тахтадан ишланган уйлар жойидан шаҳарга кўчирилиб, ташкилотларга берилди.

Тюмен шаҳридан 15-20 км узокликдаги Ембаев ва Тўраев сингари юртлар энг салохиятли ҳисобланиб, у ерда бой савдогарлар яшаб икки қаватли уйлар, ҳашаматли масжид қурилган, мактаб ва мадрасалар очилган. Кутубхонада илмий ва диний китоблар сақланган. XVIII асрда Хива хони Абулғозининг «Шажарайи турк» асарини Европага маълум бўлган. Уни бир сибирлик ўзбек россиялик тарихчи Г. Ф. Миллер учун русчага таржима қилиб берган. Шубҳасиз, бу асарни ўзбеклар Ўзбекистондан олиб кетгандилар. Кейинчалик кутубхонадаги кўпдан-кўп қимматли китобларнинг ҳаммаси ҳукумат вакиллари томонидан олиб кетилган экан. Менга буни кутубхоначи бўлиб ишлаган киши ўзаро суҳбатда айтиб берганди.

Шу ўринда бошимга тушган айрим ҳодисаларни эслашни ўринли деб ўйлайман, у вақтларда Тюмен ва Тоболск ўртасида поезд ва самолёт қатнамас эди. Тоболск архивида ишни тамомлаб таксида йўлга чиқдим. У ердан Тюменга бориш учун қатта ва чуқур Тобол дарёсидан ўтиш керак эди. Бу ерда қайиқ 2-3 соат қутилди. Қайиқ келганда одамлар гур этиб ўзларини унга урдилар. Мен ҳам лямкони бориша ҳаракат қилиб қайиққа ўтирдим. Шу орада одамларнинг оёқ остига йнқилиб тушдим. Бир инсофли киши мени турғизиб, ўтиришимга ёрдам кўрсатди. Қайиққа меъё-

ридан ортик одам чикканлиги учун хайдовчи уни юргизмади. Одамлар кайикни бўшатишмай, уни хайдашни талаб қилишди. Ҳатто кайикчини урадиган бўлишди. Шу бонс хайдовчининг рози бўлишдан бошқа иложи қолмади. Қайик дарё ўртасига келганида бир ёкка кийшайиб бир қўлим сувга ботди. Яхшиямки, одамлар дарҳол ўзларини ўнглаб, кайикнинг мувозанати тўғирланди. Акс ҳолда дарёга чўкиш аниқ эди. Ўша кезде қўлим ва оёғимга жуда совуқ сув тегди. Кун салқин бўлгани учун қўлим ва оёғим зиркиллаб оғрирди. Шу аҳволда дарё қирғоғига ўтгандан кейин қўлим ва оёқ кийимимни очик ерда олов ёкиб қуритдим. Кемачиларга оловни тайёр қилганликлари учун пул, ўтин топиб оловни ёққан кишига арок бердим. Тюмендаги мехмонхонага боргунимча, қўлим исимамай оғрик тўхтамади. Бунинг устига урушда жароҳатланган оёғим сув тегиши орқасида пишиб оғриб жуда кийналдим.

Поездда кетаётганимда ҳам кўп азобларни кўрдим. Бир куни купеда махбусликдан озод қилинган икки киши билан шерик бўлиб қолибман. Улар ичиб, маст бўлиб ўзаро муштлашдилар. Бир бирларига бутилкаларни отганларида менинг елкамга ҳам тегиб жароҳатландим. Мен унинг тумшугига уриб қонатдим. У даъвогар бўлиб, бекатга келганда милицияга шикоят қилишини билдирди. Аммо унга уч бутилка арокка етадиган пул бериб «дўстлашдик». Бирок азоб-укубатларнинг асирга айланмай, чидам ва қатъиятлик билан кўзланган мақсадга эришишга ҳаракат қилдим.

Ўтган асрнинг 50-60 йилларида, яъни совет даврида мусофирчилик жуда оғир эди. Аввало поезд ва самолётга чиқгани бемалол олиш жуда кийин бўлган. Самолётлар ўз вақтида учмасликлари бонс аэропорт ва вокзалларда 2-3 кунлаб қолиб ўриндикларда ухлашга тўғри келган. Айни пайтда Сибирда мехмонхоналарнинг етишмаслиги сабаб уларга жойлашнинг иложи бўлмади, залдаги диван ёки ўриндикда ётган кунларим бўлган. Кўп мехмонхоналарда қулайликлар йўқ, транспорт ва озик-овқат таъминоти етарли даражада эмас эди. Иситиш тизими йўқлиги туфайли мехмонхоналардаги совуқка чидаш кийин бўлган. Бу борада айниқса узок Тоболскда аҳвол оғир эди. Бу кичик шаҳарнинг ўртасидаги бежирим икки қаватли бинода бир вақтлар тахтдан маҳрум қилинган Николай II оиласи билан қочиб яшаётганида ушланган экан. Буни туб аҳоли мағрурланиб гапирар эди.

Ўзбеклар Каспий денгизи қирғоғидаги Астрахан ва Оренбургда ҳам истиқомат қилганлар. Тарихдан маълумки, Ўзбекистон Каспий, Волга бўйлари билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни миллоднинг биринчи минг йиллигидаёқ ўрнатиб, турар жойлар юзага келган. Бундай муносабатлар кейинги асрларда ҳам давом этган. Ўзбеклар у ерда ислом динини тарқатиб, масжид ва мадрасалар қурдилар, сарой ва ҳарбий хизматни адо этдилар. XVI аср ўрталарида у жойлар Россия томонидан босиб олин-

ганига қарамай тарихан шаклланган алоқалар давом этаверди. Айниқса элчилик ва савдо муносабатлари ривожланди, натижада Астраханда ўзбекларнинг алоҳида турар жойлари («Бухарский двор») ташкил топди. Бу ерда бухорликлар, хиваликлар ва бошқалар доимий равишда яшаб савдо, хунармандчилик ва бошқа ишлар билан машғул бўлдилар.

Астраханда ўзбеклар қовун, тарвуз ва дехқончиликнинг бошқа маҳсулотларини биринчи бўлиб етиштирганлар. Ҳозирда Астраханда кўплаб етиштирилаётган тарвузлар аслида ўзбеклар томонидан иклимлаштирилган эди. Бошқирдистонда ҳам ўзбеклар доимо яшаганликлари хақида маълумотлар мавжуд. XVIII аср охири ва XIX аср биринчи ярмида Оренбург Россиянинг муҳим савдо марказларидан бир бўлиб, Ўзбекистон билан алоқа анча ривожлангани боис бу ерда ҳам ўзбекларнинг турар жойлари пайдо бўлган. Умуман айтганда, XVIII асрнинг иккинчи ярмида Россиянинг чекки ўлкаларида минглаб ўзбеклар яшаган эди.

Мен Сибир ўзбекларининг авлодларидан Ф.Валиевни шоғирдликка олиб, унинг институтимизда «Сибирдаги ўзбеклар тарихи» бўйича номзодлик диссертациясини ёклашида раҳбарлик қилдим. Хотини С. Исоқова эса Тил ва адабиёт институтида филология фанлари номзоди илмий даражасига сазовор бўлди. Сибирлик ўзбеклар авлодларидан икки қизни Тошкент давлат чет тиллари институтига киришларига ёрдам бердим. Улар ўқишни битириб қайтиб кетдилар.

Ҳамид Зиёевнинг узок йиллар мобайнида олиб борган машаққатли изланишлари зое кетмади, тадқиқотлар якунланиб олти жилддан иборат асарлар тўплами дунё юзини кўрди:

1-жилд. Ўзбекистоннинг Каспий-Волга бўйлари ва Оренбург орқали Россия билан элчилик муносабатларининг тарихи. 2013 й, 25 б.т.

2-жилд. Ўзбекистоннинг Каспий-Волга ва Ўрол бўйлари орқали Россия билан иқтисодий алоқалари (XVI асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари). 2013 й, 25 б.т.

3-жилд. Ўзбекистоннинг Сибир орқали Россия билан элчилик ва савдо алоқалари. 2013 й, 25 б.т.

4-жилд. Сибир, Волга ва Ўрол бўйларидаги ўзбеклар (энг қадимги даврдан то XX аср бошларигача). 2013 й, 25 б.т.

5-жилд. Ўзбекистоннинг Сибир орқали Россия билан алоқаларига доир архив хужжатлари тўплами (XVI-XX аср бошлари). 2013 й, 25 б.т.

6-жилд. Россиянинг Қозон, Астрахан, Сибир, Қрим, Кавказ ва Туркистонга тажовузи ва ҳукмронлигига қарши курашлар. 2012 й, 40 б.т.

РОССИЯ ТАЖОВУЗЛАРИ ТАРИХИ

Маълумки, XX асрнинг 50 йилларидан бошлаб собиқ совет давлати-да коммунистик партиянинг улугъ миллатчилик сиёсати авжига миниб, рус давлатининг ваҳшиёна харбий юришларини никоблаш одат тусига кирди. Бинобарин ўша замон илмий асарларида Россия Туркистонни (Марказий Осиёни) урушиб эмас, «қўшиб олганлиги»ни таъкидлаш лозимлиги катъий талаб килинди. Бу тарихни ошкора сохталаштиришдан бошқа гап эмас эди. Шунингдек, тарихий асарларда ўзбек халқи ва бошқа туб аҳолининг босқинчиларга қарши олиб борган курашлари ҳаққоний кўрсатилмади.

1967 йили Ҳамид Зиёевнинг «Тошкентнинг Россияга қўшиб олин-ши» номли рисоласи эълон килинди. Аслида сарлавҳа «Тошкентнинг уру-шиб олинishi» эди. Бироқ цензура йўл бермаганлиги боис «Тошкентнинг қўшиб олинishi» деб ўзгартирилди. Шу билан бирга ишнинг мазмунида «урушиб олинishi» ибораси тўла сақланди. Тошкентликларнинг генерал Черняев бошчилигидаги чор армиясининг босқинчилик урушига қарши қахрамонона курашларини ёритиб бериш, масаланинг ҳолис, илмий ва атрофлича ўрганилиши ўша давр учун жасорат бўлиб, жамоатчилик томо-нидан кизгин қарши олинди.

Устоз XX асрнинг 80 йилларининг иккинчи ярмида яна «Туркистоннинг Россия томонидан босиб олинishi» мавзусига қўл урди. 1990 йили унинг ташаббуси билан Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркменистон олимлари-нинг иштирокида илмий анжуман уюштирилиб, унда Ҳамид Зиёевнинг «Туркистоннинг рус давлати томонидан босиб олинishi» маърузаси муҳокама килинди, «қўшиб олинishi» таърифи сохталиги ҳақида қарор қабул килинди. Олимнинг мазкур масала бўйича мақолалари «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» (1990 йил, 1-8-сонлар) ва «Шарқ юлдузи» (1990 йил 8-сон), «Мулоқот» (1991 йил, 3-сон) журналларида чоп этилди.

Бу кенг қамровли масала бўйича Россия ва бошқа республикалар-да айрим ишлар килинган. Бироқ урушиб олинishi у ёки бу республика-да алоҳида ўрганилиб, туб халқларнинг рус давлатига қарши қахрамона жанглари етарли даражада ёритилмаган. Бу борада айниқса Ўзбекистон ва қўшни республикаларда тамоман нотўғри фикр-мулоҳазалар олдин-ги сурилган. Хусусан, совет олимлари томонидан Ўрта Осиёни Россия то-монидан эгалланиши «прогрессив (илғор) оқибатларга олиб келганлиги»

таъкидланиб, минтақанинг босиб олинишини «оклаш»га имкони борича ҳаракат қилинди. Ваҳоланки, минтақада мустамлака даврида юз берган айрим илғор ўзгаришлар маҳаллий аҳолига алоқаси бўлмай, кўчириб келтирилган ўн минглаб русларнинг ҳаётида ўз ифодасини топган эди. Туб аҳоли эса мустамлака ва миллий зулм исканжасида яшаган эди. 1998 йили эълон қилинган «Россиянинг Туркистонга тажовузи ва ҳукмронлигига қарши курашлар» тадқиқотида масалага минтақа миқёсида ёндошилган бўлиб, унда ушбу жараён босқичма-босқич ва батафсил ёритилди. Мазкур асар 2007 йили Туркияда турк тилида ҳам чоп этилди.

2012 йили нашрдан чиққан «Россиянинг Қозон, Астрахан, Сибир, Қрим, Кавказ ва Туркистонга тажовузи ва ҳукмронлигига қарши курашлар» асарида Россия тажовузлари тарихи нисбатан кенг даврий чегарада, яъни XVI асрдан бошлаб ҳамда Қозон, Астрахан, Сибир, Қрим хонликлари ва Кавказ худудларига ҳарбий ҳужум ва кейинчалик империя ҳукмронлигига қарши курашлар доирасида яхлит мавзу сифатида ёритилди. Илгари мавзу бу услубда ўрганилмаган эди. Бундан ташқари, шу вақтгача қилинган ишларда фақат тажовуз жараёни алоҳида ёритилган эди. Асарда эса фақат рус давлатининг тажовузига эмас, балки унинг ҳукмронлигига қарши кўтарилган миллий-озодлик курашлари ҳам гавдалантирилди. Чунки миллий-озодлик ҳаракатлари босқин пайтидаги курашларнинг мантикий давоми эди.

Совет даврида миллий-озодлик курашларига нотўғри баҳо берилиб, улар «рус пролетариатининг чоризмга қарши кўтарилган революцион ҳаракатининг таркибий қисми» ҳақидаги фикр кенг тарқалган эди. Бу билан уларнинг ватан мустақиллиги ва озодлиги учун кураш сифатидаги асил моҳияти инкор қилинганди. Асарда бу сохта фикр фош қилиниб, миллий-озодлик курашлари ватан мустақиллигини тиклашга қаратилганлиги ўз ибтдини топди.

МУСТАМЛАКАЧИЛИК ДАВРИ ВА МИЛЛИЙ-ОЗОДЛИК КУРАШЛАРИ ТАРИХИ

Ҳамид Зиёев Тарих институтининг «XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари Ўзбекистон тарихи» бўлимида 35 йил раҳбарлик қилганини айтиб ўтган эдик. Бу даврда олим қаламига мансуб ва бевосита унинг раҳбарлигида ўнлаб асар ва юзлаб мақолалар чоп этилди. Уларда Россиянинг мустамлақчилик сиёсати, миллий зулм, миллий тил ва маданиятнинг оёқ ости қилиниши, сиёсий ва инсоний ҳуқуқларнинг поймол этилиши сингари масалалар ёритиб берилган. Олим мустамлақа даврида юзага келган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг барчаси бўйича олиб борилган илмий тадқиқотларга раҳбарлик қилди. Айни пайтда унинг ўзи ҳам қатор ишларни нашр этди. Шу билан бирга, сўз кетаётган йилларда тарих фанининг ўта сиёсийлаштирилганлиги, ҳукмрон мафкура таъйини уларга таъсир этмасдан қолмади.

Ўзбек халқи ҳаётда пахтачилик қадимдан салмоқли ўрин эгаллаб, дехқончиликнинг муҳим тармоғи ҳисобланган. Ҳамид Зиёев фаолиятида мазкур соҳанинг ривожланиш жараёнини ўрганиш ҳам муҳим ўрин эгаллаган. Олимнинг пахтачилик тарихига бағишланган рисоласида (1980) айнан рус давлатининг ҳукумронлиги ўрнатилгандан кейин Туркистон генерал-губернаторлиғига қарашли Сирдарё, Фарғона, Самарқанд ва Каспийорти вилоятларида пахтачилик билан боғлиқ масалалар ёритилган. Хусусан, маҳаллий пахта хомашёсининг рус тўқимачилик саноати талабларига мос келмаслиги туфайли уни етиштириш тобора камайиб борганлиги, рус ҳукумати ва капиталистларининг пахтачиликни ривожлантиришга қаратилган чоралари, мамлакатда америка пахтасини иқлимлаштириш жараёни сингари масалалар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган. Муаллифнинг кўрсатишича, Россия империяси ўзининг тўқимачилик саноатини арзон хом ашё билан таъминлашни кўзлаб ҳам ўлкан босиб олғач, рус ҳукумати ва савдо-саноат доиралари биринчи навбатда пахтачиликни ривожлантириб ҳосилнинг деярли ҳаммаси узлуксиз Россияга жўнатилган.

Шунингдек, пахтачиликни жадал ривожлантиришнинг салбий оқибатлари, жумладан, дехқонларнинг қашшоқлаши ҳам асосли равишда ёритиб берилган. Умуман, Ҳамид Зиёевнинг пахтачилик тарихига бағишлан-

ган ишларида Туркистон ўлкасининг Россия хом ашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилгани, мустамлакачилик даврида пахта яккахокимлигининг пойдевори барпо этилиб, бу ҳолат кўпроқ Фарғона вилоятида кўзга ташлангани, унинг аянчли оқибатлари ёзилган. Бу мавзуда унинг «XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистонда пахта яккахокимлиги учун кураш ва унинг оқибатлари» (1999), «Чоризм ва пахта яккахокимлиги» («Шарк юлдузи» журнали. 1991, 5-сон), «Кўёш фарзанди» («Туркистон» газетаси. 1996) сингари ишларни эълон қилди.

Олим илмий фаолиятида Туркистон минтақасидаги миллий-озодлик ҳаракати тарихини ўрганиш алоҳида ўрин тутди. У ўз фаолиятини аслида «Шаркий Туркистонда (Синцзянда) 1826 йилги халқ кўзғолони»ни ўрганиш билан бошлаган эди. Асарда Қошғарда Цин империясининг ҳукумронлигига қарши халқ ҳаракати кўрсатилиб, кўзғолон озодлик учун олиб борилган курашнинг ёрқин кўринишларидан бири сифатида баҳоланган эди.

У Москвада нашр этилган «Ўрта Осиё ва Қозоғистонда 1916 йил кўзғолони. Хужжатлар тўплами» асарининг муаллифидан биридир. Устоз 1956 йили Фарғона водийсида 1916 йилги кўзғолон қатнашчилари билан учрашиб кўзғолоннинг сабаблари, ривожланиши ва бостирилишига доир қимматли маълумотларни ўзида ақс эттирган эсдаликлар, суратларни тўплади ва улар асосида 1977 йили «1916 йилги кўзғолон қатнашчилари» рисоласини чоп этди.

1977 йили эса унинг яна бир тадқиқоти – «Туркистонда озодлик ҳаракатлари тарихи» дунё юзини кўрди. Унда ўзбек халқининг энг қадимги даврлардан то 1917 йилгача чет элликлар ҳукумронлигига қарши кураши баён қилинган бўлиб, Спитамен, Маҳмуд Фаробий, Сарбалдорлар, 1892, 1898, 1916 йиллардаги кўзғолонлар ёритиб берилди.

XX асрнинг 80 йиллари ўрталарида совет империясининг тоталитар сиёсати авжига миниб, миллий сиёсат янада кескинлашиб кетди. Тарихни сохталаштириш қон-қонига сингиб кетган айрим кишилар қайта бош кўтаришига шараит туғилди. Хусусан, 1987 йили профессор М.Т.Ваҳобов «Правда Востока» газетасида 1898 йилги Андижон кўзғолони ва бошқа тарихий воқеаларни қораловчи мақоласини эълон қилди. Ҳамид Зиёевнинг бунга қарши «Правда Востока» газетасига йўллаган мақоласи эълон қилинмай, таҳририят муаллифга жавоб хатини ёзиш (1987 йили 23 апрел) билан чегараланди. Унда шундай дейилган эди: «Ўзбекистон компартияси Марказий комитети III пленумининг талаблари нуктаи назаридан бизнинг газетамизда ижтимоий фанлар хусусида олиб борилган мулоҳазаларда қатнашганлигингиз учун миннатдорчилик билдирамыз. Шубҳасиз, сизнинг фикрингиз мазкур масалани ўрганишга ёрдам беради». Кўриниб турибдики, газета таҳририяти Ўзбекистон компартияси Марказий комитети плену-

мининг кўрсатмасининг адо этаётганлигига ишора қилиб, аниқ жавоб беришдан бош тортган. Олим 1898 йилги Андижон кўзғолонини нотўғри таърифловчиларга қарши илмий анжуман уюштиради. Тадбир 1987 йилнинг охирларида Тошкентда ўтказилиб, унинг ишида Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа республикалар вакиллари ҳам қатнашдилар. Ҳамид Зиёевнинг «XIX асрнинг 80-90 йилларда миллий-озодлик ҳаракатлари» мавзуси бўйича қилган маърузаси олимлар томонидан маъқулланди. Анжуман иштирокчиларининг маърузалари 1989 йили Ҳамид Зиёев муҳаррирлигида «XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Ўрта Осиё ва Қозоғистон миллий озодлик ҳаракатларининг тарихи ва тарихшунослиги» номи билан нашр қилинди. Натижада, 1898 йилги Андижон кўзғолони иккинчи мартаба «оқланди».

Совет давридаги илмий ишларда, жумладан Ҳамид Зиёевнинг асарларида озодлик ҳаракатлари ўзининг ҳаққоний баҳосини тўла тополмади. Чунки «синфий ва инкилобий кураш» ғоялари таъсирида кўзғолонга қўшилган айрим маҳаллий юқори табақа вакиллариининг фаолияти корланди ёки бир томонлама баҳоланиб, халқ ғалаёнлари умумроссия инкилобий ҳаракатларининг таркибий қисми сифатида умумий душман – чоризмга қарши қаратилганлиги ҳақидаги ғоя олдинга сурилди. Ўша пайтда масалани ўзгача, яъни Россиядан ажралиб озодликка чиқиш учун олиб борилган курашлар сифатида талқин этиш мумкин эмас эди.

Устознинг «Ғалаён» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси. (1991 йил 6 сентябр) «1916 йилги миллий-озодлик ҳаракати» («Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журнали. 1991 йил, 7-сон.), «Кўзғолон» («Шарқ юлдузи» журнали. 1992 йил, 3-сон) сингари мақолалари ва «Озодлик учун тўқилган қонлар» (1997) китобида халқ кўзғолонлари аслида мустақиллик ва миллий озодлик учун олиб борилган кураш бўлганлиги илк бор баралла ошқора этилди. 1996 йили эса унинг ташаббуси билан 1916 йилги халқ кўзғолонининг 80 йиллигига бағишланган илмий анжуман ўтказилди. Ҳозирда ҳам Ҳамид Зиёев миллий-озодлик ҳаракатлари тарихини чуқурроқ ва атрофлича ўрганишни давом эттирмоқда. Чунончи, унинг раҳбарлигида сўнгги йилларда Ҳ. Юнусова «Тошкентдаги 1892 йилги халқ кўзғолони», О. Суёнова «Сирдарё вилоятида 1916 йилги кўзғолон» мавзуларида номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар. Олимнинг яна бир шогирди А. Ҳудойқулов эса жадидларнинг маърифатпарварлиги ҳақида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Ҳамид Зиёев ўзининг совет даврида нашр қилинган китоб ва мақолаларида йўл қўйилган камчилик ва хатоларини бартараф қилган ҳолда 2006 йили «Ўзбекистон мустамлакачилик ва зулм исканжасида» асарини нашр эттириб, чор Россияси ҳукмронлиги давридаги Ўзбекистон та-

риhini билимдонлик билан ёритишга эришди. Унда қўйилган долзарб масалалар шу кун талаби нуктаи назаридан таҳлил қилиниб, асосли хулосалар чиқарилган. Хусусан, асарда Ўзбекистонда мустамлака ва миллий зулмга асосланган тузум юзага келганлиги, миллий давлат ва қўшинни тугатилганлиги, миллий тил ва маданиятнинг ўсишига йўл берилмаганлиги, меҳнаткаш омманинг кашшоқланиши каби масалалар ўз ифодасини топган. Шунингдек, пахтачиликнинг ҳолатини таърифлашга алоҳида аҳамият берилди. Гарчанд, янги америка пахта навлари иқлимлаштирилиб пахтачилик ривожлантирилган бўлса-да, лекин унинг фойдасини рус давлати, фирмалари, банклари кўрди, пахтакорлар эса мисли кўрилмаган оғир шароитда яшаганлар. Айна пайтда юзага келган янги саноат тармоқларининг хузурини ўзбеклар эмас, балки босқинчилар кўрганлиги кўрсатиб берилди. Асарда Ўзбекистоннинг Россия хом ашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилганлиги юкори савияда ёритилган.

ПУБЛИЦИСТИК ФАОЛИЯТИ

Мустақилликни кўпчилик қатори катта хурсандчилик ва мамнуният билан кутиб олган Ҳамид Зиёев хоҳ оммавий ахборот воситалари орқали бўлсин, хоҳ турли тадбирларда бўлсин, донмо мана бу сўзларни таъкидлаб келади: «шунча ёшга кирган бўлсамда, аммо Истиклол йилларидаги умримни ўзимнинг энг бахтли дамларим деб ҳисоблайман». Ушбу эътирофнинг самимийлигига ҳеч бир шубҳа қилмас ҳам бўлади. Зеро, айнан Мустақиллик шарофати ила олимнинг илмий фаолиятида кескин ўзгаришлар содир бўлиши баробарида устоз мамлакат оммавий ахборо воситаларидаги публицистик чиқишлари билан кенг камровли маърифатпарварлик ишларини амалга оширди.

Ҳамид Зиёевнинг «Истиклол учун бирлашайлик» мақоласида («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1991 йил 22 ноябр, 5 декабр), «Октябр революцияси» давлат тўнтариши бўлганлиги, «болшевиклар»нинг ёвузлиги ва талон-тарождари. «босмачилик» ҳаракати аслида миллий-озодлик кураши эканлигига оид теран фикр-мулоҳазалар баён қилинди. Шунингдек, мақолада совет давлатининг кўп йиллар мобайнида халқнинг мол-мулкни талаб, хонавайрон қилганлиги, таъкиб ва катагонлар орқасида минглаб кишиларнинг ёстиғи қуриганлиги, совет тузуми юритган мустамлакачилик ва улуғмиллатчилик сиёсатининг даҳшатли фожелари хақида ёзилган.

Айни пайтда олим Мустақилликни муҳим тарихий воқеа сифатида баҳолаб, унинг кадр-қимматига етиш ва уни сақлаш учун курашишга даъват этди. «Бундан буён муҳим воқеа бўлмиш 1 сентябр байрами билан қувонмай бўладими? Ахир ўзингиз ўйланг, бир асрдан ортиқ давр ичида мустамлакачилик ва миллий зулм, қирғин-барот ва йўқчилик, таъкиб исканжасида ҳаёт кечириб келаётган халқ учун мустақиллик ва озодликка эришишдан ортиқ бахт борми? Эндликда кишиларда келажакка ишонч ва умид ҳосил бўлди».

Ҳамид Зиёев коммунистик партиянинг ваҳшиёна мустамлакачилик ва улуғмиллатчилик сиёсатини каттик қоралаб Мустақилликнинг тикланишида Президент Ислом Каримовнинг хизматларига юксак баҳо беради: «Мен Ислом Каримов билан шахсан таниш эмасман, лекин у кишининг фаолиятини тарихчи сифатида кузатиб келаман. Унинг фаолияти, қилган

ишларини тўлик тасаввур қилиш учун кейинги йилларда ишлаган икки раҳбарнинг (Б.Усмонхўжаев ва Р.Нищонов назарда тутилмоқда) даврида юзага келган вазиятни ёдга олмоқ зарур. У вақтларда Ўзбекистонда шовинизмнинг кучайиши учун қулай шароит яратилди. Бунга қўп жиҳатдан мазкур раҳбарларнинг табиатан ўта жасоратсизлиги ва ожизлиги сабаб бўлди. Улар халқнинг, умуман, Ўзбекистоннинг ахvoli нима бўлса бўлсин, лекин ҳокимият тепасида ўтирсак бас, қабилида иш юритдилар...». Олим мазкур мақоласида сиёсий ва маънавий ҳаётнинг жанговарлиги ва миллийлигини таъминлашга қаратилган фикр-мулоҳазалари ва таклифларини ҳам баён қилган.

Ҳар жиҳатдан Ватанга содик ва ҳамиша унинг дардида яшаш, яқдиллик ва ҳамжиҳатлик руҳи билан суғорилган мақоласида муаллиф Президент Ислоҳ Каримов атрофида янада қаттиқ жиҳслашни қоясини ҳам илғари сурган эди: «Хулоса шуки, қисқа вақт ичида Ислоҳ Каримов бошлиқ республика раҳбарияти халқ депутатлари ва зиёлиларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли мустамлакачилик сиртмоғи узилди, мустақиллик ва эркинлик қўлга киритилди. Ҳозирда камчилик ва нуқсонларни рўқач қила бермай «бургага аччиқ қилиб, қўрпани қуйдирмасдан», тарихий ютуқларнинг барбод бўлишига йўл қўймайлик. Мустақиллик ва эркинликни шахсий манфаатлар ва ўзаро низолардан устун билиб, биргаликда курашишни мардонавор давом эттирайлик. Мен, шахсан Ислоҳ Каримов ўзи бошлаган ўзгаришларни охиригача етказишига ишонаман. Келинг, азизлар, сиёсий-иқтисодий, маданий масалаларимизни ҳал этишда Президент атрофида метиндек жиҳслашайлик. Тарих бизга қулиб бокқан асрий лаҳзалардаги мингдан бир имконни қўлдан бой бериб қўймайлик».

Совет даври тарихини ҳолис ўрганишда устознинг Ўзбекистон коммунистик партия раҳбарларининг фаолиятига бағишланган «Занжирбанд ҳукмдорлар» мақоласи («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси. 1992) муҳим ўрин эгаллайди, деб ўйлаймиз. Унда совет даврида республиканинг бошқарган кишиларга баҳо берилган. Унинг ёзишича, Кремл ўта итоаткор ва сўзсиз ижрочи кишиларни мазкур лавозимга тайинлаб, ўзининг мустамлакачилик сиёсатини бемалол юритган. Республика раҳбарлари қаттиқ назорат остида ушлаб турилиб, мустақил равишда ишлашларига йўл берилмаган. Уларнинг қўл-оёқларига бамисоли кишан солган эди.

Ҳамид Зиёевнинг «Боболар ўтгани» мақоласида («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси. 1992) мустақиллик ва озодликнинг тарихий аҳамияти изоҳланиб, 6 банддан иборат муҳим таклифлар берилган. Улар ҳозир ҳукм сураётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг самарадорлигини таъминлашга қаратилган фикр-мулоҳазаларни ўз ичига олади. Мақолада қўшни республикалар ва хорижий мамлакатлардаги ватандош-

ларни Ўзбекистон атрофига жишслаштириб «умумий бирлик»ни ташкил этишга доир таклифлар изхор қилинган.

«Ўзбек сўзининг маъноси ўзига бек (хоким) демакдир. Халқимиз ўзининг ажойиб номи билан гурурланишга ва фахрланишга ҳақлидир. Чунки унда миллатимизнинг метиндек иродаси, жасорати, ватанпарварлиги ва эрксеварлиги мужассамлашган. Менинча, бизнинг ўзбек эканлигимиз исмларимизда ҳам ўз ифодасини топиши керак. Шундан келиб чиқиб, бизда эркакларнинг исмига бек, аёлларнинг исмига бегим (масалан, Анварбек, Ҳасанбек, Нодирабегим) сўзларини қўшиб ёзишни таклиф қиламан». Муаллиф ватанпарварликни буюк бобомиз Амир Темурдан ўрганишга чақириб, Соҳибқироннинг: «Бизким мулки Турон, амири Туркистонмиз, миллатларнинг энг қадими ва энг улуғи, бош бўғинимиз» сўзларига диққатни жалб этади. Айни пайтда у Амир Темурнинг ўз авлодларига «миллатнинг дардига дармон бўлмок вазифангиздир» деган насиҳатини ўзбек халқи учун дастуруламал бўлишини уқтириб ўтади.

Маълумки, 1993 йили Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан Тошкентда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг ўзаро дўстлик, ҳамкорлик ва иттифокни мустаҳкамлаш масаласи бўйича учрашуви ўтказилган эди. Ҳамид Зиёев мана шу учрашувда қўйилган масалалар тарих синовидан ўтганлигини тасдиқловчи «Туркистон истиқболи» мақоласида («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1993) мамлакатларимизнинг бирдамлиги ва ҳамкорлиги катта самара берганлиги ва уни давом эттириш учун тарихан шаклланган замин мавжудлиги хусусида маълумотлар келтирган эди.

1994 йили Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон президентлари ягона иктисодий тизимни яратиш ҳақидаги битимга имзо чекканларида Ҳамид Зиёев минтаканинг тарихий бирлиги мавзусига қайтиб «Тарих синовидан ўтган ягона иктисодий тизим» мақоласини («Ўзбекистон овози» газетаси, 1994 йил 12 май) эълон қилди. Шунингдек, унинг Президентимиз томонидан кўтарилган «Туркистон умумий уйимиз» ғоясининг тарихий асослари ва ҳаётийлигини ифодаловчи мақоласида («Буюк ҳаётий ғоя», «Ўзбекистон овози» газетаси, 1995 йил 21 ноябр) ҳам мазкур ғоянинг мустақиллик ва тараккиётни, минтака халқларининг бирдамлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлашдаги аҳамияти теран изохлангандир.

Олим совет тарихшунослигида йўл қўйилган ҳатолар ва ўтмишни сохталаштиришни очиқ ташлаб, Ватан тарихини мустақиллик ва озодлик руҳида тубдан қайта ўрганишга чақирганлардан биридир. Чунончи, у «Ватан тарихини қандай ўрганмок керак?» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1993 йил 21 май) номли мақоласида айниқса қадимги ва ўрта аср тарихини ўрганишга етарли аҳамият берилмаётганлигини танқид қилиб, ушбу давр-

ларни чуқур ва атрофлича ёритиш йўллари хақида фикрларини билдирди. Олимнинг фикрича, тарих фани жамият маънавий ҳаётининг йўналтирувчи кучларидан биридир. Бу хусусда у ўрта аср олими Шаҳобиддин Муҳаммад Насавийнинг куйидаги сўзларини жуда ўринли ишлатган:

Кимки тутмас қалбида тарихни,
У инсон ҳам эмас, олим ҳам эмас.

Бироқ кимки ўқиса ўтмишни,
Кўп бойитар ўз турмушини.

Олимнинг «Курашларда чиниккан халқ» («Ўзбекистон овози» газета-си. 1993 йил 31 июл) мақоласи ҳам ватанпарварлик руҳида ёзилган бўлиб, унда хусусан шундай дейилади: «Мустақиллик ўрнатилганидан кейин янги жамият қуришдаги ўткинчи кийинчиликлар ва етишмовчиликлар йўқ қилиниб аста-секин ўз изига тушаяпти. Шу боис уларнинг ахамиятини мустақиллик ва озодликдан юқори кўйиш нодонликдир. Тарихчи сифатида шунини айта оламанки, агар ўтмиш замонларда ота-боболаримиз чет эл босқинчиларидан бизга ўхшаб бир томчи қонсиз озодликка эришганликларидан, бир пиёла сув, бир бурда нон билан яшашга рози бўлардилар. Чунки улар мустақилликни ҳаётнинг асосий мазмуни деб билганлар».

Ҳамид Зиёев совет давридаги ижтимоий-иқтисодий тузумнинг асл мазмун ва қиёфасини ёритиш масаласига ҳам қатта эътибор бериб келмоқда. Унинг «Собиқ совет давлатининг моҳияти» мақоласида («Мулоқот» журнали. 1993 йил. 9-сон) социализм қуриш учун Туркистон ёқда турсин, ҳатто Россиянинг ўзида ҳам шарт-шароит етилмаганлиги ва шу боис коммунистик партия уни катағон ва қирғинлар воситасида амалга ошириш йўлидан борганлигини қайд қилган. Оқибатда, мамлакатда тоталитар тузум ҳукм суриб, «темир панжара» билан қуршалган. Партия, аввало, хусусий мулк, эркин савдо-сотиқни тугатиб, экин майдонлари, яйловлар, тоғу тошлар, чўлу биёбонлар, сув, қўйинчи, табиатдаги барча жонли ва жонсиз борликни давлат мулкига айлантирди. Булардан ташқари, саноат корхоналари, мактаблар, ўрта ва олий ўқув юрглари, умуман, барча муассасалар ва ташкилотлар ҳам давлатники бўлиб қолди. Айниқса ислом динига зарба берилиб, «динсиз жамиятнинг» вужудга келтирилиши қатта фожиа ҳисобланди. Халқ онгига зўравонлик билан коммунистик ғоялар сингдирилди. Фуқаролар сиёсий ва инсоний ҳуқуқлардан маҳрум қилиниб, ўта итоаткор, ижрочи кишиларга айлантирилди. Улар ҳаминша қаттиқ назорат ва таъкиб остида яшадилар, ташқи дунё билан бевосита алоқа қилишдан маҳрум қилиндилар. Ҳатто кишилар ўртасида «биз партия аскарлари» ва «давлат одамлари» сингари иборалар шаклланиб, партияни кўр-кўрона олқишлаш ва кўкларга кўтариб макташ одат тусига айланиб кетди.

Хулоса қилиб айтганда, деганди олим, хусусий мулк, эркин савдо-сотик ва диннинг тақиқланиши, сиёсий ва инсоний ҳуқуқларнинг йўқлиги, миллий ҳис-туйғулар ва анъаналарга зарба берилиши ва давлат мулк эгаллигининг ҳукмронлиги ва бутун мамлакатнинг «темир панжара» билан ўралиши сингари омиллар кулчилик тузумини шакллантирди. Натижада «социализм тузуми» эмас, балки «кулдорлик жамияти» юзага келди.

У ўзининг «Фахримиз ва ғуруримиз» мақоласида («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1993 йил 26 ноябр) мустақиллик ва озодликни энг муҳим ифодаси бўлмиш том маънодаги янги Конституциянинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги тугган ўрнини ёритади.

Ҳамид Зиёев миллий давлатчилигимиз тарихининг энг оғрик томонларини рўй-рост айтишга жазм қилган камдан-кам олимлардандир. Чунончи, «Буюк ўтмиш ва тараққиёт ватани» мақоласида («Ўзбекистон овози» газетаси, 1994 йил 23 июн) Ўзбекистонда ўтмишда буюк давлатларнинг юзага келиши, бироқ улар ўзаро тахт учун курашлар ва чиқишмовчиликлар, хоинлик ва нодон ҳукмдорлар сабабидан емирилганлигини кўрсатиб берар экан, тарихдан ибрат олиб, Ватан манфаати йўлида қўлни-қўлга бериб Мустақилликни сақлашга даъват этади: «Ўтаётган ҳар бир кун, ҳар бир йил ўзбек халқи учун қатта бир синов. Биз қийинчиликларни мардларча енга оламизми ё яна асирга айланиб, куллик кишига боғланамизми? Бундай дахшатли фожиага йўликмасликнинг бирдан-бир йўли бу умуммиллат манфаати учун ҳамжихатлик ила яшаш, меҳнат қилиш, келажакка интилишдир. Бунга эришмоқ учун халқнинг ўзи танлаган ва сайлаган сардори атрофида янада қаттиқроқ жипслашиш лозим. Ватан тақдири «сиёсий ўйинларни» эмас, балки барча кишиларнинг она-юрт посбони бўлишини талаб қилади. Шундагина келажакда буюк давлат ташкил топиб, жаннатмакон Ўзбекистон гуллаб-яшнаган мамлакат сифатида шуҳрат қозонади.

Ҳамид Зиёевнинг бир туркум мақолалари Мустақилликнинг мазмунмоҳияти ва кадрига етмаган баъзи шуҳратпараст замондошларимиз афкорини қаттиқ танқид остига олади. Ўзбекистон Мустақилигининг 3 йиллиги муносабати билан ёзилган «Тарих ортга қайтмайди» мақоласида («Ўзбекистон овози» газетаси, 1994 йил 22 июн) у баъзи нодон кишиларнинг «мустақил бўлиб нимага эришдик, илгари ҳаётимиз дуруст эди» деган нопишларини мутлақо ўринсизлигини кўрсатиб берди. Мақоладаги далиллар шу ҳақида гувоҳлик берадики, совет даврида нисбатан «дуруст ҳаётни» кўриш учун ўрга ҳисобда 45 йил қутилган. Бу даврда ўн миллионлаб кишилар қирилди, кўпдан кўп бегуноҳ кишиларнинг умри қамокхоналар ва сургунларда чиритилди. Халқнинг ери, мол-мулки таланиб ҳақ-ҳуқуқлари оёқ ости қилинди. Хусусий мулксиз ва динсиз жамият ҳукм сурди. Аммо жамият ахлининг маълум қисми хусусан, советпарастлар, яъни ўша давр-

да култабиатлик ва манкуртлик суягигача сингиб кетган, «корин тўйса, бас» деб юрувчи кишилар мустақилликдан нолимоқдалар. «Совет даврини кўмсовчиларнинг мулоҳазалари, деб таъкидлайди муаллиф, асли каттик назорат ва таъкиблар остида миллий хис-туйғулар ва Ватанга содиклик сингари олий фазилатлардан маҳрум этилганликнинг мевасидир. Шунинг учун ҳам, улар совет давлатининг бир неча ўн йиллар давомида конга бўялган очарчилик йўқчилик ва азоб-укубатларга тўлиб тошган даврлари хусусида чурқ этмай, айрим йиллардаги нисбатан тўқчилик ва арзончиликлар тўғрисида оғиз кўпиртириб гапирмоқдалар».

Ҳамид Зиёевнинг 1996 йил дастлабки ойларида чоп этилган, Россия сиёсий партияларининг фаолияти ва улар ўртасида зиддиятларнинг кескинлашишига доир «Найранг» мақоласини («Миллий тикланиш» газетаси, 1996 йил 26 март) кўрсатиб ўтиш айтиш муддаодир. Унинг ёзишича, Россияда ҳали шарт-шароит этилмаганлиги орқасида «чала демократия» юзага келиб, мамлакатни оғир аҳволга олиб келган. Шунингдек, Россия Думасининг собиқ империяни тиклаш ҳақидаги қарори Ўзбекистон мустақиллигига ўта хавфлилигини таъкидлаб, уни қора кучларнинг иши сифатида баҳолади. Мақолада бу хилдаги кучлар демократик тартиблардан фойдаланиб, ҳокимиятни босиб олиш ва тоталитар тузумни қайта тиклаш йўлидан бораётганликлари хусусида сўз юритилиб, барча демократик партиялар қора кучларга қарши биргаликда курашга даъват қилинган. Юртимизда демократиянинг ўрнига ҳам эътиборни жалб қилган олим шундай ёзган эди: «Аввало минтақамизда том маънодаги демократиянинг пойдевори қурилиб, мустақилликнинг хавфсизлиги таъминлансин, сўнгра демократияни хоҳлаганча ривожлантириш ва ҳокимият учун курашни қочиб кетмайди. Акс ҳолда, коммунистлар ва империяни тиклашнинг бошқа тарафдорлари минтақада юзага келадиган тарқоқлик ва оғир шароитдан фойдаланиб, ёвуз ниятларини рўёбга чиқаришда ҳеч нарсадан тоймайдилар».

Устоз Ўзбекистоннинг мустақиллигини тиклаш жараёнини ёритишга алоҳида эътибор бериб, уни ҳолисона ўрганишга ҳаракат қилди. Бизнинг назаримизда, олим ушбу муҳим масалани ҳал этишга янги нуқтаи назардан ёндошиб, 1991 йил 31 август воқеасининг инқилобий ҳаракат эканлигини «Тарих ва ҳақиқат» номли катта мақоласида («Ўзбекистон овози» газетаси, 1996 йил 12 ноябрь) тўла исботлаб, унинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий заминлари ва мазкур тарихий воқеада шахсан Президент Ислам Каримовнинг ҳал қилувчи ўрин эгаллаганини кўрсатиб берди. Мақолада совет давридаги ўзгаришлар ҳам тегишли баҳосини олган: «Тўғри, совет даврида халқ маорифи, олий ва ўрта таълим тармоқлари, матбуот, фан ва маданият соҳалари ривожланди. Кўплаб саноат корхоналари қурилди.

Уларни инкор этиш адолатдан эмас, албатта. Аммо барча иқтисодий ва маданий ўзгаришларни кейинги юз ўттиз йил мобайнида Ўзбекистондан олиб кетилган турли туман бойликларга таккосласак, денгиздан бир томчидир. Иккинчидан, совет давлатини ўрнатиш, социалистик тузумни куриш ва мустақамлаш жараёнида миллионлаб кишиларнинг кириб ташлаганлиги, сургунар ва камок жазолари, вайроначиликлар ва мисли кўрилмаган талофатлар назарда тутилса, ўша тузумга лаънатлар ўқишдан бошқа илож қолмайди.

Аммо бизда «қатик тўқилса юки, сут тўқилса нимаси қолади» деган нақл бор. Зеро, совет давридан бизга мактаблар, ўрта ва олий ўқув юртлари, матбуот, саноат ва сунъий суғориш тармоқлари, фан ва маданият ўчоқлари, янги ўзлаштирилган ерлар, транспорт воситалари, турар жойлар ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари қолди. Гарчанд, улар жахон таракқиёти андозасидан жуда орқада бўлсада, лекин хозирча ҳаётимизни таъминлашда кўр-кут бўлиб турибди. Уларни коммунистик ғоялардан тамомида тозалаш ва мустақиллик манфаатларига йўналтириш шу куннинг талабидир. Бу борда республикамиз улкан ютуқларга эришаётганлиги қувонарлидир».

Фикримизча, «социализм тузуми»нинг республика бойликларини аёвсиз талагани ва бошқа дахшатли фожиаларни ҳаққоний равишда шарҳлаган олимнинг қуйидаги мулоҳазалари ҳам асослидир: «Орамызда совет ҳокимияти бўлмаганда фан ва маданият бунчалик ривожланмаган бўларди, деб юрувчилар оз эмас. Мен бундай фикрга мутлақо қўшилмайман. Чунки ўзбек халқи ўзининг кўп асрлик тарихи давомида мустақил равишда қудратли салтанатларни, юксак фан ва маданиятни юзага келтирганлиги сир эмас. Зеро, бундан минг йиллар илгари Ўзбекистонда олий таълим даргоҳлари — мадрасалар ва академия ташкил топди. Ўрта асрдаёқ, жахон тан олган олимлар етишди, лекин совет даврида бирорта бундай олим чиқдими? Шу ўринда советпарастларга шуни айтмоқчиманки, юз ўттиз йиллик мустақамлака давридаги оммавий қирғинлар, талон-тарожлик ва дахшатли очарчилик бўлмай, мустақиллик ҳукм сурганда хозирда Ўзбекистон ўрта ҳисобда 80-100 миллион аҳолига эга бўлган қудратли ва гуллаб яшнаган илғор давлат сифатида гавдаланиб турган бўларди». Дарҳақиқат, муаллиф таъкидлаганидек, она юртимиз мустақил равишда ривожланиш ва жахон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш қобилиятига эга бўлганлиги тарихдан маълум.

Олим ижодининг бир қирраси миллий мафкура мавзуси билан боғлиқдир. Унинг «Ҳаёт рамзи» мақоласида («Ўзбекистон овози» газетаси. 1993 йил 19 октябр) миллий мафкура Ўзбекистон мустақиллигини тиклаш жараёнида ва кейинги вақтларда ҳаётнинг йўналтирувчи қучига айланганлиги ишончли равишда исботланиб, унинг тарихий илдизлари, ривожла-

ниш жараёни, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий замини, Мустақиллик йилларидаги аҳамияти шарҳлаб берилган.

«Миллий мафкура жамиятнинг кон томири» («Хуррият» газетаси. 1997 йил 13 август) мақоласида ҳам устоз миллий мафкура айнан Мустақиллик йилларидагина сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётда барқ уриб ўз куч-қудратини намоён этаётганини кўрсатган.

«Номаълум бўлган илмий кенгаш ёки биз билган ва билмаган воқеалар» («Ўзбекистон овози» газетаси. 1997 йил 14 октябр), «Озодлик бўлмаса, нима қолади?», «Жадидлар ҳаракатининг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий замини» («Миллий тикланиш» газетаси. 1998 йил 10. 24 март), «Яхшироқ уйғон, ўзбегим» («Миллий тикланиш» газетаси. 1997 йил 29 октябр), «Бизга Мустақиллик нималар берди?» («Хуррият» газетаси. 1997 йил 22 октябр), «Нексия», «Тико» ва «Дамас» факат транспорт воситаси эмас!» («Миллий тикланиш» газетаси. 1997 йил 15 апрел) сингари мақолалари ҳар жihatдан таҳсинга сазовор бўлиб, уларда жадидчилик ҳаракати, мустақиллик ва озодликнинг тарихий аҳамияти ва ислохотлардаги буюк ютуқлар хусусида фикр юритилди.

«Қалбларга нур сочган ўзбегим» мақоласида эса («Миллий тикланиш» газетаси. 1997 йил 14 январ) машҳур шоир Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим» шеърига юксак баҳо берилган. Маълумки, оммавий кирғин-баротлар, камашлар, сургунлар, иккинчи жаҳон уруши вақтидаги очарчиликлар, юз минглаб кишиларнинг фронтда ҳалок бўлиши ёки жароҳатланиши, қаттиқ назорат ва таъқибнинг акс садоси ўтган асрнинг 60 йилларида ҳам ҳамон сақланмоқда эди. Натижада, ўзбек халқи ниҳоятда эзилган ва ҳўрланган ҳаёт исканжасида яшамокда эди. Мана шундай фожиали шароитда «Ўзбегим» шеъри ўзбекларнинг миллий ҳис-туйғуларини уйғотиб, Ватан билан ғурурланиши ва фахрланиши баралта таралди. Шеър қудратли миллий ғоявий куч сифатида намоён бўлиб, чойхоналар, тўйлар, гапу-гаштакларда энг кадрли ва сеvimли ашула сифатида ҳам жаранглади ҳамда маҳорат билан ўқиб турилди. Ҳамид Зиёевнинг «ушбу шеър одамларнинг онги ва қалбига нур таратди», деган сўзлари ҳақиқатни акс эттирар эди.

«Озодлик учун тўкилган қонлар ёхуд буюк ватанпарварлик кураши» («Ўзбекистон овози» газетаси. 1998 йил 14 май) мақоласи. академик Яҳё Ғуломов фаолиятига бағишланган («Ўзбекистон овози» газетаси. 1998 йил 30 апрел) мақолалар ҳам зўр қизиқиш билан ўқилган эди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий ва маданий ислохотларнинг аҳамиятини ёритишда Ҳамид Зиёев мавжуд барча имкониятларни ишга солишга ҳаракат қилган олимларимиздандир, десак хато қилмаган бўламиз. Шу маънода унинг Ўзбекистон-Америка муносабатларини янада ривожлантиришнинг аҳамиятини аниқ-

лаган холда АҚШ президенти Билл Клинтонга йўллаган куйидаги хати диққатни тортмай қолмайди:

АҚШ президенти Билл Клинтонга хат

«Мухтарам президент жаноби олийлари!

Мазкур хатни Ўзбекистоннинг бир фукароси ва тарихчи олимнинг шахсий фикри сифатида инобатга олишингизни сўрайман. Биз томонларда Америка президенти ҳар бир кишининг фикр-мулоҳазалари ва таклифларига ҳурмат билан қараб тегишли жавоб беради, деган ишонч ҳукм суради. Шу боис хат ёзишга жазм қилдим. Шубҳасиз, сизда бу хатнинг муаллифи ким бўлдикин, деган савол туғилади. Мен Тошкент шаҳрида Ўзбекистон фаилар академияси қошидаги Тарих институтида салкам эллик йилдан буён Марказий Осиё тарихи бўйича илмий ишлар билан шуғулланиб келмоқдаман. Ўзбекистонда хизмат қўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори ва профессор унвон ва даражалари соҳибиман. Шунингдек, иккинчи жаҳон уруши катнашчисиман.

Мен бу йил 72 баҳорни кўрдим, лекин унинг 69 йили совет ҳукумдорлик тузумида ва темир панжара билан ўралган мамлакатда бекорга ўтиб кетди. Чунки мустақилликдан, сиёсий ва инсоний ҳуқуқлардан, хусусий мулкдан ва диндан маҳрум этилган ҳаёт бир тийинга қимматдир. Тўғри, совет даврида олимлар, инженерлар, агрономлар, шифокорлар ва бошқа ўрта ҳамда олий маълумотли кишилар кўплаб етиштирилди. Бироқ фожиа шундан иборатки, улар саводли ва билимли куллар эдилар, холос.

Ниҳоят, 1991 йил 31 августда биринчилар қатори Ўзбекистоннинг мустақиллиги эълон қилиниб, мустамлакачилик ва миллий зулм занжирлари парчаланди. Мен худди шу кунни онадан озод киши сифатида янгидан туғилдим. Бу тарихий воқеага ҳам, менинг озодликка чиққан кунимга ҳам салкам 4 йил бўлди.

Эндиликда ўз халқим қатори мен ҳам 130 йиллик миллий зулм ва аёвсиз талон таражлардан холи бўлиб, ўз Президентимиз, парламентимиз, конституциямиз, давлат байроғимиз, мадҳиямиз ва гербимизга эга бўлдик. Ўзбекистон жаҳон даврасида мустақил ва озод республика сифатида ярқираб турибди. Ўзбекистон ва бошқа республикаларнинг қизил империянинг панжасидан озод этилишида Американинг тутган ўрни беқилс қатга бўлди. Шунингдек, унинг фашизми тор-мор этилишидаги хизматлари тарихда ўчмас из қолдирган эди.

Америка XX асрнинг бутун иккинчи ярми мобайнида бир неча ўнлаб триллион долларни сарфлаб, муҳим чораларни қўриб, қизил империянинг ёвуз сиёсатига қарши тоғдек тўсиқ бўлиб, ўзининг демократияси,

тараккиёти ва фаровон ҳаёти билан «совет турмуш тарзи»нинг кишилар бошига битган бир балолигини дунё халқлари кўз ўнгида намоён этиб турди. Қизил империянинг парчаланишида Америка «Озодлик радиоси»нинг тугган ўрни катта аҳамият касб этди. Тўлқини бутун оламга таралган бу радио коммунистик ғоялар ва тоталитар тузумнинг гайритабиийлиги ва ҳалокатга учраши муқаррарлигини мазлум халқлар онига сингдириб борди. Айниқса «қайта куриш» даврида «Озодлик радиоси»нинг фаолияти ва таъсир доираси юкори чўккига кўтарилди. У қизил империяга қарши қаратилган қудратли маънавий қурол сифатида бебаҳо хизмат қилди.

Хуллас, Америка демократияси ва тараккиёт, ҳарбий техникаси ва оммавий ахборот воситалари қизил империянинг парчаланишида муҳим ўрни эгаллади. Бу ҳақиқатни эслатиб ўтишдан мақсад шуки, Америка қизил империянинг ағдарилишида шунча катта ишларни қилган экан, ҳозирда мустакил республикаларга муносабати қандай кечаётир, деган савол туғилади.

Меннинг назаримда, Америка раҳбарияти империянинг ағдарилиши билан қаноат ҳосил қилиб, Ўзбекистон ва бошқа Марказий Осиё республикаларига етарли даражада эътибор бермаётир. Ваҳоланки, қизил империя ҳали тамомилла йўқ қилиниб ташлангани йўқ. Унинг илдизларидан ўсиб чиқаётган қора кучлар зўр бериб тоталитар тузумни тиклашга ҳаракат қилмоқдалар. Бу ҳолат айниқса «демократияга» кенг йўл берилган республикаларда кўзга ташланмоқда. Шунга қарамай, Америка ва Ғарбий Европа, Мустакил республикаларда, шу жумладан, Ўзбекистонда демократияни ривожлантиришни асосий масала сифатида талаб қилмоқда. Шу муносабат билан демократиянинг фоживий оқибатларига бир назар ташлайлик. Масалан, Россияда демократиянинг жилосини қўйиб юборган Президент Борис Елцин охириги парламент сайловидан кейин бамисоли «ёмғирдан қутилиб қорга учради». Коммунистлар, жириновскийчилар ва қизил империяни тиклашнинг бошқа тарафдорлари демократик тартиблар ва сайловлардан фойдаланиб ўзларининг бақувват партияларини туздилар. Улар ҳукумат остонасида ва парламентда мустаҳкам жойлашиб, ҳокимиятни эгаллаш учун шайланиб турибдилар. Ҳозир Россиянинг ўзида коммунистларнинг сони 1 миллион киши ҳисобланиб, КПССни тиклаш асосий мақсад қилиб қўйилди. Уларда ишонч шу даражада кучлики, ҳатто ХХI аср коммунистлар тантанаси бўлади, деб жар солмоқдалар. Хавф-хатарли ҳолат Тожикистон, Қозоғистон ва Қирғизистонда ҳам юз бериб, компартиялар тузилди. Улардан депутатлар ҳам сайланди. Умумлаштирганда, бу уччала республикадаги компартия аъзоларининг сони ўрта ҳисобда 500 000 кишига боради. Агар Украина, Белорусия ва бошқа жойлардаги компартияларнинг салмоғи ҳисобга олинса, қизил империянинг жони ҳали ҳам узил-

кесил чикмаганлигини кўрамиз. Аксинча, кизил империя зимдан жонланиб ва кадини ростлаб бормоқда.

Энди нима учун демократияни ривожлантириш фожеали кечмоқда, деган савол юзага келади.

Биринчидан, масалани яхшироқ аниқлаш учун бир ривоятни келтираман. Бунга кўра қадимги замонларда кўркамлик ва мевасининг ширинлигида тенги йўқ антика дарахт бўлган экан. Бу дарахт тушроғи, суви ва хавоси тоза жойда шифобахш мева берар экан. Бордию шу дарахтнинг кўчати кўрсатилган яхши хусусиятларга эга бўлмаган, яъни мос тушмайдиган шароитдаги ерга экилса, у вақтда мевасидан заҳар томчилаб турар экан. Пировардида бу заҳар дарахтнинг ўзини ҳам қуритган. Шунга ўхшаш республикаларда демократияни ривожлантиришга мос тушадиган сийсий ва ижтимоий-иқтисодий шароит етилгани йўқ, мана шундай ноқулай шароитда бемалол қўлланилаётган демократиянинг мевасидан заҳар, яъни қора қучлар юзага келмоқда. Оқибатда бу қучлар ҳокимиятни қўлга олган тақдирда, ўзини туғдирган демократияни қуритиши аниқ. Бу ерда болшевикларнинг 1917 йилги Феврал буржуа-демократик революциясидан фойдаланиб ҳокимиятни босиб олганликлари, сўнгра ўзларининг юзага чиқишларига имкон туғдирган демократияни қўпориб ташлаганларини эслашиб ўтиш кифоя.

Умуман айтганда, ҳали мактаб ёшига етмаган республикалардан демократияни ривожлантиришни талаб қилишнинг вақти келгани йўқ. Чунки ҳозирда Ўзбекистон ва бошқа Марказий Осиё республикаларида мустақиллик ва демократиянинг пойдеворини шакллантириш жараёни бораётир. Бу биринчи босқичнинг тўртинчи йили кетаётир, холос. Бамисоли, ота-она ва тарбиячи боғча боласини йиқилишдан, фалокатлар, касалликлар ва ёмон одамлардан қандай арлоқласа, сақласа эндигина қадам ташлаётган демократияни ҳам шунчалик асраш шарт. Акс холда фожиа рўй бериши аниқ. Буни қонли урушлар бўлган ва давом этаётган республикалар мисолида кўриб турибмиз. Шуниси диққатга сазоворки, сунъий равишда демократияни жадаллик билан ривожлантиришнинг аянчли оқибатлари Ўзбекистонда ҳисобга олинди.

Иккинчидан, ҳозирги шароитда демократияни ривожлантиришга халқнинг ўзи ҳам тайёр эмас. Совет даврида сийсий фаолияти бўғиб ташланиб, «қорин тўйса, бас» деган фикр билан яшаган ва бунга тамомила мослашиб кетган халқнинг қўпчилиги дарҳол демократиянинг асосларини тушуниши ва кадр-қимматига етиши анча қийин. Шунинг учун ҳам ҳукм сураётган етишмовчилик, қимматчилик ва қонли тўқнашувлар қўпчиликнинг дарди-га айланиб қолди. Ҳатто совет даврини қўмсаётган кишилар оз эмас. Агар Марказий Осиё республикалари аҳолисининг 60-75 фоизи қишлоқлар ва

овулларда яшаётганлиги ҳисобга олинса, демократияни ривожлантиришга яна бир неча йиллар кераклиги маълум бўлади.

Ахир Америка ва Европа мамлакатларида демократияни шакллантириш ва ривожлантиришга бир неча юз йиллар кетганлиги сир эмас-ку. Шундай бўлгандан кейин нима учун эндигина куликдан кутилиб, оёкка тураётган республикалардан ишни демократияни ривожлантиришдан бошлаш талаб қилинмоқда.

Мухтарам президент жаноби олийлари!

Умумий ҳулоса шундан иборатки, ниҳоятда оғир ва қалтис шароит ҳамда қизил империяни тиклаш ҳаракатлари ҳукм сураётган бир пайтда Американинг у ёки бу республикалардан демократияни ривожлантиришни талаб қилган ҳолда уларга ўз муносабатини белгилашини тўғри, деб бўлмайди. Чунки шароит тақозосига қарамай, демократиянинг сунъий равишда ривожлантирилиши орқасидан мустақилликни ҳимоя этувчи миллий партиялар билан бир қаторда коммунистлар ва империяни тиклашнинг бошқа тарафдорларининг партиялари юзага келганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бир бирига зид икки лагер тўқнашган тақдирда, олғирлик, зўравонлик, шафқатсизлик, кескинлик ва уюшқоқликда ўта тажрибали коммунистлар куч-қувватга тўлмаган миллий-демократик партияларни осонлик билан тор-мор этиши турган гап. Бу ерда коммунистларнинг Россия қўшинидаги салмоқли таъсири ҳисобга олинса, масала яна ойдинлашади. Шунинг учун қора кучларни рўёбга чиқарувчи демократияни ривожлантиришдан воз кечиб, миллий партиялар, қандай бўлмасин, мустақилликни сақлашни асосий вазифа, деб ҳисоблашлари керак. Бошқача айтганда, барча эрксевар кучлар халқ томонидан сайланган республика раҳбарияти атрофига жипслашган ҳолда иш юритишлари шартдир. Бундай қилишликнинг ўта самарадорлигини Ўзбекистон мисолида яққол кўриш мумкин. Бу республикада тинчлик ва барқарорлик ҳамда барча миллий партияларнинг бирдамлиги гавдаланиб турибди. Америка мана шундай тинч тотувлик, мустақилликни таъминловчи оқилона сиёсатни қўллаб-қувватлаши, ҳарбий, иқтисодий ва маданий ёрдам кўрсатиши лозим, деб ўйлайман. Маълумки, инсоният тарихининг ҳар бир даврида жаҳон миқёсидаги масалаларни ҳал этиш кўпроқ у ёки бу қудратли ва тараккий этган давлатнинг зиммасида бўлган. Менинг назаримда, худойи таолонинг марҳамати билан XX асрда бундай шарафли вазифа асосан Америка зиммасига юклатилган. Ўйлайманки, бундан кейин ҳам Америка раҳбарияти ташаббуси ва халқаро мавқеини сусайтирмай, умуминсоний манфаатларни ҳимоя қилишда олдинги сафда туради.

Ўзбекистон қадимдан Марказий Осиёнинг юраги ва таянчи, яратганининг меҳри ёққан ўлкадир. Зеро, она юртимизда олтин, қумуш, мис, уран,

газ, нефт, кўмир, мрамор, пахта, ширинликда тенги йўк нозу-неъматлар, кўйингчи, инсон ҳаёти учун нимаики зарур бўлса, барчаси бор. Бу серкуёш ўлкада ўтмиш замонларда қатор йирик салтанатлар ташкил топган. Она юртимнинг буюк ўтмиши билан фахрланаман ва буюк келажакка ишонман. Қани энди, америкаликлар жаннатмакон ва жаҳон маданиятига муносиб ҳисса қўшган Ўзбекистонга тез-тез таъриф буюрсалар, албатта уни дилдан севиб қолишларига ишончим комил.

Қадимги ва ҳамиша навқирон, саҳий ва меҳмондўст ўзбек халқи Американи тинчлик, демократиянинг намунаси сифатида яхши билди. Бирок «минг марта эшитгандан бир марта кўрган яхши» деганларидек, ўзбекларга афсонавий Американи кўришга қулай имкониятлар яратилса, шубҳасиз дўстлик алоқалари мустаҳкамланиб борар эди. Ҳамда Америкага килинган сафарлар кишилар онгининг коммунизм ғоялари ва советпарастликдан тозаланишга ижобий таъсир этади.

Хуллас, Америка-Ўзбекистон алоқаларининг барқ уриб ривожланиши шу куннинг талабидир. Бу ишда Сиз президент жаноби олийларига ва юртбошимиз Ислам Каримовга саломатлик ҳамда муваффақиятлар тилайман.

Самимий салом ва ҳурмат билан Ҳамид Зиёев. 1995 йил июн».

Мазкур хат матни 1995 йил июн ойининг иккинчи ярмида «Озодлик радиоси» орқали эштирилди. Айни пайтда Тошкентдаги Америка элчихонасида инглиз тилига таржима қилиниб, Оқ уйга жўнатилди. Маълум вақтдан кейин Америка элчихонасидан қуйидаги жавоб келган:

«Ҳурматли Зиёев жаноблари!

Президент номига ёзган хатингиз учун самимий миннатдорчиликни қабул қилишингизни Сиздан сўраймиз. Хатнинг Оқ уйга етиб борганлигига тўла ишонинг. Аммо Америка президенти жуда кўп мактуб ва бошқа турли ахборотларни олиб туриши сабабли ҳар бир хатга жавоб бериш имкониятига эга эмас. Мен Американинг Ўзбекистондаги элчиси ва президентимизнинг Сизнинг ватанингиздаги шахсий вакили сифатида унинг номидан Сизни тўла ишонтираманки, президент ҳам, мен ҳам келажакда ўзбек-америка алоқаларини ривожлантириш учун ҳаракат қилмоқдамиз.

Ҳурмат билан Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистон Республикасидаги фавкулотда ва мухтор элчиси Стенли Эскудеро».

БАДИЙ ИЖОД ФАОЛИЯТИ

Ҳамид Зиёев бадиий ижод соҳасида ҳам фаол қалам тебратиб келаётган олимлардандир. Унинг кўплаб ҳикояларида адолатпарварлик, ҳалоллик, ватанпарварлик, олий жаноблик каби инсоний фазилатлар улугланиб, ҳасадгўйлик, кўрқоқлик, жоҳиллик ва зикналик сингари иллатларнинг инсон учун нақадар фожиали оқибатларга олиб келиши ҳаётий мисолларда акс эттирилган. Муаллиф ўз ижодида қомил фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор бериб келади («Хушмуомалалик – ярим бахт», «Олган тупроғинг олтин бўлсин болам», «Аввал одоб...», «Кичининг дўсти ким?», «Қўй миқозлик», «Ҳасадгўйнинг тақдирини», «Сунъий кайфият» ва бошқалар). Устознинг Амир Темури, Улугбек ва Навоий сингари тарихий шахслар тўғрисидаги ҳикоялари ҳам кизиқиш билан ўқилади. Ҳамид Зиёевнинг «Бахт калити» (1990, 2001), «Бахтли бўлай десангиз» (1995), «Фарзандларингиз ақли, соғлом ва оқибатли бўлсин десангиз» (2011) ҳикоялар тўпламлари нашр қилинган. «Бахтли бўлай десангиз» асарини Хитойда уйғур тилида ҳам чоп этилиши унинг ижодига кизиқиш чет элларда ҳам катта эканлигини кўрсатади.

ОИЛАВИЙ АКАДЕМИЯ

Ҳамид Зиёевнинг оиласини том маънодаги юқори малакали илмий ходимлардан ташкил топган фан даргоҳи дейишга асос бор. Зеро, у фарзандларининг тарбияси ва ўқишига алоҳида аҳамият бериб, илмга етаклади. Натижада ўғил-қизлари ҳам ота изидан бориб илмий фаолият билан мунтазам шуғулланиш баробарида бирин-кетин фан номзоди, фан доктори илмий даражаларига сазовор бўлдилар. Ҳозирда бир оилада 4 фан доктори ва 1 фан номзоди бор:

1. Ҳамид Зиёев – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор, Тарих институти етакчи илмий ходими.
2. Жаннат Исмоилова – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори.
3. Доно Зиёева – тарих фанлари доктори, профессор, Тарих институти бўлим раҳбари.

4. Азамат Зиё Ҳамид ўгли – тарих фанлари доктори, профессор, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

5. Нодира Зиёева – филология фанлари номзоди.

6. Зийнат Зиёева – форс тили ва адабиёти бўйича мутахассис.

Ўзбек халқи тарихининг турли давр ва йўналишлари бўйича етук олим бўлиб етишган фарзандлар қатор китоб ва мақолаларнинг муаллифи ҳисобланиб, шогирдлар ҳам тайёрламоқдалар. Шундай қилиб, Ҳамид Зиёев бошлик оилавий академия тузилди. Бу Ватан мустақиллиги ва озодлиги ҳамда Ўзбекистонда илм-фан билан шуғулланиш учун яратилган шароит маҳсулидир, албатта.

УСТОЗЛИК ВА МУРАББИЙЛИК ФАОЛИЯТИ

Ҳеч бир муболағасиз айтишимиз мумкинки, Ҳамид Зиёев ўз илмий мактабини яратган, шогирдларига меҳрибон ва ғамхўр устоз олимлардандир. Унинг бевосита раҳбарлигида 40 дан ошди киши докторлик ва номзодлик диссертацияларини ёқлаб, мамлакатимизнинг турли вилоят ва шаҳарларида, чет элларда (Тошкент, Самарқанд, Наманган, Фарғона, Қўқон, Қарши, Хоразм, Бухоро, Термиз, Москва, Қозон, Олмаота, Бишкек ва бошқа жойларда) самарали фаолият кўрсатмоқдалар. Биргина 1994-1999 йилларда унинг илмий раҳбарлигида 5 фан доктори ва 8 фан номзоди тайёрланди. Олим ўнлаб докторлик ва номзодлик диссертацияларига оппонентлик қилди ва тақризлар ёзди. Кўп йиллардан буён ихтисослаштирилган илмий кенгашларнинг аъзоси бўлиб, устознинг маслаҳат ва ёрдамларидан баҳраманд ва миннатдор бўлмаган тарихчи олим топилмаसा керак. Умумий ҳисобда устоз 60 га яқин илмий ишнинг масъул муҳаррири ва ҳайъат аъзосидир.

ҲАМИД ЗИЁЕВ

РАҲБАРЛИГИДА ҲИМОЯ ҚИЛИНГАН ДИССЕРТАЦИЯЛАР

Фан докторлари

1. Содиков Х. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистонда чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати ва истиклол учун кураш. 1994.
2. Абдурахимова Н. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистонда мустамлакачилик тизими. 1994.
3. Мадуанов С. XVIII – XIX аср бошларида қозокларнинг Марказий Осиёнинг қўшни халқлари билан ўзаро алоқалари. Олма-ота, 1997.
4. Мусаев Н. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда саноатнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши. 1999.
5. Чориев З. XX аср бошларида Туркистон ўлкасида мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулмнинг кучайиши ҳамда оқибатлари. 1999.

Фан номзодлари

1. Йўлдошев Р. Туркистонда миллий буржуазиянинг шаклланиши. 1994.
2. Молдокосимов К. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида ўзбек-киргиз алоқаларининг ривожланиши. Бишкек, 1994.
3. Фармонова Б. Фарғона водийсида XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида хунармандчилик саноати. 1995.
4. Юнусова Х. Тошкент шаҳридаги 1892 йил кўзғолони. Тошкент, 1995.
5. Худойкулов А. Туркистонда жадидларнинг маърифатпарварлик фаолияти. 1995.
6. Суянова О. Туркистонда 1916 йил кўзғолони (Сирдарё вилояти мисолида). 1997.
7. Қиличев Р. Бухоро шаҳри хунармандчилиги (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари). 1997.
8. Курахмедов А. Самарканд вилоятининг иқтисодий ва маданий ҳаёти (XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари). 2001.
9. Валиев Ф. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Сибирдаги бухороликлар (тарихий этнографик тафсилот). 1965.
10. Гинзбург А.И. Туркистонда кўчириш сиёсати (XIX аср охирилари – XX аср бошлари). 1966.
11. Пўлатов Ю. XVII асрнинг охири – XVIII асрнинг биринчи чорагида Россия – Ўрта Осиё алоқалари. 1968.
12. Ғаффоров Ф. XVII асрнинг биринчи ярмида Россиянинг Қўқон хонлиги билан иқтисодий ва сиёсий алоқалари. 1970.
13. Аметов А. XIX асрнинг биринчи ярмида Рус-Хива алоқалари. 1970.
14. Алимов А. Туркистонда савдо алоқаларининг ривожланиши (XIX аср охири – XX аср бошлари). 1971.
15. Тўлаганова М. Фарғона вилоятининг Россиянинг Ўрта Осиё билан савдо алоқаларида тутган ўрни (XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари). 1972.
16. Исмаатов Э. Нижний Новгород ярмаркасининг Ўрта Осиё ва Эрон билан савдо алоқаларида тутган ўрни (XIX аср – XX аср бошлари). 1973.
17. Эгамбердиев Х. Ўзбекистонда 1946-1955 йилларда колхоз деҳқончилиги нишлаб чиқариши ва моддий-маданий даражасининг ўсиши (Қашқадарё вилояти мисолида). 1973.
18. Акрамов В. Қўқон шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти (XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари). 1973.
19. Содиков Х. Туркистон генерал-губернаторлигининг сиёсий-маъмурий тузилиши (1867-1917 йиллар). 1973.

20. Бекматов Э. Ривожланган социализм даврида Ўзбекистонда колхоз кадрларини тайёрлаш (1959-1970 йиллар) (Хоразм вилояти материаллари бўйича). 1975.
21. Саъдуллаев С. Ўзбекистон меҳнаткашларининг пахтачиликни янада ривожлантириб боришдаги кураши (1959-1970 йиллар) (Сурхондарё вилояти материаллари бўйича). 1975.
22. Файзиева З. XIX аср иккинчи ярми - XX аср бошларида Туркистонда хунармандчилик. 1979.
23. Нормуродов Х. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Ўзбекистон деҳқончилигининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ва синфий кураши (Самарқанд вилояти мисолида). 1980.
24. Мадуанов С. XIX – XX аср бошларида козок-ўзбек алоқаларининг тарихи. Олмаота, 1980.
25. Шарофуддинов А. XIX аср охири – XX аср бошларида Андижон шаҳарининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти. 1980.
26. Деҳқонов А. Фарғона водийсининг фабрика- завод саноати ва ишчилар синфининг тарихи (XIX аср охири – XX аср бошлари). 1981.
27. Исмоилов Ш. Туркистонда халқ маорифи (XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари). 1982.
28. Тошпўлатов Г. XIX асрнинг охири - XX аср бошларида Фарғона шаҳрининг пайдо бўлиши ва ривожланиши. 1983.
29. Усмонов И. Фарғона водийсининг кишлок хўжалигида капиталистик алоқаларининг пайдо бўлиши (XIX аср охири – XX аср бошлари). 1983.
30. Ғуломов Х. XVIII асрда Россия ва Бухоро хонлиги ўртасидаги элчилик алоқалари. 1984.
31. Умаров А.И. XIX аср иккинчи ярми XX - аср бошларида Фарғона водийсида маданий ҳаёт. 1985.
32. Шалекенов М.У. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Жанубий Қозоғистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти. Фрунзе. 1987.
33. Абдурасулов А. XIX аср охири – XX аср бошларида Хива шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти. 1988.
34. Махкамов А. XIX – XX аср бошларида Қўқоннинг Ўрта Осиёнинг Россия ва чегарадош мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларидаги ўрни. 1988.
35. Отақўзиева С. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистонда ишчиликнинг ривожланиш тарихи. 1988.
36. Шаповаленко О. Туркистон ёшлари XX аср бошларидаги революцион ҳаракатларда. 1990.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА НАШР ЭТИЛГАН АСАРЛАР

1. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукумронлигига қарши кураш (XVIII – XX бошлари). Тошкент, 1998. 25 б.т.
2. Истиқлол маънавият негизи. Тошкент, 1999. 10 б.т.
3. Тарих – ўтмиш ва келажак кўзгуси (тарихнинг долзарб масалалари). Тошкент, 2000. 16 б.т.
4. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашлар тарихи (милоддан олдинги асрлардан то 1991 йил 31 августгача). Тошкент, 2001. 24 б.т.
5. Ўзбек ҳақиқатлари чоризм асоратида (XIX асрнинг 50-70 йиллари). Тошкент, 1994. 3 б.т.
6. Озодлик учун гўқилган қонлар. Тошкент, 1997. 4 б.т.
7. Ўзбекистонда пахта яққаҳоқимлиги учун кураш ва унинг оқибатлари (XIX асрнинг охири – XX аср бошлари). Тошкент, 1999. 11 б.т.
8. Сибир, Волга ва Урал бўйларидаги ўзбеклар (XVI-XX асрнинг бошлари). Тошкент, 2003. 17 б.т.
9. Тарихнинг очилмаган саҳифалари. Тошкент, 2003. 14. б.т.
10. Тарих институти 60 ёшда. Тошкент, 2003. 2 б.т.
11. Ўзбекистон муштамлақа ва зулм исқанжасида. (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари). Тошкент, 2006. 18 б.т.
12. Амир Темур салтанати ва тақдири. Тошкент, 2008. 10 б.т.
13. Она шаҳрим Тошкент ва ҳаёт йўли. Тошкент, 2008. 22 б.т.
14. Ёқубжонхожи ва Маҳкамбойларнинг фаолияти ва тақдири. (Бахтиёр Маҳкамов билан ҳамкорликда). Тошкент, 2008. 4.б.т.
15. Амир Темур томонидан Қуръони Қаримнинг асл нусхасини келтирилиши. Ўзбекистон мадрасалар ватани. Тошкент, 2010. 4 б.т.
16. Ўзбекистон биринчи ва иккинчи жаҳон уруши даврида. Тошкент, 2011. 6 б.т.

ЎЗБЕК-РУС АЛОҚАЛАРИНИНГ ТАРИХИ БЎЙИЧА АСАРЛАР ТЎПЛАМИ

- 1-жилд. Ўзбекистоннинг Каспий-Волга бўйлари ва Оренбург орқали Россия билан элчилик муносабатларининг тарихи. 2013, 25 б.т.
- 2-жилд. Ўзбекистоннинг Каспий-Волга ва Ўрол бўйлари орқали Россия билан иқтисодий алоқалари (XVI асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари). 2013, 25 б.т.
- 3-жилд. Ўзбекистоннинг Сибир орқали Россия билан элчилик ва савдо алоқалари. 2013, 25 б.т.

- 4-жилд. Сибир, Волга ва Ўрол бўйларидаги ўзбеклар (энг қадимги даврдан то XX аср бошларигача). 2013, 25 б.т.
- 5-жилд. Ўзбекистоннинг Сибир орқали Россия билан алоқаларига доир архив хужжатларининг тўплами (XVI – XX аср бошлари). 2013, 25 б.т.
- 6-жилд. Россиянинг Қозон, Астрахан, Сибир, Қрим, Кавказ ва Туркистонга таъжовузи ва ҳукмронлигига қарши курашлар. 2012, 40 б.т.

ЛОТИН АЛИФБОСИДА ЧОП ЭТИЛГАН АСАРЛАР ТЎПЛАМИ

1. O‘zbekiston va Sibir. (XVI-XIX asrlar.) Asarlar to‘plami. I jild. T., 2011.
2. O‘zbekiston va Volga bo‘ylari. (XVI-asming ikkinchi yarmi – XIX asrlar). Asarlar to‘plami. II jild. T., 2011.
3. Ўзбеки в Сибири (с древних времен до начало XX века) Asarlar to‘plami. III jild. T., 2008.
4. Sibir, Volga va Ural bo‘ylaridagi o‘zbeklar (Eng qadimgi davrlardan XX asr boshlarigacha) / Mas‘ul muharrir: A. Sharafuddinov. Asarlar to‘plami. IV jild. – T.: “Sharq”. 2003.
5. Turkistonda Rossiya tajovuzi va hukumronligiga qarshi kurash (XVIII-XX asr boshlari). Asarlar to‘plami. V jild. T.: “Sharq”. 1998.
6. O‘zbekiston mustamlaka va zulum iskanjasida (XIX asr ikkinchi yarmi – XX asr boshlari). Asarlar to‘plami. VI jild. T.: “Sharq” 2006.
7. O‘zbekiston mustaqilligi uchun kurashlarning tarixi (miloddan oldingi asrlardan to 1991 yil 31 avgustgacha). Asarlar to‘plami. VII jild. T.: “Sharq” 2011.
8. Tarix o‘tmish va kelajak ko‘zgusi (tarixning dolzarb masalalari) // Mas‘ul muharrir K. Normatov. Asarlar to‘plami. VIII jild. T.: G‘ G‘ulom nomidagi adabiyot va san‘at nashriyoti. 2000.
9. Tarixning ochilmagan sahifalari. Asarlar to‘plami. IX jild. T., 2008.
10. Buyuk Amir Temur saltanati va taqdiri. O‘zR FA Tarix instituti. Asarlar to‘plami. X jild. T.: “Ma‘naviyat”. 2008.
11. Ona shaxrim Toshkent va hayot yo‘limdan lavhalar. Asarlar to‘plami. XI jild. T.: O‘zR FA “FAN” nashriyoti. 2008.
12. Hamid Ziyoyevning ilmiy pedagogik faoliyati (1946-2003). / Avt. A.Sharafuddinov, Z.Fayziyeva, L.Kraves. Asarlar to‘plami. XII jild. T.: A. Qodiriy nomidagi xalq me‘rosi nashriyoti. 2003.
13. Farzandlaringiz sog‘lom, aqlli, chiroyli, tarbiyali va oqibatli bo‘lsin desangiz. Asarlar to‘plami. XIII jild. T.: “Ma‘naviyat”. 2011.

ҲИКОЯЛАР ТЎПЛАМИ

1. Фарзандларингиз ақлли, соғлом ва оқибатли бўлсин десангиз. (тарбиявий ва ҳаётий сабоқлар). Тошкент, 2011. 15 б.т.
2. Бахт калити (ибратли ҳикоялар). Тошкент, 1995. 5 б.т.
3. Бахтли бўлай десангиз (уйғур тилида). Урумчи, 1999. 5 б.т.
4. Бахтли бўлай десангиз. Тошкент, 2001. 8 б.т.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА НАШР ЭТИЛГАН МАҚОЛАЛАР

1. Ғалаён. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси. 1991 йил 6 сентябр.
2. Келинга тан берган куёв. «Тошкент окшоми» газетаси, 1991 йил 25 октябр.
3. Ҳаёт тарозуси. «Тошкент окшоми» газетаси. 1991 йил 21 ноябр.
4. Истиқлол учун бирлашайлик. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси. 1991 йил 22 ноябр.
5. Истиқлол учун бирлашайлик (давом). «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси. 1991 йил 5 декабр.
6. Мирза Ҳазратнинг жазоси. «Тошкент окшоми» газетаси. 1991 йил 10 декабр.
7. Туркистон ва чоризм тажовузи. «Мулоқот» журнали. 1991 йил, 3-сон.
8. Ибн Сино ва Машраб. «Тошкент окшоми» газетаси, 1991 йил 27 декабр.
9. Чоризм ва пахта яккахокимлиги. «Шарқ юлдузи» журнали. 1991 йил, 5-сон.
10. Тарихий шахслар. «Мулоқот» журнали. 1991 йил, 10, 11-сонлар.
11. Давра суҳбати. «Мулоқот» журнали. 1991 йил, 6-сон.
12. 1916 йилги миллий озодлик ҳаракати. «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журнали. 1991 йил, 7-сон.
13. Хитой коғозига ўралган йнгит. «Тошкент окшоми» газетаси, 1992 йил 10 январ.
14. Давлат таянчи. «Тошкент окшоми» газетаси, 1992 йил 31 январ.
15. Эътиқодимиз рамзи. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1992 йил 6 март.
16. Ҳақиқатни гапириш вақти келди. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1992 йил 21 феврал.
17. Шайхни ҳам соғайтирган. «Тошкент окшоми» газетаси, 1992 йил 20 март.

18. Наҳорги ошнинг кашф этилиши. «Тошкент окшоми» газетаси, 1992 йил 10 апрел.
19. Янгича қараш. «Ўзбекистон овози» газетаси, 1992 йил 7 май.
20. Мукаддас бурчимиз. «Тошкент окшоми» газетаси, 1992 йил 27 май.
21. Тошкентнинг босиб олинishi. «Тошкент окшоми» газетаси, 1992 йил 17 июн.
22. Хиссиётга берилмаслик. «Тошкент окшоми» газетаси, 1992 йил 20 июн.
23. Ҳақиқатни севарди. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1992 йил 10 июл.
24. Қаҳрамонлар номини тиклайлик. «Ўзбекистон овози» газетаси, 1992 йил 4 август.
25. Миллий уйғониш филойилари. «Ўзбекистон овози» газетаси, 1992 йил 18 август (хаммуаллифликда).
26. Табибнинг ўтиги. «Тошкент окшоми» газетаси, 1992 йил 18 сентябр.
27. Занжирбанд ҳукмдорлар. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1992 йил 18 сентябр.
28. Давра суҳбати. «Халқ сўзи» газетаси, 1992 йил 29 октябр.
29. Кўзғолон. «Шарқ юлдузи» журнали, 1992 йил, 3-сон.
30. Юнусхўжа — Тошкент ҳокими. «Шарқ юлдузи» журнали, 1992 йил, 12-сон.
31. Устоз ва мураббий. «Бухоро ҳақиқати» газетаси, 1992 йил 21 ноябр.
32. Боболар ўтиги. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1992 йил 4 декабр.
33. Лочинбек ва Отабек. «Тошкент окшоми» газетаси, 1992 йил 18 декабр.
34. Марказий Осиёнинг истиқболи. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1993 йил 19 феврал.
35. Муаллимлар муаллими. «Ўзбекистон овози» газетаси, 1993 йил 3 март.
36. Ватан тарихини қандай ўқимок керак. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1993 йил 21 май.
37. Ажойиб рамзий маъно. «Тошкент окшоми» газетаси, 1993 йил 17 июн.
38. Собик совет давлатининг моҳияти. «Мулоқот» журнали, 1993 йил, 9-сон.
39. Курашларда чиниққан халқ. «Ўзбекистон овози» газетаси, 1993 йил 31 июн.
40. XIX иккинчи ярми – XX аср боши Ўзбекистон тарихини ўрганиш ҳақида. – ж. «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар», 1993, № 8.
41. Истиқлол шарофати ва масъулияти. «Ўзбекистон овози» газетаси, 1993 йил 28 август.
42. Сибирлик ўзбеклар. «Ватан» газетаси, 1993 йил 8, 15 сентябр.
43. Ҳаёт рамзи. «Ўзбекистон овози» газетаси, 1993 йил 19 октябр.

44. Қайта туғилиш бахти. «Ватан» газетаси, 1993 йил 10, 17 октябр.
45. Фахримиз ва гуруримиз. «Ўзбекистон адабиёти ва санъ-ати» газетаси, 1993 йил 26 ноябр.
46. Тарих синовидан ўтган тизим. «Ўзбекистон овози» газетаси, 1994 йил 12 май.
47. Буюк ўтмиш ва тараққиёт ватани. «Ўзбекистон овози» газетаси, 1994 йил 23 июн.
48. Тарих ва йиллар ичра пинҳон. «Тошкент оқшоми» газетаси, 1994 йил 22 июл.
18. «Фидокор».
19. «Народное слово».
20. «Кишлоқ хақиқати».
21. «Маргилон хақиқати» (Маргилан).
22. «Қашқадарё хақиқати» (Қарши).
23. «Қырғызстан тауси» (Бишкек).
24. «Наука в Сибири» (Новосибирск).
25. «Шарқ зиёкори».
26. Ўзбекистон адабиёти ва санъати».
27. «Правда Востока».

МАТЕРИАЛЫ О ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ХАМИДА ЗИЯЕВА

1. Файзиёва З. Национально-освободительное движения в 80 – 90-х годах XIX в. – ж. «Общественный науки в Узбекистане», 1984, № 5.
2. Эгамбердиев Х. Легенда Востока. – г. «Қашқадарё хақиқати», 14 мая 1991 г.
3. Мадаминов Т. Научная деятельность Хамида Зияева (рукопись исторического факультета ТашГУ). 1991.
4. Отклики на статью Х.Зияева «Завоевание Ташкента». – г. «Тошкент окшоми», 22 июля 1992 г.
5. Отклики на статью Х. Зияева «Завоевание Ташкента». – г. «Тошкент окшоми», 5 августа 1992 г.
6. Победители конкурса «Окшом». – г. «Тошкент окшоми», 16 октября 1992 г.
7. Шарафуддинов А. Список научных трудов Хамида Зияева. 1963.
8. Ахмедов В., Исламов У., Мухаммаджонов А. Наставник и учитель. – г. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 8 сентября 1993 г.
9. Маннопов А. Ученый с большой буквы. – г. «Ўзбекистон овози», 8 сентября 1993 г.
10. Поздравление. – г. «Ватан». 3 сентября 1993 г.
11. Убайдуллаев Т. Мастер своего дела. – г. «Тошкент окшоми», 10 сентября 1993 г.
12. Рахим Отакули. Кипучая энергия. – г. «Халк сўзи», 9 сентября 1998 г.
13. Кияс Молдокасымов. Будьте здоровы, наставник. – г. «Олтин водий», 29 мая 1993 г. (Киргизия).

14. Шарофуддинов А., Файзиев З. Краткий очерк научной и педагогической деятельности Хамида Зияева. 1993.
15. Ахмедов В., Гулямов Х. Вдохновленные свободой. – г. «Миллий тикланиш», 4 марта 1997 г.
16. Хасанов М., Усманов И. Правда, рожденная Независимостью. – г. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 3 июля 1998 г.
17. Кудрат Дустмухаммад. Ценный труд. – г. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 13 февраля 1999 г.
18. Мамадтнев А. Национальное восхождение. – г. «Республика», 21 мая 1999 г.
19. Ахмеджанов Г. Олицетворение независимости и прогресса. – г. «Ўзбекистон овози», 12 октября 2000 г.
20. Мирхадиев Т. Горстка жемчуга. – г. «Мулқдор», 5 апреля 2002 г.
21. Абдурахманов М. Борьба за независимость и свободу. – г. «Фидокор», 21 мая 2002 г.
22. Мухамаджонов А., Ислотов У. Плодотворный ученый – г. «Фидокор», 28 декабрь, 2006 г.

ИЖОДИДАН ЛАВҲАЛАР

ТОШКЕНТДАГИ ҚУРЪОНИ КАРИМНИНГ АСЛ НУСХАСИНИ КИМ КЕЛТИРГАН?

Бу муҳим масала кўпчиликни узок йиллардан буён кизиктириб келмоқда. Аммо тарихий ҳужжатларнинг озлиги орқасада хали аниқ жавоб топилгани йўқ. Маълумки, Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётлиги чоғида саводли кишилар озчилиқни ташкил этганлиги туфайли оятлар ёдланган. Пайгамбар (с.а.в.) атрофидаги айрим саводли кишиларгина оятларни ёзиб борганлар. Халифа Абу Бакр Сиддик (632-634) даврида пайгамбар ҳадисларини тўплашга киришилган. Халифа Усмон (644-656) ҳукмдорлик қилган йилларда мавжуд барча оятлар тўпламлари таққосланиб ва жамланиб, 6 нусхада ягона бир Қуръон битилган.

XX аср бошларидаги маълумотларга кўра, ўтмиш замонларда уларнинг учтаси Макка ва Мадинада, иккитаси Мисрда, биттаси Туркияда сақланган. Сўнги, яъни Истанбулдаги нусхани 1912 йили ҳажга борган ўзбеклар «Аё Сўфиё» масжидида кўриб, уни ҳозирда Тошкентда сақланаётган Қуръони каримга жуда ўхшашлигини баён этган эдилар. Демак, Қуръони Каримнинг асл нусхаси Туркиядан мамлакатимизга олиб келинмаган экан. Шундай бўлгандан кейин Қуръон қаердан келтирилган, деган ҳақли савол туғилади.

Авваламбор уни қай тарзда олиб келинганлиги ҳақидаги бир маълумотга назар ташлаш айни муддаодир. Бу ҳақда 1870 йили «Голос» газетасида шундай ёзилган: «Салкам 400 йил илгари Накшбандия тарикатининг пири Хўжа Аҳрорнинг муридларидан бири ҳаждан қайтаётиб Румда, яъни Константинополда (Истамбулда) тўхтайди. Бу вақтда Туркия султони жуда оғир дардга чалинган экан. Хўжа Аҳрорнинг муриди уни дарддан фориқ этади. Султон, агар шифо топсам, табиб нима талаб қилса, шунни сўзсиз бажараман, деб онг ичган экан. Мурид уни даволаб, Қуръони каримнинг асл нусхасини беришни сўрабди. Ноилож қолган султон вазири ва бошқа аёнлари билан маслаҳатлашиб, Қуръонни муридга беришга мажбур бўлибди. Мурид уни дарҳол Хўжа Аҳрорга юборибди».

Қуръон шу тариқа Самарқанддаги Хўжа Аҳрор масжидидан жой олган экан. Аммо бу маълумот афсонага ўхшайди. Бундан ташқари, унинг бегона мамлакатга юборилиши Туркия аҳолисининг нафратини уйғотиб, сул-

тоннинг обрўйи ва мавкейига зиён келтириши турган гап эди. Султон буни инобатга олмаслигининг ҳеч иложи йўқ эди.

Мен ўз мақоламда («Шарқ юлдузи», 1991, 1-сон) Амир Темур Туркия султони Боязидни енгандан кейин унинг саройидан Қуръонни каримни Самарқандга олиб келганлигини уктириб ўтган эдим. Эндиликда бу фикримдан қайтишга тўғри келади. Чунки яқинда қўлимга тушган бир маълумот шуни тақозо этади.

XIII асрда Волга бўйларида ташкил топган ва ривожланган кудратли Олтин Ўрда давлатининг мўтул ҳукмдорлари бирин-кетин ислом динини қабул қилганлар. Улар вақт ўтиши билан турклашиб, ислом динини ривожлантириб бордилар. Улардан биринчи бўлиб Беркахон (1257-1266) ислом динини қабул қилган эди. Ҳатто у Бухорода бўлиб, таниқли дин пешволари билан суҳбатлашган. Беркахон ҳукмдорлик қилган вақтдан бошлаб, ислом динининг ривожланиши айрим хорижий мамлакатларнинг диққатини жалб этди. Хусусан, Олтин Ўрда давлати ташкил топган минтакадан Мисрга бориб ҳокимиятни қўлга олган кипчоқлар (мамлуклар) ўз она юртларида ислом динининг камол топишини зўр қизиқиш ва мамнуният билан қарши олдилар. Натижанда Беркахон билан Миср подшоҳи Байбарс ўртасида элчилик ва дўстлик алоқалари шаклланди. Мазмунан, мамлуклар ўз ватанларини қўмсаб, унинг равнақи учун имкони борича ёрдам бериш мақсадида Олтин Ўрда билан яқинлашиш сиёсатини юргизган. Бу ҳақда Байбарснинг элчи орқали Беркахонга юборган совғалари ҳам далолат беради: «Халифа Усмон кўрсатмасига кўра жамланган муқаддас Қуръон; ранг-баранг ёстиқлар; масжид гиламлари; Венеция матолари ва Ливан либослари; теридан илғичли қилиб ясалган гиламлар; нақшли калжур қиличлари; олтин суви берилган гурзилар; франк дубулгалари; олтин суви берилган совутлар, ёпик фонуслар, катта шамдонлар; Хоразм эгарлари; жойнамозлар; юганчалар — буларнинг ҳаммасига олтин ва қумушдан нақш чизилган; халқали ёйлар; тош ёйлар; нефт солиб отадиган ёйлар; камиш ва ёғоч найзалар; қутиларга солинган ёй ўқлари; қозонлар; олтин ва қумуш занжирли исчироқлар; қоратанли малайлар ва оксоч ошпазлар; чавандоз араб отлари ва Нубия туялари; теъюрар юк хайвонлари; маймунлар; тўтиқушлар ва бошқа ҳар турли буюмлар. Шунингдек, жирафа, Миср эшаклари, Хитой кўралари, Искандария кийимлари ҳам совғага қўшиб юборилган»¹.

Кўришиб турибдики, Миср подшоҳи қандай бўлмасин, Беркахонни ўзига жалб этиш учун ниҳоятда қимматли ва нодир нарсаларни юборган. Ҳатто Қуръонни каримнинг асл нусхасини ҳам аямаган. Мана ўша вақтдан буён кўп асрлар ўтди, лекин уни қаердалиги ҳақида ҳеч гап йўқ. Менинг фи-

¹ Греков Б.Д. Олтин Ўрда ва унинг қулаши. Тошкент. 1952. 68-69-бетлар.

кримча, Амир Темур Тўхтамишни мағлубиятга учратиб, пойтахтни эгаллагандан кейин, ўша Қуръонни қўлга киритиб, Самарқандга олиб келган. Бунга далолат шундан иборатки, Сохибқирон Қуръони Каримни Мисрдан ҳам, Туркиядан ҳам олмаган. Шу бонсдан ҳам Қуръон бу ерларда ҳамон сақланмоқда.

Ҳозирда унинг 6 нусхасидан 5 таси мавжуд, биtgаси эса Мадинада масжидга ўт тушганда куйган экан. Қуръоннинг сонига қараб ҳисоблаганда ҳам Амир Темур уни Олтин Ўрдадан олганлигини кўрсатади. Зеро, унинг иктаси Мадина ва Маккада, икkitаси Миср ва Туркиядадир. Бешинчиси бизнинг юртимизда сақланмоқда. Шубҳасиз, Қуръон тарихини ўрганиш бу билан узл-кесил хал этилди, дейиш кийин. У ўз талқикотини ҳамон кутмоқда. Аммо ҳозирдаги мавжуд маълумотлар Қуръон Олтин Ўрдадан олинганлиги ҳақида далолат беради. XX аср бошларидаги текширувга кўра Қуръони каримнинг умумий ҳажми 68x55 ҳисобланиб, 353 варақни ўз ичига олган. Бу варақларнинг ялтироқ ва сарғиш рангдаги юз томони яхши сақланиб, уларнинг орка бети бирмунча ғижимланганрок, сийқаланган кўринишда бўлган.

Қуръони Каримнинг саҳифалари нам тортиши орқасида бирмунча шикастланган ва уларда қон доғлари бор эди. Унинг йиртиб олинган ёки қаттиқ шикастлаган варақлари ўрнига 69 та терига ўхшаш калин ва майин варақлар тикиб қўйилган. Бу варақлар пахтадан тайёрланган қоғозлардан ташкил топган. Улар шу даражада моҳирлик билан ишланганки, Қуръоннинг асл нусхаларидан фарқ қилиш кийин бўлган.

«Туркестанские ведомости» газетасида (1870 йил) берилган маълумотларда куйидагиларни ўқиймиз: «Самарқанд мусулмонлари Усмон Қуръонини «Жаломи шариф» дейишади. Бу ҳамма Қуръон учун умумий номдир. Бироқ Самарқанддаги мусулмонлардан бирортаси Қуръондан қуфий хати билан ёзилган бир сатрни ҳам ўқий олмадилар».

Россия Самарқандни босиб олгандан кейин, яъни 1869 йили Зарафшон округи бошлиғи генерал-майор Абрамов Хўжа Аҳроп масжидида Қуръоннинг ноёб нусхаси сақланаётганини эшитиб, полковник Серовга қатта илмий аҳамиятга молик Қуръонни қўлдан чиқиб кетмаслик чорасини кўришни буюрди. Маълум бўлишича, мазкур ноёб нусха уруш вақтида бекитилиб, сўнгра яна Хўжа Аҳроп масжидига қўйилган экан. Рус ҳарбий маъмуриятининг унга бўлган қизиқишидан хабар топган бир гуруҳ руҳонийлар Қуръонни Бухорога олиб кетишни мўлжаллайдилар. Бироқ бу Қуръон генерал Абрамов томонидан Хўжа Аҳроп масжиди имомларидан 125 сўмга сотиб олинади. Шундан сўнг Қуръон Самарқанддан Тошкентга келтирилади. Бир гал генерал-губернатор уни Бухородан келган Яхё исмли элчига кўрсатганда, у шундай деди: «Қуръоннинг бу асл нус-

хасн халифа Усмоннинг ўз кўли билан ёзилган ва унинг қони билан доғланган. Бу Қуръон асл нусха ҳисобланиб, кейинги даврларда ундан олинган нусхалар бутун мусулмон оламига тарқатилган. У Амир Темур кутубхонасида сақланган қадимий асардир. У Соҳибкирон томонидан олиб келинган ва кутубхонанинг энг қимматбаҳо зийнати ҳисобланган».

1869 йилиёқ Қуръон Тошкентдан Петербургга олиб кетилиб, аввал халқ маорифи вазирлигига, сўнгра ҳозирги Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шчедрин номидаги кутубхонага берилди. 1873 йили Кошғардан Петербургга элчи сифатида келган Таргахўжа уни кўриб шундай деган: «Мен бу Қуръонни Самарқандда кўрганман. У халифа Усмон томонидан битилган асл нусхадир. У ниҳоятда қимматлидир. Унинг саҳифасидаги доғлар Усмоннинг қонидир».

Бу доғлар халифа Усмон ваҳшиёна равишда ўлдирилаётганда кўлида ушлаб турган Қуръонга тўкилган қондан юзага келган.

Гувоҳларнинг кўрсатишича, Кошғар элчиси қатта мамнуният ва эътиқод билан Қуръони қаримни кўзига ва лабига суртган («Московские ведомости», 1873, 195-сон). 1910 йили «Туркистон курери» газетасида босилган хабарга кўра, Петербургдаги мусулмонлар «Машҳур Усмон Қуръонининг шу ерда қурилаётган масжид ихтиёрига берилишини ҳукуматдан илтимос қилишган. Бирок бу илтимос инобатга олинмаган». Совет давлатининг дастлабки йилларида Қуръон Тошкентга олиб келинди. Шунинг айтиши лозимки, Туркистон замини фақат Қуръоннинг асл нусхаси билан эмас, балки бошқа ноёб хиллари билан ҳам фахрланишга ҳақлидир. Чунинчи, XX аср бошларида Туркистон шаҳридаги Аҳмад Яссавий мақбарасида жуда қадимий Қуръон нусхаси сақланганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

Манбаларнинг бирида сақланаётган жойини номаълум Қуръон нусхасининг XVIII бобига тегишли қисмининг расми келтирилган. Ёзув услубига қараганда у жуда қадимий нусхага ўхшайди. Ушбу Қуръон нусхаси ҳазрат Алининг ўғли Ҳусайн томонидан кўчирилгани ҳақида фикр тарқалган.

Асримиз бошларида Самарқанддаги Шохи зиндада қатталиги ва ҳашамаги жиҳатидан тенги йўқ Қуръон нусхаси кўз қорачигидай сақланган. Ҳар бир варағининг ўлчови бўйига 2 газ ва 4 қарич, энига 1 газ ва 6 қарич бўлган. Шунга яраша харфларнинг қатта бўлгани ҳам табиий. У 1827 йили Бухоро амири Насрулло топириғига биноан Ҳусайн деган киши томонидан тайёрланган экан. Айрим маълумотларга кўра, у қандайдир қадимий Қуръон нусхасидан кўчирилган.

Қатта ўлчовдаги Қуръон нусхасига мўлжалланган курси Улутбек давридан то асримиз бошларигача Бибихоним масжиди ховлисида турган. Курси оқ мрамардан ишланиб, баландлиги 2 газ ва 6 қарич, эни 2 газ ва ўн уч қарич, узунлиги 3 газ ва 3 қаричга тенг бўлган. Унинг уч қатордан иб-

рат тўққиз оёғи бор эди. Суянчиғи қаноти ва баландлиги бир газдан ошган. Баъзи маълумотларга кўра, мазкур мармар курси Амир Темур замонида тайёрланиб, унга Қуръоннинг асл нусхаси қўйилган. Ҳатто уни Бибиҳоним ўз масжиди деразасидан қараб ўқир экан. Хунарамдочлик ва санъатнинг асл ва ажойиб намунаси бўлмиш мазкур курси халқимизнинг Қуръон китобига бўлган юксак эътиқодининг исботидир, албатта.

Қуръонни қаримда маржон тизимлари каби терилган суралар шу даражада ҳаётийки, улар миллати, диний эътиқодидан қатъи назар кишиларда меҳнатсеварлик ва ҳалоллик, сахийлик ва камтаринлик, муруввағлилик, биродарлик, ватанга содиқлик каби олий фазилатлар шаклланишига замин ҳозирлайди. Унда ҳаёт ҳамда одоб-ахлоқнинг барча тармоқларига оид оятлар мавжуд. Танқли шарқшунос олим В.В.Бартольд: «Исломи дини жаҳон миқёсида асрлар давомида ўзининг ҳаётийлигини исботлади ва насроний динига нисбатан ўзида тенглик ва биродарликни қўпроқ ақс эттирди. Исломи ҳеч қандай дин жаҳон даврасидан сикиб чиқара олмайди», деб таъкидлайди. Қуръон қадимдан насроний динидаги халқлар диққатини ўзига жалб этиб келган!. Чунки у 1422 ва 1698 йиллари лотин тилига, 1770-1828 йиллар орасида саккиз мартаба француз тилига, 1946 йили немис тилига, рус тилига эса 1716 йил, 1790, 1792, 1864, 1907 ва 1963 йилларда таржима қилинган. Шуниси диққатга сазоворки, Қуръон буюк рус шоири А.С.Пушкин эътиборини ҳам ўзига тортади. Шоир «Қуръондан иктибос» деган шеърини асар яратган. Бунда у сура ва оятларни мутолаа қилиб, унинг мазмунини шеърини йўлда ифода этишни ўзига асосий мақсад қилиб қўйган. Буюк немис адиби Волфанг Фон Гёте эса «инсоният ҳар жиҳатдан Ҳазрати Муҳаммад олдида қарздор», деб тарғибот қилган эди. У Қуръонни қаримга тан берган ва «Ҳазрати Муҳаммад Тараннуми» асарини ёзган. Кўриниб турибдики, Қуръон асрлар мобайнида турли тилларга ўтирилган ва қўп мамлакатларда кизиқиш уйғотган.

Сўнгги сўз ўрнида шунини уқтириб ўтиш лозимки, Қуръонни қаримнинг асл нусхасини соҳиб бўлиш ва уни ўз кўзи билан кўриб, ҳаёт кечириб катта бахт ва саодатдир. Уни бизнинг диёримизда сақланиши Ҳудойи таолонинг хоҳиш-иродаси ва марҳаматидир. Буюк бобомиз Амир Темур уни юртимизга келтириб, ўзбек халқининг шон-шухратини оламга тарашига ва унинг, маънавий ҳаётини безашга улкан ҳиссасини қўшди. У бу борада ҳам ўз ватани ва халқига бекиёс катта хизмат қилган эди.

ЖАДИДЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ СИЁСИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мустақиллик шарофати ила матбуот саҳифаларида Бегали Қосимов, Шерали Турдиев, Наим Каримов, Аҳмад Алиев, Карим Норматов ва бошқа муаллифларнинг жадидлар фаолиятига бағишланган сермазмун маколалари чоп этилди. Улар тарихимизда ўчмас из қолдирган, лекин совет даврида сурбетларча қораланган жадид ҳаракатини ҳолисона ўрганиш, оқлаш ва оммалаштиришга ҳисса қўшдилар. Аммо жадидлар ҳаракатини юзага келтирган заминларга доир масалаларни ёритиш ҳамон ўз ечимини кутмоқда. Мазкур ишда уларни ўрганишга ҳаракат қилинди. Шубҳасиз, бу қатга масалани бир мақолада тўла-тўқис ҳал этишнинг иложи йўқ, албатта. Ўйлайманки, мухтарам ўқувчилар буни ҳисобга оладилар.

Маълумки, муҳим тарихий воқеалар тасодифан ва фавқулодда содир бўлмай, ўзларининг илдизи ва заминига эга бўлади. Шунга ўхшаш, жадид ғоялари ва ҳаракати ҳам XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларидаги шаронгга боғланган ҳолда шаклланди ва тоб-ланди. Бошқачароқ айтганда, улар ўша давр сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётининг акс садои сифатида гавдаланди.

Сиёсий соҳада

Жадидлар сиёсий фаолиятининг негизи мустақиллик ва озодлик ғоялари билан сугорилган эди. Бу ғоялар, авваламбор, XIX асрнинг 50-70 йилларида ўзбек халқининг Россия тажовузига қарши жанглирида ўз ифодасини тошган эди. Улар Туркистон заминида рус давлатининг ҳукмронлиги ўрнатилганидан кейин ҳам халқнинг калбида жўш уриб турди. Бу ҳаминша ўз халқининг дардида яшаган ва унинг озодлиги учун жонини тиккан жадидларнинг ҳам онги ҳамда калбини чулғаб олди.

Чунки рус давлати минтақада миллий давлат ва қўшинни тугатиб, мустақилликни барбод этди. У ўзининг манфаатларини таъминлайдиган сиёсий-маъмурий тизимни ташкил этиб, бутун минтақанинг ягона эгаси бўлиб қолди. Рус ҳукумати 1867 йили Туркистон генерал-губернаторлигини ташкил этиб, К.П.Кауфманни губернатор қилиб тайинлади. У 1868 йил

1 январ куни Тошкент шахрининг нуфузли кишилари хузурида нутк сўзлади. У ўз сўзида рус давлатининг Туркистон заминида бостириб кириши ва қонли урушларни оқлаш, хаспўшлаш учун кўп найрангбозлик қилди. Зеро, у хонликлар даврида ўлкада адолатсизлик ва зўравонлик ҳукм суриб, халқ оммаси ҳаммаша оғир аҳвол ва азоб-уқубатда яшаганлигини таъкидлади. Чор ҳукумати туб аҳолига озодлик ва фаровон ҳаёт бахш этиш мақсадида Туркистонни эгаллаган эмиш. У ўлкада ўзи тузган мустабид снэсний-маъмурий тизимни мактаб шундай дейди: «Бахт-саодат келтирувчи янги тартиб ва қонунларни, улуғ императорнинг марҳаматини англашга туб аҳолининг ақл-идроқи етармикан?.. Такрор огоҳлантираманки, сизларнинг тақдирингиз ўзларингизнинг қўлларингизда. Агар ўзларингизнинг фойдангизни ўйлаб ва бизнинг марҳаматимизни ҳис этиб, чор ҳукуматига хайрихоҳлик билан муносабатда бўлсангиз, бахтли ҳаётга эришасизлар. Борди-ю, сизлар бошқача иш юритиб ҳукуматга қарши турсангиз, ҳокимият куч ишлатишга ўтади».

Кўриниб турибдики, К.П.Кауфман халқни чор ҳукуматининг атрофига жишланишга даъват этди. Ақс ҳолда, ҳарбий куч ишлатишни баён қилди. У рус давлатини адолатли ва инсонпарвар давлат сифатида тасвирлашга имкони борича ҳаракат қилди. Ўзини эса мана шундай «салоҳиятли» давлатнинг Туркистондаги вакили сифатида гавдалантирди. Аммо кўп ўтмай рус давлатининг ҳам, шахсан ўзининг ҳам никоби йиртилди, хақиқий башараси ошқор бўлди. Чунончи, К.П.Кауфман босқинчилик ва талончилик урушини давом эттириб, Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларини ваҳшийларча босиб олди. Шундан кейин рус ҳукумати минтақани Туркистон генерал-губернаторлиги, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидан иборат уч қисмга парчалаган ҳолда бошқарди. Рус ҳукумати генерал-губернатор лавозимига улуғмишлагчилик руҳи билан суғорилган ва қаттиққўл қимсаларни тайинлади. Улар ўлкада мустамлакачилик снэсати ва миллий зулмни изчиллик билан амалга ошириб, бойликларни талашда муҳим ўрин эгалладилар. Шу боис уларнинг исм-шарифларини ўқувчиларнинг билиб қўйиши фойдадан ҳоли бўлмайди, деб ўйлайман:

К. П. Кауфман (1867–1882),	Н. А. Тевянов (1904–1905),
М. Г. Черняев(1882–1884),	Н. И. Гродеков (1905–1906),
Д. И. Субботин (1884–1888),	Н. О. Розенбах (1907–1908),
А. Б. Вревский (1889–1898),	П. И. Мищенко (1909),
С. М. Духовский (1898–1901),	А. И. Самсонов (1909–1913),
Н. А. Иванов (1901–1904),	А. Н. Куропаткин (1916–1917).

Улардан ташқари, 1914–1916 йиллар орасида Флуг, Мартсон ва Ерофеев деган кишилар вақтинчалик губернатор бўлиб турганлар. Генерал-губернаторлар ўз ёрдамчилари ва махсус кенгаш аъзолари билан иш юрит-

ганлар. Генерал-губернаторлик қошида ижроия орган — уч бўлимдан иборат идора (канцелярия) бўлган. Биринчиси, бошқарув ва маъмурий шахслар; иккинчиси, ер соликлари, қурилиш, алоқа, ўқув ва санитария; учинчиси, молия ва ер солиқларига доир масалалар билан шуғулланган. Шунингдек, бу бўлим вақф мулклари, статистика ва хорижий фуқароларни ҳам назорат қилиб турган. Идора қошида Бухоро амирлиги ва Хива хонликлари билан алокани таъминловчи дипломатия бўлими ҳам фаолият кўрсатган. Ўлканинг олий ва ўрта бошқарув лавозимларига рус генераллари ва офицерлари тайинланди. Генерал-губернаторлик таркибига Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Етисув ва Каспийорти вилоятлари киритилиб, Тошкент шаҳри унинг марказига айлантирилди. Вилоят ва унга қарашли уезд бошлиқлигига ҳам ҳарбий кишилар қўйилди.

Вилоят ҳарбий губернаторлари ўз қўл остидаги шаҳар, қишлоқ ва овуллар устидан қаттиқ назорат ўрнатиб, мустамлакачилик сиёсатини амалга оширганлар. Бу ишда вилоят бошқармаси ижроия орган сифатида муҳим ўрин эгаллади.

Вилоят ҳисобидаги уездларга қатта-кичик шаҳарлар, қишлоқ ва овуллардан ташкил топган волостлар кирган.

Ўлкадаги қуйи бошқарувга, хусусан, волост, қишлоқ ва овул оксоқоллик лавозимларига маҳаллий аҳолининг вакиллари «сайлов» йўли билан тайинланган. Улар рус маъмуриятининг кўрсатмаларини сўзсиз бажарадиган ва ўта иттиқдор кишилар ҳисобланган.

Шундай қилиб, маҳаллий юқори табақа вакиллари олий ва ўрта бошқарув лавозимларидан маҳрум этилиб, сиёсий майдондан суриб ташланди. «Маҳаллий халқнинг орасида, деб ёзган эди Фарғона вилояти губернатори, хоннинг амалдорлари ва айниқса руҳонийлар сингари душманларимиз кўп. Биз бу ўлкага келганимиздан кейин улар фақат собиқ мавқеларидангина эмас, балки яхши ҳаётни таъминловчи имкониятларидан ҳам айрилдилар. Ўша тонфадаги кишилар ўз жамиятининг руҳи ва завоф томонларини яхши билганликлари учун аввалги тартибларни тиклаш мақсадида халқни русларга қарши отлантиришга қодирдирлар».

Дарҳақиқат, хонлик даврида ўз ватани учун хизмат қилган кишилар оз эмас эди. Улар фақат даромадларидан айрилганликлари учун эмас, балки она юрт мустақиллигини тиклаш учун курашга тайёр эдилар. Ҳатто уларнинг мустақиллик учун кураш ҳаракати XX аср бошларига, яъни кейинги авлодга мерос сифатида ўтиб борди. Бу хусусда архив манбаларида шундай дейилган: «Рус давлатига бўйсундирилгунига қадар Фарғона мустақил давлат ҳисобланиб, ўзининг тарихи, ҳукмрон синфи ва бошқарув тизмига эга эди. Уларнинг йўқолганига ҳали чорак аср бўлгани йўқ. Шунингдек, янги шароитга мослашиниш учун бир кишининг умри ўтгани

йўқ. Илгари ҳукмронлик қилган нуфузли табақаларнинг оддий кишиларга айланиш жараёни жуда кийин ва аламли кечмоқда. Шунинг учун тасо-дифий ҳодисаларнинг бўлишини назарда тутган ҳолда маҳаллий аҳолини каттик назорат остида сақлаб туриш зарур. Чунки улар ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги учун доимий равишда назорат қилишнинг имкони йўқ. Янги тартиб ва қонунлар орқасида уларнинг фақат жамиятдаги мавқеи эмас, балки вақф ерларидан олинадиган даромадларнинг қисқартирилиши ту-файли иқтисодий манфаатларига ҳам зиён етказилди»¹.

Рус ҳукумати биринчи навбатда, дин пешволарини энг хавfli душман ҳисоблаб, уларни имкони борича «бурчакка сиқиб» қўйишга ҳаракат қилди.

Маълумки, рус ҳукумати қозилик судини сақлаган бўлса-да, лекин қозилар каттик назорат остида ушлаб турилди. Улар ва қуйи маъмурият вакиллари биргаликда «гаҳ деса, қўлга қўнадиган» тарзда ишлатилган. Ҳатто арзимаган бахоналар топиб ваҳимада ва қўркувда ушлаб турилган. Масалан, Қўқонда 25 та қози эски қабристонларни бузмасликни сўраб ари-за ёзганларида, улардан бир нечтаси лавозимларидан четлатилди. Шундан кейин, бир гуруҳ нуфузли кишилар норозилик хатини ёздилар. «Хонлар вақтида, дейилган унда, қозилар шариат қонунларини билганликлари учун мукофотланганлар. Аммо халойиқ қозиларнинг бекордан-бекорга лавозим-ларидан бўшатишганини билмайди. Чунки улар ҳеч қачон шариатга зид иш-ларни қилмаганлар»².

Рус маъмуриятининг қозиларга нисбатан қўллаган адолатсизлиги жа-моа ақлининг норозилиги ва нафратини янада кучайтирди. Шунинг учун вилоят харбий губернатори А.А.Абрамов қўзғолон кўтарилишидан қўркиб, агар тартибсизликлар рўй берса, у вақтда қозиларни Сибирга сур-гун қилинишини маълум қилди³. Айни пайтда, Қўқон уездининг бошлиғи: «Агар дин пешволари тартибсизликларда қатнашсалар, мадрасаларнинг ёпилиши ва вақф ерлари тамомилла давлат ихтиёрига ўтказилишини»⁴, бил-дирди.

Шикоятга имзо чеккан қозилардан 10 киши ҳибсга олинган эди. Шу-нингдек, уларга хайрихоҳлик билдирган элликбошилардан 8 таси қамалди. Бу ҳол оғир ҳаёт гирдобиде турмуш кечириётган халқнинг норозилигини кучайтириб, оломон тўплана бошлади. Натижада хавfli вазият юзага ке-либ, қўзғолон кўтарилиши аён бўлиб қолди. Бундан чўчиб кетган харбий губернатор қози ва элликбошиларни қамоқдан озод этишга мажбур бўлди.

¹ Центральный Государственный архив России в Санкт-Петербурге. Ф. 1282, оп. 3. д. 412, л. 27.

² Ўша жойда, 22-бет.

³ Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви. Ф. 19. 1-руйхат. 332-иш. 43-бет.

⁴ Ўша жойда, 27-бет.

Қози Мулла Ашур шикоятнинг ташаббускори сифатида Сибирга сургун қилиниши керак эди, лекин вазият кескинлашганлиги туфайли бу ҳукм ҳам бекор қилинди¹.

Рус ҳукумати ўлкада ўзига мустаҳкам таянч ҳосил қилиш ва ерларни ўзлаштириш мақсадида рус шаҳар ва посёлкаларини бунёд этди. Бу жойларга минглаб руслар жойлаштирилди. XIX асрнинг охирига келиб ўлкадаги русларнинг сони 197.420 кишига етди. 1909 йили эса улар 619.320 кишини ташкил этди. Натижада, ўлкадаги ўтrock ва кўчманчи аҳоли унумдор ерлар ва яйловларнинг талай қисмидан маҳрум бўлиб, оғир аҳволга тушиб қолди. Ўлкада русларнинг тобора кўпайиб бориши сиёсий жиҳатдан ҳам туб аҳолига ўта хавфли эди. Зеро, улар рус давлатининг мустамлакачилик ва улуғмиллатчилик сиёсатини мустаҳкамловчи омилга айланиши турган гап эди.

Шундай қилиб кўрдикки, XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида Туркистон заминида мустамлакачилик ва улуғмиллатчиликка асосланган сиёсий-маъмурий тизим барпо этилди. Рус ҳукумати ўзбек ва бошқа туб аҳолига сиёсий ва инсоний ҳуқуқ беришни хаёлига ҳам келтирмади. Рус матбуоти ва асарларида Туркистон ўлкаси очикдан-очик «Россия мустамлакаси» номи билан изоҳланди. Иш шу даражага бориб етдики. «Русский Туркестан» («Рус Туркистони») атамасини ишлатиш одат тусига айланди. Шунингдек, туб халқ ўзбек ва қозoқ сингари асил номлари билан эмас, балки «инородец» («бегона зот»), «туземец» («ерли аҳоли») деб юргизилди. Қозoқлар эса «киргизы» («киргизлар») номи билан аталди.

Мустақилликнинг йўқотилиши, сиёсий ҳақсизлик ва адолатсизлик бутун жамият аҳлини чор ҳукуматига қарши қудратли муҳолифатга айлантирди. Уларнинг орасида маҳаллий юқори табакаларнинг илғор вакиллари ҳам бўлиб, озодлик ғоялари борган сари қуч-қувватга тўлиб борди. Бу ғоялар жадидлар сиёсий фаолиятининг асосини ташкил этди. Шунинг учун жадидлар мазлум халқни озодлик курашига даъват этдилар. Зеро, Абдурауф Фитрат шундай ёзган: «Эй, улуғ Турон, арслонлар ўлкаси. Сенга на бўлди. Дунёни «урхолари» билан титратган йўлбарс болаларнинг қани? Нечун товушлари чикмайди?.. Нечун чекиндилар? Нечун кетдилар? Кураш майдонларин ўзгаларга нечун қўйдилар?»².

Бинобарин, жадидларнинг йўлбошчиларидан бири бўлмиш Фитрат халқни довуракликка чақириб, она юрт учун курашга отлантиради. У ўзининг «Темур сағанаси» номи песасида чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати натижасида Туркистон замини ўзининг собиқ қуч-қудрати ва шон-шухратини йўқотиб, мисли қўрилмаган даражада оёқ-ости

¹ Ўша жойда, 53-54-бетлар.

² Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1992 й., 5 июнь...

килингани, хўрлангани, талангани ва хонавайрон бўлгани хақида баён этган. Чунончи, «Темур сағанаси» песасининг қахрамони Амир Темурга мурожаат этиб, шундай дейди¹:

Бағрим ёник, юзим қора, кўнглим синик, бўйим буқик.

Сенинг зиёратингга келдим. Султоним!

Эзилган бошим, кесилган виждоним, куйган қоним,

ўртанган жоним учун,

бу сағанангдан даво излаб келдим, Хоқоним!

Юз йиллардан бери жафо кўриб, ҳам

чекиб қолган туркнинг қонли кўз

ёшларини этакларингга тўқарга келдим.

Қоронғулар ичра қолган ўзбек кўзлари учун

Тупроғингдан сурма олгани келдим.

Туркнинг номуси, зътибори, иймони,

Виждони зодимларнинг айғлари остида қолди!

Туркнинг юрти, улоғи, ўчоғи. Турони ёт қўлларга тушди.

Туркнинг белгуси, онги, ўйлови, зийраклиги жаҳолат ўлкасига кетди.

Сенинг қиличнинг билан дунё эгаси бўлган

Турк тинчгина бир ётоқ тополмай қолди.

Мазкур мисраларда хўрланган ва таланган авлодлар учун Амир Темур рухий қуч-қудрат сифатида таърифланган. Песа қахрамони унга мустақиллик ва озодликнинг рамзи сифатида мурожаат қилиб, мадад сўраган. У Темур руҳига яна шундай сўзларни айтади:

Эй, арслонлар арслони,

Менинг ёзуқларимдан ўт,

мени қўлимни тут,

Белимни боғла, муқаддас

фотиҳангни бер...

Сенинг дунёга сиғмаган ғайратингга

Онч ичаманки, Туроннинг эски шараф ва улуғлигини

қайтармасдан бурун оёқларингга ўтирмасман.

Кўриниб турибдики, Фитрат Туроннинг шон-шуҳратининг тикланишига ишонч билдирган.

Фитратнинг куйидаги шеъри ҳам диққатни жалб этади.

Эй, улуғ Тангрим,

эй, буюк Тангрим,

¹ Мазкур маълумотлар биринчи марта профессорлар Б.Қоссов ва Н.Каримовлар томонидан эълон қилинган.

Жадидларнинг юкорида кўрсатилган сиёсий карашлари ХХ аср бошларида шаклланди. Бирок улар асосан Феврал буржуа-демократик революциясидан кейин ҳаётга татбиқ этиб борилди. Бу вақтларда Бехбудий ва Мунаввар қори сингари жадид етакчиларининг «Ҳақ олинур, берилмас», «Хуррият берилмас, олинур» деган хитоблари бежиз кўтарилмаган эди. Жадидлар бу вақтгача биринчи галда халқни саводини чиқариш, миллий хис-туйғу ва онгини ошириш билан бевосита шуғулландилар. «Чор ҳукуматини йўқотиш, деган Мунаввар қори, жадидларнинг тилагида бор эди. Сиёсий вазифамиз ва мақсадимиз ҳам шундан иборат бўлиши яширин эмас. Наинки, биз жадид мактаби очини билан савдо хизматчилари, бошқа таъбир билан айтганда, дўконда ўтириб, насия ёзадурғон ходимлар етказсак. Бу ишга ақлли одам шу баҳонни беришда у ёқ, бу ёқни мулоҳаза қилсин»¹.

Бу ерда Мунаввар қори мазлум халқнинг саводини чиқариш орқали онгли равишда иш юритадиган ва ўзининг фикр-мулоҳазасига эга кишиларни етиштириш зарурлигини таъкидламоқда. Бу ўз даври учун энг тўғри йўл эди.

Бехбудийнинг 1906 йил 11 октябрда «Хуршид» газетасида чоп этилган мақоласи ҳам диққатга сазовордир. У руслар, яҳудийлар ва бошқа халқларга ўхшаб барча мусулмонлар ҳам битта сиёсий партияни тузишларини таъкидлади. У Россияда фаолият кўрсатаётган партияларни монархистлар, кадетлар, социал-демократлар ва социал-революционерлардан иборат тўрт гуруҳга бўлади. Унда монархистлар партиясининг мусулмон ахлининг иктисодий-маданий жиҳатдан ривожланишига қарши туришини қоралаган. Шунингдек, социалистик партиялар хусусий мулк-ни тугатиб, ишлаб чиқариш воситаларини умумлаштиришга ҳаракат қилаётганликларини танқид қилган. Бехбудий социалистларнинг хусусий мулк, шахс ва онла ҳақидаги карашлари ўта зиёнли ва мусулмонларнинг манфаатларига зидлигини очиб ташлайди.

У кадетларнинг конституцияли давлатни ташкил қилиш, «ҳарбий кенгаш» ўрнига думани таъсис этиш ҳақидаги дастурини мақтаб, мусулмонларга ҳам тенглик, эркинлик ва тараққиётга эришиш имкониятларини яратишни уқтириб ўтади. У мана шу дастур асосида ягона мусулмон партиясини тузиб, биргаликда ва ҳамкорликда озодлик учун курашга чакиради.

Жадидларнинг сиёсий курашларини тасаввур этишда 1913 йили «Туркистон овози» ва «Голос Туркестана» газеталарида кўтарилган куйидаги уч масала ҳам диққатни жалб этади:

¹ Каримов Н. ХХ аср бошларидаги тарихий вазият ва жадидчилик ҳаракатининг вужудга келиши. // «Жадидчилик: Ислоҳот, янгиланш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш». Тошкент, 1999. 33-бет.

1. **Сибир темир йўлидан то Афғонистон ва Эронгача бўлган жойда яшаётган бутун ерли халқлар билан руслар орасида ҳуқук ва солиқлар соҳасида тенгликни вужудга келтириш.**

2. **Кўчманчи ҳаёт кечирувчи мусулмонларга қишлоқ ва шаҳарлардан жойлар бўлиб берилганига қадар кўчиб келаётган русларга ер бермаслик.**

3. **Замонавий маърифатни тарқатиш.**

Ушбу масалаларнинг йўналиши чор ҳукуматининг улугмиллатчилик сиёсатига қарши қаратилган эди, албатта.

Миллий буржуазиянинг вакиллари орасида жадидларнинг мустақиллик ва озодлик ғояларига ҳамдардлари ҳам оз эмас эди. Масалан, андижонлик миллионер Миркомил Мирмўминбоев 1915 йили «Спёсий жиҳатдан ишончсиз ва давлатга хиёнат қилган шахс» сифатида терговга тортилган¹. Аммо у пора бериб қутулиб қолган. 1916 йилги кўзғолон вақтида ҳам чор ҳукуматининг сиёсатига қарши зимдан иш юритган Миркомилбой Мирмўминбоев императорнинг туб аҳолини мардикорликка олиш ҳақидаги фармонини қоралаб, унга қарши курашишга даъват этган. Бу ҳақда унинг Қўқон ва Марғилоннинг нуфузли кишиларига йўллаган махфий хатлари далолат беради. У Қўқондаги ишончли кишига ёзган хатида шундай деган: «Сизга маълум бўлсинки, Қўқон аҳолиси ва бойларга одамларни мардикорликка бермасликларини тайинланг. Қўркманлар, Россия оғир ахволда, мен ўзим бордим ва билдим. Қачонки, одамлар менинг устимдан шикоят қилганларида, мени жавобгарликка тортмадилар, чунки 150 минг сўм бериб қутулдим. Ҳозирги шароитда рус амалдорларига минг сўм берилса, бас, хотинини ҳам, болаларини ҳам беришга тайёрдирлар. Туркиядаги ахвол яхши. Эндиликда биз қулфурушларнинг қонини ичамиз. Андижон тақдирини менинг қўлимда. Бу хатни ўқи, тез жавоб бер ва махфий ушла»².

Шундай мазмундаги хат Марғилондаги Саййид Муҳаммад Эшон номига ҳам ёзилган³. Миркомил Мирмўминбоев бундай хатларни бошқа шаҳарларга ҳам юборганлиги маълум. Шу равишда, у ўз халқини рус давлатига қарши бош кўтаришга даъват қилишга ҳаракат қилган эди.

Демак, Туркистон заминида рус давлатининг ҳукмронлиги орқасида миллий давлатнинг барбод этилиши ва улугмиллатчилик сиёсати жадидларнинг озодликни тиклашга қаратилган сиёсий ғояси ва курашини шакллантирди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви. Ф. Туркистон генерал-губернаторлигининг идораси, 31-рўйхат, 110-иш, 166-бет.

² Ўша жойда. Ф. Фарғона вилояти харбий губернаторлиги идораси, 2-рўйхат, 143-иш, 66-бет.

³ Ўша жойда.

Иқтисодий соҳада

Россиянинг Ўрта Осиёда ўтказган мустамлака сиёсати айниқса иқтисодга катта таъсир кўрсатди. Рус ҳукумати ва капиталистлари биринчи навбатда пахтачиликни ривожлантириш ва тўқимачилик саноатини арзон хом ашё билан таъминлашга каттик киришдилар.

Маҳаллий пахта навлари сифати ва толасининг узунлиги жиҳатидан ҳунармандчилик саноатига мослашгани боис тўқимачилик саноати эҳтиёжини тўла қондира олмадилар. Мустамлакачилар буни ҳисобга олиб, ўлкада Америка пахта навларини иқлимлаштиришга қаратилган чораларни изчиллик билан амалга ошириш ҳаракатига тушдилар. Чунончи, Америкадан уруғлик пахта чигитлари келтирилиб, махсус тажриба станция ва плантацияларда экилди. Ҳатто чигит дехқонларга бепул улашилди. Ниҳоят, XIX асрнинг 80 йилларига келиб Америка пахта навини иқлимлаштиришни ўзбек дехқонлари амалга оширдилар. Бу пахтанинг толаси анча узун, ҳосилдорлиги ва сифати банд бўлиб, тўқимачилик саноатининг талабларига тўла жавоб берарди.

1886 йили етиштирилган пахтанинг ҳажми 3 млн., 1910 йили 10,8 млн. ва 1915 йили 18,5 млн. пудни ташкил этди. Бу пахтанинг деярли ҳаммаси Россияга олиб кетилиб, ўлка унинг хом ашё манбайига айлантирилди. Бу эса халқнинг, шу жумладан, маҳаллий юқори табақа вакиллари, зиёлиларнинг норозилиги ва нафратини уйғотиши турган гап эди.

Пахтачиликни ривожлантириш билан бир каторда пахта тозалаш, ёғ ва совун заводлари юзага келди. Мустамлака даврида пахта тозалаш заводларининг сони 208 тага етиб, уларда пахта тозаланди ва тайёрланди. Уларнинг талай қисми маҳаллий бойларга тегишли эди. Масалан, Фарғона вилоятида 157 та пахта тозалаш заводининг 107 таси миллий буржуазия қўлида эди. Аммо заводлар техникавий жиҳатдан анча заиф бўлиши билан бирга уларнинг эгалари рус капиталистлари ва фирмаларига қарам бўлиб, улар билан рақобат қилишга қодир эмасдилар. Бундан айрим бойлар мустаснодир, албатта.

Мустамлака даврида миллий буржуазия шаклланиб, жамият ҳаётида салмоқли ўрин эгаллаб борди. XX аср бошларида улар орасида Миркомил Мирмўминбоев, Хўжаев, Фузайлов, Ҳакимбоев, ака-ука Вадяевлар, Ориф Ҳожинов, Раҳимбоев, Обидов, Олимбоев, Мухамедов, Каримбоев ва бошқалар бор эди.

Аммо рус капиталистлари миллий буржуазия вакиллариининг мустақил равишда ривожланишига йўл бермади. Уларга Туркистон ўлкаси билан алоқада кўпроқ воситачилар сифатида муносабатда бўлдилар. Нагнжада, миллий буржуазия «Москва савдо-саноат ширкати», «Ака-ука Шлосберг

ширкати», «В.А. Алексеев ширкати», «Бр. Крафт ширкати», «Нева мануфактура ширкати», «Триутольник ширкати», «Данилов мануфактураси ширкати». «Морозов савдо уйи», «Прохоров мануфактураси» ва бошқа қатор фирмаларнинг исканжасида сиқилиб қолди. Кўрсатилган фирмаларнинг деярли ҳаммаси пахта ва бошқа хом ашё маҳсулотларини узлуксиз Россияга олиб кетавердилар. Улар пахтави арзон нарҳда олишдангина эмас, балки ундан тайёрланган турли газламаларни сотишдан ҳам катта даромад олдилар. Бундан ташқари, ўша фирмаларнинг пахта тозалаш заводлари бор эди. Масалан, 1912 йилги маълумотга кўра, фирмалар Фарғона вилоятининг ўзида 50 та пахта тозалаш заводларига эга эди.

Туркистон замини Россиядан келтирилган тайёр саноат моллари билан ҳам тўлдирилиб, чор ҳукумати ва фирмалар ундан ҳам мўмай даромадни қўлга киритардилар.

Умуман айтганда, рус ҳукумати ва капиталистлар ярим асрлик вақт ичида маҳаллий халқ бойлигига чанг солиб, имкони борича кўпроқ ўзлаштириш йўлида ҳеч нарсадан тоймадилар. Шунинг учун ҳам: «Эллик йилдан бери, деб ёзган эди Фитрат, эзилдик, таҳқир этилдик. Қўлимиз боғланди, тилимиз кесилди. Оғзимиз қопланди. Еримиз босилди. Молимиз таланди. Шарафимиз емирилди. Номусимиз ғасб қилинди, инсонийлигимиз оёқлар остига олинди. Тўзимли турдик, сабр этдик. Кучга таянган ҳар буйруғига бўйсундик. Бутун борлигимизни қўлдан бердик»¹.

Хуллас, Туркистоннинг Россиянинг хом ашё манбайига ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилиши, аёвсиз таланиши ва қашшоқланиши жалдларнинг ҳам, миллий буржуазиянинг ҳам нафратини уйғотди. Бу ҳолат уларда она юртнинг иктисодий мустақиллигини тиклаш ва кураш гоёсини шакллантирди.

Маънавий соҳада

Мустамлакачилик сиёсати ўлканинг маънавий ҳаётига ҳам зарба берди. Чунончи, миллий тилнинг ривожланишига йўл қўйилмай, рус тилига давлат мақоми берилди. XX аср бошларида бир нечта газеталарни чиқаришга рухсат этилди, лекин улар кўп умр кўрмай, таққилаб қўйиларди. Халқ оmmasининг саводсизлиги сабабли газеталар маълум бир тор доиранинг эҳтиёжини қондиради, холос. Рус ҳукумати халқ маорифини ривожлантиришни ҳаёлига ҳам келтирмай, мактаб ва мадрасаларни маблағ билан таъминламади. Айрим маълумотларга қараганда, Туркистон генерал-губернаторлиги бюджетининг фақат бир фоизигина маорифга ажратилган. Унинг

¹ «Шарқ юлдузи». 1992 йил, 10-сон, 173-бет.

хам 74 ғоизи рус мактабларини, 26 ғоизи рус-тузем мактабларини таъминлашга сарфланди.

Маҳаллий бойлар ва жадидлар мактаб ва мадрасаларни хайрия, вақф мулкларини эҳсон қилиш ҳисобидан таъминлаб турдилар. Шунингдек, ота-оналарнинг кўрсатган моддий ёрдами ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Рус ҳукумати мактаб ва мадрасаларни ўрта аср қолоқлигида сақлашга ҳаракат қилиб, уларни қаттиқ назорат остида ушлаб турарди. Бунинг сабаби шундан иборат эдики, рус ҳукумати туб аҳолининг саводли бўлиб, билими ошгач, миллий хис-туйғулари ўсишидан жуда чўчиган. Иложи борича ўлка халқини аста-секин руслаштиришга қаратилган сиёсатни ҳаётга тадбиқ этишга ҳаракат қилди. 1870 йиллик Россия халқ маорифи вазирлиги «Маорифнинг максоди пировардида барча маҳаллий аҳолини руслаштиришдан иборат бўлиши» ҳақида қарор қабул қилган эди. Шунга ўхшаш фикрчи Н.О.Остроумов ҳам айтган: «Рус ҳукумати маҳаллий аҳолини рус халқи билан аралаштиришга ҳаракат қилиши керак. Шу йўналишда маҳаллий аҳолининг маорифини маълум даражада ривожлантириш лозим».

Рус давлатининг ярим асрдан ортиқ ҳукмронлиги даврида ҳукумат томонидан маҳаллий аҳоли учун бирорта замонавий миллий мактаб, ўрта ва олий ўқув юрти очилмади. Натижада, ўзбек ва бошқа туб аҳоли вакиллари маънавий қашпоқликда ҳаёт кечирди. Бунда юқоридаги Н. О. Остроумовнинг «хизмати» катта бўлди. Шу боис ҳам жадид Мирмуҳсин Шермухамедов шундай ёзган эди: «Табииyki, Туркистонга маориф инспектори қилиб белгилангач, миссионер Остроумовнинг таъсири ила бизда... мунтазам мактаб, мадраса очила олмас эди. Қари миссионер бунга пичрок (ифлос) бир қасд ила қарши келадир эди. Зеро, тажрибали бир мактаб ва мадрасада ўқиб чиққан шогирдларда диний, миллий хис-туйғу бўлар эди. Улар миссионернинг пичрок маслагига хизмат этмасдилар. Энди революциядан сўнг миссионерларнинг уясига таёқ тикилиб тўздирилгач, миссионер Остроумов Туркистондан йўқолди. Туркистон 27 йиллик шум малъундан қутулганидан кейингина сулу олди». Ҳақиқатан ҳам, Остроумов кўп йиллар мобайнида улуғмиллатчилик сиёсатининг илкомчи ва ижрочиларидан бири эди.

Рус маъмурияти ва зиёлилари орасида, агар мактаб ва мадрасалар фаолиятига имкон яратилса, «ғафлатда ётган мусулмонларнинг уйғониши» ва «нонимиз яримта» бўлиши мумкин, деган хавотирланиш йўқ эмас эди.

Кўрилаётган даврда маънавий ҳаётнинг негизи бўлмиш дин дахлсизлиги сақланган бўлса-да, лекин дин пешволарининг жамиятдаги мавқеига қаттиқ зарба берилиб, таъкиб остига олинди. Вақф ерларининг қисқартирилиши ва уларни рус маъмурияти назоратига олиниши ҳам дин-

нинг иктисодий заминини анча заифлаштирди. Дин пешволарининг ҳар бир «вожўз» ҳаракати панисломизм ва пантуркизм сифатида қораланди. Мустақлақчилар халқнинг маънавий ҳаётини тарихий ёдгорликларни ҳаробага айлантириш билан ҳам қашшоқлаштирди.

Босқинчилар ўзбекларни жаҳон тараққиётдан четда қолдириб, фан ва маданиятнинг ўсишига қатта тўсқинлик қилдилар. Миллатнинг ҳозирги кунинигина эмас, балки келажagini ҳам барбод этувчи бундай миллий зулм жалидларнинг маърифий курашининг асосини шакллантирди. Улар биринчи навбатда халқнинг саводини чиқариши ва билимини жаҳон андозаси даражасида оширишга киришдилар. Ёшларни ўқитиш учун Германия, Франция, Туркия, Миср ва бошқа мамлакатларга юборишни талаб этдилар. Масалан, бундай таклифлар М.Бехбудийнинг «Эхтиёжи миллат» (1909) ва Чўлпоннинг «Дўхтир Муҳаммадёр» (1915) сингари мақолаларида баён этилди.

Жадидлар миллий матбуотни ривожлантириш билан ҳам халқ «кўзини очиш»га ҳаракат қилдилар. Чунончи, улар 1905 йил охирида «Ўрта Осиёнинг умргузорлиги» номида газета чиқаришиб, мактаб ислохотларига ва бошқа ҳаётий масалаларга оид мақолаларни чоп этишди. Аммо газета икки ойдан кейин фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди.

1905 йили жадидларнинг «Тараққий» номи газетаси чиқарилди. Унда маорифда ислохотлар ўтказишга даъват этувчи фикр-мулоҳазалар, ўлка снёсий-маъмурий тизимини танқид қилиш ва мусулмонларнинг бирлигини таъминлашни ўз ичига олган мақолалар чоп этилди. Шунинг учун ҳам газета кўп ўтмай ҳукумат томонидан ёпиб қўйилди. 1906 йил сентябрида «Хуршид» («Қуёш») газетаси чика бошлаб, унда эхтиётлик билан снёсий-ижтимоий бошқарув тизими танқид қилиниб, халқнинг снёсий онгини уйғотувчи мақолалар чоп этилди. Бироқ бу газета фаолияти ҳам ўша йилнинг охириги ойларида маъмуриятнинг кўрсатмасига биноан тўхтатилди. 1908 йили «Шухрат» деган номда жадид газетаси чиқди. Унда босилган М. Бехбудий мақолаларидан бирида, туб аҳоли вакилларида муҳандислар, қонуншунослар, шифокорлар, иктисодчилар тайёрлаш учун ёшларни хорижий мамлакатларга юбориш лозимлиги кўрсатилди. Шунингдек, у снёсий ҳаётга доир мақолаларни ҳам эълон қилди. Бу газета ҳам, одатдагидек, ҳукумат томонидан ёпилди.

Демак, рус маъмурияти газеталарни бирин-кетин ёпиб, жадидларнинг маърифатпарварлик фаолиятига тўсқинлик қилиб турган. Аммо жадидлар бўш келмай 1913-1915 йиллар орасида «Самарқанд», «Садойи Туркистон», «Садойи Фарғона», «Жонли тил», «Бухоройи шариф» ва «Турон» газеталари ҳамда «Ал-ислоҳ» ва «Ойна» журналларини чиқардилар. Уларда ислохотлар ва бошқа долзарб масалалар бўйича фикр-мулоҳазалар ўз ак-

сини топди. Жадидларнинг машхур вакилларида бири Чўлпон ўтмиш замонларда маърифат ҳам ривожланганлиги, бироқ мустамлакачилик даврида никирозга учраганлигини таъкидлаган. «Рус ҳукумати вақтида, деб ёзганди у, ички Россия мусулмонларини чўқинтирмоқ ишида Рустиами Зол бўлгон. бизнинг маълум Остроумов тўрамининг устози саналган машхур Илминский чўқинтириш сиёсатининг бири бўлгон машхур Поledонаевга ёзган хатида: «Ерлик халқ орасидан биз учун фойдалиқ ва ҳеч бўлмаганда зарарсиз кишилар, рус тилини тутишиб, уялиб гаширатурғон, ўрисча ёзганда бирмунча хато билан ёзатурғон, бизнинг губернаторимиздан эмас, ҳатто устол бошлиғимиздан ҳам қўркатурғон кишилардир», деган эди.

«Бунга қарши, деб сўзини давом эттиради Чўлпон, биз рус тили билан эмас, ҳатто Оврупо маданиятли миллатларнинг тили ва билими билан жавоб берсак, одам қатори яшамокка албатта ҳақ қозонармиз. Энди бу эзгу ҳаракатга тарихимизда кўролмаганимизга бир нарса қўшилса, яъни ўзбекнинг эркин йиғитлари эмас, тутқун қизлари ҳам Илминский васиятига қарши исён бошласа, ўзи учун энг тотли бўлгон элидан, ота-онасидан кечиб, минглаб чақирим ерга кетсалар, одам қатори ҳақини, туртки эмасдан, урилмасдан, сўқилмасдан ўз ҳуқуқини ортиғи билан қозона оламмиз. Эски турмуш ўлим тўшағида, йиғитларимизнинг чин билимига қараб бу интилишлари эски турмушни бироз аввал ерга қўмгусидир».

Гарчанд ушбу ажойиб ва жўшқин фикрлар 1922 йили «Қизил байроқ» газетасида ёзилган бўлса-да, лекин ундаги гоълар ва умуман жадидларнинг фаолияти рус ҳукумати вақтида намоён бўлган.

Юқорида қайд қилинган Миркомил Мирмўминбоев Андижонда шифоҳона ва мадраса очиш учун кўп ҳаракат қилди, лекин рус маъмурияти унинг мавкейи янада ошиб кетишидан ва халқнинг «уйғониши»дан қўркиб, режасини амалга ошишига йўл бермади. Бу хусусда қуйидаги архив ҳужжати далолат беради:

Фарғона вилоят бошқармасига

«Миркомил Мирмўминбоев Андижон шаҳрида қурмоқчи бўлган мадраса масаласи бўйича шуни маълум қиламанки, Фарғона вилоят бошқармасидан мавжуд мадрасаларни кенгайтириш ва янгиларини қуришга иложи борица руҳсат этмасликни ва факатгина эски мадрасаларни таъмирлашга руҳсат берилишини сўрайман.

Охириги пайтларда баъзи бир шаҳарларда (Андижон, Қўқон ва Ўратепа) мусулмонларнинг баъзи бир масжид ва мадрасаларига ўқувчиларнинг мисли қўрилмаган даражадаги қатта оқими кела бошлади. Бу давлат манфаатларига зид ҳолдир. Масалан, шундай мадрасаларнинг бирида муллаваъчалар сони 160 кишидан бирданига 600 кишига қўпайган. Андижон шаҳрида шундоқ ҳам мусулмон мактаблари керагидан ортиқроғдир».

Туркистон ўлкаси халқ билим юртларининг инспектори имзо чеккан **мажмур хужжат** рус ҳукумати хоҳиш-иродасининг ифодасидир, албатта.

Демак, рус ҳукуматининг маориф ва маданий соҳадаги сиёсати ўзбек ва бошқа туб аҳолини саводсизликда ва қолоқликда сақлашга, умумжаҳон тараққиётидан маҳрум этишга қаратилган эди. Шунинг учун ҳам халқ оmmasи маънавий жиҳатдан қашшоқлашди. Мана шундай реакция сиёсатга қарши ўлароқ жадидларнинг маърифий ва маънавий кураши юзага келди.

XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошларидаги шароит жадидларнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий қарашларини белгилади. Бу тарихий аҳамиятга молик ғоялар миллий буржуазия, рухоний ва умуман маҳаллий юқори табаканинг илғор вакилларини ҳам қамраб олди. Чунки Россия ҳукумронлиги ўлкани ҳам ашё манбайи ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирди. мустамлакачилик ва улуғмишлагчилик сиёсатини авжга миндирди.

Ватанга содиқлик ва унинг мустақиллигини тиклаш хис-туйғулари ҳам жадидлар етакчилигида жамиятдаги барча табақаларни озодлик курашига чорлади. Жадидлар шароит тақозосига кўра, биринчи навбатда халқнинг саводини чиқариш, билиминин ошириш, миллий хис-туйғуларини ва сиёсий онгини ўстириш учун курашдилар. Бошқача айтганда, улар фаолиятининг дастлабки босқичида маърифатпарварлик салмоқли ўринни эгаллади. Аммо бу уларда сиёсий ғоя ва мақсадлар йўқ эди, деган гап эмас, албатта. Аксинча, юқорида кўрсатилганидек, сиёсий қарашлар мавжуд эди-ю, лекин уни дарҳол амалга ошириш учун ҳали шароит етилмаган эди. 1917 йили Россияда Романовлар сулоласи ағдарилиб, сиёсий курашга имкон туғилиши биланок жадидлар, миллий буржуазия ва рухоний вакиллари биргаликда Туркистон мустақиллиги учун сиёсий кураш бошладилар.

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ФОЖИАСИ ВА САБАБЛАРИ

1917 йили болшевиклар ҳокимиятни эгаллаб бутун жаҳонни катта ташвиш ва хавфга солди, дейилса асло муболага бўлмайти. Чунки у бутун инсоният учун мисли кўрилмаган талофатлар, азоб-укубат ва хавф-хатар туғдирадиган сиёсат юргизишга муккадан тушган эди. Аввало, у минг йиллар мобайнида ҳукм суриб келган инсон зотига тараккиёт ва фаровон ҳаётни бахш этган хусусий мулкчилик, эркин бозор, шахсий ташаббус ва манфаатни илдири билан кўпоришга киришган эди. Эркин ишлаб чиқариш ва тadbиркорлик тақиқланиб, саноат тармоқлари, ер ости бойликлари, ер ва сув, кўйингчи табиат оламидаги барча жонли ва жонсиз борлиқ давлат мулкига айланттирилди. Ҳатто одамлар ҳам давлатники ҳисобланиб, «биз партия аскарларимиз», «Биз давлат одамларимиз» деган иборалар юзага келган эди.

Бутун мамлакатда «социализм» куриш жараёнида 100 минглаб одам ўлдирилди, сургун қилинди, мол-мулки мусодара қилинди ва ерлари тортиб олинди. Қанчадан-қанча одамларнинг умри камокхоналар ва лагерларда чириди. Сиёсий ва инсоний ҳуқуқларни ҳаётга татбиқ этиш ҳаёлга ҳам келмади. Фуқароларнинг «оғзига кулф» ва «оёғига кишан» солиниб, бутун мамлакат «темир панжара» билан ўралди.

Болшевикларнинг динга қарши кураши ҳам жуда фожиали кечди. Минглаб христиан, мусулмон ва бошқа дин уламулари қамалди ва отилди. Масалан, 1918 йили 3000 рус руҳонийси ўлдирилди, 1937 йили 136 минг руҳоний қамалиб, улардан 85 мингтаси отилди. Черков ва масжидлар бузиб ташланди. СССР да том маънодаги «социализм» эмас, балки хусусий мулксиз, ҳақ-ҳуқуқсиз, динсиз жамиятга асосланган кулдорлик тузуми шаклланиди.

Коммунистлар бундай даҳшатли тузумни хорижий мамлакатларда ҳам ўрнатиш мақсадида хориждаги коммунистик партияларни ҳар жиҳатдан қувватлаб, революцион тўнтаришлар уюштиришга ҳеч нарсадан тоймадилар. Ҳатто Москвада бутун дунёдаги коммунистларнинг уюшмаси — комментерн тузилиб, уларга коммунистик ғояларни тарқатиш ва давлат тўнтаришини уюштириш вазифаси топширилди. Совет давлатининг тажовузкорона ҳаракати ва бутун дунёда ҳукмронлик қилиш сиёсати Америка ва Оврупа мамлакатларининг тақдирини жуда катта хавф остида қолдирди.

Шу боис улар унга қарши муҳим тадбирларни кўришга мажбур бўлдилар. Масалан, 1939 йили Францияда коммунистик партия тугатилиши ҳақида қарор қабул қилиниб, унинг минглаб аъзолари ҳибсга олинди.

Совет давлати 1939-1940 йилларда Финландия билан урушаётганида Англия ва Франция у ерга ҳарбий ёрдам сифатида 280 та ҳарбий самолёт, 686 та тўп ва бошқа қурол-аслаҳаларни жўнатди.

1939-1940 йилларда Лондон ва Парижда СССР га қарши кураш режаси тузилди. Францияда ҳарбий тайёргарлик ниҳоясига етказилиб, 1941 йил шоннинг охири ёки июлнинг бошларида СССР га ҳужум қилиш режаси тузилди. Бу вақтларда Германияда ҳам СССР га қарши ҳаракатлар тобора кизғин тус олмақда эди. Чунки бу мамлакатдаги Телман бошлиқ коммунистик партия совет давлатига таянган ҳолда ўз фаолиятини кучайтиришга эришган эди. Уларнинг умумхалқ сайловида 5 млн. овоз олиши бунга далолат беради. Бу капиталистлар ва умуман юқори табақа вакиллари-ни ҳавотирга солиши турган гап эди. Натижада СССР га қарши кайфият ва ҳаракат тобора кенг қулоқ ёйиб бораверди. Мана шундай вазиятдан фойдаланиб Гитлер сиёсий майдонда тарафдорларини шакллантиришга муваффақ бўлди. У ўтган асрнинг 20 йилларидаёқ ўзининг миллий социалистик партиясини тузиб, СССР га ва умуман, коммунистларга қарши курашни асосий вазифа этиб белгилади. Унинг бундай мақсади мамлакатдаги юқори табақаларнинг орзу-истаклари билан уйғунлашиб кетилиши унга 1933 йили ҳокимиятни эгаллаш имконини туғдирди. У 1940 йили шундай деганди: «Россия билан урушишдан мақсад уни тамомла яқсон қилишдан иборатдир. Марксизмни мажағлаб ташлашни асосий вазифам ҳисоблаб, бунинг учун умримнинг охиригача курашаман».

Урушнинг бошланиши ва иштирокчилари

Гитлер табиатан ниҳоятда нотик, уздабурон, ғайратли ва ишбилармон бўлганлиги туфайли қисқа вақт ичида ҳарбий тайёргарликни ниҳоясига етказди. Агар 1934 йили Германияда 840 та самолёт ишлаб чиқарилган бўлса, 1937 йили – 2530 та, 1938 йили – 3550 та, 1939 йили - 4733 тага кўпайтирилди. Қўшиннинг сони 104.218 дан 3.754. 104 кишига етказилиб, ҳарбий харажат 90 миллиард рублни ташкил этди. 1938 йили Гитлер қўшинни рухлантириш учун шундай деган: «Бутун дунёни забт этувчи аскарлар! Жаҳонда Германияга қарши курашишга қодир куч йўқ. Биз барча мамлакатларни бўйсундириб, ҳукмронлигимизни ўрнатамиз!».

Демак, у бутун дунёни қўлга киритишни мақсад қилиб қўйган эди. Шунинг айтиши лозимки, иккинчи жаҳон уруши бошлангандан олдин у ёки бу мамлакатда уруш олиб борилаётган эди. Масалан 1931-1937 йилларда Япония Хитойнинг айрим жойларини босиб олди. У 1938-1939 йилларда

СССР га қарши уруш очиб Ҳасанқўл ва Халхинқўлда мағлубиятга учради. 1935 йили Италия Эфиопияни эгаллади.

1936-1937 йиллари СССР Испанияда коммунистларнинг Франко бошлиқ ҳукуматга қарши курашига 648 та самолёт, 347 та танк, 60 та автомобил, 1186 та тўп, 20.000 та пулемёт ва 498 та милятик жўнатган. Бу вақтда Испанияда коммунистларнинг сонини 339 минг киши ҳисобланиб, улардан 60 фоизи қўшинда эди. СССР нинг Испания коммунистларига катта ҳажмда харбий ёрдам беришдан мақсад ҳокимиятни коммунистларга олиб беришдан иборат эди. Бу ишни амалга ошириш учун харбий кишилар ҳам юборилди. Германия ва Италия бунга йўл қўймаслик учун Франкога ёрдам бериб, 20 минг коммунистни ўлдирилди.

Шу равишда ўша хар икки давлатнинг ёрдами туфайли коммунистлар тор-мор қилиниб, СССР нинг Европадаги таъсирига қақшаткич зарба берилди. Гитлер харбий юришларни бошлаб 1938 йили Австрияни, сўнг Чехославакияни, Италия эса 1939 йили Албанияни босиб олди. 1940 йилнинг баҳорида Германия Дания, Норвегия, Голландия, Люксемберг, кейин Францияни қўлга киритди.

Бу вақтларда СССР қўлни қовуштириб ўтирмай, 1939 йили совет – Польша чегарасидан ўтиб, Белоруссия ва Украинанинг гарбий вилоятларини босиб олди. Ўша йилнинг ноябр ойида Финландия билан урушда ғалаба қозониб, унга қарашли жойда Карелия совет автоном республикасини тузди. Шунингдек, янги Молдавия совет автоном республикаси ташкил этилди. 1940 йили СССР Латвия, Литва ва Эстонияни ҳам босиб олди. Шундай қилиб, СССР бир томондан, Германия иккинчи тарафдан бир-бирлари билан тўқнашишга йўллар очилди. Германиянинг бирин-кетин қўлга киритган ғалабалари унинг тарафдорларининг кўпайишига олиб келди. Хусусан, 1940 йили унга Руминия, Венгрия ва Болгария ҳукуматлари қўшилди.

Бу вақтларда Германия Африка ва Ўрта денгизда Англияга, Япония эса Тинч океанида Америкага қарши урушмоқда эдилар.

1940-1941 йиллари Гитлер харбий кучни янада мустаҳкамлаб қўшиннинг сонини 7.300 минга кўпайтирди. Шунга монанд равишда қурол-аслаҳа ҳам тайёрланди. Гитлер бошчилигида СССР га қарши «Барбаросса» режасини тузилди. Унга кўра, биринчи йўналишда Пруссиядан Болтиқбўйи орқали Псков ва Ленинградга, иккинчи йўналишда Варшавадан Минск-Смоленск орқали Москвага, учинчи йўналишда Люблиндан Житомирга бостириб кириш лозим эди. Шунингдек, Финландиядан Ленинград ва Мурманскка, Руминиядан Кишеневга харбий юриш уюштириш режалаштирилган.

«Барбаросса» режасида СССР ни тамомила мажағлаб ташлаш асосий вазифа этиб белгиланди. Гитлер совет давлатини қалғитиб туриш учун 1939 йили у билан бир-бирларига ҳужум қилмаслик ҳақида битим имзолади. Бунга ишонган Сталин жиддий чоралар кўриш ўрнига хотиржамликка берилиб, жуда катта хато қилган эди.

Уруш арафасида Германия кўшинининг умумий сони 8,5 млн. кишига етказилди. СССР чегарасига 5,5 млн. кишидан иборат 214 дивизия, 4300 танк, 4980 ҳарбий самолёт, 47 минг тўп ва миномёт, 192 ҳарбий кема жойлаштирилди. Бу вақтда СССР ўзининг ғарбий чегарасида 2,680 минг офицер ва аскар, 37500 тўп ва миномёт, 1475 танк, 1540 ҳарбий самолёт ва 220000 кишилик ҳарбий флотни ўрнаштирган эди. Бирок совет кўшини ҳарбий-техника ва жанговорлик нуктаи назаридан анча орқада эди. Шунинг учун ҳам Гитлер СССР ни яқин тезлигида тор-мор қилишга қаттиқ ишонган.

1941 йил 22 июнда немис кўшинлари СССРга қарши ҳужум қилиб, бирин-кетин шаҳар ва посёлкаларни вайронага айлантириб, унинг ичкари томонига зудлик билан бостириб кирди. Урушнинг дастлабки ойларида 100 минглаб офицер ва аскарлар асирга олинди. кўпдан-кўп жангчилар ҳалок бўлдилар ва жароҳатландилар.

Фашистлар 3,5 минг км кенликда жанг қилиб, Латвия, Литва, Эстония, Ғарбий Украина, Ғарбий Белоруссия, Молдавия ва бошқа жойларни уруш билан эгаллаб, 1941 йил 10 июлда Ленинградга, сентябрда Москвага яқинлашдилар. Гарчанд Америка, Англия ва Франция СССРнинг ашаддий душмани ҳисоблансалар-да, лекин Германиянинг кучайиб кетишидан қўчиб, у билан иттифок тузишдан бошқа иложлари қолмади.

Ўзбекистоннинг уруш ғирдобига тортилиши

1941 йил 22 июнда уруш бошланганида мен 10 синфни битириш арафасида турган эдим. Бу ҳақда хабар олинishi биланок мактаб директори ховлига ўқитувчи ва ўқувчиларни тўплаб, уруш бошланганлиги ҳақида сўзлаб, деди: «Комсомол ва пионерлар! Шуни билинглarki, дунёда совет давлатидек кудратли давлат йўқ. Шу боис биз албатта ғалабага эришиб, фашистларни янчиб ташлаймиз».

Шу онда, аввало ўқитувчилар, сўнг ўқувчилар бирданига бақиршиб: «Биз ҳаммамиз жангга тайёрмиз, фашистларга ўлим!» дейишганида овозларининг акс садоси узок жойларгача эшитилган экан. Аммо йиғилишдан кейин биз ўқувчилар парво қилмай ва ҳаяжонланмай, аввалгидек юравердик. Кўп ўтмай фашизмнинг маъносини ҳеч кимнинг билмаслиги маълум бўлиб қолди. Мен дарс пайтида бу ҳақда муаллимдан сўраганимда у бир оз ўйлаганидан кейин: «Овозингни ўчир! Фашизм дегани фашизм деганидир», деса бўладими.

У вақтларда қатта ёшли ота-оналарнинг кўпчилиги саводсиз кишилар эди. Шу боис ғалати сўзларни эшитганим ҳамон эсимда. Хонадонлар, чойхоналар, бозорлар, маҳаллалар ва бошқа жойларда одамлар тўпланишиб, уруш ҳақида ўзаро гапирардилар. Миш-мишлар ҳам кўп эди. Маҳалламиздаги Лабзак ариғининг ёнида бир гуруҳ кексалар уруш ҳақида сўз юритаётганида қассоб Баҳром ака: «Гермон Россияда жойлашганми

ёки бошқа ердами?» деганида. Низом ака қизишиб: «Баҳром, шуниям билмайсанми, Гермон Ҳиндистон томонда-ку», деган. Ишчи Ғулом ака эса фашист сўзини ҳам айтолмай: «фашис ўзи кимлар, кўркмасдан совет давлатининг қўшинига хужум қилибди?» деганлари ёдимда.

Шу онда русчани чала-пулча биладиган Мутал ака келиб суҳбатга аралашиб деди: Гермон эмас Германия, фашис эмас фашист, дейилса, тўтри бўлади. Германия жуда қудратли давлат ҳисобланиб Оврупа қитъасида жойлашган. Бундан ташқари, Америка, Англия, Франция ва бошқа кўп давлатлар бор». Ўтирганларидан бири Муҳиддин ака: «вой-вў дунёда шунчалик кўп мамлакат борми, ҳеч нарсани билмай юраверган эканмиз-ку», деди хайратланиб. Ўзаро суҳбатларда эркак зотининг барчасини урушга олар эмиш. Германия Ўзбекистонга ҳам хужум қилар эмиш, деган мазмундаги миш-мишлар тарқалди.

Бирмунча ўзига тўкрок одамлар бўғдой, ун, макарон, шони ва бошқа озиқ-овқатларни гаплаш кетига тушдилар. Тез орада бозорларда ҳеч нарса қолмади. Бу хавф-хатарли вақтларда заводлар, фабрикалар, ташкилотлар, маҳаллалар, мактаб ва олий ўқув юрғларида урушга қарши митинглар ўтказилиб турилди. Умуман, ташвиқот ва тарғибот ишлари жуда қизитиб юборилди. Урушнинг дастлабки ойларида нок очарчилик тобора авжига чиқиб борди. Ҳар бир кишига бир ойлик талон берилиб, ёшга қараб ҳар кунига 200 грамдан 400 грамгача жуда қорамон бериларди. Бу қорамоннинг сифати шу даражада паст эдики, чайналса тишга қаттиқ ёпишарди, ҳатто унга қунжара ҳам қўшилар экан. Қорамонларда жўхори унига қовоқ қўшилиб зоғора қорамон тайёрланарди. Гарчанд унинг ютуми ва ҳазими қийин бўлсада, лекин очликда мазали туялган. Уруш йилларида қўшни республикалардаги кўпроқ чорвачилик билан шуғулланаётган халқларда ўлим ва дардга қалиниш қўпайиб кетди.

Ўзбекистонда эса бунчалик бўлмади. Чунки уруш йилларида Тошкент ва бошқа шаҳарлар ажойиб-ғаройиб боғлар билан ўралган эди. Уларда етиштирилган узум, қовун, тарвуз, олма, нок, анжир, шафтоли, беҳи ва бошқа мева турлари қорамон ва қисқик овқат ўрнини босиб турди. Киш ва эрта баҳорда эса майиз, ёнғок, қовун, олма, шафтоли, нок ва анжир қоклари, тут майизи, шинни одамлар эҳтиёжини таъминлади. Қанд лавлагини ҳам қайнатилиб, истеъмол қилинган. Жўхорининг ўзидан ун тайёрланган, дони қорамонларга берилган. Жўхори пишганда бозорга қопларда келтириларди. Улар оловнинг қўрида қизартирилиб ейилганда худди паловдек тўйинли бўлар эди. У вақтларда ҳали селитра ва бошқа қимёвий ўғитлар йўқлигини туфайли деҳқончилик маҳсулотлари жуда сифатли, мазали ва соғлиқ учун ўта фойдали эди. Шу боис улар қанчалик кўп истеъмол қилинса, шунчалик кўп яхши қайфият ва қуч-қувват бахш этарди. Шу боис ўзбекларда очликдан ўлиш қўшни республикалардагиларга нисбатан кўп бўлмади.

Уруш даврининг етишмовчиликларидан бири керосин тақчиллиги эди. Чунки эски шаҳарларда деярлик барча хонадонларда электр чироғи бўлмай, оддий лампадан фойдаланарди. Керосин таъминоти шу даражада ёмон эдики, минглаб хонадонлар қоронғи тушгунча овқатни пишириб ва рўзгор ишларини битириб, тун қорайиши билан ухлашга ётардилар. Кўчалар ёритилмай хароб ҳолда эди. Туникали томлар бармоқ билан санарли бўлиб, томлар ҳар бир-икки йилда сомон аралаш лой билан суваларди. Аммо одамларнинг фронтга олинishi ва қашшоқлик орқасида томларни суваши имкони бўлмай қор-ёмғирда уйга чакки ўтиб ётарди. Ҳатто томи ўширилиб ётган хонадонларни учратиш мумкин эди. Кўмир масаласи ҳам жуда оғир ҳисобланиб, у айрим имтиёзли кишиларга ажратилган талон бўйича бериларди. Бошқа одамлар эса кўмир омборларида навбатда туриб тўс-тўполон билан уни зўрга оларди. Аммо бу ҳаммага насиб этавермас эди. Чунки у чегараланган ҳолда олиб келинган. Яхшиямки танча бор экан, у одамларни совуқдан сақлади.

Уруш ҳамма учун катта бир синов ҳам бўлди. У бамисоли одамларни пучини пучга, тўқини тўқга чиқариб саралади. Сабр-қаноати ва продаси кучли, меҳнаткаш ва удабурон кишилар ўзларини «ўтга ҳам, сувга ҳам уриб», қора қозонни қайнатиш ва оилани сақлашга муваффақ бўлдилар. Уларнинг орасида дардга чалинганлар ва ўлим унчалик кўп бўлмади. Бирок ишэкмас, дангаса ва ишқоатсиз кимсалар жуда қашшоқлашиб галойчилик қилишгача бордилар. Ҳатто оз бўлсада урушдан фойдаланиб бирмунча бойиб кетган айрим одамлар ҳам бўлди.

Ҳамма нарса фронт учун!

Бу шиор ҳар кадамда учраб турарди, дейилса асло муболага бўлмайди. У плакат сифатида маҳалла, чойхона, бозор, завод, фабрика, ташкilot, кишлоқларда кўзга ташланиб турарди. Айни пайтда ташвиқот ишлари кенг кўламда олиб борилди. Аммо сиртдан қараганда фронт эҳтиёжини таъминлаш ишлари осонлик билан қилинаётганга ўхшарди. Бирок ҳукм сураётган қаҳатчилик, очарчилик, ғам-ғусса ва хавф-хатар шаронтида фронтга керакли нарсаларни ташкил қилиш осон кечмаган эди. Шу бонс давлат ва партия вакилларининг зўровонлик ва кўркитув билан иш юритишлари бежиз бўлмаган. Бу тадбирларда прокуратура, давлат хавфсизлик комитети ва милиция вакиллари катнашардилар.

Камина ўтган асрнинг 50 йилларида пахта теришга чикканимда ногирон ва шпракайф собиқ колхоз ранси билан суҳбатлашганимда, у дилимни ёзиб олай, деб ўтмишдаги воқеалар ҳақида шундай деди: сиз урушда катнашганингизда жуда кўп азоб-уқубатларни бошингиздан кечиргансиз, албатта. Аммо биз дехқонлар ҳам мисли кўрилмаган қийинчиликларни

кўрдик. Аввало, одамлар фронтга олингандан кейин кишлоқ ва колхозлар хувиллаб эркак зотига зор бўлиди. Тугилиш эса жуда камайиб кетди. Кексалар, аёллар ва болалар очликдан тинкаси қуриб, қолдан тойиб зўрға юрардилар. Шунга қарамай улар колхоз ва совхозларда асосий ишловчи куч эдилар. Кўп хонадонларда қора қозон қайнамай, хўл мева, қиш ва баҳорда кўпроқ қурук мева, жўхори, жўхори унига қовок аралаштирилиб тайёрланадиган зўғора нон истеъмол қилинган. Аммо кўрсатилган озик-овқат маҳсулотлари мўл-кўл эмас эди. Чунки деҳқончилик маҳсулотларининг асосий қисми давлатга ва фронтга берилиб турилди. Боғларда ҳосил етилаётганида райкомнинг биринчи котиби, раислар, парткомлар, прокурор, хавфсизлик комитети ва милиция вакиллариининг иштирокида мажлис ўтказилиб турарди. Райкомнинг биринчи котиби қаттиқ овоз билан: «Раислар! Ҳосилнинг талон-тарож қилинишига йўл бермай уни имкони борича охиригача йиғиштириб давлат ва фронтга топшириш шарт. Акс ҳолда ҳаммангиз халқ душмани сифатида камаласизлар, сўнг ўлимга маҳкум қилинасизлар», дерди. Буни прокурор ҳам тасдиқлаб турарди. Биз бечоралар кўркиб ва титраб, қандай бўлмасин топширикни адо этишга муқаддан тушардик. Оғир ҳаётни кўриб турсак ҳам колхозчиларни уришиб ва дўк қилиб ишлатардик. Ҳатто дардга чалинган ва ёши улуғларни ишлашга мажбур қилардик. Улар очлик ва кучсизликдан ерга йиқилардилар. Ҳамма оч бўлгани учун ўзларини мевали дарахт ва тоқзорларга урардилар. Шу боис бу ерларга соқчиларни кўярдик. Бу иш қилинаётганими ёки йўқми, райком вакили текширарди. Чунки райкомлар деҳқончилик маҳсулотларини топшириш бўйича мажбуриятни бажаришлари шарт эди. Боғларда ҳосил йиғиштирилаётганида ҳам назоратчилар кузатиб туришарди. Ҳосилнинг ҳаммаси давлат ва фронтга берилиши шарт қилиб қўйилганди. Бу вазифадан амаллаб қутилганимиздан кейин госпиталлар, болалар уйлари, касалхоналар, шаҳардаги қашшоқлашган оилаларга ёрдам беришимиз талаб қилинарди. Колхоз омбори анча бўшаб қолганилиги учун хонадонлардаги мевали дарахт ва тоқларнинг ҳосили зўровонлик билан тортиб олинди. Биласизки «қатик тўқилса юки, сут тўқилса нимасин қолади» деган нақл бор. Боғлар ҳосилга кирганида одамлар турли йўллар билан фойдаланиб, бироз бўлса-да, қадларини ростлардилар.

Раиснинг дилдан айтилган мазкур сўзларини бошқа кимсалардан ҳам эшитган эдим. Тошкент ва бошқа шаҳарларда мудофаа фондлари тузилиб, фронтга ёрдам уюштириш вазифаси белгиланди. Шундан кейин республиканинг барча ерларида фронтни зарур маҳсулотлар билан таъминлашга қаратилган ҳаракат қизғин тус олди.

1941 йили Сурхондарё вилоятидан мудофаа фондига 3263 та телегрейка (ичига пахта солинган қалта қамзул), 1555 та пахталик шим, 697 та телпак, 677 та қалта пўстин, 458 жуфт пайпоқ, 410 жуфт қўлпоқ, 1942 йили 6000

бош корамол, 280 центр ёғ, 500 центр ғалла, 180 центр асал ва шакар, 310 центр курук мева, 30000 литр вино топширилди. 1944 йили эса бир миллион сўм нақд олинди.

1941 йил ноябрда Фарғона вилоятидан мудофаа фондига 570 кг гўшт, 22309 кг курук мева, 1034 кг гуруч, 5914 кг сабзаот, 24750 сўм нақд пул, 665 кг беҳи, 1620 кг ун, 1016 кг туршак олинди. Буларнинг оғирлиги ўрта ҳисобда 30 тонна агрофида бўлиб, айниқса курук мева салмоқли ўринни эгаллаган.

1941 йилнинг декабрида Самарқанд вилояти 6751 кг кишмиш, 22309 кг курук мева, 1034 кг гуруч, 5914 кг сабзаот ва 24750 сўм нақд пул фондга топширди. 1942 йили ёрдам янада кучайтирилиб, хилма-хил маҳсулотлар ортилган 85 вагон фронтга жўнатилади.

Самарқанд аёлларининг ўзлари алоҳида ёрдам беришга қарор қилиб, 3000 та калта пўстин, 8000 та пийма, 7000 та телпак, 9000 жуфт қўлқоп, 5000 та пахтали шим ва 17000 жуфт пайпокни мудофаа фондига топширган. Демак, киш фаслида жангчиларга жуда зарур бўлган кийим-бошлар катта ҳажмда юборилган.

1941 йил 1 февралда Ўзбекистон фронтга 3000 центнер ғалла, 2000 центнер гўшт, 18,5 мингта кўй териси. 1942 йил 14 февралда совғалар ортилган эшелон, 1943 йили турли маҳсулотларни ўз ичига олган 600 та вагон жўнатди. Булардан ташқари 32519 та пўстин, 21060 та юнгли нимча ва юнг юборилган.

Ушбу маълумотлар шу ҳақда гувоҳлик берадики, фақат айрим вилоятларгина эмас, балки бутун республика миқёсида ҳам фронтга ёрдам бериб турилган. Бу ёрдам 1,5 йил мобайнида ўрта ҳисобда 700 та вагонни ташкил этган. Бу борада Ташкент ҳам салмоқли ўринни эгаллаган. 1942 йил 13 февралда у ердан озик-овқат маҳсулотлари, кийим-бош ва бошқа нарсалар ортилган 45 та вагон Воронежга, 43 та вагон Москвага, 2 та вагон Ленинградга, 1 та вагон Севастополга, 14 февралда яна Москвага 41 та вагон, жами 122 та вагон фронт тарафга йўл олди. 1941–1943 йилларда Тошкентдан 150.000 та кийим-бош, 2000 та юк машинаси, 20000 та тери ва бошқа нарсалар ортилган 60 та вагон фронтга жўнатилган.

Маълумки, фронтда автомобилларга талаб жуда катта бўлган. Тошкент буни ҳисобга олиб, икки мингта автомобил юборди. Ваҳоланки, республиканинг ўзида улар ётишмаётганлиги сир эмас эди.

1941 йили Андижон вилояти фронтга 1562 та совға, 1942 йили 5271810 сўм нақд пул, 72500 та иссик кийим, 9500 та телогрейка, 3400 та пийма, 4400 та пахтали шим, 11,5 минг жуфт пайшок, 5400 та нимча, 8900 та кўрпа ва 6000 жуфт қўлқоп жўнатди. Фронтда кўрпаларни ярадорларни ташийдиган юк машиналарга ҳам ёзилганлигини кўрганман. Мен жароҳатланганимда машинадаги ёзилган кўрпанинг устига ётқизишганида онамнинг кўрпа қавишини эслаб, кўзим ёшланган эди.

1942 йил февралда Бухоро вилояти мудофаа фондига 4059 та иссиқ кийим, 9380 жуфт пайпоқ, 5660 та телпак, 2750 та шим, 3000 та пўстин, 18,5 литр вино ва курук меваларни ўтказди.

Фронтга ёрдам беришда Қорақалпоғистон ҳам салмоқли ўринни эгаллади. 1943 йили у фондга 5,173.7 сўм нақд пул, 64,4 мингта иссиқ кийим, 23,7 мингта ошланган қўй териси, 25,5 тонна юнг, 4955 тонна ғалла, 228,6 тонна гўшт ва бошқа нарсаларни топширди. У ердаги Мўйноқ комбинати 20 миллион банка гўшт ва балик берди. Қашқадарё, Хоразм, Наманган ва бошқа вилоят, шаҳарлар ҳам фронтга ёрдам бериб турдилар.

Ўзбекистон қамалдаги Ленинградга ҳам ёрдам кўрсатган эди. 1942 йил март-апрел ойларида Ташкент вилояти Ленинградга 40 та вагонда гуруч, 7 та вагонда гўшт ва курук мева, 4 та вагонда совғалар жўнатди.

Шунингдек, Термиз, Андижон, Фарғона ва Намангандан 123 та вагонда маҳсулотлар юборилди. Бу вақтларда фронтга юборилган вагонларнинг умумий сони 174 та ҳисобланиб, булар қатта ҳажмда маҳсулотлар юборилганлигини кўрсатади.

1941–1942 йилларда Ўзбекистондан фронтга жами 600 та вагонда маҳсулотлар жўнатилиди. 1942 йил апрелда Ўзбекистон ҳукумати делегатлари Ленинградга 100 та вагонда гуруч, 60 та вагонда ун ва гўшт, 60 та вагонда курук мева, жами 220 та вагонда турли маҳсулотларни олиб борган. Умумлаштириганда, 1942 йилнинг ўзида Ўзбекистондан Ленинградга 400 тадан ортиқ вагонда маҳсулотлар олиб борилган.

1943 йил январь-феврал ойларида Андижон вилоятидан Ленинград шаҳри ва вилоятига 281.000 сўм нақд пул, 7784 кг ун ва ғалла, 5496 кг ёрма, 1160 кг гуруч, 418 бош қўй, 8510 кг курук мева, 1,5 минг литр вино ва 1000 дан ортиқ совғалар юборилди.

Узоқ Қорақалпоғистон ҳам Ленинградга ёрдамини аямай у ерга 224.916 сўм нақд пул, 21614 кг ғалла, 5819 кг гўшт, 3700 кг гуруч ва бошқа нарсаларни юборди.

1943 йил октябрда Ўзбекистон ёшлари Ленинградга 250 тонна озик-овқат маҳсулотлари, 10 минг жуфт пойфазал ва 2 миллион нақд пул ва бошқа молларни жўнатдилар. Шундай қилиб Ўзбекистон ленинградликларнинг ҳаётини сақлаш ва мудофани кучайтириш ишига ўз хиссасини қўшди.

1941–1942 йилларда Ўзбекистон дехқонлар оммаси фронтга 2389 центр ғалла, 1808 центр гўшт, 325 центр курук мева, 430 центр хўл мева, 20.000 кг юнг, 9400 та калта пўстин, 26.000 жуфт қўлқоп, 63000 жуфт юнгли пайпоқ, 22500 та иссиқ кийим, 22000 та телпак, 22500 та шарф, 22500 та телогрейка, 10.000 дан ортиқ пахтали шим ва 25600 жуфт пийма берди. Бу тайёр маҳсулотлар дехқонларнинг пулига корхоналардан сотиб олиниб жўнатишган, албатта.

Республиканинг саноат тармоқлари ҳам фронтга қатта ёрдам кўрсатган

эли. Масалан, 75 та корхона биргаликда фронтга 34464 та калта пўстин, 21207 та нимча, 100344 жуфт пийма, 192555 жуфт пайпок, 150086 жуфт кўлжоп, 100966 та иссиқ кийим, 124898 та телпак, 113750 та шим ва бошқа молларни етказди. Айниқса пийма, иссиқ кийим ва телпак кўп юборилган эди.

Енгил саноат корхоналари фронтга 24469918 сўм нақд пул юбордилар.

Шу равишда республика саноат соҳалари фронт эҳтиёжини қондириш учун миллионлаб сўм пул, кийим-бошларни юбордилар. Буларга сарфланган маблағлар ишчи ва хизматчиларнинг маоши ҳисобига бўлган эди, албатта.

1942 йилнинг охирида Ўзбекистон мудофа фондига 390.848.000 сўм нақд пул, аҳолидан тўпланган 5.573.000 сўмлик қимматбаҳо тошлар топширди. Уларнинг орасида олтин ва кумуш ҳам бор эди. 1944 йили Ўзбекистон мудофа фондига 18308758 сўм нақд пул, 311234 сидра кийим-бош, 777478 та пойафзал, 5112 бош йирик ва қорамол, 18.332 бош қўй ва эчки, 1.560,615 кг галла, 461917 кг сабзавот ва бошқа маҳсулотларни ўтказди.

Кўриниб турибдики, 20000 дан ортиқ йирик ва майда қорамол берилиб, улар вагонларга ортилган ҳолда жўнатилган. Агар уруш йилларида республикада чорвачиликнинг орқага кетганлиги назарда тутилса, у вақтда кўрсатилган йирик ва майда қорамолларнинг олиб кетилиши оғир аҳволни янада ёмонлашишига олиб келган, албатта.

Уруш йилларида Ўзбекистон фронтга 7518800 та гимнастёрка, 2636700 та телегрейка, 2221200 та аскар этиги ва кўнжли ботинка жўнатган. Демак, у армияни ҳарбий кийим билан ҳам таъминлаб турган эди. Айни пайтда республикадан фронтга 83032 бош от юборилганлиги маълум. Буларни вагонларда боқиш ва суғоришга кўп одам бириктирилган эди.

Ўзбекистоннинг фронтга кўрсатган ёрдами хилма-хиллиги билан ажралиб турган. Чунончи, 2100 та самолёт, 17000 та самолёт мотори, 17100 та миномёт, 27000 та танкка қарши ўк отадиган замбарак қисмлари, миномёт ва тўп араваси, 60.000 ҳарбий қимёвий анжом, 22 миллионта мина, 5000 та автомат, 149000 та парашют, 560000 та снаряд, 2 миллион 300 мингта авиабомба, 1000000 та граната, 100 минг километрдан ортиқ сим, дала радиостанциялари, танк ва самолётлар учун 3 миллионтадан ортиқ радиолампа, 5 та бронепоезд, 18 ҳарбий санитар ҳам ҳаммом ўрнида фойдлланилган. ҳамда кир ювадиган поезд, 2200 та қўчма ошхона юборилди. Булардан ташқари халқ маблағи ҳисобига танк ва бронепоезд колонналари, авиацияскарилияси жўнатилган.

Бинобарин ҳарбий қурол-аслаҳаларининг турлари ва ҳажми шу даражада салмоқли бўлганки, гўёки фронтда асосан улар билан жанг қилинганга ўхшаб кетар эди.

Ўзбекистон юқорида фронтга берилган ёрдамлардан ташқари давлатга

4 миллион 831 тонна пахта, 54000 тонна пилла, 1 миллион 282 минг тонна ғалла, 482000 тонна картошка ва сабзавот, 57,5 минг тонна узум ва ҳўл мева, 36000 тонна курук мева, 159000 тонна ғўшт, 22 тонна юнг топширган эди. Уруш йилларида тўрт маротаба ҳарбий заём ва пул буюм лотаряеси чиқарилди. Бундан давлат 6 миллиард сўмни қўлга киритди. Бу катта ҳажмдаги маблағ ҳам фронт учун сарфланди.

Ҳарбий хизматдагиларнинг оилаларига кўрсатилган ёрдам

Уруш йилларида армия сафига чақирилган турли миллатга мансуб одамларнинг оилалари кўп бўлиб, ниҳоятда оғир шароитда яшардилар. Уларнинг турар жойлари ҳам ачинарли ҳолатда эди. Шунинг учун ҳам ўзбек халқи бир четда қараб тура олмай уларга имкони борича бегараз ёрдам кўрсатди.

1941–1942 йилларда Фарғона вилоятида 4733 та уй-жой тузатилиб, 16165 та хонадон ёқилғи билан таъминланди. 4140 оиллага озик-овқат маҳсулотлари берилиб, 8000 бола боғчаларга жойлаштирилди. Бундай хайрли ишга Самарқанд вилояти ҳам қўл уриб, 32512 оиллага 179542 сўм нақд пул, 2456 центр ғалла, 1408 центр сабзавот, 7654 та кийим-бош, 2366 та пойафзал, 1933 та кўрпа-ёстик 19392 куб.м. ўтин, 158 центр курук мева ва 7834 бош қора мол топишди. 1944 йили ўша вилоят оилаларга 568 центр ғалла, 779 центр курук мева, 336 центр сабзавот, 83.000 сўм нақд пул, 572 та йирик ва майда қорамолларни узатди.

Бу ёрдам шу даражада салмоқли бўлганки, кундалик ҳаётга ниманки зарур бўлса, барчаси берилган. Биргина йирик ва майда қорамолларнинг сони 8000 дан ошиб кетган эди.

1941–1942 йилларда Фарғона вилоятида 4733 та уй-жой таъмирланди, 16165 оиллага ёқилғи ғамлаб берилди. Бундан ташқари жангчиларнинг фарзандларига 8000 кийим-бош, 4140 оиллага озик-овқат маҳсулотлари берилди.

Бу борада хоразмликлар катта ишларни амалга ошириб, 1943 йили 671 нафар жангчининг оиласи озик-овқат, 1516 оила кийим-бош, 674 оила пойафзал, 106 оила кўрпа-ёстик билан таъминланди. Бу буюмларнинг турларидан маълумки, оилалар ҳар жиҳатдан қашшоқлашиб қолган эди.

Бундай ҳолатни бошқа вилоятлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан. Наманган вилояти оилаларга 1 миллион 271 минг сўм нақд пул, 17588 кийим-бош, 3608 жуфт оёқ кийими, 523 тонна ёқилиғи, 27463 метр газлама, 343 тонна ғалла, 2538 бош қорамол берди. Шунингдек, 19336 та хона таъмирланди. Ушбу маҳсулотларнинг ҳажмига кўра Наманганда ҳарбий хизматдагиларнинг оилалари кўп бўлиши билан бир қаторда анча қашшоқлашган эди. Шунинг учун ҳам ёрдамнинг салмоғи катта бўлган.

1945 йили Қашқадарё вилоятида оилаларга 2 миллион 641 минг сўм нақд пул, 3210 бош қорамол, 200 центр ғалла, 10 тонна сабзавот берилиши билан бир каторда уларнинг 1445 хонадони таъмирланди.

Оилаларга республика миқёсида ҳам қатта ёрдам кўрсатилди. 1943 йили уларга 1700 тонна озиқ-овқат, 36000 жуфт пойафзал, 29,5 минг кийим-бош ва бошқа нарсалар берилди.

Шунингдек, оилаларнинг яшаш шароитини яхшилаш учун 1941 йили 40000 та, 1942 йили 81000 та хона таъмирланди. 1943 йили республика деҳқонлари томонидан 73500 пуд ғалла, 200 пуд сабзавот, 10000 бош қўй ва эчки, 2000 бош қорамол ажратилиб, 60000 хонадон тузатилди.

Қорақалпоғистонда ҳам муҳим ишлар амалга оширилиб, оилаларга 343 бош сиғир, 910 бош эчки, 46 тонна ғалла, 26,9 тонна сабзавот, 1610 жуфт пойафзал, 180190 сўм нақд пул топширилди.

Ўзбекистон ёшлари ҳам оилаларга ёрдам қўлини чўзиб 280 тонна ғалла, 200 тонна сабзавот, 2150 куб. м ёқилғи бериб, 36300 та хонадонни тузатдилар. 1944 йили республиканинг оилаларга берган ёрдами 18 миллион сўм нақд пул, 711 тона озиқ-овқат, 21000 бош майда қорамол, 72000 жуфт пойафзал, 300000 кийим-бошни ташкил қилди. 160000 та хонадон таъмирланди ва 677 та уй фойдаланишга берилди.

Эвакуация қилинган болаларга ғамхўрлик

Ўзбекистонга фашистлар босиб олган ерлардан 1000000 атрофида қочок, шу жумладан, 200000 бола кўчириб келтирилди. Уларни озиқ-овқат ва тураржой билан таъминлашнинг имкони бўлмаслиги орқасида оғир аҳвол юзага келди. Буни ҳам бартараф қилиш ўзбекларнинг зиммасига тушди.

Бағри кенглик ва сажийликда тенги йўқ ўзбек халқи бир четда томашабин бўлиб тура олмас эди, албатта. Зеро, яна бор-йўгини сарфлаб қочокларни хурмат ила кутиб олиб ҳар жиҳатдан ёрдамини аямади. Айниқса қочок болаларга алоҳида муносабатла бўлинди. Улар Тошкент вокзалида кутиб олиниб ва овқатлантириб, сўнг бошқа шаҳарларга жўнатилган. 1942 йили Тошкент вилоятидан болаларга 36210 кийим-бош, 54400 сўм пул, Бухоро вилоятидан 86658 сўм пул, 170 центр озиқ-овқат маҳсулотлари, 17149 кийим-бош, Самарқанд вилоятидан 30200 сўм пул ва 5000 кийим-бош Қорақалпоғистондан 72000 кийим-бош, 207400 сўм пул олинган эди.

Бу масалани яхши ёритган Сағтор Турдиевнинг маълумотларига кўра, 1941 йили Хоразмга келтирилган 4617 боланинг 1160 таси 15 ёшгача бўлиб, дарҳол оилалар томонидан фарзандликка олинган. Шунга ўхшаш 1942 йили Тошкент вилоятида 643 ва Бухоро вилоятида 768 бола фарзандликка қабул қилинди. Бундай оилаларнинг орасида серфарзандчилари оз эмас эди. Масалан Шоаҳмад Шомухамедов ва рафиқаси Баҳри Акрамова, Абдулхамид Самадов ва бошқалар ишлар жумласидандир.

Болаларнинг анча қисми болалар уйларига жойлаштирилди. Айни пайтда Россиядан кўчириб келтирилган 78 та болалар боғчаси жой ва жиҳозлар билан таъминланди. Болаларга ёрдам кўрсатиш тобора кенг кулоч ёйиб борди. Чунончи, 1942 йил 1 июлга қадар Фарғона вилоятига 600, Наманган вилоятига 1300, Андижон вилоятига 1700, Самарқанд вилоятига 1100, Бухоро вилоятига 500 ва Тошкент вилоятига 1800 бола жойлаштирилди.

1942 йил июнда Бухоро вилоятида болаларга 14,9 минг сўм пул, 16 тонна курук мева ва 18 тонна озик-овқат маҳсулотлари берилди. Бундай тадбир 1943 йили Самарқанд вилояти томонидан ҳам амалга оширилиб, болалар ихтиёрига 8,6 тонна сабзаот, 2,5 центр курук мева, 200 кг. гуруч, 450 кг картошка, 2083 сўм нақд пул топширилди.

Вилоятларда болаларга берилаётган ёрдам турлари бир-бирларидан даярли фарқи йўқ. Бунга Қашқадарёга тегишли маълумот ҳам гувоҳлик беради. У ердан 8335 кийим-бош, 1 тонна сабзаот, 15 бош қўй, 3 центр ун, 25000 нақд пул олинганди.

Корхоналар ҳам болаларни эътибордан четда қолдирмай ёрдам берди. Масалан, Тошкент тўқимачилик комбинати 130000 метр газлама совға қилди. Бу маҳсулот болаларни кийим ва бошқа нарсалар билан таъминлаши турган гап эди.

Болаларга ёрдам фақат вилоятлар томонидан эмас, балки бутун республика бўйича амалга оширилди. 1941 йили Ўзбекистон номидан 2 миллион сўм нақд пул, 27 тонна курук мева, 82000 кийим-бош ва бошқа нарсалар болаларга топширилди. 1943 йил 107 миллион сўм, 300000 сўм пул, 160000 метр газлама, 12000 ички кийим ажратилди.

Хатто болалар уйларига алоҳида ер ажратилиб, ҳосилдан бемалол фойдаланилди. Хусусан, 1943 йили болалар уйларига 1039 гектар ер берилиб, унинг 508 гектарига сабзаот экинлари, 479 гектарига ғалла, қолган 50 гектарига бошқа экинлар экилди.

Урушдан озод қилинган ерларга ёрдам

1943 йилдаги даҳшатли жанглардан кейин Россия, Украина ва Беларуссиянинг ерлари тамомла вайрон қилинган эди. Совет давлати бу жойларнинг халқ хўжалигини тиклаш ҳақида махсус қарор чиқариб, ёрдамни беришни республикаларга топширди. Шу муносабат билан Ўзбекистон, ниҳоятда оғир аҳволга қарамай, топширикни адо этишга мажбур бўлди. 1943 йил сентябрда Тошкент вилояти Харьковга 13 тонна ғалла, 8100 кг хўл мева, 90 бош қорамол, 2500 кг. картошка, 4246 кийим-бош, пойафзал, пахтални шим, 78000 пул нақд пул юборди.

Ўша йилнинг декабр ойида Харьковга турли нарсалар ортилган 2 та вагон жўнатилди. Айни пайтда Тошкент темир йўли Харьков ва Днепропетровскка турли жиҳозлар ортилган 22 та вагон юборди.

Наманган вилоятидан Харьковга 89 тонна ғалла, 1330 бош қўй ва қорамол, 11 тонна хўл мева, 4 тонна курук мева, 68000 кийим-бош юборилди. Қўриниб турибдики. Тошкент ва Намангандан салкам 1500 йирик ва майда қорамол жўнатилды. Уларнинг озод этилган ерлардаги дехқонларга ахамияти жуда катта эди. Чунки посёлкаларда қора молдан нишон ҳам қолмаганди.

1943 йили Сурхондарё вилояти озод этилган ерларга 2787 кг ғалла, 115 бош қўй ва 111 бош эчки юборди. Андижон вилояти 326 центр ғалла, йирик ва майда қора моллар, Самарқанд вилояти 31600 бош қорамол, 1200 бош от, 800 бош хўкиз, 8000 бош қўй ва эчки жўнатган эди.

1943 йил 15 августда Ўзбекистондан озод этилган ерларга 1152 та трактор, 25 та комбайн, 1138 та плуг жўнатилды. Булардан ташқари Ставропол ўлкасига 50 та комбайн 1220 та плуг, 600 та сеялка, Краснодар ўлкасига — 200 та автомобил юбориш режалаштирилди.

Ўзбекистонда 12 октябрда 3000 центр ғалла, 8300 бош қора мол, 6700 қўй, 10000 жуфт пойафзал, 200000 буюм ва бошқа қўп нарсалар ортилган 450 та вагон, сентябрнинг охирида 374 та вагон юборилган эди. Демак, икки ой мобайнида 800 дан ортик вагон жўнатилды. Шунингдек, 52500 бош қорақўл зотли қўй олиб кетилди.

Айрим маълумотларга қўра, Украинанинг ўзига 2000 та трактор ва автомобил, 1595 нафар трактор хайдовчи, 225 нафар бригадир, 41 нафар механик, 30 нафар агроном, 50 нафар комбайн хайдовчи ва 11 нафар бухгалтер жўнатилган.

1944 йилдан озод қилинган жойларга 416 нафар агроном, 70 нафар техник, 71 нафар ҳисоб, китоб мутахассиси ва 120 нафар инженер, механик юборилди. 1943—1944 йилларда Ўзбекистон Сталинградга 93 та, Харьковга 40 та, Донбосга 30 та, жами 105 та паровоз ва вагонни 13000 темир йўл мутахассиси билан жўнатди.

1941—1945 йилларда Қорақалпоғистон 500 бош йирик ва майда қорамол совға қилган эди.

Оммавий сафарбарлик

Урушнинг бошланиши ҳақидаги хабар яшн тезлигида тарқалиб отаналар ўзларини қаёққа қўйилишларини билмай, довдираб қолганликлари ҳамон эсимда. Бу бежиз эмас эди, албатта. Кекса одамлар ва қўп болали аёллар учун боқимандасиз қолиш жуда ташвишли ва оғир фожиа эди.

Бу вақтларда ҳар бир тумандаги ҳарбий комиссарлик одамларни рўйхатга олиш ва армия сафига чақириш билан шуғулланарди. Уруш муносабати билан уларнинг мавқеини ошириб қаттиққўллик ва шафқатсизлик билан ишлардилар. Халқ комиссарлиги томонидан уч-тўрт фаол киши ва ҳарбийлардан иборат дружина тузилган эди. Улар маҳаллалар, бозорлар,

кўчаларда юриб, дуч келган одамни ушлаб, армияга жўнатишар эди. Улар кечаси хонадонларга бостириб кириб, қочиб юрган кимсаларни тутиб ва дўшослаб армия сафига юборардилар. Жами бир ярим миллиондан ортик ўзбек фронтга олинган эди.

«Ишчи баталён»ларнинг ташкил қилиниши

Биринчи жаҳон уруши вақтида бўлганидек, ёши катталар мардикорлик, яъни «Ишчи баталён»ларга олинган эди.

Тарихчи А.Юсупова ва Л.Дядюраларнинг берган унча тўла бўлмаган маълумотларига кўра, бундай баталёндаги кишиларнинг сони 1943 йилнинг охирида 155 минг киши ҳисобланиб, тегишли жойларга қуйидаги тарзда тақсимланган: Кўмир халқ комиссарлигига 10162, Темир йўл халқ комиссарлигига 13641, Қурилиш халқ комиссарлигига 10410, Қора метал халқ комиссарлигига 10064, Рангли метал комиссарлигига 2915, Кимё саноати халқ комиссарлигига 7724, Қурул-аслаха халқ комиссарлигига 17181, Резина саноати халқ комиссарлигига 1718, Электр станциялар халқ комиссарлигига 17313 киши берилди. Айни пайтда одамлар бошқа республикаларга ҳам жўнатишган эди.

Кўрсатилган вазирликлар уларни турли жойлардаги саноат тармоқларига жўнатганлар. Масалан, 1943 йил май ойига тегишли маълумотга кўра, Челябинск вилоятида 11700 ўзбек қурилиш, заводлар ва бошқа жойларда ишладилар.

1943 йил сентябрида Свердловск вилоятига Ўзбекистон ва кўшни республикалардан келган кишилар машиносозлик, кимё-машиносозлик, металлургия заводларида меҳнат қилганлар.

Минглаб ўзбеклар Москва, Перм вилояти, ғарбий Сибир, Ўрол, Сизран, Улянов, Иркутск, Саратов, Хакас автономияси, Горкий, Ярославл, Татаристон, Чуваш автономияси, Новосибирск, Омск ва бошқа жойларда ниҳоятда оғир шароитда қул каби ишлатилди. Мен Кемеров вилоятида госпиталда даволанаётганимда конда ишлаётган ўзбекларнинг госпиталларга келиб тиланчилик қилаётганларини эшитдим. Уларни ўз кўзим билан кўриш учун биринчи каватга тушганимда дераза орқасида қўлни чўзиб турган кишиларни кўриб хайрон қолганман. Уларнинг соқоллари ўсиб кетиб, кийим-бошлари чириган ва ямалган эди. Улар жуда кашшоқлашганлики, каттик дардга чалинган ва ўлганлар борлигини йнги-сиғи аралаш гапирдилар. Уларга озгина сариёғ, канд ва ярим буханка нон бериб, эзилиб хайрлашган эдим.

Госпиталда ишлаётган ходимлар ўзбекларнинг очликдан кўчада ўлиб ётганларини кўрганлар. Шу равишда кафансиз кўмилган ўзбекларнинг сони оз бўлмаган, албатта.

Шундай қилиб, «Рабочий баталён»лар Россия ерларида йўқчилик ва

вочорликда яшашларига қарамай, саноат соҳалари, қонлар, қурилишлар, ўрмонлар ва бошқа жойларда ишлаб, фашистларга қарши курашга ўз хиссаларини қўшдилар.

Ватандошларимизнинг фронтдаги жасорати

Тошкентда жойлашган Туркистон ҳарбий округи анча салмоқли кучга эга эди. Шунинг учун урушнинг бошланиши биланоқ бу ерда ҳарбий тайёргарликка киришилиб, алоҳида ўзбек дивизиялари тузилди. Бундан ташқари, рус ва бошқа миллат вакилларидан иборат бригада ва дивизиялар тайёрланди. 21, 44, 69, 83, 89, 90, 91, 92, 93, 94, 95, 96, 97, 100, 101, 102, 258 ва 338 сонли ҳарбий қисмлар шулар жумласидандир. Бироқ ўзбек дивизиялари фронтда бошқа ҳарбий қисмларга аралаштирилиб юборилиб, мустакил равишда жанг қилишларига йўл берилмади.

1941 йилиёқ ўзбеклар фашистлар уруш бошлаган Брестдаги жангларда қатнашдилар. Масалан, Д. Абдуллаев, А. Алиев, У. Устаев, Н. Спидков, М. Ҳожиев ва бошқалар душманга зарба беришда муҳим ўрин эгалладилар. Разведкачи О. Усмонов ҳамроҳлари билан биргаликда Одессада машинада кетаётган 40 фашистни йўқ қилган. Шунингдек, уларнинг Одесса атрофида 100 та фашистни гумдон қилганликлари ҳақида маълумотлар мавжуд. Шунингдек, 16 та самолёт ва 30 та автомашина яқсон қилинган.

Сапёрлар ротасининг командири З.Зариповнинг ерга қўмган миноси-дан фашистларнинг 22 та танки ва 13 та бронотранспортёри мажакланган. Кейин шарқшунос олим бўлим етишган лейтенант Шоислом Шомухамедов ғарбий фронтдаги Кричев шаҳрида фашистларга қарши мардоновор курашиб жароҳатланди. 1941 йили ўзбек жангчиларининг жасорати Украинанинг Херсон вилоятига қарашли «Скадавский» совхозида кўзга ташланди. Бу ерда қаҳрамонларча кураш К. Абдураззоқов, Т. Отабоев, Ҳ. Бойтўраев, И. Бектемиров, Б. Дадажонов, Ж. Эргашев, Ж. Шокиров, С. Эгамбердиев, Ш. Исмоилов, А. Қорақулов, А. Қаримов, Ю. Нажимбоев, А. Рустамов, Ҳ. Салимов, Ж. Сулаймонов, А. Тожибоев, Ҳ. Тожибоев, Т. Ўлжабоев, Ҳ. Хўжамқулов, К. Йўлдошев ва З. Юнусовларнинг исмлари қабрларнинг устига битилган.

Ватандошларимиз Ленинград, Киев, Смоленск, Севастопол ва бошқа жойлардаги фронтларда қатнашдилар. Улар Москвада ҳам фашистларга қарши курашдилар. Маълумки, Москвадаги уруш мамлакатнинг тақдирини ҳал этувчи омиш ҳисобланган. Шунинг учун ҳам унинг мудофаасини мустаҳкамлаш ва ҳарбий қисмларнинг қудратини оширишга катта аҳамият берилди. Минглаб метр масофада окоп ва баррикадалар қазини билан бир қаторда аҳолининг деярли ҳаммаси жангга тортилди.

Бу вақтда пойтахтда 700000 офицер ва аскар, 5200 та тўп ва мино-

мёт, 670 атрофида танк ва 850 та самолёт ва 415 та ракетали артиллерия ўрнаштирилди. Фашистларда эса 800000 дан ортиқ кўшин, 10400 та тўп ва миномёт, 1000 та танк ва 600 дан ортиқ самолёт бор эди.

Фашистлар даставвал Брянск, Вязма, Орёл, Ржев, Калинин ва Сухинчи сингари ерларни босиб ўтиб, Москвага яқинлашди. Бу вақтда кўшин таркибида Н. Абдуллаев, Р. Шоахмедов, Г. Нуралиев, Ҳ. Шодиев, А. Жунусов, З. Шамшидинов, Саидов, С. Ниёзов, Ҳ. Мусаев, Р. Қосимов, В. Содиков, Д. Ботиров, М. Иброхимов ва бошқа кўнлаб ўзбеклар бор эди.

Фашистлар 1941 йил 30 сентябрда Москвага ҳужум бошланганида шиддатли жанглар кизгин тус олиб, ҳар икки томондан кўп одам ўлди ва жароҳатланди. Бу тўқнашувларда юқорида тилга олинганлар билан бир каторда М. Иброхимов, И. Иброхимов, У. Ўқибоев, М. Отамухамедов, А. Раҳмонов, К. Раҳмонов, К. Отаев, М. Ҳакимов, С. Умаров, Т. Абдуллаев, А. Аҳмедов, М. Ғозиев, У. Умурзоков, А. Мирзаев, Ш. Пўлатов, И. Турдиев, У. Тоиров, М. Рустамов ва бошқалар мардонвор жанг килдилар.

Москвада фашистларнинг тор-мор этилишида Панфилов дивизияси ғоятда муҳим ўрин эгаллади. Унинг таркибида Икром Жалилов, Абдулла Тоғаев, Ғулом Қодиров сингари ўзбеклар душманга қарши курашдилар.

Жанглардан бирида Убайдулло Мусаев қахрамон унвонига сазовор бўлди. Москва жангида бўлажак академик Собир Юнусов ҳам қатнашган эди. Ўзбек кизи разведкачи Зебиҳон Ғаниеванинг жасорати таҳсинларга лойиқдир. У 16 маротаба душман томонига ўтиб, муҳим маълумотларни қўлга киритган эди.

1942 йил апрел ойида фашистлар Москвадан орқага чекинганидан кейин кизил армия урушни изчиллик билан давом эттирди. Юқорида тилга олинган Икром Жалилов Холм шаҳрининг атрофидаги жангга бошчилик килди. Шунингдек, Тўйчи Одилов ва Аловуддин Салоҳиддинов, Жануби-ғарбий фронтда Кўчкор Турдиев жангда жасорат намуналарини намоён этиб, қахрамон унвонига эга бўлдилар. Сапёр Самиғ Абдуллаев жанг майдонидаги ҳар бир қарич ерни миналардан тозалашни лозим эди. У бу вазифани дўндирганлиги туфайли танклар ва умуман кўшиннинг олдинга юриб ҳужум қилиш имкони туғилди. У Кубанга ҳужум уюштирилганда фашистлар кўприкни портлатишга киришдилар. Самиғ Абдуллаев уларга ўқ узиб чекинишга мажбур этди. Шу вақтда у жароҳатланди. Шифо топганидан кейин яна жанг майдонига қайтиб, фашистлар артиллериясини портлатди ва 4 соат мобайнида курашди. Самиғ Абдуллаев Белаё дарёси бўйидаги жангда ҳам фашистлар билан жанг қилиб, қахрамон унвонига сазовор бўлди.

Абдусамад Каримов, Комил Иброхимов, Ҳамид Аҳмедов, Тешабой Одилов, Қосим Абдуҳолов, Кўчкор Нурмухамедов, Зокир Исломов, Исҳоқов ва Юсупов сингари ватандошларимиз Ленинград frontiда жанг килдилар.

Генерал Собир Раҳимов бошчилигидаги 395-ўқчи дивизия кўшини

Ростав, Тагонрог, Краснодар ва Кавказ тоғ бағриларида фашистларга қарши курашди. 1945 йил март ойида Данцигдаги жанг ниҳоятда шиддатли ўтиб, фашистларга қаттиқ зарба берилди. Бироқ у ҳалок бўлди. Кейин Собир Раҳимов қаҳрамон унвони билан тақдирланди.

1943 йили Курск ёнидаги армияларнинг сафида ўзбеклар кўп эди. Чунинчи, 5-ўқчи дивизияда 1000 дан ортиқ ва 67-гвардиячи ўқчи дивизиясида 700 киши бўлиб, жангларда қатнашдилар. 1943 йили Аҳмаджон Шукуров Золотарев посёлкасидаги шиддатли жангда фашистларга зарба бериб, уни озол қилинишини таъминлади. Бунинг учун унга қаҳрамон унвони берилди. Посёлка унинг номи билан юритиладиган бўлди.

129-ўқчи дивизиясидаги 1018 нафар ўзбекнинг мардоновор жанглари ҳам диққатга сазовордир. 518-ўқчи дивизиясида хизмат қилаётган сержант Отаулла Солиҳов душманга қарши шу даражада қаттиқ зарба бердики, қаҳрамон унвони билан тақдирланди. Биринчи ўзбек учувчиларидан бири Абдусаттор Эшанкулов бир неча маротаба ҳаводан фашистлар устига билимдонлик билан бомбаларни ташлаб қатта талофатлар келтирди.

1943 йили фашистларга қарши курашда Днепрдаги жанглар қатта аҳамиятга эга бўлди. Бу ерда А. Курбонов, М. Раҳимов, Н. Пиримкулов, А. Раҳимов, И. Усмонов, В. Хатиев, К. Ёкубов ва бошқалар фашистларга қарши курашдилар. Ўша йили Аблокул Узоқов Днепрда фашистларнинг пулемёт ўқларини тўхтатиш учун ётган ҳолда бостириб кириб, қўшиннинг олдинга силжишини таъминлади. У 50 кишидан иборат фашист автоматчиларига ҳам қаттиқ зарба берди. Унга Днепрдан кечиб, душманни зарбага учратиб ғалабани таъминлашга муносиб ҳисса қўшганлиги учун қаҳрамон унвони берилди.

1943 йили мохир снайпер Абдулла Курбонов Днепрда даставвал 80, кейин 67 фашистни ўлдирганлиги учун қаҳрамон унвони билан тақдирланди. 1944 йил 15 августда Абдусаттор Эшонкулов Руда станциясида бомба ташлаб қурол-аслаҳалар ва техника ортилган 20 та вагонни яқсон этганлиги учун қаҳрамон унвонини олди.

Сталинграддаги жанг ниҳоятда дахшатли тус олиб ҳар икки томондан минглаб одам ҳалок бўлди ва жароҳатланди. 1942 йил 17 июнда фашистлар Сталинградни қуршаб олдилар. Бу ерда 62, 63 ва 64, 1 ва 4-танк дивизиялари жойлашиб, мудофаани мустаҳкамлаган эдилар. Улардан ташқари, бошқа ҳарбий қисмлар ҳам бор эди. Фашистлар 2 млн. 70 минг кўшин, 3 мингта тўп ва миномёт, 500 танк ва 120 самолёт билан ҳужумни тинимсиз давом эттирдилар. Маълумотларнинг кўрсатишича, Усмон Отакулов, Жамол Ҳакимов, Собир Раҳимов, Аброр Турсунхўжаев ва Усмонкулов мардларча курашганлар.

Айниқса Перевязовский тепалигида жанг дахшатли тус олиб, Б. Алибеков, Диёр Аҳмедов, Бобоёр Ғаффоров, Соғиб Мардонов, Худойқул Мусаев, Сантхон Файзиев, Нормурод Ҳантов, С.Норбоев ва бошқалар

қахрамонларча халок бўдилар. Шунинг учун ҳам Перевязовскийда ўрнатилган ёдгорликка уларнинг исми шарифлари ёзилди.

Сталинградни химоя қилаётган 1, 11, 90, 94 ва 117 бригада ва дивизияларда ўзбеклар оз эмас эди. «Қизил Армия» газетасида ҳам Жалоллиддин Азизхонов, Абдурахмон Урозов, Зиқирилла Умрзоков, Мирзакамол Исмоилӣ, Зифо Шамсуддинов ва Улуғ Турсунов сингари журналистлар хизматда эдилар.

Ўша бригада ва дивизияларда Юсуф Йўлдошев, Бобомурод Қахҳоров, Раҳмонкул Ҳотамов, Кенжа Худойберганов, Мансур Асадуллаев, Сафар Шодиев, Рихси Мусаев, Ҳикмат Ҳасанхўжаев, Насриддин Курбонов, Камоллиддин Мирзаев, Исмоил Содиков, Умар Жумаев, Шариф Шомардонов, Юсуп Умрзоков, Раҳим Валиев ва бошқа кўп ватандошларимиз фашистларга қарши жанг қилдилар.

Ўзбеклар орасида урушнинг бошидан то охиригача бевосита қатнашганлар оз эмас эди. Масалан, ҳозирда кексалик (салкам 90 ёш) гаштини сўраётган Сирождин ака Орипов шулар жумласидандир. У 80-танк корпусида Марказий, Ғарбий, Жанубий Украина ва Болтиқбўйи фронтлари ҳамда Брянск ва Курск ёйидаги жангларда қатнашди. Сирождин ака иккинчи жаҳон урушини Японияга қарши олиб борилган курашларда ниҳоясига етказилишида ҳам фаол иштирок этди. Унинг жанг майдонларидаги хизмати муносиб тақдирланди.

Хуллас, ўзбеклар Россия, Украина, Белоруссия, Болтиқбўйи республикалари Полша, Руминия, Чехославакия, Болгария ва бошқа жойларда мардоновор курашиб Берлингача бордилар. Маълумки, жанг майдонларида «Катюша» миномётининг тутган ўрни шу даражада катта бўлганки, унинг ўқлари фашистларни киришда тенги йўқ ҳисобланган. Ҳатто Гитлер қандай бўлмасин «Катюша»ни яқсон қилиш ҳақида кўрсатма бергани боис у ниҳоятда каттик назорат қилиниб, жуда ишюнчли ва уддабурон кишиларнинг кўлига топшириларди. Мана шундай мохир кишилардан бири майор Ҳаким Усмонов эди. Бу жасоратли кимса бошчилигидаги «Катюша» гуруҳи Ленинград, Сталинград, Курск, Белоруссия, Полша сингари жойларда жанг қилиб, Берлингача бориб, фашистларга қакшаттич зарба берди.

Ўзбеклар Япония билан урушда ҳам қатнашдилар. Улар Россия ва хорижий мамлакатларда партизан отрядларида фашистларга қарши жанг қилди.

Хулоса

Биринчидан, 1914 йили бошланган биринчи жаҳон уруши Ўзбекистон учун ҳам кўп азоб-уқубат ва талофатлар келтирди. Бу даврда мамлакатда мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулм янада кучайиб, ўлкада очарчилик, оммавий касаллик ва зўравонлик ҳукм сурди. Фронт эхтнёжлари учун жуда кўп турдаги махсулотлар, чорва ва бошқа нарсалар олиб кетил-

ди. Булар камдек, ўзбекларни фронт ортидаги мардикорликка олиниши уларнинг ўзлари ва оилаларининг бошга кўп фожиаларни ёғдирди. Отасиз, ўғилсиз ва боқимандасиз қолган минглаб оилалар қашшоқлашиб хонавайрон бўлди.

Бундай фожиалар натижасида минглаб кишилар бу дунёдан кўз юмдилар. Уруш вақтида юзага келган чидаб бўлмайдиган даражада оғир ҳаёт бусиз ҳам сабр қосаси тўлиб тошган мазлум халқнинг 1916 йили кўзғолон кўтаришига қатта туртки бўлди. Дастлаб кўзғолонлар маҳаллий аҳолини мардикорликка юборилишига қаршилик сифатида намоён бўлди. Кўзғолончилар ҳукумат фармонининг ижроси бўлган маҳаллий таъмурият вакиллари билан тўқнашдилар. Кейин эса кўзғолонларни бостирган ҳукуматнинг ҳарбий кучлари билан тўқнашдилар.

Биринчи жаҳон уруши айниқса унинг бевосита иштирокчиларига қатта талофат келтирди. Зеро, жанг майдонларида 10 миллион киши ўлдирилди. 20 миллион одам жароҳатланди. Эпидемия ва очликдан 20 миллион киши дунёдан кўз юмди, кўпдан кўп шаҳар ва посёлкалар вайронага айлантирилди.

Иккинчидан, 1917 йили болшевиклар ҳокимиятни эгаллагач олиб борган ички ва ташқи сиёсати қўл остидаги халқларнинггина эмас, балки жаҳон халқларининг бошига ҳам хавф-хатар ёғдирди. Чунки совет давлати «Бутун дунё пролетарлари бирлашингиз!» шioriни баланд кўтариб, сохта социализм ва коммунистик ғояларни бутун дунёга тарқатиш ва ўз ҳукмронлигини ўрнатишни мақсад қилиб қуйган эди. Америка ва Европа мамлакатлари совет давлатини ашаддий душман ҳисоблаб, унга қарши урушга тайёргарлик қўрган эдилар. Бундай ҳаракат айниқса Германияда Гитлер бошчилигида жуда авж олиб ҳарбий тайёргарлик ниҳоясига етказилди. У совет давлатининг мажаклаб ташлашни асосий мақсад қилиб қўйди. Бу билан бир қаторда Гитлер немисларнинг «олий зот»лиги ҳақидаги иркий назарияни кўтариб уларга барча халқларнинг бўйсунуши лозимлигини зўр бериб, тарғибот қилди. Буларнинг бари иккинчи жаҳон урушининг бошланишига сабаб бўлди.

Учинчидан Совет давлатининг қасофати билан ўзбек халқи ҳам иккинчи жаҳон урушига тортилди. У фронтга озик-овқат маҳсулотлари, кийим-бош, йирик ва майда қорамол ва бошқа заруриятларни минглаб вагонларда жўнатиб турди. Бир неча юз миллион сўм нақд пул ҳам юборилди. Шунингдек, фронт ҳарбий кийим ва қурол-аслаҳалар билан таъминланди. Халқ томонидан тўпланган маблағ ҳисобидан фронтга жўнатилган авиоэсқрадрилия, танк ва бронепоезд колонналарининг аҳамияти жуда қатта бўлди.

Ўзбек халқи фронт тарафидан келтирилган юз минглаб қочоқларга бошпана берди, озик-овқат ва кийим-бош билан таъминланди. Айниқса 200 минглик етим болага юксак даражада меҳрибонлик ва ғамхўрлик кўрсатилиб,

уларнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Ўзбек халқи уларни ўз фарзандларидек кўриб, тарбиялаб ўқитди.

Ҳарбий хизматдаги одамларнинг оилалари ҳам эътибордан четда қолмади. Улар озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-бош, ёкилги ва бошқа зарур нарсалар билан таъминланди. Уй-жойлари таъмирланиши билан бир қаторда янги уйларга ҳам жойлаштирилди.

Ўзбек халқи Россия, Украина ва Белоруссиянинг фашистлардан озод қилинган ерларига ҳам ёрдам кўрсатди. Маълумки, бу жойлардаги шаҳар ва посёлкалар, йўллар, умуман халқ-хўжалигининг барча тармоқлари ёппасига вайрон этилиб, одамларнинг сони жуда камайиб кетган эди. Уларнинг халқ хўжалигини тиклашда Ўзбекистон бевосита қатнашиб, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-бош, йирик ва майда қорамол, автомобиллар, тракторлар, механиклар, агрономлар, трактор хайдовчилар, шифокорлар ва бошқа мутахассисларни юборди. Фабрика ва заводларни ҳам оталиққа олиб, ишга тушишига ёрдам берди.

Юқорида кўрсатилганларнинг барчаси республикага иқтисодий жиҳатдан бекиёс қатта талофат келтириб уни кашшоклаштирди.

Тўртинчидан, иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбеклар жанг майдонларида қаҳрамонларча курашиб, улардан ярим миллион киши ҳалок бўлди. Бу республикада одам ресурс (захира)ларининг камайиб кетишига олиб келди. Минглаб аёллар бева ва болалари эса етим бўлдилар. Қанчадан-қанча ота-оналар фарзандларининг доғида ва қайғу-аламда қуйиб, дунёдан кўз юмдилар. Уруш йилларида қилинган чегараси йўқ харажатлар халқни ғоят кашшоклаштирди. Одамларнинг деярли ҳаммаси эски ва ямалган кийимларда юриб, озиб-тўзиб, ранги заъфарон бўлиб кетганди, кўчаларда оёқ яланг юрганларнинг саноғи йўқ эди. Қанчадан-қанча одам очлик ва касалликдан ўлди. Уруш ўзбек халқининг бор-йўғидан айирди, кўрпа-ёстиғи, бошқа рўзгор анжомлари қуриди, уй-жойи харобага айланиб ҳар томондан азият чекди.

Қишлоқларда очарчилик ва касаллик авжига миниб, минглаб одамларнинг ёстиғини қуритди. Аёлларнинг умри меҳнатда чириб, роҳат нималигини билмай дунёдан ўтди. Болалар орасида ҳам ўлим кўп учради.

Бироқ кўрилган азоб-уқубат ва қатта талофатларнинг юпатадиган томонлари ҳам бор эди. Чунончи, урушнинг дастлабки ойларида ўзбеклар фашистларнинг қимлиги ва мақсадини яхши англамаган эдилар. Аммо кўп ўтмай фашистларнинг шум нияти ва ваҳшийлигини тушуниб уларга нафрат кўзи билан қарайдиган бўлинди. Ҳатто жоҳил ва урушқок одамларни «фашист»сан дейишадиган бўлинди.

Халқ оммаси йиғилишлар ва кўча қўйларда фашистларнинг тезроқ яқсон қилиниши ва фарзандларининг омон-эсон қайтишларини Оллоҳдан сўрадилар.

Бешинчидан, армия сафларига олинган ўзбеклар мутлако ҳарбий машкни кўрмаган ва порох хидини хидламаган кимсалар эди. Уларга армияларда ҳам ҳарбий машк етарли даражада ўргатилмади. Бундай нохуш воқеа умуман совет армиясининг заифлиги оркусида юзага келган эди. Шунинг учун ҳам урушда жуда кўп одам ўлдирилди ва асир олинди. Ўзбеклардан ярим миллиондан ортиқ жангчи ҳалок бўлди. Юз минг-лаб киши жароҳатланди.

Ўзбеклар барча қийинчиликларни мардоновор енгиб Россия, Украина, Белоруссия, Польша, Чехославакия, Руминия, Болгария, Венгрия ва бошқа жойларда қаҳрамонларча жанг қилиб, Берлингача бордилар. урушнинг ниҳоясига етказилишида катнашдилар. 80 дан ортиқ ўзбек қаҳрамон унвонига сазовор бўлдилар.

Шуни унутмаслик керакки, ўзбек халқи иккинчи жаҳон уруши йилларида аслида совет давлати ва коммунистик партия учун эмас, балки ўз ватанининг ҳимояси ва тақдири учун мардоновор курашди. У Россия, Украина, Белоруссия, Болтиқбўйи республикалари, Шарқий Европа ва умуман жаҳон халқларини фашистлардан озод қилинишида салмоқли ўринни эгаллади. Бу билан ғурурланиш ва фахрланишга ҳақлимиз.

Олтинчидан, иккинчи жаҳон уруши келтирган фожиали воқеалар, вайроналар ва талофатларни санаб саноғига етиб бўлмайди.

Уруш йилларида СССР да 1710 та шаҳар, 70000 та посёлка, 6 миллион-та бино, 32000 та саноат объекти, 98000 та колхоз, 1876 та совхоз, 2890 машина-трактор станцияси, 65000 км темир йўл, 4100 та темир йўл бекати, 16000 та паровоз, 428000 та вагон, 84000 та мактаб, техникум ва олий ўқув юрти яқсон қилинди. Булардан ташқари 71 миллион бош от, қўй, қорамол ва чўчка йўқотилди. СССР ҳарбий жиҳатдан ҳам жуда катта талофатга учради. Жанг майдонларида 11 миллиондан ортиқ офицер ва аскар ўлдирилди, оддий фуқаролардан эса 15 миллион киши ҳалок бўлди. Уларнинг орасида бедарак йўқолганлар ҳам бор эди. 88300 самолёт, 96500 танк, 2,5 минг кема яқсон этилди.

Ўз навбатида фашистлар 10 миллион офицер ва аскар, 48000 танк, 167000 тўп ва 2,5 минг ҳарбий кема йўқотди. Иккинчи жаҳон урушида 1 миллиард 700 миллион аҳолини ўз ичига олган 61 давлат катнашиб, жами 70 миллион киши ҳалок бўлди.

Болшевиклар биринчи жаҳон уруши вақтида ҳокимиятни эгаллаган бўлсалар, иккинчи жаҳон урушида ғалабага эришиб Шарқий Европа, Хитой, Вьетнам, Куба ва Шимолий Кореяда коммунистларнинг ҳукмронлигини ўрнатишга муваффақ бўлди. Шу равишда СССР бошчилигида «социалистик давлатлар ҳамдўстлиги» ташкил топди. Бироқ бутун умрини ички ва ташқи зиддият, тўқнашув ва урушлар билан ўтказган совет империяси, пировордида кўз ўнгимизда шармандаларча ҳалок бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТИКЛАШ УЧУН КУРАШЛАР (1989–1991)

Маълумки, XX асрнинг 80 йилларининг ўрталарида совет империяси чуқур инкироз ва колокликни бошидан кечирмокда эди. Натижада «кайта қуриш» йиллари деб аталган вақтларда совет иттифоки қўл остидаги барча халқларнинг ҳаёти мисли кўрилмаган даражада ёмонлашди. Бу борада Ўзбекистонда ҳам ҳаёт издан чиқиб кетиб, халқ чидаб бўлмайдиган даражада қашшоклашди.

Коммунистик партиянинг раҳбарлари «Ўзбек иши» номидан қалбаки жиной иш қўзғаб, бусиз ҳам оғир ахволни янада ёмонлаштирди. Мана шундай ўта оғир ва маъсулиятли шаронгда, яъни 1989 йили республика раҳбари этиб Ислом Каримов тайинланди. Бутун онги ва қалби озодлик гоёси билан сугоришган янги раҳбар ўз фаолиятини фақат ватан мустақиллиги ва озодлигини тиклаш билангина халқни мустамлакачилик ва миллий зулмдан ҳалос этиш мумкинлигини яхши англади. У айниқса деҳқон оммасининг ниҳоятда ачинарли ахволининг жонли гувоҳи бўлганлиги боис мазкур масалани ҳал этишдан бошлади.

1989 йилиёк Ислом Каримов партиянинг аграр сиёсатига қарши ўларок деҳқонларни ер билан таъминлашни бошлаб юборди. Ваҳоланки, барча ер ва сув давлатники ҳисобланиб, фақат марказнинг руҳсати ила унга муносабатни ўзгартириш мумкин эди. Шундан кейин деҳқончилик қўлидан келадиган ҳар бир киши чорак гектар ер олди.

Кўриниб турибдики, Ислом Каримов марказнинг қаршилигига қарамай мустақил иктисодий сиёсатга қаратилган дастлабки қадамни ташлаган. Ҳеч қимга сир эмаски, пахта ўзбек халқининг қундалик ҳаёти ва тақдирини ҳал этувчи муҳим омиллардан биридир. Тинимсиз ва машаққатли меҳнат эвазига етиштирилган пахта жуда арзон нарҳда мажбуран давлатга топширилган. Меҳнатига яраша ҳақ ололмаган деҳқонлар ҳамиша етишмовчилик ва муҳтожликда ҳаёт кечирган. Ислом Каримов бунни яхши англаган ҳолда пахта нарҳини ошириш масаласини очикдан-очик талаб қилди. Хусусан, у республика компартияси Марказий қўмитасининг 1989 йил 19 августда бўлиб ўтган XVI пленумида шундай деган: «Биз 1990 йил плани лойиҳаси билан Иттифоқ органларига икки марта учрашдик. КПСС

Марказий Комитети, мамлакат министрлар Совети ва Госплани раҳбарияти билан учрашдик. Бутун масъулиятни зиммамга олиб шуни айта оламанки, пахта нархи масаласи яқин ойлар ичида кўриб чиқилади. Бу муаммони ҳал қилишимиз учун ҳисоб-китобларга кўра камиди бир ярим миллиард сўм талаб қилинади...

Ҳозир, очигини айтиш керак... Москвада ўртага қўйилган масалаларни ҳал қилиш кийин бўляпти. Биз раҳбарлар бу масалаларни қатъият билан, билимдонлик билан ўртага қўйишимиз, уларнинг ҳал этилишига изчиллик билан эришишимиз ҳар қандай ҳолда ҳам айбни бировларга тўнкамай ва бировларнинг орқасига яширинмай, масъулиятни ўз зиммамизга олишимиз керак».

Сиртдан қараганда пахта нарҳини ошириш шунчаки бир оддий иқтисодий масала бўлиб кўриниши мумкин. Аммо унинг заминида жуда муҳим сиёсий масала ётибди. Чунончи, пахта, арзон нархда давлатга топширилиши нафақат кундалиқ турмушга, балки республиканинг ижтимоий ва маданий жиҳатдан ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда эди. Нархни оширишга эришиш совет давлатининг мустақиллик сиёсатига зарба берилишига олиб келарди. Шубҳасиз, очкўзлик ва тўймасликда ном чиқарган совет давлатининг пахта нарҳини оширишга розилик билдириши жуда кийин эди. Шунга қарамай Ислом Каримовнинг ҳукумат сиёсатига қарши бош кўтариши ватанпарварликнинг ёрқин намуналаридан биридир.

1989 йил 29 октябрда ўзбек тилини, давлат тили сифатида қонунлаштирилиши ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Бу тарихий ҳужжатнинг аҳамияти шу даражада каттаки, таърифлашга қалам ожизлик қилади. Шуни унутмаслик керакки, она тилининг давлат тили бўлиши халқнинг миллийлиги ва тақдирини қафолатлайди ҳамда у мустақилликнинг энг муҳим белгиларидандир.

Мустақиллик учун кураш ҳаракати ҳаётнинг барча соҳаларида кўзга ташланди. Зеро, Ислом Каримов биринчилардан бўлиб ҳар бир республикага суверенитет ва иқтисодий мустақиллик бошқарувини бериш лозимлигини ошқора ўртага ташлади. Бу муҳим сиёсий масала 1989 йил 29 ноябрда партиянинг XVIII пленумида кўрилиб тасдиқланди. Бунда федератив асосда Ўзбекистоннинг суверенитетини таъминлаш, ер ва умуман барча табиий бойликлар, маданий ва тарихий меросни умумхалқ мулкига айлантириш кўрсатилди. Ўзбекистонда ижтимоий ва иқтисодий соҳада мустақил равишда иш юритиш, миллий ва тарихий анъаналарни тиклаш қайд этилди. Шунингдек, республиканинг марказ билан тенг ҳуқуқлилиқ ва икки томонлама манфаатдорлик асосида алоқани олиб бориши уқдириб ўтилди. Бошқарувни демократлаштириш масаласи ҳам ўз ифодасини топди. 1990 йил 24 мартда республика Олий Кенгашининг президентлик лавозимини

таъсис этиш ҳақидаги қонуни муҳим тарихий воқеа ҳисобланди. Қонунда шундай дейилган: Демократия жараёнларини янада чуқурлаштириш ҳам, сиёсий ўзгартиришларни такомиллаштириш ва конституциявий тизимни мустаҳкамлаш ҳам мантқан том маънодаги мустақилликни талаб этади ва унинг замирида марказга бўйсунмаслик, ўз тақдирини ўзи белгилаш таъминли ётади. Зотан, қайсидир даражада бўлмасин, энг кичик масалалар бўйича ҳам қимгадир тобе бўлинса, юқорида кўйилган талабларнинг биронтасига ҳам эришиб бўлмайди.

Маълумки, ер, сув, табиатдаги барча борликнинг танҳо эгаси совет давлати ҳисобланиб, жамият хусусий мулкисиз эди. Бундай ҳолатни бартараф қилиш мақсадида 1990 йил 20 июнда ер халқ мулкига айлантирилганлиги ҳақида қонун қабул қилинди. Бу республика иқтисодий мустақиллигини таъминлайдиган дастлабки муҳим чора бўлди.

Айниқса 1990 йил 20 июнда Ўзбекистонда «Мустақиллик декларацияси» эълон қилиниши катта аҳамият касб этади. У қизил империяни каттик ларзага ва ташвишга солди. Чунки Ўзбекистон Иттифок таркибидаги суверен ва тенг ҳуқуқли мамлакат деб эълон қилиниб, ўз давлат белгилари (герб, байроқ ва мадҳия)ни таъсис этиш ва янги конституцияни ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Республикада мустақил иқтисодий сиёсатни таъминлашга қаратилган чораларни кўриш давом этди. 1990 йил 30 октябрда Ўзбекистонда мулкчиликнинг ҳамма шакллари учун тенг шароит таъминлашга қаратилган қонун қабул қилинди. Республика Олий Кенгашининг 1991 йил 14 июндаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар» тўғрисида»ги қонуни маънавий ҳаётда туб ўзгаришларни бошлаб берди. Маълумки, юз йиллар давомида кишиларнинг эътиқоди, ҳурматини қозониб келган ислом дини таъқиқланиб динсиз жамият бунёд этилди. Бу маънавий қашшоқликни юзга келтириб, тараққиётга салбий таъсир этди. Шу боис мазкур қонуннинг қабул қилиниши халқ томонидан зўр хурсандчилик ва мамнуният билан қабул қилинди. «Ушбу қонун, дейилади унда, фуқароларнинг динга ўз муносабатини ихтиёрый равишда белгилаш ва ифодалаш, ҳеч қандай тўсқинликсиз динга эътиқод қилиш ва диний расм-русумларни бажариш ҳуқуқларини таъминлайди». Шу тариқа совет даврида оёқ-ости қилинган ва қувғинга солинган диний эътиқод эркинлиги тикланди.

1991 йил 22 июнда саноат корхоналари, ташкилотлар ва муассасаларни Ўзбекистон ихтиёрига ўтказиш хусусида қонун чиқарилди. Асримизнинг 80 йилларида қизил империя ич-ичидан чириб, инкирозни бошидан кечирмоқда эди. Унинг белгилари 60 йиллардаёқ бошланиб, вақт ўтиши билан чуқурлашиб борди. Шу тариқа «социализм» тузуми ўзининг ғайритабiiйлиги ва самарасизлигини намойиш этиб, мам-

лакатни ҳалоқат ёқасига келтирди. Одатдагидек, компартия, катагонлар ўтказиш йўли билан четдан «айбдорлар»ни топиб ва халқни чалғитиб, инкирозни ҳаспўшлаш ҳамда никоблашга ўтди. Маълумки, 30 йилларда очарчилик ва умуман, инкироз сабаблари «халқ душман»лари ҳамда «империалистларнинг айғокчилари»га тўнкалиб, оммавий катагонлар вахшийларча ўтказилган. Қайта куриш йилларида ҳам худди мана шундай сиёсат қайтарилди. Ўзбекистонда «пахта иши» ёки «ўзбек иши» номида катагон ўтказилди. Бу ерда шунини ҳисобга олиш керакки, «ўзбек иши» аслида никобланган сиёсий кураш бўлиб, мақсади мустамлакачилик ва улугмиллатчилик сиёсатини янада авжга миндириш, халқни оғир аҳволдан чалғитишдан иборат эди. Бу сиёсий найрангнинг иқтисодий томони ҳам бор эди. Марказга Ўзбекистондан дарё каби оқиб бораётган турли-туман бойликларни янада кўпайтириш ва уларнинг заррачасини ҳам туб аҳолига юктирмаслик кўзланган. Бундан ташқари, «ўзбек иши» воситасида мамлакатда Ўзбекистон ишончини йўқотган хавфли зона сифатида гавдалантириб, Россиядан кадрларни - ўз одамларини келтиришни ва республика ҳокимият тармоқларини тамомила эгаллаш мақсад қилиб қўйилган. Айни пайтда бир курук чемодан билан келадиган ўша «устоз»ларнинг катта бойлик тўплашлари учун шароит яратиш назарда тутилди. Бу республика бойликларини навбатдаги ўзлаштиришнинг бир тури эди.

Умр бўйи дахшатли фожиаларни уюштиришга, киргин-баротларга ва тўс-тўполонларга тўймаган марказ «ўзбек иши» бўйича 4.5 минг кишини қамокка ташлади, хўрлади ва мол-мулкни талади. Бундан ташқари, минглаб киши «гувоҳ» сифатида қаттиқ кийноқлар остига олиниб, қиш-қизил тухмадан иборат айбномалар тўкилди. Ҳатто «ўзбек иши»дан кейин зиёлилар ва раҳбарларнинг илғор вакиллари ҳам оммавий равишда катагон қилинар эмис деган овозалар эшитилиб турди. Бутун миллат бошига дахшатли офат келиб турган пайтда, унга қарши қалқон бўладиган бирор-та раҳбар чиқмади. Аксинча, улар сотқинлик қилиб, оловга керосин қуйиб турдилар.

Ислом Каримов давлат тепасига келиши арафасида аҳволни қуйидагича таърифлаган эди: «Бор гапни айтадиган бўлсам, кўз ўнгимда дахшатли, қўрқинчли манзаралар пайдо бўлди». Ислом Каримов бу гоётда оғир аҳволдан чўчимай ва тисланмай, мазлум халқ манфаати учун курашди. У «ўзбек иши»нинг сохталигини фош этиб, миллатни офат ва навбатдаги оммавий катагондан қутқарди. У марказнинг бу хусусдаги кўрсатмасини бажаришдан очиқдан-очиқ бош тортиб, мустақил сиёсат юргизди.

Умумий ҳулоса шуки, 1989 йилнинг иккинчи ярмидан то 1991 йил 31 августгача бўлган даврда шахсан Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси ва иштирокида мустақилликнинг тамомила тиклашнинг замини

хозирланди. Шу боис унинг раҳбарлик маҳоратини ёритиш айни муддаодир.

Гарчанд кизил империя чуқур инкирозни бошидан кечираётган бўлсада, лекин куч ва имкон нисбатига келганда, унинг мавқеи баланд бўлиб, кудратли қўшин ва махфий кучга эгаллиги боис империянинг сиртмоғидан осонлик билан қутулишнинг иложи йўқ эди. Шунга қарамай Россиянинг ўзида ҳам, республикаларда ҳам ички зиддият ва кураш қизгин тус олиб, ниҳоятда масъулиятли ва мураккаб вазият юзага келди.

Хўш, тақдирни узил-кесил ҳал қилувчи бундай шароитда Ўзбекистонда қандай сиёсат юргизилди? Унда Президент Ислам Каримовнинг тутган ўрни қандай бўлди? Авваламбор, юртбошимиз халқининг хоши-иродасини ифода этиб атрофига ўз ватани ва озодликка содиқ кишиларни жипслаштириб, амалда «умумий фронт»ни шакллантирди. Айни пайтда мустақилликнинг қурбонсиз ва талофатсиз тиклашга қаратилган чораларни кўрди. Бордию бебошлик, тартибсизлик ва дангалчиликка йўл қўйилса, у вақтда бундай ҳолат империя тарафдорларига қўл келган бўларди.

Шунингдек, шароит шунчалик мураккаб эдики, марказ билан вақтинчалик «умумий тил» топишни такозо этарди. Акс ҳолда унинг ғазоби ёмон оқибатларга олиб келиши турган гап эди. Масалан, марказнинг кўрсатмасига мувофиқ айрим республикаларда қонли тўқнашувлар бўлди. Шу боис республикада юритилган тўғри сиёсат халқнинг бундай фожиалардан ҳоли бўлишини таъминлади. Айниқса республикада фаолият кўрсатаётган «чала демократ»ларнинг тўс-тўполонлари ва намоёнларининг баргараф қилиб туриш барқарорликнинг сақлашда муҳим ўрин эгаллади. Шуни инобатга олиш керакки, совет даврида Ўзбекистон раҳбарларининг барчаси марказнинг ўта итоаткор хизматкорлари ҳисобланиб партиянинг чизигидан чиқиши ҳаёлларига ҳам келтирмаган. Ислам Каримов эса ўзини тамомила бошқача тутиб мардонавор мустақил сиёсатини изчиллик билан олиб борди. У ўзининг мустақил фикри ва иши билан ажралиб турди. Унинг бундай, том маънодаги сиёсий арбобларда бўладиган фазилятлари, мохир ташкилотчилиги ва уddaбурунлиги республика ҳаётининг барча соҳаларида олиб борган ишларида намоён бўлди. Пировардида мустақилликни тиклаш заминининг пухта тайёрланганлиги курашни зафар билан тугаллашни тўла таъминлади.

Президент Ислам Каримов 1991 йил 31 августда Республика Олий Кенгашида тантанали равишда ватан мустақиллигини эълон қилди. Шу асосида Олий Кенгаш қарор қилди.

1. Республика давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш баёноти тасдиқлансин ва республика бундан буён Ўзбекистон Республикаси деб аталсин.

2. 1 сентябр Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни деб белгилансин ва 1991 йилдан бошлаб бу кун байрам ва дам олиш куни деб эълон қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш раёсати республика Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни тайёрласин ҳамда уларни Олий Кенгашнинг муҳокамасига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси республиканинг мустақиллигини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган қонунлар лойиҳалари устидаги ишларни тезлаштирсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Иттифокнинг ва унинг таркибига киралган барча мустақил давлатларнинг олий қонун чиқарувчи идораларига мурожаат қилиб, уларнинг республиканинг давлат мустақиллиги эълон қилинган ҳужжатини тан олишга даъват этади.

Бир вақтда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш баёноти қабул қилинди. Унда миллати, диний эътиқоди ва ижтимоий мансублигидан қатъий назар, ҳар бир кишининг ҳаёти, шаъни ва кадр-қимматини таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат барпо этилиши қайд этилди. Ўзбекистон Республикасининг тўла давлат ҳокимиятига эга эканлиги, миллий давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилиши ва раҳбарликнинг мустақил равишда олиб борилиши кўрсатилди. Ички ишлар вазирлиги, давлат хавфсизлиги қўмитасининг идоралари, ички қўшинлар республика ихтиёрига ўтганлиги маълум қилинди. Халқаро алоқаларда Ўзбекистоннинг мустақил давлат, халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида қатнашиши, конституция ва қонунларнинг устуворлиги изҳор этилди. Умуман айтганда, Ўзбекистонда ички ва ташқи сиёсатнинг барча соҳаларида мустақиллик тикланганлиги ошқора эълон қилинди.

ОЗОДЛИК КУРАШЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Биринчидан, 1991 йил 31 августда Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинди. Буни амалга ошириш учун 1989-1991 йилларда нихоятда муҳим чоралар кўрилди. Булар, олдинги саҳифаларда кўрсатилганидек, сиёсий, иқтисодий ва маънавий ислохотларни ўз ичига олган эди. Ислохотларнинг муваффақиятли равишда амалга оширилиши совет давлатининг ҳукмронлиги ва мавқеинга босқичма-босқич зарба бериб, уни занфлаштириб борди. Шу тарзда ислохотлар мустақилликнинг ўрнатилиши учун замин ҳозирлади. Демак, босқичма-босқич курашилди.

Бу курашнинг бошқа хусусияти яна шундан иборатки, уни ўта хавф-хатарли ва маъсулиятли шароитда олиб боришга тўғри келди. Зеро, Ўзбекистонда кураш жараёнида тиш-тирноғи билан қуролланган Туркистон ҳарбий округининг қўшинлари, давлат хавфсизлик комитети, ички ишлар вазирлиги, прокуратура ва бошқа қудратли қучлар пишқириб турган эди. Мана шундай ўта хавф-хатарли ва қалтис шароитда Ислам Каримов шу даражада донолик, жасорат ва мардлик билан иш юритдики, ҳокимиятни бамисоли шернинг оғзидан «бир томчи қонсиз» тортиб олди.

Иккинчидан, 1990 йил 29 мартда Республикада президентлик лавозимининг таъсис этилиши жуда қатта аҳамият касб этди. Президентлик лавозими олий раҳбарликнинг қўринишларидан бири бўлиши билан бирга чуқур сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий маънони аниқлатади. У мустақилликка давлат этувчи энг муҳим омиллардан бири ҳисобланиб, озодликнинг дарақчиси ва рамзи сифатида намоён бўлди. Президентлик лавозимини совет давлати ҳали пишқириб турган бир вақтда бутун Ўрта Осиёда биринчи, Иттифок бўйича эса иккинчи бўлиб таъсис этилиши зулматда чакнаган нурга ўхшаб кетди. Шунинг учун ҳам у кишиларни ҳаяжонлантириб юборди. унинг акс-садоси барча республикалар бўйлаб таралди. Шу боис Президентлик лавозимининг тикланиши биланоқ мустақиллик ва озодликнинг тиклаш масаласи узил-кесил ҳал этилди. Худди мана шу кундан бошлаб амалда Ўзбекистон мустақиллиги тикланган эди дейилса асло хато бўлмайди.

1991 йил 31 августда эса у Олий Кенгаш ва жаҳон кўзгусида эълон қилиниб расмийлаштирилди, ҳолос. Уни бошқа республикаларда таъ-

СВС ЭТИШНИ юртбошимизнинг доно сиёсатининг намунаси эди, албатта. **Шуниңдек**, Ўзбекистонда республикалар орасида биринчилар қаторида **муस्ताқилликнинг** тикланиши бошқа республикаларнинг бош кўтаришлари ва **муस्ताқилликнинг** тиклашларида далда бўлганини кўрсатиш айти муд-
досдир.

Учинчидан, мен 1991 йил 31 августда муस्ताқилликнинг эълон қилинишини инкилобий воқеа деб ҳисоблайман. Маълумки, совет даврида инкилобий ҳаракат қуролли тўқнашувлар, зўравонлик, адолатсизлик, катагонлар, камашлар, сурғунлар, тоталитар сиёсат маъносини англа-
тар эди. Бу инкилобнинг синфий курашларга асосланган ғайритабиий ва ваҳший хил ҳисобланиб, у совет давридаги ички ва ташқи сиёсатнинг акс салосидир. Ўзбекистон ва бошқа республикалар худди мана шу сиёсат гир-
добида сиқилиб, эзилиб ётган эди.

Муस्ताқилликнинг тикланиши билан Ўзбекистон қизил империя чангалидан озод этилди, бу туб ўзгариш, яъни инкилобий ўзгаришдан бошқа ҳеч нарса эмас эди. Мен, дейди Ислом Каримов, «инкилоб» сўзини яхши кўрмайман, лекин Россия телевиденияси мухбири сўз-
ларини келтиришга мажбурман: «иктисодчи олимларнинг фикри-
га кўра, Ўзбекистон Президентининг фармони ислохотлар йўлида на-
факат кескин, балки инкилобий қадам бўлди».

Агар сиёсий соҳада инкилобий ўзгариш бўлмаса иктисодда унга эри-
шиш амри маҳол эди. Бинобарин. «31 август инкилоби» сўзини ишлатиш-
га ҳамма асослар мавжуд. Совет давридаги кулдорлик тузуми кўпорилиб,
янги сиёсий ва ижтимоий-иктисодий тузумнинг ўрнатилиши инкилобий
туб ўзгаришнинг худди ўзидир. Ўзбекистонда инкилобий ўзгаришлар
муस्ताқиллик тикланганидан бошлаб то шу кунгача узлуксиз давом этиб,
жамият ҳаётининг барча соҳаларида яққол кўзга ташланмоқда.

Тўртинчидан, 1991 йил 31 август инкилоби тасодифий ва фавқулоддаги
воқеа ҳисобланмай илдилари узоқ ўтмиш даврларга бориб такалади.
Масалан, миллдан олдинги асрларда ахамонийлар, македониялик Алек-
сандр ва унинг ворисларига, сўнг халифалик, мўғуллар чор ва совет Рос-
сиясига қарши олиб борилган қахрамона курашлар шулар жумласидандир.

Зеро, Туркистон заминида ахамонийлар 200 йил, грек-македонияликлар
180 йил, араб халифалиги салкам 200 йил, мўғуллар 150 йил, Россия 130 йил
ҳукумронлик қилдилар, умумлаштирганда мазкур рақам 800 йилдан оша-
ди. Фикримизча, бундай фожияларга ақл-идрок, жасорат ва мардлик билан
душманларга қарши курашларга раҳбарлик қилишга қодир ҳукмдор ёки
оддий шахс камдан-кам етишиб чиқмаганлиги сабаб бўлган. Масалан, кей-
инги минг йилдан ошқ даврда фақат уч маротаба том маънодаги ҳукмдор-
йўлбошчи кўзга кўринди, холос.

Уларнинг биринчиси X асрда яшаган Исмоил Сомоний, иккинчиси XIV асрнинг иккинчи ярмида Амир Темур, ниҳоят, учинчиси кўз ўнгимизда Ислом Каримов ватан мустақиллигини тикладилар.

Натижада, ота-боболаримизнинг кўп асрлар мобайнида олиб борилган озодлик курашларида дарё каби оққан қонлари беҳуда кетмади. Вақти соати келиб халқимизнинг қалбидаги озодлик хис-туйғулари вулқон каби отилиб, 1991 йил 31 августда асрий орзу-истаклари ушалди. Бу тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилган ажойиб воқеа ота-боболаримизнинг мустақилликни тиклашга қаратилган курашларининг мантикий давоми ва яқунловчи босқичи ҳисобланади.

ИСТИҚЛОЛ УЧУН БИРЛАШАЙЛИК

Совет даврида украинлар, ўзбеклар, козоклар, тожиклар, киргизлар, озарбойжонлар ва бошқа халкларнинг ҳаммаси кўпдан-кўп азоб-укубатлар, киргинлар, қувгинликлар ва йўқчиликларни бошидан кечирди. Хўш, коммунистик партия сиёсатининг моҳияти ва йўналиши қандай бўлган эди?

Биринчидан, партия зўравонликка ва адолатсизликка асосланган ички ва ташқи сиёсатни юргизди. У 1917 йилдан, яъни ҳокимият тепасига чиқишидан бошлаб, «фукаралар уруши», «босмачиликка қарши кураш», «колхозлаштириш» жараёнларида халқни «спинфий душман», «реакцион унсур», «халқ душмани» сифатида қатағон домига тортди. Кейинчалик эса иккинчи жаҳон урушида асирликка тушган, ҳукуматга ёки сиёсатга тўғри келмайдиган фикр билдирган кишилар таъкиб ва тазйикка учрадилар. Шу тарих турли-туман баҳоналарни рўқач қилиб, миллионлаб кишилар камалиб, сургун ёки қатл қилинди.

Диктатор И. В. Сталин ҳукмронлиги даврида камида 40 млн киши ўлдирилганлиги маълум. Бундан ташқари, 100 минглаб одамнинг умри камокхоналар, лагерлар ва сургунларда чириди. «Қора рўйхат»га тиркалган қанчадан-қанча одамлар таъкиб ва хавотирликлар остида юрдилар. Бутун мамлакатда чакимчилик, ифвогарлик ва тухмат қилиш авжига чиқди.

Ўз фукараларини киргин қилган ва эзиб сувини ичган бундай давлатни тарих билмайди. Ҳатто ваҳшийликда донғи кетган Чингизхон ва Гитлер ҳам ўз фукараларига нисбатан бунчалик муносабатда бўлишни хаёлларига ҳам келтирган эмас. Бутун мамлакат халқлари «темир панжара» ортида ушланиб хорижий мамлакатлардан ажратиб қўйилди. Бундай ҳолат жаҳон тарихида биринчи бўлишидир. Ҳуллас, коммунистик партия инсон ва халқаро ҳуқуқларни инкор қилиб, фукараларни қаттиқ зулм исканжасида ушлаб турди. Айниқса ислом динидаги фукаралар қаттиқ жабрландилар ва оёқ ости қилинди.

Иккинчидан, партия «ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси» ҳақида ҳаминша кўпириб гапираверди. Лекин амалда чор ҳукумати вақтидаёқ ўрнатилган миллий зулмни шу даражада авж олдириб юбордики, уни таърифлашга сўз ожизлик қилади. Аввало, Ўзбекистон ва бошқа республикаларни мустақиллик ва эркинликка эришишига йўл қўймади. Тўғри, республикада партия ва давлатнинг олий раҳбарликларига ўзбеклар тайинланди. Лекин улар марказнинг итоаткор хизматкорлари эди, холос. Кўп ҳолларда

назорат ва иш юритиш руслардан тайинланган ўринбосарларнинг ихтиёрида бўлган.

Ўзбек тили эмас, балки рус тили давлат ва илм-фан тилига айлантирилган эди. Бу ҳам камдек, халқ тарихий заминларидан узиб ташланди. Ислом дини, ўтмиш тарихимиз ва миллий анъаналаримиз ҳам «хибста» олинди. Бундай ҳолатга норозилик билдирувчилар миллатчиликда айбланди ва жазоланди. Партия ва ҳукумат туб аҳолининг миллий онги ўсишини аввал бошидан бўғиб ташлади. Мехнаткаш омманинг сиёсий фаолияти шу даражада тизгинлаб ташландики, улар куллик тизимнинг азобини чека туриб, партия ва ҳукумат шаънига қарсақлар чалавердилар ҳамда миннатдорчилик билдиравердилар. Бундай қилиш самимий бўлмай, кўрkitиш, эҳтиёткорлик ва таъқибнинг маҳсули эди, албатта. Эндиликда партиянинг миллий сиёсати гирт кўзбўямачиликдан иборат эканлиги ҳеч кимга сир бўлмай қолди.

Учинчидан, коммунистик партиянинг аграр сиёсати ҳам мустамлачилик асосига эга эди. У сув ва ерларни деҳқонларнинг қўлидан тортиб олиб, давлатники қилди. Хусусий мулкчиликка ва эркин савдо-сотиқка зарба берилди. Деҳқонлар юқоридан берилган кўрсатма асосида экин экиши шарт эди. Улар ишлаб чиқариш қуролларига, хусусан, техникага эгаллик қилишдан ҳам маҳрум этилди. Ҳукумат ўз ихтиёрича деҳқончилик маҳсулотларига нарх қўйди ҳамда уларни тақсимлашни катъий суръатда белгилаб берди. Бутун республикада пахта яккахокимлигини ўрнатиб, уни арзимаган нархда олиб, деҳқонга саноат моллари ва техникани қимматга ўтказди. Деҳқонлар зиммасига турли солиқлар ва тўловлар юктатилди.

Кўп асрлар мобайнида яратилган ажойиб боғлар йўқ қилинди. Ҳатто И. В. Сталин даврида ҳар бир туп мевали дарахтга ва токка оғир солиқлар солиниши натижасида шаҳар ва қишлоқларда уларнинг қирқиб ташланганлиги эсимдан чиқкани йўқ. Пахта ва ундан тайёрланган турли туман маҳсулотлардан олинадиган даромадларнинг деярли ҳаммаси марказ чўнтағига тушди. Партиянинг аграр сиёсати чорвачиликни тушқунликка учрашига олиб келди. Бутун умри бўйи хилма-хил гўштларни истеъмол қилиб келган ўзбеклар эндиликда отиб юборса мушук емайдиган яхлаган гўштга зор бўлиб қолди. Партия раҳбарларининг ташаббуси билан бир вақтлар от, эшак ва эчкилар қувғин остига олинган эди. Натижада, бундай ҳаётий зарур уй ҳайвонларининг сони жуда камайди ва қимматлашди.

Колхозлар асосан давлат фойдасига ишлади. Ҳозирги оғир турмуш (90 йилларнинг бошидаги) колхоз тузумининг маҳсулидир. Давлат колхозчиларни янада қаттиқроқ ишлатиш ва доимий итоатда ушлаш мақсадида кўп колхозларни қарздорлик сиртмоғида ушлаб турди. Чор ҳукумати даврида ҳам худди шундай муносабат капиталистлар ва суджўрлар томонидан пахтакорларга нисбатан қўлланилган эди. Пахтакорлар қарздорлик занжирла-

рияг боғланганликлари орқасида ҳеч қачон қочолмай ишлашга мажбур бўлганлар.

Партиянинг аграр сиёсати одам, ер, сув, ҳаво, хайвонлар ва умуман, табиат оламни захарлади. Ундан захарланмаган на жонли, на жонсиз мавжудот қолмади. Ажойиб Орол денгизи қуришга олиб келинди ва харобага айлантирилди. Сунъий урчиштириш жорий этилиб, жаҳонга машҳур қорақўлчиликка қатта путур етказилди. Боғдорчилик, узумчиликнинг айрим бебаҳо турлари йўқ бўлиб кетди.

Хуллас, қишлоқ хўжалиги қаттиқ дардга чалинди. Бу ўз навбатида турли касалликлар ва ўлимнинг кўпайишига олиб келди.

Тўртинчидан, республикада саноат соҳасида ҳам муштамлақаччилик сиёсати изчиллик билан амалга ошириб борилди. Иттифок вазириликка қарашли йирик саноат корхоналари барпо этилиб, ўн минглаб кишилар кўчириб келтирилди. Уларни жойлаштириш учун зилол сувли ҳосилдор ерлар ажратилди. Бунинг орқасида кўп ерларимиз ва бойликларимиздан маҳрум бўлдик. Саноат корхоналаридан олинган даромадлар дарёдек марказга оқарди. Уларда ўзбеклардан малакали мутахассислар ва ишчилар тайёрлашга қаратилган чора кўрилмади.

Бешинчидан, марказ табиий маъданларимизнинг ҳам тўла эгаси ҳисобланган. Кўплаб олтин, уран, газ ва бошқа нодир маъданлар бемалол у ерга олиб кетилди. Пахта экишга бўлаверади, лекин бир марта яратилган олтинни ҳеч қачон топиб бўлмайди. Олтин эса узоқ тарихий даврлардан фаровонликнинг рамзи сифатида қадрланиб келган. Жаҳон бозорида олтинга хоҳлаган нарса олиш мумкин. «Олтин давлатнинг қон томирлари», деган ибора бежиз айтилмаган. Бошқа жумҳуриятларда олтин бўлганда нима қилишни ўзлари биларди. Дарҳол аҳоли намоёнлар уюштириб, «Олтинимиздан қўлингни торт!» деган хитоблар билан олтин қонларини қуршаб олган бўлур эди. Биз эса мудраб бундай қила олмадик. У бизга қимматга тушиб турган гап эди. Бироқ буни авлодлар ҳеч қачон кечирмайди. Борди-ю олтинни қазиб ишлаб чиқаришга ўзимизнинг қучимиз етмаса, ўзаро манфаатдорлик асосида хорижий мамлакат фирмаларининг ёрдамига таяниш мумкинлиги аён.

Марказ табиий бойликларимизни, хусусан, олтин ва урани шу даражада ўзиники қилиб олганки, ҳатто уларнинг ҳажми ва бераётган улкан даромад қаттиқ сир тутилган. Менсимаслик ва номардлик шунчалик бўладими, ахир! Агар марказнинг ўрнида хорижий мамлакат фирмалари бўлганда, ишлаб чиқарилган соф олтиннинг қамиди ярмини берган бўларди! Чунки уларда инсоф бор.

Энди, айрим маълумотлар асосида марказга олиниб кетилган олтинимизнинг миқдори ҳақида тўғридан беришга ҳаракат қиламан. Бу тўғрида «Известия» газетасида (1991, 14 сентябрь) шундай ёзилган: «Совет олтинида доир сирларни ошқора қилиш бир қатор сиёсий масалаларни туғдиради.

Ҳозирда кўпчиликка шу нарса маълум эмаски, СССРдаги олтиннинг анча қисми Ёкутистон, Колима ва Краснояр ўлкасида эмас, балки Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистондан олинмоқда. Бу ерда Зарафшонга яқин жойлашган даштликда турли маълумотларга қараганда, совет олтиннинг уч қисмидан кам бўлмаган ҳажми (60 фоиз рақам айтилмоқда) ишлаб чиқарилади. Шуниси қизиқки, бу ерда олтин билан бир қаторда кўп уран ҳам олинди. Бунга ўхшаш далиллар баъзи экспертларнинг жумҳуриятлардан қайси бири бизнинг социалистик иқтисодиётга кўп бойлик берганлиги ҳақидаги ўз фикрларини қайта кўришликни талаб қилади».

Бунини қарангки, табиат бизга қондан бир вақтда қимматлиги ва аҳамияти жиҳатидан бир-бирларидан қолдирмайдиган олтин ва уран сингари икки ноёб маъданни олишликни инъом қилган экан. Марказга олиб кетилаётган ўзбек олтинининг миқдорини кўрсатувчи рақамларни хавола қиламиз. Расмий маълумотларга кўра, СССРда 1986 йили 400, 1987 йили 380, 1988 йили 360, 1989 йили 340 ва 1990 йили 320 тонна олтин ишлаб чиқарилган. Агарда юқорида айтилганидек, ўзбек олтини мамлакатда бир йилда чиқалган олтиннинг 60 фоизини ташкил этишини ҳисобга олсак, у вақтда ҳар йили Ўзбекистондан ўрта ҳисобда 160-170 тонна олтин олиб кетилган. Айрим йилларда бу рақам 200 тоннагача борган.

Жаҳон бозорида олтин савдосига келсак, 1991 йил 12 сентябрда Лондонда унинг 31,1035 грами 345,25 доллар баҳода харид қилинган. Шунга биноан бир грамм олтиннинг нархи ўрта ҳисобда 11 доллар, марказ эса бизга 50 сўм тўлар экан. Бу ерда доллар билан совет пули ўртасидаги катта тафовутни, марказ олтинимиздан тайёрланган буюмларни сотишда олаётган катта даромадларни ҳисобга олсак, у вақтда олтинимиз жуда текин олиб кетилибди-да, деган фикр туғилади.

Совет ҳукумати шу даражада пастлик ва ноинсофлик қилганки, аёлларнинг тилла ва қумуш тақинчоқларини ҳам турли йўллар билан ёппасига йиғиштириб олган. 1932-33 йиллардаги очарчилик вақтларида ёпик озик-овқат дўконлари очилиб, ун, гуруч ва бошқа маҳсулотлар тилла асбоблар ва заргарлик буюмларига алмаштирилган. Менинг онам кўз ёшлари билан иккита қалин тилла биллагузук ва бир шуфт зиракни топиштириб, эвазига икки халта ун ва гуруч олгани ҳамон ёдимда. Шу тарзда аёлларнинг аксарияти авлоддан-авлодга ўтиб келаётган тақинчоқларини очликдан ўлиб қолмаслик учун арзимаган нарсаларга алишишга мажбур бўлганлар. Шундан кейин маҳалламиздаги аёллар қулоқлари тешигига ип тақиб юриб, тилла зиракка эриша олмай ўлиб кетдилар. Аёлларни тақинчоқлардан маҳрум этиш фақат моддий жиҳатдан эмас, балки маънавий томондан ҳам каттик эзганлигининг гувоҳиман.

Яқинда «Тошкент окшоми» (1991, 25 сентябрь) газетасида Ўзбек олтин ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Х.Э.Эгамбердиев ўз суҳбатига шу даражада эҳтиётлик билан гапирганки, аниқроқ маълумот олиш амри

махол. Нахотки у барчани қизиктираётган ва тўлқинлантираётган масалани очик-ойдин сўзлашга ботина олмаса. Сухбатда бош директор мамнуниятлик билан шундай дейди: «Бирлашмамиз олтин ишлаб чиқариш корхоналари томонидан чиқарилган чикиндиларни қайта ишлаш хусусида Америка фирмаларининг бири билан ҳужжат имзолади. Ер ости казилмасидан, хусусан, олтин ажратиб олингандан сўнг, чикиндиларидан яна қимматбаҳо метал олинади ва бошқа турли материаллар тайёрлаш мумкин. Масалан, айтайлик ўша чикинди казилмаларидан энг пишиқ гишт тайёрлаш мумкин экан. Шунини ҳисобга олиб, биз ҳамкорликда гишт заводи бунёд этишни режалаштирмоқдамиз. Америкаликлар ҳозирнинг ўзидаёқ, бизга ушбу корхона қурилиши учун 6 миллион доллар миқдорда қарз беришга розилик билдиришяпти».

Бу маълумотлар, алоҳида назарга олинса, фойдадан холи эмас. Бирок ўша жойнинг ўзидан 100 тонналаб соф олтинни марказга олиб кетилаётганлигини ҳисобга олиб фикр юритилса, қовунни еб, пўчоғини гадоёга отиб юборилган билан тенг аҳволни кўрамиз. Шўримиз курсин, яхшиямки, олтиннинг чикиндисини беришга розилик билдиришибди. Буни ҳам бермаганда нима қилардик? Бироқ олтин ўрнига оддий гиштни олаётганимиз ўта заифлигимиз ва ночорлигимизни намоён этади, холос.

Олтинчидан, совет ҳокимияти йилларида минг йиллардан бери авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ажойиб ҳунармандчилик, ишлаб чиқариш йўқ қилинди. Ҳунармандчилик халқимизнинг шон-шарафи ва фахри ҳисобланиб, унинг ажойиб маҳсулотлари жаҳонда донг чиқарган. Тарихий маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 100 га яқин турли ҳунармандчилик тармоқлари бўлган. Шаҳар ва қатта қишлоқларда йирик, ақли дол қиладиган ҳунармандчилик марказлари мавжуд эди. Кўп асрлар мобайнида ҳунармандчилик миллий хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда ривожланган эди.

Халқимизнинг орасидан кўп «кўли гул» мохир ҳунар усталари етишиб чиққан. Улар не машаққатлар ва изланишлар орқасида ҳунармандчилик турларини такомиллаштириб ва кўз қорачигидай сақлаб, авлоддан-авлодга ўтказиб келган. Ҳунармандчиликнинг ажойиб намуналари тарихий ёдгорликларда ёзма манбалар ва музейларда сақланиб, ҳамон жаҳон аҳлининг диққат марказида турибди.

Афсуски, партиянинг ўта зарарли сиёсати оқибатида ҳунармандчилик ўтмиш ёдгорлиги бўлиб қолди. Қани энди бозорлардаги қатор-қатор тизилган кўзларни қамаштирувчи ҳунармандчилик дўконлари ва хилма-хил маҳсулотлар? Қани энди, сеҳрли, нозик ва киши қалбини тўлқинлантирадиган ажойиб буюмлар? Йўқ, уларнинг ҳаммаси кўз ўнгимизда остин-устун қилиб ташланди. Бу халқимизнинг қўлини «тўмтоқ» қилиб қўйди. Бундай қилишдан мақсад халқимизнинг ўз-ўзини англаши ва миллий маданиятини йўқ қилиш эди. Эндилликда ҳунармандчиликнинг айрим турлари қолди.

холос. 70 йилдан ортиқ даврдаги узилиш орқасида ҳунармандчиликнинг юз йиллар мобайнида қўлга киритилган кўп сирларини ва бой тажрибасини авлодга ўтказишнинг иложи бўлмади. Бунинг салбий оқибатлари яққол кўзга ташланиб турибди.

Еттинчидан, қўшин ва лашкарбошилар халқнинг энг ватанпарвар ва жанговар қисми ҳисобланиб, мамлакат мустақиллигини ва эркинлигини ҳимоя қилади. Халқ оmmasининг моддий ва маънавий бойликларини ажнабий босқинчиларидан сақлаш уларнинг муқаддас бурчидир. Қўшиннинг жамиятдаги энг муҳим аҳамияти шундан иборатки, у халқ сиёсий онги, гурури ва жасоратининг шаклланишига кучли таъсир кўрсатади. Акс ҳолда халқ орасида соддалик, қатъиятсизлик ва бепарволик сингари ўта зарарли хусусиятлар ҳукм суради. Агарда миллий ҳарбий қисмлар ва лашкарбошилар бўлганида, ўша замонлардаёқ, айниқса халқ кўзг олонлари вақтида уларнинг кўмагида мустақилликка эришиш эҳтимолдан холи эмас эди. Улар орасидан ватанпарварлар чиқиши турган гап эди.

Бунинг устига ўзбек йигитларининг талай қисми «ҳарбий хизмат» ниқобида оғир қурилишлар ва қора ишларга жалб қилинди. Бунда уларни ҳарбий билимлардан узоқда тутиш назарда тутилган, албатта. Тўғри, совет армиясида юқори малакага ўзбек лашкарбошилари учрайди, лекин улар халқимизнинг сонига нисбатан жуда оздир. Шундай қилиб, биз 100 йилдан ортиқ давр ичида миллий қўшинсиз яшадик. Бу ғоятда ачинарли ва хатарли ҳолдир. Нахотки, тарихда қудратли қўшинларни ва моҳир лашкарбошиларни етиштирган ўзбек халқи ўз соябони ва посбонига эга бўлмаса?

Саккизинчидан, совет даврида Ўрта Осиё ва Қозоғистон Сибирга ўхшаш сургун маконига айлантирилган эди. Бу ерга ватанларидан мажбурий суръатда ҳайдалган қрим татарлар, месхти турклар, немислар, чечен-ингушлар ва бошқа халқларнинг вакиллари ҳайдаб келтирилди. Шунингдек, кўплаб камоқхона ва лагерлар қурилиб, уларда ўн минглаб одам азоб-уқубатда ва хўрликда ҳаёт кечирдилар. Улар орасида ўзбеклар ҳам оз эмас эди.

Ўзбек халқи ўз ватандан ваҳшийларча жудо этилган халқларга уй-жой, кийим-кечак ва озиқ-овқат берди. Оғир ва машаққатли кунларда уларнинг бошлари силанди ва кўнгли олинди. Бу билан ўзбек халқи ўзининг олижаноблиги ва бағри кенглигини яна бир бор намойиш этди. Аммо ўзбек халқи ҳам сургун деган балодан четда қолмади. Ер ислохотлари ва колхозлаштириш йилларида минглаб ўзбеклар қулоқ қилиниб, узоқ жойларга жўнатилиди. Уларнинг ер ва мулки тортиб олинди ва ҳайвонларча муносабада бўлинди.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, яқин йилларда ҳам ўзбекларни ўз ватанидан жудо қилиш ва уларнинг кўпайиб боришини тўхтатишга қаратилган ҳаракатлар бўлди. 1987 йили «История СССР» журналинда «Особенности этнографических проблем в Средней Азии и пути их решения» номли мақола

чоп этилди. Бунда ўзбек халқининг кўпайиб бораётганидан ваҳимага тушган муаллиф Б.И.Козлов куйидаги таклифларни баён этган: «Шуни қатъий шпонч билан айтиш лозимки, 2000 йилга бориб ўзбекларнинг сони 25 млн га яқинлашади. Улар ҳар йилги туғилиш сони бўйича Украинани ортда қолдириб, келажакда сон жиҳатидан мамалакатда 2-ўринли эгаллайдилар. Табиийки, мамлакатда бундай миллий структуранинг ўзгариши уни тарихан ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Аммо бу масала махсус ўрганишни талаб этади. Ўрта Осиё кишлоқларида иктисодий-демографик вазиятни яхшилашга икки йўл билан эришиш мумкин. Улардан бири аҳолини кишлоқлардан ўзининг жумҳуриятидаги шаҳарларга ва узок масофадаги кишлоқ жойларга, хусусан, РСФСР вилоятларига кўчиришни ривожлантириш лозим. Ўрта Осиёнинг этнодемографик масаласини тубдан ҳал қилишнинг йўли туғилишни қисқартиришдир».

Мазкур сатрлардаги ўзбекларни мамлакатнинг турли жойларига тарқатиб юбориш ва улар кўпайишини тўхтатишга қаратилган фикрларнинг тагида мустамлакачилик ғояси ётибди. Мақсад туб аҳолини тўзатиб, ерларини ва бойлиқларини тамоман ўз қўлига олишдир. Шунга хайрон қоладик киши, бундай умуммиллат манфаатларига зид ҳаракатларни республикада қувватловчи шахслар тошилди. Улар матбуот ва телевиденида туғилишни қисқартиришга даъват эдилар. Ҳатто Россиянинг узок вилоятларига кўчиб борувчилар бўлди. Яхшики, жумҳурият раҳбарлиги ўзгариб, у ҳаракатлар чиппақка чиқди. Ўша мақоланинг муаллифи Ўрта Осиё ва Қозоғистонга Россиядан одамларни олиб келиб жойлаштирилишини қатъий равишда тўхтатиш зарурлигини талаб қилганда адолатли бўлар эди.

Хулоса шуки, Ўзбекистон кейинги 130 йил мустамлакачилик ва миллий зулм сиртмоғида яшади. Тўғри, совет даврида халқ маорифи, олий ва ўрта маълумот, фан ва маданият анча ўсди. Бу ҳақиқатни инкор этиш адолатдан эмас. Бирок бу ўзгаришлар миллий давлатимиз, миллий тилимиз, снёнсий ва инсон ҳуқуқларини барбод қилинган шароитда содир бўлди. «Темир панжара» ичнда таъкиб, ҳавопирлик ва йўқчиликда туғилиб ўсган одамларнинг зехни ва дунёқараши ўзгача бўлиб, истеъдодли кишилар камданкам учрайди. Шу боисдан кўпчилик мактаб ва олий ўқув юртларининг билим бериш даражаси ниҳоятда пастдир. Эркисизлик одамларни шу даражага олиб келдики, улар билим ўчоқларидан унумли равишда фойдаланишга уқувлари етмади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, совет давридаги фан ва маданиятнинг ўсиши биз учун янгилик эмас. Негаки, Ўзбекистон кўп асрлик тарихи давомида жаҳон маданиятининг ўсишига таъсир кўрсатган ўлкадир. Х асрдаёқ Бухорода олий ўқув юрти – мадраса очилган, XI асрнинг бошларида Хоразмда эса илк академия юзага келган. Замон такозоси билан тарихимизда тушқунлик даврлари ҳам бўлган. Лекин бу ўтқинчи ҳолат бўлиб, вақти келиб тараккиёт йўлига ўтилиши табиий эди.

Агар биз кейинги 130 йиллик даврда мустақил бўлганимизда, ҳозирги вақтга нисбатан минг маротаба ортиқ фаровонлик ва тараққиётда ҳаёт кечирган бўлардик. Факатгина нефти билан ривожланиб кетган мамлакатларни кўриб турибмиз. Биздаги бойликларнинг турлари ва салмоғи бир неча маротаба кўп. Шунинг учун кейинги 70 йиллик даврга сажда қилиш, мағзини чакмай, кўкларга кўтариш нодонликдир. Совет давридаги ўзгаришлар бизга шу даражада қимматга тушдики, уни бартараф қилиш учун неча йиллар керак.

Тўққизинчидан, шу кунларда «қизил империя»нинг қулаши ва Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Шундай бўлиши муқаррар эди. Ўта мустамлакачилик ва миллий зулм асосида барпо этилган Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи (СССР) узок яшаши мумкин эмас эди.

Хўш, СССР қай тарзда ва қандай мақсадларда ташқил этилган эди? Бу Иттифокнинг асл моҳиятини Туркистон халқлари тақдирини мисолда ҳам яққол англаш мумкин. Маълумки, коммунистик партия миллий давлат чегараланиши сиёсатини юргизиб, Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР, Туркменистон ССР, Тожикистон ССР, Қирғизистон ССР, Қорақалпоғистон АССР ва Тоғли Бадахшон АССР сингари жумҳуриятларни юзага келтирди. Амалда ўлкаларни бу тарзда парчалашдан мақсад турли бойликларни талаш ва туб аҳолининг бирлиги ва куч-қудратига зарба беришдан иборат эди. Партия ери бир, суви бир, дили ва дарди бир ўзбеклар, тожиклар, козоклар, қирғизлар, туркманлар ва қорақалпоқларни сиёсий ва ижтимоий жиҳатлардан бир-бирдан ажратиб, улар орасига тўсик қурди. Натижада, коммунистик партия усталлик билан Ўрта Осиё жумҳуриятларини марказга, хусусан, РСФСРга қарам қилишга муваффақ бўлди. Оқibatда, мазкур жумҳуриятларда мустақиллик ва эркинликдан асар ҳам қолмади.

СССР номи билан никобланган бу қалбаки иттифок жумҳуриятларни талашга хизмат қилди, ҳолос. Шунга қарамай, коммунистик партия СССРнинг ташқил этилишини «Октябр инқилобининг буюк мўъжизаси» деб баҳолаб, кўкларга кўтариб мақтаб келди. Ҳатто у, эркинлик ва тенглик, фаровонлик ва адолат рамзи сифатида бутун дунёга кўз-кўз қилинди. Ваҳоланки, ўша «буюк мўъжиза»нинг негизида ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилган мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулм ётарди. Москвада СССРнинг «умумиттифок қозони» барпо этилиб, унга Ўзбекистондан ва бошқа жумҳуриятлардан беҳисоб бойликлар ва турли-туман даромадлар қуйилаверди. Жумҳуриятларнинг ўша тағи баҳайбат қозондан оладиган улуши бамисоли «денгиз сувидан бир томчи»га тенг эди.

Коммунистик партия СССРни саклаб қолишда ҳеч нарсадан — зўравонлик, кўркитиш, таъқиб ва кўзбўямачиликдан тоймади. Партия, аввало, жумҳуриятлар раҳбариятини «гаҳ деса, қўлга қўнадиган» қилиб олди. Ўз навбатида бу раҳбариятлар ҳам ўз қўл остидаги қағта-кичик раҳбарлар

устидан шу тарзда иш юритдилар. Партия онгли равишда турли карор ва кўрсатмаларини кўр-кўрона ва ўта итоаткорлик билан адо этувчи сиёсий бошқарув тизимини шакллантирди. Бундай ҳолат раҳбар ходимларни мустақил фикр юритиш, ташаббускорлик ва жасоратдан маҳрум қилиб, уларда, фурсатдан фойдаланиб, шахсий манфаатлари йўлида иш юритишлик ва кўзбўямачиликни авж олдиртирди.

Ўнинчидан, коммунистик партия жумҳуриятлардаги миллийликни йўқотиш учун уларни кўп миллатли ўлкаларга айлантиришга қаттиқ бел боғлаб келди. Бу соҳада айниқса Ўзбекистонда катта ишлар амалга оширилди. Бу ерда иттифокнинг турли томонларидан туб аҳоли орасига бошқа халқлар жойлаштирилди. Бу оқим учун кенг йўл очиб берилди. Бундан мақсад вақти келиб, туб аҳолини бошқа халқларга аралаштириб юбориш эди, албатта. Бундан ташқари кўп миллатли жумҳуриятларда зарурат туғилса, нстаган вақтда миллий низолар чиқариб, кўзлаган мақсадларга эришиш имкони бекиёс катта бўларди. Бу, хусусан, Ўш, Фарғона воқеаларидаги кечмишлар ва уларнинг оқибатларида жуда яққол кўринди. Шуниси ажабланарлики, жумҳурият раҳбарлари ҳатто кўп миллатчиликнинг мағзини чакмай, уни фахр ила тилга оладиган бўлдилар.

Ўн биринчидан, коммунистик партия тиш-тирноғи билан динга қарши курашди, омманнинг маънавий жиҳатдан қашшоқланишига сабабчи бўлди. Ваҳоланки, дин юксак одоб-ахлоқ рамзи сифатида кишилик жамиятининг ажралмас қисми бўлиб келган. Хусусан, Қуръони каримдаги ақидалар шу даражада ҳаётийки, улар миллиати ва эътиқодидан катъи назар ҳар бир ихлосманд инсонда олий инсоний фазилатларнинг шаклланишига йўл очиб беради. Шу сабабдан ҳам бу муқаддас асар юз йиллар илгари инглиз, немис, француз, рус ва бошқа хорижий тилларга таржима қилинди, ҳатто машҳур рус шоири Пушкин Қуръони каримга атаб дoston ҳам битган эди.

Ана шундай буюк ислом дини коммунистик партия томонидан қаттиқ таъқиб остига олинishi жаҳон тарихида энг даҳшатли фожиа сифатида баҳоланади. Бундай қилишдан мақсад ўзбекларни миллий анъаналар-юксак ахлоқий кадриятлар ва, умуман, бир неча минг йиллик маданиятидан маҳрум этиб, уни «совет турмуш тарзи» қолипида яшашга мажбур этиш эди. Бу борада бирламчи вазифа бир ярим минг йиллар мобайнида маҳаллий халқ турмуш тарзига, авлодлар қон-қонига сингиб кетган эътиқодини, хусусан, ислом динини кўпориб ташлашдан иборат эди.

Дин пешволари «халқ душманлари» сифатида отилди ёки қамалди, бадарға этилди. Диний ва фалсафий асарлар ёқилди ё бўлмаса улардан фойдаланиш тақиқланди. Араб имлосида битилган ҳар қандай асарни саклаш хавф туғдиргани сабабли кўплаб қимматбаҳо китоблар девор ораларига бекитилиб суваб юборилди, қабристонларга кўмилди. Масжид, мадрасалар харобага айлантирилди, айримлари эса турар жойларга мослаштирилиб, уларга Росенядан кўчириб келтирилганлар жойлаштирилди.

Асрлар давомида мусулмонлар учун муқаддас бўлиб келган масжидларга «ғайри динлар»нинг кўчиб кириши маҳалламиз аҳли орасида йиғи-сиғи билан қарши олингани хануз кўз ўнгимизда. Бундай хатти-ҳаракатлар жафокаш кишилар иззат-нафсини, энг аввало, ислом динини оёқ ости қилиш ва хўрлашдан бошқа ҳеч нарса эмас эди. Тўғри, кейинчалик И. В. Сталин динга бир оз йўл берди, лекин бу «хўжа кўрсин»га қилинган иш эди, холос.

Ҳозирда демократия ва ошкоралик туфайли ислом динига кенг йўл очилди, аммо ўртадаги катта узилиш даврини тўлдириш учун улкан меҳнат талаб қилинади.

Ўн иккинчидан, совет даврида, хусусан, 20-50 йилларда тарихий ва маданий ёдгорликларга ваҳшийларча муносабатда бўлинди. Маданий меросга бўлган бундай муносабат чоризм давридаёқ яққол кўзга ташланган эди. 1913 йил рус зиёлиларидан бири Вяткин, Туркистон генерал-губернатори Самсонов Самарқанд ёдгорликларини томоша қилаётганида, тарихий обидаларни таъмирлашлари учун маблағ ажратилларини сўраган. Бунга жавобан, Самсонов, «рус давлати манфаати уларни саклаб қолишни эмас, аксинча, кўпориб ташлашни талаб қилади», деб жавоб берган. Шу дақиқада генералнинг адъютанти эса «бунинг учун замбараклар ўқидан фойдаланиш даркор», деб қўшиб ҳам қўйган. Совет даврида ана шундай замбарак ўқларидан фойдаланиб юзлаб ажойиб ва бетакрор тарихий обидалар бузиб ташланди ёки харобага айлантирилди. Турғунлик даврида тарихий ёдгорликларга муносабат бир мунча ўзгарган бўлса-да, аммо бу соҳада ҳам марказ ўз манфаатлари илнжида бўлиб, сайёҳлар ҳисобига йиғиладиган миллионлаб валюта яна ўша «тубсиз қозон»га тушаверган, ўзбек халқи эса бир мириксиз қолаверган.

Мазкур мақолада ўтмишда мустақилликни қўлдан бериш сабаблари ва бунинг ғоятда фождали оқибатлари ҳамда келажақда унинг олдини олиш ҳақидаги айрим мулоҳазаларни баён этишдан мақсад ҳар бир ўз ватанига содиқ инсон уларни инобатга олиб, Ўзбекистон Президентининг таянчи сифатида ватан химояси учун ҳаминша тайёр туришига даъват этишдир. Агар тарихдан сабоқ олинмаса, яна қулликка мубтало бўлиш ҳеч гап эмас.

Хўш, Президент Ислом Каримовни қувватлашга асос борми?

Саволга жавоб беришдан олдин бир нарсага эътибор қаратиш лозимки, масалани бу тарзда қўйиш баъзи одамларга ғайри-табиий кўринади. Чунки илгари бизда давлат арбоблари ва улар фаолиятини йиғилишлар ва газеталарда ҳолис таърифлаш тақиклаб келинган эди. Эндиликда бундай ўта зарарли одатдан холи бўлиш вақти келди.

Мен Ислом Каримов билан шахсан таниш эмасман, лекин у кишининг фаолиятини тарихчи сифатида кузатиб келаман. Унинг фаолиятини, қилган ишларини тўла тасаввур қилиш учун, аввало, Шароф Рашидов вафоти (1982 й.)дан кейинги йилларда ишлаган икки раҳбар даврида юзага келган вазиятни ёдга олмак зарур. Бу вақтларда Ўзбекистонда рус шовинни-

мининг янада кучайиши учун қулай шароит яратилди. Бунга қўп жиҳатдан раҳбарларнинг табиятан ўта жасоратсизлиги ва қўлтабиатлилиги сабаб бўлди. Улар халқнинг, умуман, Ўзбекистоннинг аҳволи нима бўлса бўлсин, лекин ҳокимият тепасида ўтирсак, бас, қабилда иш юритдилар. Натижада шовинизм авжига чиқиб, халқимизнинг моддий ва маънавий турмушига катта путур етказилди.

Марказ ва унинг жумҳуриятдаги ҳамтовоқлари ўз ғайриқонуний ва халққа қарши ҳаракатларини партиянинг XVI пленуми қарори билан николадилар. Улар бу қарор асосида тергов, камаш ва қувғин қилишни жадаллик билан амалга ошириб бордилар. Кимки «пичокка илинса» бас, ўша хибсга олиниб, жавобгарликка тортилди.

Марказдан туяни чайнамай думиғача ютиб юборувчи «устозлар» Ўзбекистонга ёпирилиб, вилоят, шаҳар, туманнинг юқори раҳбарлик лавозимларида, шунингдек суд, прокуратура ва милицияда ишладилар. Махсус кўрсатмалар асосида илмий муассасалар, олий ўқув юртлари, колхоз ва савхозлар ва бошқа турли ташкилотларда комиссиялар кетма-кет фаолият кўрсатиб, улар катагонидан халқнинг дод-фарёди осмону фалакка етди.

Шундай кескинлашган мураккаб бир шароитда Ислом Каримов сиёсий майдонга чиқди. Ислом Каримовнинг давлат режа кўмитаси, молия вазирлиги ва вилоят раҳбарлигидаги фаолияти даврида тўплаган тажрибаси муҳим эди. Чунки иқтисод ва молияни яхши билганлигидан уни марказ тузоққа туширишининг иложи йўқ эди. Республикага шундай кишининг раҳбар бўлиши сув билан ҳаводек зарур эди.

Ислом Каримов Ўзбекистонда раҳбарликни бошлаганида, унинг олдида ватанпарвар ва билимдон кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, Ўзбекистонни ботқоқликдан қутқариб ва халқни эркин нафас олиши ва баракали меҳнат қилиши учун шарт-шароит яратиш вазифалари турар эди. Бу мураккаб ва оғир вазифани хали марказ сиртмоғидан чиқмасдан туриб амалга ошириш катта жасорат, матонат, билим ва юксак сиёсий маҳоратни талаб қиларди. Ислом Каримов қисқа вақт ичида мазкур масалаларни муваффақиятли ҳал қилиб, ўз мавқеини мустаҳкамлаб олди. Айни вақтда, у бошлиқ ҳукумат раҳбарлари ўта муҳим иқтисодий ислохотларни биринкетин амалга оширишни бошлаб юбордилар.

Айниқса ўзининг киндик қони тўкилган жойда бир парча ерга зор бўлиб юрган минглаб кишиларга ер берилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Қашшоқлашган дехқон оммасининг ҳаётини яхшилашга қаратилган бир қанча муҳим чоралар амалга оширилди. Эндиликда дехқон меҳнатига яраша ҳақ олиш ҳуқуқини тобора эгаллаб бораётди. Туман ва кишлоқ аҳлини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш борасида қатор улкан ишлар белгиланмоқда. Жумҳурият иқтисодини кўтаришга қаратилган бошқа муҳим ишлар ҳам амалга оширилди, лекин бир мақолада улар ҳақида батафсил тўхталиб ўтишнинг иложи йўқ.

Оғир иктисодий ахволга қарамай маънавий ҳаётни юксалтиришга қаратилган тadbирлар адо этиляпти. Халқ маорифи, олий ва ўрта таълимга ғамхўрлик кучайтирилмоқда. Бир қанча университетлар, олий ўқув юрглари ва бошқа билим масканлари очилди.

Қоғоз танқислиги каби муаммоларга қарамай янги нашриётлар, газета ва журналлар таъсис этилди. Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши миллий маданиятни ривожлантиришдаги ҳаракатлар ўта катта аҳамиятга моликдир.

Ислом Каримов иттифок тарихида М.С.Горбачевдан кейинги президентлик лавозимини эгаллаган иккинчи давлат арбобидир. Ўша вақтларда Ўзбекистон халқ марказ панжасида яшаётган бир пайтда она юртда президентлик лавозимини жорий этиш ва қафиллигини олиш мардликнинг ёрқин намунаси эди. Бу сиёсатнинг ҳаётинлиги шу даражада оқландики, қардош жумҳуриятларнинг бош раҳбарлари ўрناк олиб президентлик лавозимини таъсис этдилар. Ўзбекистонда президентлик лавозимини ўрнатилш шунчаки бир сиёсий маъмурий ўзгаришгина бўлмай, унинг негизида жумҳурият мустақиллигини таъминловчи катта сиёсий ва ижтимоий-иктисодий масалалар ҳамда халқаро алоқаларни ҳал қилиш ётарди.

Ҳозирда жумҳурият аҳли шунга гувоҳки, улар расамади билан ҳаётга татбиқ қилинмоқда. Ўзбекистонни ташқи дунёдан ажратиб қўйилган темир панжарани ёриш, халқаро майдонга чиқиш ва хорижий мамлакатлардаги ватандошларимиз билан яқиндан алоқа ўрнатилш сингари мураккаб масалалар ҳам амалга оширилмоқда. Юқоридаги фикр-мулоҳазаларим билан бир қаторда қуйидаги тақлифларимни ҳам изҳор этаман.

Чор ҳукумати ва совет даврида Туркистоннинг маҳрум қилинган сиёсий фаолиятини тубдан ривожлантириш ҳозирги куннинг долзарб масаласидир. Бунга эришилса, халқда шундай бир мўъжизакор куч шаклланадими, у ҳар қандай шароитга, ҳусусан, йўқчиликка, баъзи қийинчиликларга бардош бериб ва қаршиликларга мардона туриб ғалабага эришади. Натижада мустақиллик ва эркинлик метиндек мустаҳкамланиб абадул-абад яшайверади.

Маълумки, собиқ СССРда ва умуман «социалистик лагер»да оламда тенги йўқ табиий ресурслар, ишчи қучлари ва бепоён ерлар бўла туриб садақа сўрашгача келинди. Бунга, асосан, халқнинг сиёсий фаолиятдан бутунлай маҳрум қилинганлиги сабаб бўлди. Ҳозирда тараққиёт чўққисига кўтарилган мамлакатларнинг аксариятида ўзларининг табиий бойликлари оз ёки умуман бўлмаса-да, халққа сиёсий ҳуқуқ ва эркинлик берилганлиги учун тобора илғорлашиб бормоқдалар. Бунга айниқса Япония яққол мисолдир. Борди-ю иктисодиёт солинган тарозининг бир палласи босиб, иккинчи палласидаги сиёсат енгиллик қилса, у вақтда жамиятда мувозанат бузилади. Оқибатда, жамият бамисоли ёғ босиб семирган, хафсаласиз, мудрайдиган одамга ўхшаб қолади. Бу тоифадаги одамларнинг устига миниб олиш жуда осон.

Ривожланган мамлакатларда сиёсий онг ва кураш одамлар конига шу даражада сингиб кетганки, катта митинг ва намойишларнинг юзага келиши кеч гап эмас. Хатто бегона мамлакатда адолатсизлик содир бўлса ҳам, улар иштиёрий равишда унга қарши бош кўтардилар. Қани халқимиз кўпчилик қисмини ўзимизнинг манфаатларимиз учун ўрнидан турғазиб кўрингчи. Бундай ҳолга тушибди айб халқда эмас, банкн узок вақтлар мобайнида мустамлакалик гирдобиди яшашлик сабабдир.

Шуни унутмаслик керакки, ҳар бир меванинг пишиб ётиладиган маълум мавсуми бор. Шунга ўхшаш халқнинг сиёсий фаолиятини шакллантириш ва чиниктиришга зарур шарт-шароит бўлиши керак. Ҳозир бизнинг жумҳуриятимизда худди шундай вазият мавжуд. Агар бу жуда қулай фурсатдан унумли фойдаланиб, сиёсий онг ҳамда сиёсий фаолликни халқнинг қон-қонига сингдирилмаса, кейин унинг нафи бўлмайди.

Нақлга кўра ёшлиқда ўзлаштирилган ҳунар ва билим тошга, ўрта ёшдагиси кесакка, қарликдагиси эса кумга ёзилишига тенглаштирилган. Ҳозирда биз мустақиллик ва эркинликка асосланган сиёсий ҳаётнинг дастлабки йилларида, яъни ёшлиқда турибмиз. Бу фурсатни қўлдан бой бермаслик керак. Халқ сиёсий фаолиятини кучайтиришда матбуот, радио ва телевидениенинг ахамияти каттадир. Бу соҳада, айниқса «Шарқ юлдузи» ва «Мулоқот» журналлари, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газеталарининг қилаётган ишларини мамнунлик билан кўрсатиб ўтиш лозим.

Бирок иш ҳали кенг қулоқ ёйгани йўқ. Буни қарангки, телевидение кўрсатувларида қурувчиларнинг гишт тераётгани, дала меҳнаткашларининг трактор ёки пахта териш машинасини тузатаётганлиги, мол боқаётгани, лавлаги қовлаётгани, қўй боқаётгани ёки сизир соғаётгани, қарам ёки узум узатганлиги ва маънавий озуқа бермайдиган бошқа хилма-хил нарсалар ўрин олган. Бунга сарфланган эссизгина вақт, маблағ ва оворагарчиликлар. Агар қишлоқ хўжалиги газета, радио ва телевидение орқали рағбатлантирилиб ривожлангани бўлса эди, совет даврида у энг тараккий этган соҳа бўлиб қоларди. Негаки, уларда эрта-ю кеч қишлоқ хўжалиги ҳақида сўз юритиларди.

Сиёсий жанговарлик жамиятга ҳаво билан сувдек зарур. Тарихда унга эришмоқ учун қўлдан-қўл қонлар тўкилган. Унинг учун берилган қурбонликлар ва иқтисодий талафотлар пировардида ўзини тўла оқлайди. Йўқчилик ва шароит барқарорсизлиги ўткинчи нарсаси. лекин сиёсий фаоллик ва жанговарлик бўлмаса, ҳар қандай шароитда қуликка мубтало бўлиш турган гап.

Ўзбек халқи жаҳоннинг фақат моддий эмас, балки сиёсий ҳаётдан яқиндан хабардор бўлгандагина ҳар томонлама ривожлана олади. Бу масалани кенг равишда халқимиз онгига сингдириш фойдадан холи эмас.

Умуман, иқтисодий ва сиёсий вазифалар мутаносиб равишда изчилик билан амалга оширилгандагина мўлжалланган маррага етилади. Борди-ю,

сиёсий фаоллик ва жанговарлик сусайиб орқага кетса, кўнгилсиз ходисалар юз беради. Негаки, «коса кунда эмас, кунда синади» деганларидек, вақти келиб зарурият туғилса, сиёсат машқини ўтмаган халқнинг бирлашуви ва «жанг»га отланиши жуда кийин бўлади. Бу ерда бамисоли учувчилик хунарини билмаган киши тасодифан самолётни бошқаришга мажбур бўлиб ҳалокатга учраганга ўхшаш ҳолат содир бўлади.

Сиёсий фаолиятнинг сустиги шунга олиб келмоқда-ки, ўзбек тилига давлат мақоми берилиши катта тарихий воқеа ҳисобланган бўлса-да, лекин уни изчиллик билан амалга ошириш сезилмаётир. Ўтказилаётган кенгашлар ва газеталарда мақолаларнинг чиқиши яхши-ку, амалий чоралар етарли даражада эмас. Бу кетишда белгиланган муддатда ўзбек тилини чинакам давлат тили бўлиши кийин. Ҳозирданок шаҳарлардаги шароити кўтарадиган корхоналарда ўзбек тилида иш юритишни бошлаб юбориш керак.

Раҳбарият томонидан берилаётган ва матбуотдаги маълумотларга кўра, табиий бойликларимиз, хусусан, олтин ва уран каби ноёб маъданлар, собиқ иттифок қарамоғидаги йирик саноат корхоналари тақдири масалани аниқ ва узил-кесил ҳал бўлмаган. Мазкур манбалардан келаётган миллиард-миллиард сармоя қўлдан чиқиб кетаётгани ҳар бир ватанпарварни ташвишга солаётгани аниқ. Пахтани сотаямиз, деб олтин ва уран масаласидан чалғиш ёки чалғитиш ўта зиёнлидир. Табиий бойликларимизни, барча саноат корхоналарини амалда ва тезда ўз тасарруфимизга ўтиши мустақиллигимизни таъминловчи ва халқро доирага тортувчи асосий омиллардан эканини ёддан чиқармаслик даркордир. Мазкур масалаларни ҳал этишда матбуот, радио ва ойнаи жаҳон имкониятларидан фойдаланиб, ўз ҳуқуқларимизни баралла талаб қилмоғимиз, халқни жалб этмоғимиз муҳим деб ўйлаймиз.

Хулоса шуки, жуда қисқа вақт ичида Ислоҳ Каримов бошлиқ жумҳурият раҳбарияти, халқ депутатлари ва зиёли вакилларининг саъй-ҳаракатлари туфайли Ўзбекистон мустақиллачилик сиртмоғининг занжирини узди, мустақиллик ва эркинлик йўлига отланди. Ҳозирда камчилик ва нуқсонларни рўқач қилавермай, «бургага аччиқ қилиб, кўриани қуйдирмасдан» қўлга киритилган тарихий ютуқларнинг барбод бўлишига йўл қўймайлик. Мустақиллик ва эркинликни шахсий манфаатлар ва ўзаро низолардан устун билиб, биргаликда мардонавор давом эттирайлик. Мен шахсан Ислоҳ Каримовни ўзи бошлаган буюк ўзгаришларни охиригача етказишига ишонаман.

Келинг азизлар, сиёсий, иқтисодий, маданий масалаларимизни ҳал этишда президент атрофида метиндек жинслашайлик. Тарих бизга қўлиб боққан асрий лаҳзалардаги мингдан бир имконни қўлдан бой бериб қўймайлик.

МУСТАКИЛЛИКНИНГ БУЮК САМАРАСИ ЎХУД ОЛТИН ДАВР ТАНТАНАСИ

Миллий давлат, қўшин ва демократик бошқарув тизими яратилди

Мустақиллик шарофати ила Ўзбекистонда миллий давлат ва қўшин шакллантирилиб, конституция, байроқ, мадҳия ва герб жорий этилди. Фуқароларга сиёсий ва инсоний ҳуқуқларни берувчи конституциянинг яратилишининг ахамияти бекиёс қагга бўлди. Унда республикада истиқомат қилаётган барча миллат вакиллариининг тенг ҳуқуқлиги ўз ифодасини топди. Биламизки, кўп асрлик тарихимиз мобайнида том маънодаги демократия кўрилмаган эди. Республикада ўрнатилган олий даражадаги бошқарув тизими мустақиллик туфайлигина биринчи маротаба ҳаётга талдиқ этилди. Парламент қонунларни чиқариш ва такомиллаштириш билан шуғулланиб, қонун устворлиги, яъни ҳуқуқий давлатни шакллантиришда улкан ютуқларга эришилмоқда.

Республикада 70 йилдан ортиқ ҳукм сурган кулдорлик давлати илдизи билан қўпорилиб, хусусий мулкчилик, эркин бозор ва эркин ишлаб чиқаришга асосланган тамомла янги давлат тизими бунёд қилинди. Бу билимдонлик билан олиб борилаётган сиёсат ва курашнинг махсули эди, албатта. Ўзбек халқи 130 йиллик мустамлака даврида ўзининг миллий қўшинидан маҳрум қилинган ҳолда яшади. Шу боис замонавий техника ва яроғ-аслаҳа билан шайланган миллий қўшинни тузилиши ва жангворлигини оширилиши ғоятда муҳим воқеадир.

Мустақил давлат ташкил қилиниши билан бир қаторда ҳокимиятнинг юқори ва қуйи бўғинларини миллий ходимлар билан тўла таъминлаш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Ўзбек тилига давлат мақоми берилиб, раҳбарлик доираларидаги ишлар ўзбек тилида олиб боришмоқда. Миллий пулнинг чиқарилиши ҳам мустақиллик рамзларидан бири сифатида намоён бўлди.

Тамомла янги ўзбек дипломатияси шакллантирилиб, кўплаб хорижий мамлакатлар билан алоқалар ўрнатилиб, элчихоналар очилди. Давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувлари тобора авж олиб,

тараққиётни таъминлашга салмоқли хисса кўшилди. Ўзбек байроғи жаҳон узра ҳилпиллаб, мадҳияси жаранглаб турибди. Бир вақтлар дунё харитасидан ўчирилган Ўзбекистон эндиликда обрў-эътибор қозониб, шон-шухрати олам узра тарадди.

«Темир панжара» кўпорибди

Бу дунёда кўп қатта-кичик давлатлар ҳукмронлик қилганлар. Бирок уларнинг орасида совет давлатига ўхшаб ўзининг фуқароларини оммавий равишда қирган ва уларни мисли кўрилмаган қаттиқ назорат ва таъкиб остида ҳамда «темир қафас»да ушлаб турганини топиш қийин. Бошқача бўлиши мумкин эмас эди. Чунки совет давлати олдинги саҳифаларда кўрсатилганидек қулдорлик тузумини барпо этиб, миллионлаб одамларни зўравонлик билан қулга айлантирган эди. Бу тизимни сақлаш ва фаолиятини таъминлаш учун қулларни қаттиқ назорат ва таъкиб остида нишлаши, қочиб кетмаслиги учун ташқи дунё билан алоқадан маҳрум қилишни тақоза этиларди.

Маълумки, узоқ ўтмиш замонларда ҳам қулларни қочмасликларини олдини олиш учун уларнинг танасига тамга босилган ва чет мамлакатларига боришларига йўл берилмаган. Совет давлати ҳам шунга ўхшаш иш юритиб, фуқароларини чет эллар билан мулоқотда бўлиши ва бошқа давлатларга боришларини тақиқлади. Бу тadbир шу даражада қаттиқ қилинганидан чегарадан бемалол ўтиш амри маҳол эди. Бу бежиз қилинмаганди, албатта. Қулдорлик тизимининг моҳияти бўйича қуллар давлатдан титраб қўчийдиган ва кўркканидан ўта итоаткор ва ёввош, зехни паст, бамисоли «гапирувчи ва жонли иш қуроли» бўлиши лозим эди.

Шунинг учун ҳам коммунистик партия фуқароларга сиёсий ва инсоний ҳуқуқларни бермай, миллий ҳис-туйғулар, ўз-ўзини англаш, жасорат ва мардликни бўғиб ташлади. Уларнинг чет элдаги тараққиёт ва фаровон ҳаётдан таъсирланмаслиги ва онги очилмаслигилиги учун бошқа давлатларга боришларини тамомил тақиқлади.

Совет давлатининг сиёсати ўз самарасини бериб, фуқаролар Ленин, Сталин ва партияга сиғинди, олқишлади, кўкларга кўтариб мактади. Чунки уларнинг онги ва қалби коммунистик ғоя билан қопланганди. Бу ғоя одамларнинг онги ва қалбидаги миллий ҳис-туғулар, ўзини англаш, шаъни ва қадр-қимматини суриб ташлаб, зўрлик билан сингдирилган эди. Натижада, фуқаролар учун коммунистик ғоя энг адолатли ва қудратли ғоя бўлиб қолганди. Ваҳоланки, коммунистик партия одамларнинг бошига очарчиликлар, катагонлар, қамаш ва сурғунларни, назорат ва таъкиблар ёмғирдек ёғдирганди. Шунга қарамай, фуқаролар «гах деса қўлга, қўнадиган» қилиб

қўйилганлиги боис онгсиз равишда коммунистик партияга тинимсиз сиғинаверди. Бироқ бу сиғиниш ихтиёрий ва сидқидиллик билан шаклланмай, вахшиёна сиёсатнинг маҳсули сифатида намоён бўлган эди. Шунинг учун ҳам Сталин ўлимидан кейин партия пленумида кораланганда, унга қарши ҳеч ким бош қўтармади. Пленумнинг қарори қуйи партия ташкилотларида муҳокамага қўйилганда ҳам қаршилик кўрсатилмади. Ҳатто 1991 йили совет давлати ағдарилаётганида ҳам халқ оммаси томошабин бўлиб туради. Аммо озодлик ва эркинлик руҳидаги кишилар туғайли совет империясига қашатқич зарба берилиб, «темир панжара» кўпорилди. Бу тарихий ғалабадан сўнг Ўзбекистон мустақиллиги тикланиб, хорижий мамлакатлар билан элчилик, иқтисодий ва маданий алоқалар барқ уриб ривожланиши билан бир қаторда оддий кишиларнинг Европа ва Америка сингари мамлакатларга бемалол боришларига кенг йўл очилди. Ҳозирда ўзбеклар бормаган мамлакат қолмади, дейилса муболаға бўлмайди. Шу тариқа, совет даврининг «темир панжараси» суриб ташланди. Бу мустақиллик йилларида эришилган ислоҳотларнинг мустақилликнинг мустақиллиги сифатида яққол гавдаланиб турибди.

Миллий бюджет шакллантирилди

Совет даврида халқ хўжалигининг барча тармоқлари давлатники ҳисобланиб, улардан олинадиган даромад дарё каби СССР бюджетига оқиб келарди. Республикалардаги бюджет эса унинг филиал (бўлим)лари эди ҳолос. Улар республиканинг ўзида эмас, балки Москвада белгиланган. Шу тариқа Ўзбекистоннинг бюджети тузилиб, унга ўз халқи томонидан ишлаб чиқарилган миллиардлаб даромадга эгаллик қилишига йўл берилмаган. Натижада, Ўзбекистон кўп йиллар мобайнида совет давлати томонидан суянгигача шиллиб олинди. Бундай ҳолат мустақиллик сифатининг маҳсули эди, ҳолос. Ҳеч кимга сир эмаски Совет давлатининг хазинасида пахта ва бошқа қилма-қил табиий бойликлардан олинадиган даромад салмоқли ўринни эгаллаган эди. Аммо ўзбек халқи доимо йўқчилик, етишмовчилик ва, умуман, камбағал ҳолда яшади. Миллионлаб одам бу дунёдан хузур-халоват кўролмай кўз юмди.

Мустақиллик шарофати ила ўзбек халқи ўзининг бойлигига ўзи эга бўлди. Бунда миллий бюджетнинг шакллантирилиши муҳим ўрин эгаллади. У шу даражада билимдонлик билан ташкил этилиб, юқори савияда бошқарилмоқдаки, улкан ютуқлар қўлга киритилмоқда. У ўзбек давлатининг қуч-қудрати, таракқиёт ва фаровон ҳаётини таъминлаётган омил сифатида гавдаланиб турибди.

Колхоз ва совхозлар йўқ қилинди

Қадимги даврлардан бошлаб ўзбек халқи ўз ерида бутун табиатга, борликка ўзи эгаллик қилиб, эркин меҳнат қилиб яшаб келди. У меҳнати билан ажойиб-гаройиб боғлар юзага келтириб, табиат оламини безати ва файз бахш этди. Янги ерлар ўзлаштирилди ва суғориш тизимлари кенгайтирилди.

Дехқон оммаси ўзининг боғи ва яйловига эга бўлганлигидан ғурурланган ва фахрланган ҳолда ишлаб, ўз меҳнатидан баҳра кўриб яшаб келди, халқни боқиб тўйдирди. Аммо совет ҳукумати дехқончиликка қатъий зарба бериб, колхоз ва совхозлар тузди. Бу фожиа ўта зўравонлик, яъни камаш ва сургун қилиш усули воситасида амалга оширилди. Минглаб ўзбек дехқонлари ери ва мол-мулкидан айрилган ҳолда Украина ва бошқа жойларга сургун қилинди. У ерда ташландик ва бошпанасиз жойларга ўрнаштирилди. Колхоз ва совхозлар амалда қўл меҳнатининг уяси бўлиб, дехқонлар мажбурий суратда давлатнинг манфаатини таъминлаш учун шавқатсизларча ишлатилди. Уларга сиёсий ва инсоний ҳуқуқлар берилмади. Устига-устак пахта яккахокимлигининг авжга минishi бусиз оғир ҳаётни янада ёмонлаштирди. Пахтакорлар меҳнатига яраша ҳақ олмасликлари, боғдорчилик ва ғаллачиликнинг жуда қисқартирилиши орқасида қашшоқлашдилар. Бундан ташқари, захарли кимёвий моддаларнинг кенг қўламда ишлатилиши орқасида одамлар дардга чалиндилар, бу дунёдан кўз юмдилар. Сув ва ер, умуман табиат олами ошқора равишда захарланди. Пахтадан олинadиган миллиардлаб доллар фойда совет давлатининг хазинасини бойитиб тураверди. Совет ҳукумати «одамлар захарланса, захарланаверсин ва ўлса, ўлаверсин, лекин пахтадан фойда олинса бас» деган тарзда ваҳшиёна сиёсатни юргизди.

Дехқонларнинг бахтига мустақиллик тикланиб, колхоз ва совхозлар тутатилди. Сув ва ер дехқонларнинг қўлига топширилиб, фермер хўжаликлари ташкил қилинди. Пахта яккахокимлиги бартараф қилиниб, меъёрида етиштириладиган бўлди. Натижада, боғдорчилик, полизчилик ва ғаллачиликнинг ривожланишига кенг имкониятлар яратилди. Ғаллачилик шу даражада ривожландики, бунақаси тарихда ҳеч қачон бўлмаган эди. Чорвачилик ва паррандачилик ҳам кенг йўлдан бормоқда. Кўз ўнгимизда кўп йиллар мобайнида қинғир-қийиншиқ ва хароб ҳолда ётган кишлоқларда шаҳар типидagi ажойиб уйлар, бассейнлар, спорт майдонлари ва равон йўллар қурилмоқда. Бу кетишда вақти келиб шаҳар билан кишлоқ ўртасида фарқ қолмайди.

Бу жаҳон ахамиятига молик янгилик хорижий мамлакат вакиллари-ни хайратлантириб ва ҳавасини келтириб, қойил қолдирмоқда. Бундай

қурилишлар бошқа республикаларда ҳам намуна бўлиши турган гап. Бу борода кишлоқ ва атроф жойларда ҳашаматли мактаб бинолари, гузарлар, хатто коллеж ва лицейларнинг қурилиши катта аҳамият касб этади.

Шахсий манфаат ва ташаббусга йўл очилди

Жаҳон тарихидан маълумки, барча давлатлар қандай бўлмасин ўз халқининг тўқ яшаши ва бойишини таъминлайдиган сийёсатни асосий вазифа деб ҳисоблаган. Бирок совет давлати халқнинг бойиши ва мўлкўлчилик билан ҳаёт кечирishiга қарши ошқора равишда каттик курашди. Чунончи, одамларни даромад билан таъминлайдиган савдогарчилик ва хунармандчилик билан бемалол шуғулланишини таъқиқлаб, бўйсунмаганлар камок жазосига тортилди. Дехқончиликда ҳам одамларнинг бойишига йўл берилмади. Ҳар бир киши ўзининг фойдаси учун эмас, балки совет давлати учун жон куйдириши ва тинимсиз меҳнат қилиши шарт эди. Эндиликда буларнинг барчасига барҳам берилди.

Кўз ўнгимизда фаровон ҳаётни таъминловчи омиллардан бири - шахсий манфаат ва ташаббусга йўл берилди. Эндиликда ҳар киши ва оиланинг тўқ яшаши ва бойиши учун имконият яратилди.

Миллий саноат ва ишчилар синфи шаклланди

Совет даврида тябний бойликлар олтин, кумуш, мис, газ, уран ва бошқа нодир маъданлар марказга жўнатишган. Қонларда ишлаётган россиялик инженер-техник ходимлар ва ишчиларига унумдор ерларда кўп қавватли уйлар, мактаблар, боғчалар, дўконлар, қўйингки, инсон ҳаёти учун ниманки зурур бўлса, барчаси яратилди. Саноатда ишлайдиган ўзбекларнинг сони жуда оз бўлиб, улар кўпроқ оддий ишлар билан шуғулланардилар. Саноатнинг энг салмоқли ва даромадли соҳалари бутун иттифок вазирлигининг таркибий қисми ҳисобланган.

Мустақиллик йилларида саноат тармоқларига республика эгаллик қилиб, уларни жаҳон андозаси даражасида ривожлантириш муҳим вазифа этиб белгиланди. Республика ҳукумати бу муҳим вазифани юқори савияда адо этиб, улкан ютуқларга эришилди. Айниқса хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда иш юритилишига замонавий техника жиҳозлари билан таъминланган кўп янги саноат тармоқлари ишга туширилиб, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга катта аҳамият берилди. Натижада республикада рақобатга бардош бера оладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш тобора авж олмоқда. Саноатда янгиликлардан бири автомобил ва автобус ишлаб чиқарадиган корхоналар бўлиб, ҳозирда уларга чет мамлакатларда ҳам талаб мавжуд.

Саноатнинг кенг кўламда қанот қоқиши республиканинг хом ашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозоридан ҳалос этишда муҳим ўринни эгаллади. Саноатдаги туб ўзгаришлардан яна бири уларнинг инженер-техник ходимлари ва ишчиларини ўзбеклар ташкил этишида намоён бўлмоқда.

Шу равишда Ўзбекистон тарихида биринчи мартаба жамиятни йўналтирувчи кучларидан бири - малакали ишчилар синфи шакллантирилди. Бунинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, унинг шаклланишида ўзбек аёлларининг тутган ўрни бекиёс қатта бўлди. Бундай ҳолат ҳеч қачон кўрилмаганди. Эндиликда ўзбек ишчиларидан юксак даражада такомиллашган техника дастгоҳларини бемалол бошқара оладиган моҳир усталар етишиб чиқди. Ҳатто улар ўта мураккаб автомобилларни ўзларининг маҳорати билан ишлаб чиқармоқдалар. Бунга ўхшаш мисоллар оз эмас. Шунини айтиш лозимки, илгарилари завод ва фабрикалардаги ишчилар меҳнатига яраша ҳақ олмай оғир шароитда қул каби ишлаганлар. Ҳозирда навқирон ўзбек ишчилари мустақил ва озод ватанини фарзандлари сифатида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Қурилиш ва ободончилик яшнади

Тарихан жуда қисқа вақт ичида шундай бир ажойиб-ғаройиб қурилиш ва ободончилик ишлари қизиб кетдики, хайратланмасдан ва завқланмасдан ҳеч иложи йўқ. Илгари вақтларда қаровсиз ва кўримсиз ҳолда ётган тор кўчалар, кингир-кийшиқ уйлар таниб бўлмас даражада ўзгарди. Ҳатто ўтмиш даврларда энг қолоқ Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида қурилиш ва ободончилик юқори даражада кўтарилди.

Ҳозирда республикага қарашли жойларда кўзни камаштирадиган миллий замонавийликни уйғунлаштирган ҳашаматли бинолар, кенг ва равон кўчалар, спорт иншоотлари, ресторанлар, ошхоналар, кафелар қад кўтариб турилди. Бу борада Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Фарғона, Қўқон, Наманган ва бошқа шаҳарларда мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Шунингдек, янги вокзаллар, аэропортлар ва бекавлар ўзларининг гўзаллиги билан ажралиб турилди.

Шаҳарларни бир-бирлари ва хорижий мамлакатлар билан боғловчи кўприк ва магистрал йўллар бунёд этилди.

Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, қурилиш ва ободончилик ишлари тарихида биринчи мартаба ташландик ҳолда ётган кишлоқларни ҳам қамраб олди. Маълумки, ўтмиш замонларда буюк салтанатлар вақтида ҳам асосан пойтахтлар ободонлаштирилиб, кишлоқлар қаровсиз ҳолда қолаверганлар. Ҳозирда уларда қурилиш ва ободончилик оммавий тус олиб, гўзал бинолар, равон кўчалар турли иншоотлар борган сари кўпаймоқда. Мустақиллик

йилларида ҳукуматнинг шахсий уйларни сув, газ ва канализация билан таъминлашга катта аҳамият берилмоқда.

Шахсий уйлар қуриш ва уларни ободонлаштиришга катта имкониятлар туғилди. Натижада, киншининг хавасини келтирадиган минглаб уйлар шаҳар ва қишлоқларни безаб турибди. Хонадонларда ота-боболаримиз ҳеч қачон кўрмаган кафел ва мрамар ишлатилиб, икки қаватли бинолар, фавворалар, бассейн ва ҳаммомлар қурилди. Шаҳарларда телефони йўқ хонадонлар деярли қолмади.

Биламизки, илгарилари қурилиш билан асосан россияликлар шуғулланиб, ўзбеклар озчиликни ташкил этган. Ҳозирда қурилишнинг моҳир усталари - ўзбеклар жаҳон андозаси ва миллий тусда ҳашаматли биноларни кўплаб қурмоқдалар. Шу тарика минглаб қурувчи ўзбеклар миллий ишчилар синфининг йўналтирувчи кучи ҳисобланмоқда.

Хунармандчилик тикланди

Тарихдан маълумки, хунармандчилик деҳқончилик билан бир қаторда инсон ҳаётида тараққиётни таъминлаган омил бўлган эди. У давлат ва халқ учун даромад ҳазинаси ҳисобланиб, кўп асрлар мобайнида ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бу борада айниқса хунармандчиликдан ҳеч қачон воз кечилмаган. Аммо совет даврида хунармандчилик каттик назорат ва таъкиб остига олинди, йўқ қилинди. Натижада, хунарларидан маҳрум қилинган кўпдан-кўп одамлар ишсиз қолиб, қашшоқлашдилар, арзон ишчи кучига айландилар. Асрлар мобайнида қўлга киритилган тажрибалар барбод этилди. Яширинча иш қилишга мажбур бўлган хунар эгалари қамалди ва мулки мусодара қилинди.

Мустақиллик йилларида давлат раҳбари хунармандчиликнинг катта аҳамиятини тўла англаган ҳолда уни тиклаш ва ривожлантиришга қаратилган чораларни амалга оширди ва унинг натижасида хунармандчиликнинг турли-туман хиллари қисқа вақт ичида гуллаб яшнади. Эндиликда уларнинг кўзини қамаштирадиган маҳсулотлари хорижий мамлакат одамларини ҳам ҳайратлантирмоқда.

Миллий фан ва маданият равақ топди

Совет даврида улугъ миллиатчиликнинг қурбони бўлган миллий маданият қайта дунё юзини кўрди. У коммунистик ғоялардан тамомила тозаланди.

Олий ва ўрта ўқув юрғларида туб ўзгаришлар содир бўлиб, улар замон талабига мос равишда ривожлантирилмоқда. Янги университетлар ва институтлар очилди, юқори малакали ўқитувчилар тайёрланди. Кўп дарслик ва қўлланмалар нашр этилди.

Фан соҳасидаги муваффақиятлар кишини қувонтирмасдан қўймайди. Янги илмий-тадқиқот институтларининг очилиши ҳам диққатини жалб этади. Кўп олий ўқув юртларга университет мақоми берилиб, мавқеи ва билим даражаси юқорига кўтарилди. Ҳозирда республикада 60 дан ортиқ олий ўқув юрти, кўп институтларни ўз ичига олган фанлар академияси фаолият юритмоқда. Унинг филиллари Самарқанд ва Хоразмда иш юритмоқда, қадимий Маъмур академия-си тикланди. Санъат соҳасидаги ўзгаришларни тилга олмасдан ҳеч иложи йўқ. Театр ва бошқа санъат маканлари учун киши ҳаваси келадиган янги бинолар қурилди, айниқса консерваториянинг ҳашаматли биноси кишини завқлантиради.

Мумтоз ва замонавий ашула ва рақс маҳаллий ва хорижий томошабинларнинг олқишларига сазовор бўлмоқда. Шуни алоҳида уқдириб ўтиш лозимки, санъаткорлар жаҳонда санъат турлари бўйича ўтказилган танловларда биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлмоқдалар. Илгарилари бундай бўлиши ҳаёлга ҳам келмаганди.

Матбуот, телеведение ва радио маънавий ҳаётнинг энг муҳим йўналтирувчи кучлари сифатида ватан ва халқ учун хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда кўп хорижий мамлакатларнинг вакиллари иштирокида «Шарқ тароналари» фестивалининг ўтказилиши тарихий воқеа сифатида баҳоланмоқда. Ўз навбатида ўзбек санъат усталарининг чет мамлакатлардаги чиқишлари мактов ва олқишларга сазовор бўлмоқда.

Таълим тизими такомиллаштирилди

Совет давридаги таълим тизимини ҳозиргига солиштирганда ер билан осмончалик фарқи борлиги кўзга ташланади. Аввалам бор у коммунистик ғоя билан захарланган бўлиб, ёш авлодни ўз-ўзини англаш, ватани билан гурурланиш ва фахрланиш сингари фазилатларни жўш уришига тамомила йўл берилмаган. Ёш авлод партиёга оғинмай сифиниш, олқишлаш, унинг учун жонини ҳам фидо қилиш руҳида тарбияланган. Мактаб ва бошқа ўқув маканларида дарслик ва қўлланмалар коммунистик рух билан суғорилган эди. Комсомол ва пионер ташкилотлари ташкил қилиниб, улар партиёнинг энг бошланғич таянчи эдилар. Эндиликда таълим тизими коммунистик ғоя ва тартиблардан тозаланди, жаҳон андозаси даражасида тубдан ўзгартирилди ва такомиллаштирилди. Ўн минглаб ёшларни ўз бағрига олган кўпдан-кўп коллеж ва лицейлар ташкил қилинди. Улар кишининг ҳавасини келтирадиган ҳашаматли биноларда, техника янгиликлари билан таъминланган ҳолда иш юритмоқдалар.

Ҳозирнинг ўзидаёқ коллеж ва лицейларда хилма-хил касбларни ўзлаштирган ёшлар халқ хўжалигининг барча соҳаларида ишламоқдалар. Улар

минглаб ёшларни бекор юришлардан сақлаб касб-хунар ва бошқа сохаларни ҳар жиҳатдан ривожлантириш имконини яратди.

Динсизлик балоси йўқотилди

Бу дунёда динсиз яшаётган халқни топиб бўлмайди. Халқ одам қадами етмайдиган узоқ жойлардаги одамларнинг ҳам ўзларига яраша диний қарашлари мавжуд. Бирок коммунистик партия ҳукумронлиги вақтида мусулмон, христиан ва бошқа динлар йўқ қилиниб, масжид ва черковлар бузилди, минглаб дин пешволари отилди ва қамалди.

Диний китоблар, шу жумладан Қуръон ёндирилди. Бундай ваҳшиёна сиёсатни юргизишдан мақсад динга тамомилта зид ва ашаддий душман коммунистик ғоянинг одамлар онги ва калбига зўравонлик билан сингдиришдан иборат эди.

Динсизлик ва коммунистик ғоянинг ҳукмронлиги фожияли оқибатларни юзага келтирди. Зеро, бутун мамлакат бўйлаб одамларнинг миллий турмуш тарзи, урф-одатлари ва анъаналари издан чиқди. Киндик қони тўқилган юртига содиқлик ва ўз-ўзини англаши ниҳоятда сусайди. Коммунистик ғояга кўр-кўрона сиғиниш ва партияни олқишлаш авжига минди. Бошқачароқ айтганда одамлар кулга айланиб, партия оқни қора деса, қора ёки қорани оқ деса, оқ дейдиган бўлиб қолдилар. Одамларнинг хис-туйғулари, ўз-ўзини англаши ва сиёсий онгига зарба берилди.

Мустақиллик йилларида бундай дахшатли фожияларга чек қўйилди. Юртбошимизнинг ташаббуси билан истиқлол арафасидаёқ виждон эркинлиги тикланди. Минглаб янги ва ҳашаматли масжидлар қурилиб, Ислом университети очилди, алоҳида нашриёт ва босмахона ишга тушрилди. Қуръон биринчи маротаба ўзбек тилига таржима қилинди. Эндиликда юз йиллар мобайнида Қуръонни ўқий олмаган одамлар у билан бевосита танишиш имконига эга бўлдилар. Бу мусулмон кишига қатта қувонч ва бахтдир, албатта.

Диний газетанинг чоп этилаётгани ҳам тамомилта янгиликдир.

Дин соҳасидаги энг муҳим янгиликлардан бири яна шундаки, аёллар ислом дини бўйича таълим олишга муяссар бўлдилар. Ҳозирда Ислом университетининг талабалари орасида ўқиётган қизлар оз эмас.

Диний маросимлар — ҳайт, рўза, худойи ва бошқалар тўла тикланди. Ҳажга сафар қилишга қатор имтиёзлар берилиши қатта аҳамият касб этмокда. Энг муҳими диний ва дунёвий қарашлар уйғунлигига эришиш учун барча шароит юзага келтирилди.

Ўзбек дипломатияси ташкил қилинди

Маълумки, Ўзбекистоннинг Эрон, Ҳиндистон, Афғонистон, Хитой, Туркия ва бошқа мамлакатлар билан элчилик муносабатлари узок ўтмиш даврларга бориб тақалади.

Элчилар у ёки бу мамлакатлар билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни йўлга қўйиш ва самарадорлигини оширишда муҳим ўринни эгаллаганлар. Бирок чор Россияси ва ҳовет давлати ҳукмронлиги даврида ўзбек дипломатияси тамоман тугатилди. Тўғри, ташқи ишлар вазирлиги тузилди, лекин у амалда «хўжа кўрсинга» қилинган иш бўлиб, унинг зиммасига Ўзбекистон учун эмас, балки, совет давлати манфаатини таъминлаш вазифаси юклатилганди. Фақат мустақиллик йилларидагина том маънодаги ўзбек дипломатияси юзага келди. Республикада дипломатия касби бўйича олий ўқув юрти очилиб, хорижий тилларни ўрганиш, элчилик қондаларини ўзлаштириш бўйича таълим тарбия ишлари кенг миқёсда олиб борилмоқда.

Ҳозирда Ўзбекистон элчихоналари Ҳиндистон, АҚШ, Афғонистон, Покистон, Туркия, Хитой, Россия, Англия, Франция, Германия, Италия, Испания, Чехославакия, Венгрия, Болгария, Польша, Араб давлатлари, Эрон, Украина, Беларусия, Латвия, Литва, Эстония, Қозоғистон, Озарбайжон, Грузия, Арманистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон ва бошқа кўп мамлакатларда иш юритмоқдалар, ўзаро алоқалар ҳар бир соҳада кенг ривожланмоқда.

Ташқи дунё билан алоқа юқори поғонага кўтарилди

Аввало шунини айтиш лозимки, тарихимизда ҳеч қачон ҳозиргидек ташқи алоқалар авжига минмай, улар онда-сондагина олиб борилган. Улар кўз ўнгимизда ҳукм сурганидек самарали ва такомиллашмаган эди.

Ташқи алоқада саноат соҳаларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Маълумки, совет давридан мерос қолган ишлаб чиқариш корхоналари техник жиҳатидан чидаб бўлмайдиган даражада ачинарли ҳолда эди. Бинолари эскирган ҳолда бўлиб, ишчиларга кўп ноқулайлик ва кийинчиликларни туғдирган, ҳозирда эса ташқи алоқаларни билимдонлик билан йўлга қўйилиши орқасида хорижий мамлакатларнинг фирмалари билан ҳамкорлик, юксак даражадаги техника билан таъминлаш, кўпдан-кўп янги саноат корхоналари юзага келтирди. Унда савдо алоқаларини ривожлантиришга қатта аҳамият берилмоқда. Натижада, чет эл мамлакатларининг вакиллари билан биргалликда турли туман саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари Ўзбекистонга келтирилмоқда. Ўз навбатида ўзбек маҳсулотлари четга олиб кетилмоқда. Кўз ўнгимизда маҳаллий ва чет эл

моллари билан тўлдирилган ажойиб дўконларнинг ишлаётгани кувонарлидир. Бу борада кишини ҳайронлаштирадиган катта ҳажмдаги, яъни одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарсани ўз ичига олган дўконлар яшнаб турибдилар. Уларни кўрган одамлар «тушимми ёки ўнгимми» деб ҳайрон қолади. Айниқса совет даврида яшаган бечора одамларнинг ишонгиси келмайди.

Ташки дунё алоқалари кўп қиррали бўлиб, Ўзбекистон барчасида фаол қатнашмоқда. Хусусан, фан ва маданият соҳаси бўйича муҳим ютуқларга эришилмоқда. Кўп ёшларнинг хорижий мамлакатларда ўқиши ёки бирорта касбни ўзлаштириш бўйича ҳам катта ишлар қилинмоқда. Республикада муҳим масалаларга бағишланган халқаро анжуманларни ўтказилаётганлиги диққатга сазовордир. Ташки алоқада туристларнинг тугган ўрни оз эмас. Уларга олий даражада хизмат кўрсатиш мақсадида меҳмонхоналарни қуриш билан бир қаторда тарихий ёдгорликлар кишини ҳаваси келадиган даражада таъмирланди. Транспорт хизмати етарли даражада таъминланди. Натижада, туристларнинг сони борган сари ошмоқда. Шундай қилиб, ташки алоқалар фаровон ҳаётни таъминлай оладиган даражада ташкил этилди.

Миллий спорт юзага келди

Умуман айтганда, бизнинг кўп асрлик тарихимизда асосан икки хил спорт тури — кураш ва пойга тушиш бор эди, холос. Тўғри, совет даврида янги турдаги спорт турлари ва иншоотлари бор эди. Бирок улар билан асосан келгинди одамлар шуғулланарди. Шу билан бир қаторда улар ҳар жihatдан жаҳон спортидан анча орқада эди. Вилоятларда эса спорт яхши йўлга қўйилмаганди. Бошқа айтганда, спорт ўзбеклар орасида оммавий тус олмаган эди. Спортчи аёллар деярли йўқ эди.

Ўзбекистон ҳукумати спорт соҳалари бўйича ҳам катта ишларни амалга ошириб, жаҳондагилардан қолишмайдиган стадионлар ва бошқа ажойиб спорт иншоотлари қурилди, уларда минглаб ёшлар унинг барча турлари билан шуғулланиб жаҳон мусобақаларида олтин, кумуш ва бронза медалларига сазовор бўдилар. Спортчи аёлларнинг сони тобора кўнайтиб бормоқда. Спорт шу даражада кенг қулоқ ёйдикки, мактаб, коллеж ва лицейларда спорт заллари қурилди. Ҳозирда спорт узок жойлардаги кишлоқларни қамраб олди. Ўзбекистонда спорт соҳалари бўйича жаҳон мусобақаларининг ўтказилаётгани тамомил янгиликдир.

«Соғлом танда — соғлом ақл» дейилган нақл эътиборга олинган ҳолда спорт турларини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда.

Тарихий шахсларни тақдирлашга йўл берилди

Ҳеч кимга сир эмаски, кўп асрли тарихимизда ўз ватани ва халқи учун хизмати ва жонини аямаган ҳукмдорлар, дин пешволари ва бошқа касб соҳиблари бор эди. Аммо совет давлати ўзининг улуғмиллатчилик сиёсатидан келиб чиққан ҳолда уларнинг фаолиятини ўрганиш ва оммалаштириш тақиқланган эди.

Мустақиллик йилларида ижтимоий жиҳатдан келиб чиқишидан катти назар ҳурмати ва кадри-қимматини ўрнига қўйиш ва тарғибот қилишга кенг имкониятлар яратилди. Натижада, тарихий шахсларга бағишланган китоб, рисола ва мақолалар нашр қилинди. Уларнинг номлари кўча ва бошқа жойларга қўйилди. Ҳатто янги макбаралар қурилди, эскилари кишини ҳавасини келтирадиган даражада таъмирланди. Тарихий шахсларнинг кадри-қиммати ўрнига қўйилди. Ҳозирда уларнинг фаолияти кўп асрлик тарихимизнинг ажралмас таркибий қисми сифатида баҳоланмоқда.

Тарихий ёдгорликлар тикланди, халқаро туризмга йўл очилди

Узоқ йиллар мобайнида хароба ҳолда ётган масжид, мадраса ва зиёратгоҳлар шу даражада катта маҳорат билан таъмирландики, ҳайратланмасдан ҳеч иложи йўқ. Уларни бу ҳолга келтириш учун кўп маблағ, куч ва ғайрат сарфланди. Масалан, Бухоро, Самарканд, Хоразм, Тошкент, Андижон, Наманган, Қўқон, Қарши, Термиз ва бошқа жойларда амалга оширилган ишлар шулар жумласидандир. Тарихий ёдгорликларни олий даражада тиклашдан мақсад маданий меросни кўз қора чўғидек сақлаш билан бир қаторда Ўзбекистонда туризм соҳасини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборатдир. Бу давлат аҳамиятига молик иш муваффақият билан амалга оширилди. Ҳозирда Америка, Оврупа, Шарқ ва бошқа узоқ-яқин жойлардан келаётган туристларнинг сони тобора кўпайиб бормоқда. Улар ўз кўзлари билан ажойиб тарихий обидалар кўриб ва завқланиб, ўзбек халқининг юксак маданият соҳиблигига ишон ҳосил қилмоқдалар.

Маҳаллаларни ўзини ўзи бошқариш тизими ташкил қилинди

Ўзбекистонда ўнинчи асрда маҳалла сўзи тилга олинган бўлиб, то ҳозирги кунгача иш юритиб келмоқда. Ўтмиш замонларда маҳалла раислари ва маслаҳатчилари жамоа аҳли орасида шарият қонунлари бўйича тартибни сақлашга ҳаракат қилиши билан бир қаторда оилавий масалаларни кўриш билан шуғулланганлар. Айни пайтда босқинчилар келган вақтларда

уларга қарши курашадиган одамларни жалб қилиш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланган. Тўй ва маросимларни ўтказиш бўйича ҳам иш юритилган. У вақтларда маҳаллаларнинг марказий қисми чойхона, сартарошхона, новвойхона ва дўконларни ўз ичига олган гузарлар бўлган эди. Совет даврида бундай гузарлар йўқ қилинди ёки харобага айлантирилди.

Маҳалла раҳбарлари совет давлатининг халқ орасидаги «кўзи ва қулоғи»га айлантирилди. Уларнинг воситасида ҳам қанчадан қанча бегуноҳ одамлар қамалди ва отилди. Мустақиллик йилларида аҳвол тубдан ўзгарди. Бир-бирларига қовушмай, турли жойларда сочилиб ётган маҳаллалар эндиликда ўзларининг бош идораси - маҳалла жамоасига эга бўлдилар.

Биринчи маротаба маҳаллаларнинг дастури тайёрланиб, мақсад ва вазифалари белгиланди. Сайлов тартиблари ҳам батафсил кўрсатилди.

Маҳалла раҳбарларига жамоада тинчлик ва тотувликни сақлаш, ёшларнинг тарбиясига аҳамият бериш вазифаси топширилди. Айниқса ободончилик ишларига қатъа аҳамият бериш уқтириб ўтилди. Натияжада, ажойиб биноларни ўз ичига олган янги гузарлар дунё юзини кўрди. Маҳаллалараро танлов ўтказилиб, уларнинг ишларига тегишли баҳо берилмоқда.

Ҳозирда маҳалла идоралари халқнинг ўзини ўзи бошқарув тизимининг намуналаридан бири сифатида кўзга ташланмоқда.

Боқимандалик ва ташмачилик йўқолди

Совет даврида барча боғлиқлар, қўйингчи ишдан игнагача унинг хазинасига дарёдек оқиб бориши орқасида меҳнатқаш омма ночор ҳолда яшарди. Давлат томонидан берилаётган иш ҳақи ниҳоятда оз бўлиб, турмушни тебратиш жуда мушкул эди. Одамларнинг арзимаган маошидан бошқа даромади бўлмаганлиги учун «давлат берса яшайман, акс ҳолда ўламан» деган нақл тарқалган эди.

Шу тарих одамларнинг онгида давлатга нисбатан боқимандалик ва ташмачилик кайфияти чуқур илдиз отган эди. Зеро, жамоа аҳли орасида давлат мулкни ўмариш ҳисобига биров бўлса-да даромадни қўлга киритганлар оз эмас эди. Бу иш ташмачилик номи билан аталиб, оммавий тус олди.

Чунончи, нон заводларида ишловчилар ун ва нонни, тегирмондагилар ун ва бугдойни, сут ва гўшт корхонасидагилар ўша маҳсулотларни, тўқимачилик комбинатдагилар газлама ва бўёкни, қандолагчилар шакар ва тухумни, чой фабрикасидагилар чойни, кийим-бош тикувчилар ип, тугмача ва кийимни олиб чиқардилар. Бу иш кенг қулоч ёйганлиги ва миллион сўмлаб зарар келтираётганлиги учун милиция ходимлари шестирмада туриб одамларни ишдан чиқаётганларида тинтиб маҳсулотларни топиб олардилар. Бундай қимсалар жазоланган ёки ҳибсга олинган, лекин ташмачи-

лик давом этаверди. Ташмачилар ҳақида газеталарда қораловчи ахборот берилган.

Мустақиллик йилларида хусусий мулкчилик, эркин бозор ва ишлаб чиқариш тикланганидан кейин боқимондлик ва ташмачилик ўз-ўзидан йўқолди.

Коммунистик ғоя, атама ва ҳайкаллар тугатилди

Илгарилари коммунистик ғоя ҳаётнинг барча соҳаларига суқилиб фожеали оқибатларни юзага келтирди. Унинг асосида қалбаки социализм қурилди, мустамлакачилик ва миллий зулм энг юқори чўққига кўтарилди. Бутун мамлакат «темир панжара» билан ўралиб одамларнинг «оғзига қулф» ва «оёғига кишан» солинди. Кўрсатилган дахшатли воқеалар миллий ғояни кўпориш ҳисобига амалга оширилди. Бироқ миллий ғоя мустақилликнинг ўрнатилиши билан тикланиб ва куч-қудратга тўлиб, коммунистик ғояга қарши курашга йўналтирилди.

Биринчи гада коммунистик партия ташкилотлари тугатилди, матбуот, радио ва телеведениа коммунистик ғоядан тозаланди. Олий ўқув юртларида «КПСС тарихи», «Илмий коммунизм» кафедралари тугатилди, ташвиқот ва тарғибот масканлари ёпилди. Кўчалар, колхоз, совхоз ва бошқа жойларга қўйилган коммунистик атама ва ҳайкаллар йўқ қилинди. Шу кунларда Ўзбекистон ҳамдўстлик давлатлар орасида коммунистик ғояни тамомила тағ-томири билан кўпориб ташлаган яккаю-ягона республикадир. Бу миллий қудратнинг ёркин намунаси ва тантанасидир, албатта.

Ўзбек исми жисмига мослашди

Аввало айтиш лозимки, бизнинг халқимизга берилган номга ўхшашни бошқа мамлакатларда йўқ. Ҳатто ўзларининг номларининг маъносини билмайдиган халқлар оз эмас. Ўзбек атамаси эса ўз-ўзига бек, яъни ҳоким ёки мустақил деган қисқа ва лўнда маънони англатади.

Афсуски, совет Россияси ҳукмронлиги вақтида ўзбек сўзини баралла айтиш тақиқланиб, уни СССР халқи дейиш одат тусига айлантирилди. Ҳатто россияликларимиз дегувчилар бор эди. Умуман айтганда, мустамлака даврида ўзбек исми жисмига мос келмади. Мустақиллик ва озодлик туфайли биз ўзининг президенти, миллий давлати ва кўшини, Конституцияси, Олий Мажлиси, Сенати, байроғи, мадҳияси ва гербига эга Ўзбекистоннинг фуқаролари бўлдик.

Бутун дунё даврасида муносиб ўрин эгаллаб байроғи ва ер қуррасида хилшиллаб ҳамда мадҳияси жаранглаб турган ватаннинг фарзандларимиз.

Тарихан киска вақт ичида тинчлик, барқарорлик, тараққиёт, ободончилик ва фаровон ҳаётни юзага келтирган кишилармиз.

Мустақиллик ва озодликнинг гаштини сураётган, миллий ҳис-туйғулари, сиёсий онги ва фаолияти жўш ураётган инсонлармиз.

Асрлар мобайнида қўрилмаган демократияни ривожлантираётган ҳамда хорижий мамлакатлар билан иқтисодий ва маданий алоқаларни самарали юритаётган одамлармиз.

Ниҳоят, биз ўзбек исмибиз жисмибизга мос тушган эркин ва озод халқмиз.

Хўш, биз илгари ким эдик? Совет даврида миллий давлат, миллий ғоя, сиёсий ва инсоний ҳуқуқлар, хусусий мулкчилик, моддий ва маънавий бойлик ҳамда миллий турмуш тарзидан маҳрум этилган куллар бўлганмиз. Биз давлатнинг жонли мулки ҳисобланиб, унга сизиниш, сажда қилиш ва баралла олқишларга мажбур бўлганмиз. Қадри-қимматимиз хўрланган, ҳақ-ҳуқуқсиз ва динсиз жамиятда яшаганмиз. Мисли қўрилмаган қонли катагонлар, камок ва сургунлар, назорат ва таъкибларни бошдан кечирган одамлар эдик. Ташки дунёдан маҳрум этилиб, «темир панжара» ичида яшаган кишилар бўлганмиз.

Бизнинг «оғзимиздаги кулф» ва «оёғимиздаги кишанлар» улоқтирилиб, озодлик ва эркинлик гаштини сураётган халқмиз.

Ўзбек халқи ўзининг беш минг йиллик тарихи мобайнида ҳеч қачон ҳозиргидек тинчлик, барқарорлик, ободончилик, умуман кўз ўнгимизда товланаётган тараққиёт ва фаровон ҳаётни кўрмаганди. Ҳеч қачон ҳозиргидек хорижий мамлакатлар билан олий даражада сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларга эришмаган эди. Қадимий Ўзбекистон юксак даражада яшнамоқдаки, уни дунёда билмаган ва сийламаган мамлакат қолмади. Ҳеч қачон унинг халқи кўз ўнгимиздагидек мустақиллик ва озодлик гаштини сурмаган эди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ҳозирда ўзининг олтин даврини сурмоқда, дейишга барча асослар бор. Ўзбекистондаги мисли қўрилмаган туб ўзгаришлар, тинчлик, барқарорлик, тараққиёт ва фаровон ҳаётнинг барчаси Президент Ислом Каримовнинг номи билан чамбарчас боғлиқдир.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ НИМА УЧУН АҒДАРИЛДИ?

Ҳақиқатан ҳам бу муҳим масала бўйича турли фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Айрим кимсалар М.Горбачев ва Б.Елцинларни империянинг йиқилишига сабабчи, деб ҳисоблайдилар.

Россиялик сиёсатшунос Сергей Шахрай эса совет давридаги конституцияда республикаларга ихтиёрий равишда ажраллиш ҳақидаги ҳуқуқнинг берилиши иттифокни ҳалокатга учратган («Аргументы и факты», 2001, 49-сон) биринчи омилардан эмиш. Ҳеч кимга сир эмаски, конституциянинг моддаларига ҳеч қачон риоя қилинмаган ва у амалий кучга эга бўлмаган эди. У фақат «хўжа кўрсин»га қилинган найрангдан бошқа ҳеч нарса эмас эди.

Совет давлатининг дастлабки йилларидаёқ Ўрта Осиё халқлари ва бошқа мусулмон аҳолисига озодлик ва эркинлик берилишини ваъда қилинган эди. Бироқ 1918 йили болшевиклар Туркистон мухториятини, 1918-1930 йиллар орасида мустақилликни тиклашга қаратилган «босмачи»ликни ваҳшийларча бостирди, минглаб одамларни ўлдирди, шаҳар ва қишлоқларни вайронага айлантирди. 1920 йили Бухоро ва Хива хонликлари ағдарилди. 1930 йиллардаги катағон сиёсати миллий ҳаракатларга қарши қаратилган даҳшатли тadbир эди.

Сергей Шахрайнинг фикрича, XX асрнинг 80 йиллари охирида Иван Палозков ва Геннадий Зюганов томонидан Россия коммунистик партиясининг тузилиши иттифокнинг ҳалокатга учрашида ҳал қилувчи ўринни эгаллаган. Ваҳоланки, бу партия совет давлати ич-ичидан чириб, ўлим тушагида ётганида пайдо бўлган эди. Шу боис уни ҳалокатдан сақлашнинг ҳеч иложи йўқ эди. Таниқли давлат арбоби Е.Примаков «Аргументы и факты» газетасининг (2009, 30-сон) бош редактори Николай Зятковнинг: «Горбачев ва Елцинларнинг айби нимада? Совет иттифокининг парчаланмаслигига имкон бормиди?» деган саволига шундай деган: «Албатта бор эди, агар Горбачев Белоруссиядаги ҳарбий округга Беловежскни қамал қилишни буюриб шартнома олинганида аҳвол бошқача бўларди».

1991 йил 8 декабрда Б. Елцин, Л. Кравчук (Украина) ва С. Шушкевич (Белоруссия) томонидан имзоланган мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ҳақидаги шартноманинг йўқ қилинишининг ўзигина империянинг ҳалокатдан сақлаш имконини бермасди. Чунки мамлакатда ҳукм сураётган

кулдорлик тузуми кизил империяни тузатиб бўлмайдиган даражада емирган эдики, оддий бир шартнома у ёкда турсин тиш-тирноғи билан куроллар билан шайланган кўшиннинг ҳам кучи етмайдиган ҳолат юзага келган эди. Қолаверса, шартнома тузилганидан кейин Горбачев ҳарбий округлар, маршал Шапошниковга мурожаат қилганида, инобатга олинмаган. Бу армиянинг СССР нинг парчаланишига хайрихоҳ бўлганлигидан далолат эди. Аслида ҳукм сураётган кулдорлик тузуми СССР ни ўлимга маҳкум этган эди.

Хўш ўша тузумнинг моҳияти ва йўналиши қандай эди?

Биринчидан СССР республикаларнинг йиғиндисидан тузилганлиги учун сўзни улардан бошлаш айти мудаодир. Республикаларга миллий давлат ва кўшин тузиш, ҳокимиятни мустақил равишда бошқаришга йўл берилмади. Улар амалда Россиянинг таркибий қисмига айлантирилиб, ҳаёти ва тақдири марказнинг панжасида эди. Халқаларга сиёсий ва инсоний ҳуқуқлар берилмади. шахсий ташаббус ва манфаат бўғилди. Ташки дунё билан бевосита алоқа қилиш тақиқланиб бутун мамлакат «темир қафас» билан қуршалди. Республикалар ҳам ашё манбайи ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилиб, бехисоб бойликлар марказ хазинасига дарё каби оқди. Тўғри, республика мақоми, парламент, байроқ, мадҳия ва герб жорий этилди. Бироқ буларнинг барчаси мустамлакачилик сиёсатини никоблаш учун қилинган ўйин эди, ҳолос. Гарчанд республикаларнинг юқори раҳбарлигига маҳаллий миллат вакиллари тайинланса-да, лекин улар марказнинг ўта итбаткор хизматкорлари ҳисобланиб, ўзларича бир қадам ҳам ташлай олмас эдилар. Улар «занжирбанд ҳукмдорлар» эди, ҳолос.

Хуллас, совет даврида ҳақ-ҳуқуқи чегараланмаган, адолатсизлик ва шафқатсизликда тенги йўқ тотолитар давлат ташкил топиб, у кулдорлик тузумининг сиёсий заминини вужудга келтирган эди.

Иккинчидан бутун жаҳон миқёсида мнинг йиллар мобайнида ҳаётнинг асоси ҳисобланиб келаётган хусусий мулкчилик ва эркин бозор, эркин ишбилармонлик ва ишлаб чиқариш тақиқланди. Ваҳоланки, улар ўз вақтида онла, давлат ва жамият тараққиётига моддий асос яратган эди. Бироқ Сталин бошлиқ коммунистик партия хусусий мулкчилик ва эркин бозорни ва динни телбаларча таъқибга олиб, уларни илдизи билан қўпориб ташлаш учун ҳеч нарсадан тоймадилар. Чунончи, бутун мамлакатда 40 млн. одам ўлдирилди, оммавий сургун ва қамашлар, қаттиқ назорат ва таъқиб авжига минди. Халқларнинг мулки ва бойлиги мусодара қилинди. Натижада, халқ-хўжалигининг барча тармоқлари остин-устун қилиниб, очарчиликлар, оммавий касалликлар ва қатта талофатлар қўрилди. Шаҳар ва қишлоқларнинг хувиллаб қолгани ҳамон эсимизда. Бепоён ер ва сувлар, саноат ва ишлаб чиқариш маҳсулотлари, қўйингчи табиат оламидаги барча жонли ва жонсиз

борлик давлат мулкига айлантирилди. Ҳатто одамларнинг ўзлари ҳам давлатнинг ихтиёрида бўлиб, «биз партия аскарларимиз» ёки «давлат одамларимиз» деган иборалар юзага келди.

Халқнинг топган-тутгани, миллий даромад ва ер ости ва ер усти бойликлари давлат манфаатини таъминлашга йўналтирилди. Ҳар жиҳатдан давлатга қарам бўлиб қолган халқнинг онги ва қалбида боқимандалик кайфияти жўш уриб турди. Оғир ва ачинарли ҳаётнинг давом этавериши орқасида жамоа аҳли «қорин тўйса бас» туйғуси билан яшади. Чунки бундан ортиқ кун ўтказишнинг ҳеч иложи қолмаган эди.

Умуман айтганда, ҳусусий мулксиз ва эркин бозорсиз иқтисод, моддий манфаатдорликнинг йўқлиги, шахсий ташаббус ва манфаатнинг бўғилиши, ишга яраша ҳақ тўламаслик, мажбурий меҳнатнинг жорий қилиниши, иқтисодий жиҳатдан ҳам одамларнинг давлатга қарамлиги ва боқимандалик кайфияти қулдорлик тузумининг иқтисодий заминини шакллантирди.

Учинчидан, совет даврида иттифок таркибидаги республикаларда халқларнинг миллий ҳис-туйғулари, ўз-ўзини англаши, ватанпарварлик, ғурурланиш, фахрланиш ва бошқа олий инсоний фазилатлар таъкиб ва тазйикка олинди. Ўз она юртига содиқ кишилар «миллатчи, халқ душмани» ва «империализм айбоқчилари» сингари айбномалар билан отилди ва узок муддатли қамоққа ҳукм қилинди. Ҳатто уларнинг оила аъзолари ҳам қамалди ёки қаттиқ таъкиб остига олинди. Уларнинг орасида узок жойларга сургун қилинганлари ҳам бор эди. Шу равишда, миллий ғоя ва маънавиятга зарба берилиб, улуғ миллатчилик ғоялари билан суғорилган коммунистик мафкура кишилар онгига зўравонлик билан сингдириб борилди. Уни амалга оширишда тарих, фалсафа, КПСС тарихи, илмий коммунизм, атеизм, адабиёт, иқтисод ва ҳуқуқшунослик соҳалари жалб қилинди. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ва санъат тармоқлари ҳам коммунистик ғояларни зўр бериб тарғибот қилганлар. Натижада, маънавиятда миллийлик йўқолиб, у коммунистик ғояларнинг асприга айланди. Айниқса ислом динининг таъкикланиши, масжид ва мадрасаларнинг ёпилиши ва тарихий ёдгорликларнинг вайрон қилиниши, тарих фанининг сохталаштирилиши маънавий ҳаётни янада қаттиқ қашшоқлаштирди. Айни пайтда, халқларнинг ўтмиш замонларда фан ва маданият соҳаларида қўлга киритган ютуқлари инкор этилди.

Халқларнинг миллий ғоя ва маънавиятига зарба берилиб, ўрнига қулчилик руҳи билан суғорилган коммунистик ғоянинг киритилиши қулдорликнинг маънавий киффасини юзага келтирди.

Тўртинчидан, совет даврида шаклланган қулчиликнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд эди. Греция ва Рим давлатларидаги қулчилик ўртасида

асосий негизи бўйича фарқ йўқ. Чунки бу ҳар иккала даврда куллар хусусий мулкдан, ишлаб чиқариш куроллари, сиёсий ва инсоний ҳуқуқлардан маҳрум этилиб, «темир кафас»да ушлаб турилган. Ўтмиш замонларда куллар асосан урушларда асир олинган ёки бўйсундирилган кишилардан ташкил топган. Шунга ўхшаш болшевиклар ҳам турли халқларни зўрлик билан босиб олиб, уларни ўзига асир қилди. Совет даврида кулчиликнинг маъноси анча кенгайиб, ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турди. Қадимги замонларда натурал хўжалик ҳукмронлик қилганлиги учун куллар озик-овқат, кийим-бош ва турар жой билан таъминланган. Совет даврида эса пул муносабатларининг кенг кўламда ривожланганлиги учун кулларнинг иш ҳақи маош тариқасида тўланди. Хусусий мулки ва бойлиги бўлмаган халқ фақат маошга тикилиб қолди! У маошсиз қолмаслик учун давлат кўрсатган чизигидан чиқмасликка ва унга сажда қилишга ҳаракат қилган. Давлат шу тарика маош воситасида халқни ўзига илсиз боғлаб, хоҳлаган куйига ўйната берди. Қадимги вақтларда бўлганидек, совет ҳукумати кулларни турар жойлар билан таъминлаб турди. Аммо ҳаммани бирданига турар жой билан таъминлашнинг иложи бўлмаганлигидан, хусусий уй қуришга руҳсат берилди. Аммо хусусий уй қурувчиларнинг сони жуда озчилиқни ташкил этиб, кўпроқ савдо соҳасида ва умуман, даромадли жойларда ишловчи амалдорлар ва удлабурон кимсалар давлат мулкни ўзлаштириш ҳисобига уй-жой бунёд этганлар. Бундай кимсалар қаттиқ жазога тортилиб мулки мусодара қилинарди. Бундай тadbир айниқса Н. Хрушев даврида кучайиб, одамлар кечаси ўйларини бўшатиб, ташлаб, ғойиб бўлганликлари ёдимда, ҳатто машина сотиб олувчилар ҳам шубҳа остига олиниб текшириларди.

Совет даврида кулларни сотиш ва сотиб олишга эҳтиёж қолмади. Чунки мамлакат ичида ҳам, хорижда ҳам кул бозорлари бўлмаган. Давлат кулларнинг ягона эгаси бўлганлиги учун унга харидор йўқ эди.

Қадимги кулдорлик давлатларида эса жамият озод ва куллардан ташкил топиб, йирик хусусий кул эгалари билан бир қаторда давлат ҳам кишиларни куллик ҳолатида ушлаб турган.

XX асрда фан ва техника шу даражада юксалдики, усиз бирон давлатнинг яшаши мумкин эмас эди. Коммунистик партия бунга яхши англаб, «социализм»нинг манфаати доирасида бўлса ҳам маориф, олий ва ўрта таълим тармоқларини, фан ва маданиятни бирмунча ривожлантириб, совет кадрлари - мутахассис ва олимлар етиштирди.

Бу ерда савол туғилади. Нахотки, совет даврида етиштирилган ўқитувчилар, шифокорлар, агрономлар, муҳандис-техник ходимлар, олимлар ва бошқа соҳа эгалари кул бўлган бўлсалар? Бунга, ҳа, росмана куллар бўлишган, лекин замон тараққиётига монанд равишда саводли ва билим-

ли куллар эдилар, холос, деб жавоб бериш мумкин. Чунки улар юкорида кўрсатилганидек, сиёсий ва инсоний ҳуқуқ, хусусий мулк, миллий маънавият ва диндан маҳрум этилиб, «партиянинг аскарлари» ҳисобланган. Шунингдек, улар озодлик ва эркинликни барбод этган коммунистик ғоялар билан заҳарланган. Шу муносабат билан менга: «Домла, айтинг-чи, совет даврида сиз ҳам ўзингизни малакали кул, деб ҳис этганмисиз» деган савол беришди.

– Ҳа, мен ва бошқа олимлар юкори малакаи куллар бўлганмиз, деб жавоб бераман. Чунки биз олдинги сафда туриб коммунистик ғоя ва «социализм»ни энг адолатли ва афзал тузум сифатида кўкларга кўтарганмиз. Ваҳоланки, мустамлакачилик, зулм, бебаҳо бойликларимизнинг таланиши кўз ўнгимизда содир бўлаётган эди. Аммо бирортамыз отилиб чиқиб, партиянинг сиёсатига қарши чиқмадик. Аксинча, партияни олқишладик. Бунга ўта эҳтиёткорлик ва жасоратсизликни туғдирган кул табиатлигимиз сабаб бўлган. Агар биз том маънодаги озод кишилар бўлганимизда босқинчилар зулмига қарши курашишимизга шубҳа йўқ эди. Чунки онги ва қалби озодлик ғоялари билан суғорилган кишиларнинг миллатпарварлиги жўш уриб, мардонавор курашади. Буни яхши анлаган совет давлати халқни куллик кишилари билан боғлаб қўйди. Бу ўз самарасини бериб, 30 йиллардан то кизил империя йиқилгунга қадар бўлган даврда зулмга қарши кўзғолон кўтарилмади. Аксинча, коммунистик партия ва давлат сиёсатига кўр-кўрона эргашиб ва улуғлаш авжига миниб бораверди. Бундай ҳолат кишлоқ аҳолиси орасида ҳам содир бўлиб, кул меҳнати мисли кўрилмаган даражада азоб-уқубат ва талофатларни келтирди. Давлат томорқа ер бериб, дехқонларни ҳам ўзига ипсиз боғлаб қўйди. Борди-ю улар ишлашдан бош тортсалар, томорқа тортиб олиниб, ўзлари қайдалган. Ўзбекистонда пахта яккахокимлигининг ҳукм суриши дехқонларни кулчилик ботқоғига қулоғигача ботириб юборди. Совет даврида онгли равишда кимё ўғитлари билан ер, сув, ҳаво ва озик-овқат маҳсулотларининг заҳарлантирилганлигини, оммавий касаллик ва ўлим кучайганлигини унутиб бўлмайди. Ўзбек аёлларининг умри меҳнатда чириб, аёлларга ҳос нозик фазилатларни йўқотиб «дағаллаштилар». Бу хусусда совет даврида бир дехқон йигит билан суҳбатимни келтириш масалани янада ойдинлаштиради.

Фарғонанинг Водил деган жойидаги чойхонада ўтирганимизда шогирдим Исмоилжоннинг таниши ўрта ёшлардаги дехқон бир коса ош билан ёнимизга келиб ўтирди. Салом-алиқдан сўнг деди: «Бир йилда бир маротаба шу ерга Шохимардонга хотиним ва болаларим билан келиб бир оз дам олгандек бўламиз. Мен Россияда армияда хизмат қилиб юрган вақтимда рус аёлларининг кўринишининг тоза ва ёқимлилиги ҳамда

қўллари юмшоклиги, яшнаб юришларини кўриб ҳавасим келган. Шунда кишлоғимиздаги аёлларнинг ниҳоятда оғир меҳнати, қўллари ва оёқлари ёрилиб ҳамда дағаллашиб кетганлиги кўз ўнгимда гавдаланиб жуда хафа бўлганман. Хув анави менинг хотинимга кўз ташланг, домла, қовжираб ётган баликка ўхшаб қолган. Унга раҳмим келади, негаки, бир кеча-кундузда 20 соат меҳнат қилиб, дам олиш ва ҳаммомни, пардоз ва яхши кийинишни унутиб юборган. Ҳатто хотиним пахтазорда ишлаётганда дард тутиб қолибди. Уни туғурқхонага олиб кетаётганда машинада кўзи ёриб, бир ўлимдан қолган эди». Шунда Исмоилжон у ёқ-бу ёққа алаңлаб: «Ука, секинроқ гапир, бировлар эшитса, сиёсий тус бериб, ғалвага қоламиз», деб кўйди.

Бу оддий деҳқоннинг сўзлари фақат унинг хотинининг эмас, балки кишлоқлардаги ҳамма аёлларнинг ачинарли ҳолатини ифода этган эди.

Бешинчидан, совет даврида том маънодаги социализм эмас, балки қулдорлик тузуми ҳукм суриб, 100 млн. дан ортиқ аҳоли қуллик қишанида ҳаёт кечирди. Узоқ ўтмиш замонларда ҳеч қачон бундай қудратли қулдорлик давлатли бўлмаган эди. У ҳарбий жиҳатдан ҳам ном чиқариб, қўшн даҳшати қурол-аслаҳалар билан шайланганди. Бундай қилишдан мақсад фақат қулларни ушлаб туриш билан бир қаторда жаҳонда яққаҳоқимлик учун курашишдан иборат эди. Аммо вақт ўтиши билан қулчилик қизил империяни емириб бораверди. Чунки қулчилик аллақачонлар ошини ошаб, ёшини яшаб, тарих ёдгорлигига айланган эди.

Эндиликда қадимги даврлар ўтиб, бутун жаҳон бўйлаб озодлик ғоялари ҳукм суриб, фан ва маданият ривожланиб гуркирамоқда эди. Мана шундай янги замон шаронтида қулчиликнинг пайдо бўлиши ғайритабиий ҳол эди.

Хўш, шундай экан, нима учун совет даврида қулчилик юзага келди?

Бунинг асосий сабаби, бутун мамлакатда социализм тузумини қуриш учун шарт-шароит мутлақо етишмаган эди. Ахир, коммунистларнинг дохийси К. Маркс социализмни фақат бутун дунёда ялписига тараққиётга эришилгандан кейингина бунёд этиш мумкин, деган эди-ку. Бунга эришиш учун яна юз йиллар керак бўлади-ку. Ваҳоланки, Россия Оврўпа мамлакатлари орасида ҳар жиҳатдан энг қолоқ мамлакат сифатида донг чиқарганди. Унинг қўл остидаги мустамлақалар ундан ҳам баттарок қолоқ эдилар. Масалан, Ўрта Осиё шулар жумласидан эди.

Бироқ В.И. Ленин бошлиқ болшевиклар шароит етишмаганлиги билан ҳисоблашмай, «бир мамлакат доирасида ҳам социализмни қурамиз», деб жар солдилар. Улар шароит етилмаганлиги боис социализмни қирғинбарот ва қул меҳнати билан бунёд этишга қаттиқ киришдилар. Шу тарзда коммунистик партия бир мамлакатда социализмни қурамиз, деб чираниб биринчи хатога ва уни зўравонлик билан амалга ошириб иккинчи ха-

тога йўл қўйди. Бу хатолар партия ўйлаганидек, социализмни эмас, балки кулдорлик давлатини юзага келтирди. Бу билан тарих ғилдираги олдинга эмас, балки бир неча юз йилларга – орқага юргизилди. Шунинг учун ҳам, бу давлат янги замон тараққиётига мос тушмай, фавқулоддаги воқеа деб баҳоланди. Тиш-тирноғига ядро ва бошқа дахшатли қуроллар билан қуролланишига қарамай, унинг урушсиз ағдарилишига худди шу кулчиликнинг ўзи сабаб бўлди. Кечагина бутун вужуди билан коммунистик партия ва давлатга сизгинаётган халқ совет иттифоқи ҳалокатга учраётганида уни қўлаб-қувватлаш ва курашиш ўрнига, гўё ҳеч нарса бўлмаганидек тураверди. Бунда халқнинг қултабиатлиги ўз кучини кўрсатди. Бирок у озод бўлаётганлигини англаган ҳолда қатта мамнуният ва хурсандчилик билан бошини қўтарди. Ватанпарвар, жасоратли ва мард кишилар уларга таяниб ва бошчилик қилиб, совет иттифоқини гўрга кўмдилар.

Шу тариқа кулдорлик тузуми қизил империянинг ҳалокатга учратган асосий омили бўлганиди. Борди-ю, менинг фикрларимни тан олмайдиган олимлар топилса, совет даврида қандай тузум бўлганлигини ўзлари айтишсин. Олдиндан шуни маълум қиламанки, 70 йилдан ортиқ даврда хусусий мулкчилик, эркин бозор ва савдо-сотик, диннинг тақиқланиб, феодализм ёки капитализм тузуми қораланди. Аммо социализмнинг қурилмаганлиги «отнинг кашқасидек» ҳаммага маълум эди. Шундай экан, совет давридаги кулдорлик тузумини инкор этиб бўлмайди.

КАКОВЫ ПРИЧИНЫ КРУШЕНИЯ СОВЕТСКОГО СОЮЗА?

По этой важной проблеме существуют различные точки зрения. Так, одни говорят, что М. Горбачев и Б. Ельцин были главными виновниками в крушении Советского Союза. А Сергей Шахрай утверждает, что советская конституция предоставляла союзным республикам право на свободный выход из состава СССР и это являлось миной замедленного действия («Аргументы и факты», № 9, 2001). Однако всем известно, что эта конституция была лишь показухой, никогда не имела никакого практического значения. Даже малейшая попытка или мысли в слух о независимости и свободе Родины моментально подвергались суровым наказаниям, вплоть до расстрела. За такие суждения люди обвинялись в «национализме», их считали «агентами американских и английских империалистов».

Известно, что 16 ноября 1917 г. советское правительство опубликовало «Декларацию прав народов России», в которой провозгласило равенство и суверенность народов России, право на свободное самоопределение, вплоть до отделения и образования самостоятельного государства. В этом духе было написано Обращение Советской власти «Ко всем трудящимся мусульманам Востока!». Народы Туркестанского края, поверив большевикам, с радостью и ликованием приняли Декларацию. Так, 27 ноября 1917 года представители узбекского, казахского, таджикского, туркменского и киргизского народов в Коканде на съезде мусульман края провозгласили создание Туркестанской автономии и ее правительства. Однако, это вызвало ярость большевиков и Красная армия в 1918 г. разгромила автономию, разрушила город и много кишлаков до основания, были уничтожены тысячи людей. Зверства дошли до такой степени, что были убиты даже дети, лежавшие в колыбелях.

Варварство красных отрядов во главе с большевиками естественно привело к образованию движения сопротивления против советской власти, которое большевики называли совершенно необоснованно «басмачеством». В сущности, это было национально-освободительное движение, поскольку борьба была направлена на достижение независимости и свободы Родины. Они были жесточайшим образом разгромлены, было разрушено много городов и кишлаков. Ни для кого не секрет, что в числе людей, подвергавшихся репрессиям в 20–30-х годах, было немало лиц, расстрелянных, как сторонники самоопределения.

Нельзя согласиться и с другим мнением Сергея Шахрая о том, что Иван Полозков и Геннадий Зюганов, создав КП РСФСР, в критические дни для партии противопоставили ее союзному руководству, этим самым внесли решающий вклад в развал КПСС и в распад Союза.

На самом деле перед этим Коммунистическая партия и само советское государство были смертельно поражены, и ничто не могло удержать этот процесс.

Неубедительна и точка зрения Е. Примакова, который отвечая на вопросы главного редактора «Аргументы и Факты» Н. Зятькова в статье «Какова вина М. Горбачева и Б. Ельцина?», сказал, в частности, что если бы Горбачев дал тогда команду Белорусскому военному округу окружить Беловежскую пушу, даже не арестовать, отобрать подготовленные впопыхах документы, все могло быть иначе («Аргументы и факты», № 30, 2009).

Это тоже неверная оценка ситуации, так как распад Советского Союза был предопределен, оставалось только формально его зафиксировать. С другой стороны, только уничтожением одного документа остановить гибель советской империи было немыслимо. По некоторым данным, после заключения указанного договора о создании СНГ М. Горбачев обратился к маршалу Шапошникову и военным округам, но это не было принято во внимание.

Каковы же подлинные причины крушения Советского Союза?

Во-первых, все грехи таились в великодержавном шовинизме и фиктивном «социализме». Для достижения этой цели союзным республикам не дано было право иметь собственные национальные государства и армии, сделать родной язык государственным языком, назначать самостоятельно ведущий состав управления. Руководители республик, находясь в полном подчинении Кремля, по своему усмотрению не могли сделать ни одного шага, в противном случае они получали наказания вплоть до увольнения с занимаемой должности. Народам не были предоставлены политические и гражданские права. Они не имели права связаться с зарубежными странами, вся страна была окружена «железным занавесом». В целом, народы союзных республик находились в тисках колониальной и антинациональной политики Советского Союза.

Вышеизложенное говорит о формировании политической основы рабовладельческого государства под прикрытием «социализма».

Во-вторых, был подорван политический и социально-экономический строй, существовавший испокон веков, сыгравший неопределимую роль в развитии человеческого общества во всем мире. Однако, коммунистическая партия ликвидировала частную собственность, свободный рынок и производство, задушила личный интерес и инициативу граждан. Все живое и не-

живое существо природы, в том числе и люди считались государственными. Тому подтверждение лозунги типа «Мы солдаты партии», «Мы государственные люди», «Мы дети и внуки Ленина», «Мы дети великого отца Сталина» и т.п.

Создание колхозов привело к трагическим последствиям: к голоду, нищете, рабскому труду и унижению человеческого достоинства.

Особенно плохо было положение в республиках Средней Азии, где грабили богатства всех видов. Например, в Узбекистане создание монокультуры хлопка привело к трагическим последствиям. Беспредельное употребление ядовитых минеральных удобрений, а также дефоляция хлопчатника привели к увеличению различного рода заболеваний, как среди сельского населения, так и среди животного мира. Материальная жизнь населения кишлаков сельского населения была очень плачевной.

В связи с этим, вспоминаю слова дехканина среднего возраста об участии узбекских женщин советского периода: «Когда я служил в армии на территории России, то завидовал русским женщинам, которые выглядели красиво, опрятно и приятно, а руки и ноги у них были нежными и привлекательными. В те минуты я очень огорчался, представляя себе образ и жизнь наших сельских женщин, измученных от тяжелого труда. Посмотрите на мою супругу, она похожа на «копченную рыбу». Мне очень жаль ее, потому что в колхозе она трудится с раннего утра до позднего вечера, давно забыла, что такое отдых и баня, косметика, хорошие наряды. Однажды дело дошло до того, что у нее начались схватки прямо на хлопковом поле. А родила в машине, когда везли ее в роддом, была на волоске от смерти». Послушав его, мой ученик Исмаилджан испугался и, оглянувшись по сторонам, сказал: «Братец, говори потише, если услышат, то предадут этим словам политическую окраску и беда всем нам будет». Эти слова простого дехканина олицетворяли положение не только его супруги, но и всех женщин, работавших, как рабыни на полях колхозов и совхозов.

Пустые магазины, раздача продуктов и других многих жизненно важных вещей по талонам (лимитам) стали обычными явлениями «социализма». Одним словом, в советский период образовался рабовладельческий строй, появление которого было случайным явлением, так как рабство давным-давно исчезло и стало как бы историческим памятником. Поскольку рабовладельческий строй был построен путем страшной кровавой расправы (убито 40 млн. чел.), не имел соответствующего фундамента, просто висел в воздухе, то он и не мог существовать без ограничения свобод граждан, тотального контроля всех сфер жизни империи. Поэтому коммунистическая партия вынуждена была тратить 80% национального дохода на вооружение армии и силовых структур. В целях достижения мирового господства и распространения коммунистической идеологии она тратила

огромные средства на поддержание зарубежных коммунистических партий, стран Восточной Европы, а также Китая, Вьетнама, Северной Кореи, Кубы и других стран, тогда как народное хозяйство самой страны находилось на грани катастрофы.

Ежегодно из Узбекистана вывозилось в центр 100 тонн золота высокой пробы, в среднем 3—4 млн. тонн хлопкового волокна, а также шелк, серебро, медь, уран и многие другие природные богатства. Подобного рода разграбление богатств коммунистической партией имело место и в других республиках. Короче говоря, союзные республики были источниками сырья и рынком сбыта для советской империи.

В рассматриваемый период наблюдалось и обнищание в духовной жизни народов республики. Так, прежде всего, следует отметить запрещение религии, национальных идей и традиций. Не допускалось, чтобы народы гордились своей историей, культурой и Отечеством. Были разрушены и разграблены шедевры национальной культуры. Вместо запрещенных национальных идей, насильственным образом воплощались в жизнь коммунистическая идеология, пропитанная духом колонизаторской политики, шовинизма и рабства.

Все это привело к формированию экономической и идеологической основы рабовладельческого строя.

В-третьих, рабство советского периода имело свои особенности по сравнению с рабством древней Греции и Рима. Поскольку в те далекие времена существовало натуральное хозяйство, рабов обеспечивали продовольствием, одеждой и общежитием. В советское же время в связи с развитием денежного обращения рабам устанавливалась зарплата и представлялась жилая площадь. Человек, лишенный права иметь земельную собственность и вообще какого-либо источника дохода, вынужден был стоять покорно перед партией и государством, чтобы не потерять работу и зарплату. Таким образом, государство посредством зарплат крепко закрепило за собой миллионы людей и право распоряжаться ими, как ему угодно.

Известно, что в древние времена общество состояло из свободных людей и рабов. Первые в своем хозяйстве широко использовали рабский труд. В распоряжении государства также были рабы, существовало их купля и продажа. А в советское же время все подданные без исключения были рабами, единственными их владельцами были только партия и государство. Поэтому не было необходимости организовывать рынок для продажи рабов.

В связи с этим возникает вполне резонный вопрос: разве ученые, инженеры, агрономы, медики и другие были рабами? А вы себя считали рабами?

Да, все, без исключения, были рабами. В XX в., когда наука и техника получили свое небывалое развитие, обойтись без профессионалов стало невозможно. Поэтому в годы советской власти была ликвидирована безгра-

мотность и развивались наука и техника, но в условиях рабовладельческого общества. Соответственно этому, ученые, инженеры и другие считались рабами, поскольку они были лишены политических и гражданских прав, частной собственности, личного интереса и инициативы, а также религии. Они были образованными рабами, что явно выражалось в их мировоззрении. Интеллигенция, как и все другие, восхваляла политику партии, социализм, тогда как все беды и ужасы, в частности, жесточайшие репрессии, надзор и преследования, незаконные и унижение происходили на их глазах, что терпеть могли только рабы.

В-четвертых, в годы советский власти не был построен социализм в полном смысле этого строя, потому что для его строительства не было необходимых предпосылок в России, которая считалась отсталой страной Европы! А в союзных республиках положение было гораздо хуже. Еще К. Маркс отмечал, что «социализм можно построить в то время, когда в мировом масштабе будет равным образом развиваться цивилизация». Однако, коммунистическая партия, не учитывая это положение объявила о построении социализма в одной стране, что оказалось на практике невозможным достичь мирным путем из-за отсутствия соответствующих условий. Не оставалось ничего другого, как хищническим образом бороться собственными подданными, т.е. конфисковать в пользу государства имущество и богатство людей, землю, промышленные предприятия, расстреливать, ссылая миллионы людей, варварским путем создавать колхозы, что привело к неслыханному разорению народного хозяйства.

Итак, рабовладельческий строй был главным и решающим фактором гибели советской империи. Как правильно отмечено институтом истории АН России, Советский Союз был врагом всего человечества. И это останется на все времена.

В-пятых, одним из важных признаков рабства являлось то, что люди не имели даже малейшей возможности сопротивляться антинародной и античеловеческой политике партии и государства. Если говорить на примере Узбекистана, то в течение многих десятилетий было вывезено огромное количество бесценных богатств в центр красной империи. По словам президента Ислама Каримова в течение последних 15 лет советской власти в Россию было отправлено только хлопка и золота на сумму 35 миллиардов долларов.

Если бы народ был по настоящему свободным, то разве он мог бы допустить подобное разграбление своего богатства. Однако, этого не случилось из-за рабской покорности и мышления, пропитанных коммунистической идеологией. Разумеется, в их числе были и люди недовольные хищнической политикой советского государства, но страшно боялись выступать открыто.

МУНДАРИЖА

Кириш	5
Болалик ва ёшлик йилларим (1923–1941)	8
Армия ва фронтдаги фожиялар (1942–1943)	27
Она юрт бағрида	39
Илмий фаолиятим (1946–2013)	44
Қадимги ва ўрта асрлар тарихи	48
Россиядаги ўзбекларнинг ҳаёти ва тақдир	53
Россия тажовузлари тарихи	58
Мустамлакачилик даври ва миллий-озодлик курашлари тарихи	60
Публицистик фаолияти	64
АҚШ президенти Билл Клинтонга хат	72
Бадний ижод фаолияти	77
Онлайн академия	77
Устозлик ва мураббийлик фаолияти	79
Ҳамид Зиёев раҳбарлигида химоя қилинган диссертациялар	79
Мустақиллик йилларида нашр этилган асарлар	82
Ўзбек-рус алоқаларининг тарихи бўйича асарлар тўплами	82
Латин алифбосида chop этилган асарлар тўплами	83
Ҳикоялар тўплами	84
Мустақиллик йилларида нашр этилган мақолалар	84
Ҳамид Зиёев ҳақида маълумотлар	94

ОГЛАВЛЕНИЕ

Введение	98
История узбекско-русских отношений	103
История завоевания Туркестана Россией	105
Вопросы колониального периода и национально-освободительного движения	106
Публицистическая деятельность	108
Письмо президенту США Биллу Клинтону	111
Литературное творчество	117
Семейная академия	117
Заботливый наставник	119
Диссертации, защищенные под руководством Хамида Зиёева	119
Труды, опубликованные в годы Независимости	122

Сборник произведений по истории узбекско-русских отношений	122
Сборник произведений на латинском алфавите	123
Сборники рассказов	124
Статьи, опубликованные в годы Независимости (1991–2013)	124
Материалы о деятельности Хамида Зияева	134

ИЖОДИДАН ЛАВҲАЛАР

Тошкендаги Куръони каримнинг асл нусхасини ким келтирган?	138
Жадидлар фаолиятининг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий йўналишлари	143
Иккинчи жаҳон уруши фожиаси ва сабаблари	158
Ўзбекистон мустақиллигини тиклаш учун курашлар (1989–1991)	180
Озодлик курашларининг хусусиятлари	186
Истиклол учун бирлашайлик	189
Мустақилликнинг буюк самараси ёхуд олтин давр тантанаси	203
Совет иттифоқи нима учун ағдарилди?	218
Каковы причины крушения Советского союза?	225

М. Абдурахмонов, А. Шарофиддинов, А. Умаров

**ҲАМИД ЗИЁЕВНИНГ ҲАЁТИ,
ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИ
(1923–2013)**

Дизайнер А. Фозилов

Техник муҳаррир ва саҳифаловчи М. Гадалина

Наширёт лицензияси А1 № 226, 16.11.2012. Оригинал-макетдан босишга рухсат этилди 07.08.2013. Бичими 70x100^{1/16}. Кегли 12 шпонли. Таймс ҳарфида теришиб, офсет қоғозида чоп этилди. Шарҳли б.т. 14.5. Адади 100 нусха. Буюртма № 850.

«ART FLEX» нашриёти. 100129, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-уй.

«TOSHKENT TEZKOR BOSMAXONASI»да чоп этилди.
100200, Тошкент ш., Радиал тор кўчаси, 10-уй.



«ART FLEX»

ISBN 978-9943-345-67-6



9 789943 345676